

А
К

84/54/7
2759

ҚИССА

І
**МУСОФИР
ГҮДАК
ҚИСМАТИ**




Азамат ҚОРЖОВОВ

МУСОФИР ГҮДАК ҚИСМАТИ

I китоб

Кисса



Тошкент
«ЦОД-PRESS»
201.

УУК: 821.512.133-3

КБК: 84(5У)6

К59

Коржовов, А.

Мусоғир гўдак қисмати: (қисса) К.1/А.Коржовов.—Т., IJOD-PRESS, 2016. 204 б.

УУК: 821.512.133-3

КБК: 84(5У)6

Банкда ишлаётган кўхликкина жувон — Лайло кредит масаласида жиноий ишга қўл уради. Бир хатоси етмагандек иккинчи хатога ҳам йўл қўяди: эри билан ажрашиб, уч ёшли ўғлини етаклайди-да, Туркияга жўнайди. Шу йўл билан хориждан ҳаловат, баҳт, омад топмоқчи эди. Бироқ тақдир чархпалаги тескари айланади. Истанбулда асли самарқандлик бўлган Дилдора исмиш аёл кутуб олиши керак эди. Унинг шарти — Лайло ёлғиз келиши керак, ўғли эса ҳисобда йўқ...

Азамат Коржовонинг “Мусоғир гўдак қисмати” қиссасида онасининг хатолари туфайли бошига мисли кўрилмаган оғир саргузаштлар тушган уч ёшли болакайнинг чет эллардаги сарсон-саргардонликда кечган кунлари тасвирланган. І китобга мазкур қиссанинг биринчи қисми киритилган.

Тақризчи:

Баҳодир АБДУРАЗЗОҚ – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

ISBN 978-9943-994-20-1

Abdulla Qodirly nomidagi
viloyat AKM

INV № 168528-20194

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2016

I ҚИСМ

Ушбу қисса реал воқеаларға асосланған бўлиб, “Суғдиёна” газетаси Бош мұҳаррири Амира Рашидова 2011 йилда Туркия сафаридан қайтганида ҳикоя қилиб берган эди. Сюжет учун миннатдорчилик билдираман.

Муаллиф

1

Йигирма беш ёшга тўлибдики, Лайло самолётда учмаган, иллюминатордан поёнсиз осмонга, пастликда сузаётган паға-паға булатларга назар солмаган эди. Темир қүш гувиллаб кўкка кўтарилиб, Туркия қайдасан, деб кун ботиш томонга қанотларини кериб, қайрилганида кўнгли яна бир орзиқди, бирдан беҳузур бўлиб, ўқшиб юбораёзди, аммо ўзини тутди. Ёлғиз эмас, ёнида жигарбанди бор – уч ёшли Жаҳонгир. Гудаккина анчайин зеҳнли, ўтқиркӯз, тўполончи бўлиб, ҳаммасидан ҳам аълоси – онасига ҳаддан ташқари меҳрибон эди. Агар онасини афтодаҳол кўрсами, қўрққанидан йиғлаб юбориши тайин. Лайло эри билан ажрашгунча жанжаллашган дамлари Жаҳонгир ўйин ўйнаётган жойидан туриб, онасининг тиззасидан қучиб олардида, ёш ҳалқаланган беғубор кўзларини отасига шундай жаҳл билан тикардик, тўққиз ой қорнида кўтарған, қийналиб дунёга келтирған ва сийнасидан иссиқ сут берган хилқатни ғолиб этарди.

Бугун она-боланинг бошига мусоғирлик қисмати тушди: қариндош-уругларининг норозилигига қарамай улар Туркияга жұнаб кетишишмоқда. Бир жиҳатдан Лайло бундан бошқа чорани кўрмәётган эди. Банкда тузуккина ишлаб юрган эди. Бир одам туфайли бошига қора булатлар тўпланди, ҳадемай қамалиши аниқ бўлиб

қолди. Тушларига даҳшатли қамоқхона, фарзанди билан ўрталарига тушадиган айрилиқ, қотил ва гиёхфуруш маҳбуса хотинларнинг тунлари азоблаб чиқишилари кирад, алаҳлаб чиқарди.

Лайло Самарқандда туғилди, оддий оиласда униб-ўсли. Бухоро ва Тошкентга автобусда саёҳатга борганлари, атроф-жавонибдаги тоғларга дам олишга чиққанлари ҳисобга олинмаса, чорак асрлик ҳаёти шаҳарда кечди. Тарабалик чоғлари ҳам она шаҳридаги банк колледжида ўтгач, ўқишининг сўнгги кунларида эшигини совчилар қоқди.

— Холангнинг микрорайондаги дугонасининг ўғли, — деди онаси бўлажак куёв ҳақида, — ичмас, чекмас экан, мактабни тамом қилгандан бери савдода эмиш, Санѓзордаги қурилиш дўконларида сотувчи. Холангнинг айтишича, жуда улдабурро эмиш. Тўйни ўтказиб олсан, пул тўплаб, дўкон очаман, савдонинг ҳамма сирини ўргандим, дебди. Отанг ҳам сени ўша йигитга бермоқчи, йигит билан бир гаплаш, ўйлаб кўр, хўпми?

— Кўнглимга ёқмаса-чи, ая?

— Кўнгилга кимлар ёқиб, кимлар ёқмайди, қизим. Муҳими, ақлингни ишлатишинг!

Икки ёш темирйўл шоҳбекати қўчасидаги “Бинафша” ресторанида учрашдилар. Баҳорнинг серқуёш куни, душанба эди. Бўлажак куёвтўра дераза олдидаги столни буюртма берган экан, Лайло кўпроқ қўчага термилиб ўтириди. Рӯпарасидаги йигит ичмайдиган, чекмайдиган, топармон йигит бўлса бордир, аммо кўнглига сифмади, айниқса, бир умрлик ҳамроҳи бўлишини ўйлаб, сездирмасдан уҳ тортди...

— Нима ичасиз? — сўради стюардесса.

Лайлонинг хаёли пароканда бўлди. Самолёт ҳаво уммонида бир текис сузиб борарди. Кимлардир суҳбат Қурмоқда, кимлардир ухламоқда. Болалар қийқирифи, фингшигани эшитилади. Лайло ўғлига шарбат ичирди, ўзи ҳам ҳўплади...

Тўрт йил деганда оиласи бузилди. Мана энди у ҳаёт

ва дунё мағзига тушунмайдиган уч яшар ўғилчаси билан Европа остонасидағи шаҳарга – олис Истанбулга учиб бормоқда. Ҳамиша соғ-саломат бўламан, ҳамиша ўғлимнинг ёнидаман, деб ўйлаяпти: “Агар менга бир кор-ҳол бўлса, норасида боламнинг чет элда ҳоли нима кечади?” деган саволни кўнглидан бир бора ўтказмади ҳам. У ёқда – Туркияда мактабдош таниши Диля кутиб олмоқчи. Бегона юрт, бегона одамлар орасида битта ўша жувон, асл исми Дилдора бўлган хизматкорни танийди, холос. Ҳа, мактаб давридаги олифта, мағрур қиз бугун турк-хонадонларидаң бирида уй ишларини бажарувчи хизматкор. Телефонда айтишича, Истанбулда бир ойда минг доллар ишлаш мумкин экан. Масалан, касалларга, қарияларга қаровчилар ойига олти юз доллар ҳақ олармиш. Ошпазларга, уйни супуриб-сидирувчиларга ҳам ўшанчадан хизмат ҳақи тўланармиш. Агар хизматкор бирийла икки ёки уч ишни бажарса, яъни ҳам овқат пиширса, ҳам уйни тозаласа, бир ойда ҳаттоки минг доллардан зиёд пул ишлаши мумкин экан. Иш топиш ҳам муаммо эмасмиш. Истанбулда хориждан келганларни иш билан таъминловчи фирмалар бор экан. Алалхусус, Ўзбекистондан борган эркак-аёллар ўзбек фирмаларига учрашади, қарабсизки, таклиф этилган бир неча ишдан ўзига муносабини танлаб олиб, ишни бошлиб юборишади.

– Ўглингни онангга ташлаб кел, – деди Диля қўнғироқлашганида қатъий оҳангда. – Ёш бола билан бу ёқда ишлаб бўладими?! Ҳаражатларингни, хавотирларингни айтмайсанми! Жуда соғинсанг, ҳар ийли уйингга бориб-келасан. Үқдингми?

– Уқдим, – дея Лайло гўшакни кўксига bemажол босди.

Ўглидан айрилишни тасаввур этолмасди. Эрининг онаси уриш-жанжалларнинг бирида: “Неварамни суд орқали ўзимизда олиб қоламиз, кучли юрист топганман”, деганида Лайлонинг кўзларидан ўт чақнаб кетган эди. Боласидан тириклайин жудо бўладими? Ундан кўра ўзини ўлдиргани маъқул. Яхшиямки,

болани онадан айирадиган адвокат аслида йўқ шахс экан. Диля Туркиядан туриб жажжи Жаҳонгир ҳақида тежамкорлик нуқтаи назаридан шунчаки оддий буюмни тилга олгандек гапириб ўтиши Лайлого оғир ботди. Эридан ажрашганидан сўнг Жаҳонгир ёлғиз овунчоги бўлиб қолганди. Унинг учун фарзанди ота-онадан ҳам азиз эди гўё. Лайло уни касалманд онасига, қаҳри қаттиқ янгасига ишониб қолдирадими? Қолаверса, банкдаги муаммо туфайли тегирмон чархпалаги қайси томонга айланади, аниқ билмас эди. Балки юртига ташлаб кетган гўдагини ўн-ўн беш йил кўрмасликка маҳкум бўлса-чи? Лайло худди қочоқ жиноятчи каби ўғилчасига шошилинч ҳужжат таҳт қилди-да, тўсатдан жўнаворди. Минг доллар маош олса, жондан азиз, яккаю ягона фарзандини боқолмайдими? Диля ким? Ўлиб-тирилиб пул йифиб, уйига жўнатишни, Самарқанддан ҳовли-жой, дўкон олишни, машинали бўлишни истаган жувон. Лайло ҳозир уй-жойни, келгусидаги бизнесини ўйламаётган эди. Охирги вақтларда унга тинчлик керак бўлиб қолди. Ва не тонгки, мазкур ҳаловатни у хориждан ахтариш ташвишига тушди. Бу мисли кўрилмаган даражада катта хатоси бўлиб, уни, айниқса, бегуноҳ ўғилчасини кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоблар кутаётганини етти ухлаб тушида кўрмаган эди.

— Чипта олдингми? — қўнфироқ қилди Диля бошқа бир куни.

— Олдим... — Ҳозир дугонаси яна ўғли ҳақида суриштиради, нима деб жавоб беришни билмай, Лайлонинг юраги безиллади.

— Нархи қанча бўлибди?

Лайло бир кишилик чипта нархини айтди. Агар ўғлини ҳам бирга олиб бораётганини сездириб қўйса, Диля тўполон кўтариб, болали аёлга Истанбулдан иш топиб беришдан бош тортадигандек, Туркияning остонасидан ортига қайтариб юборадигандек эди.

Оғир хўрсиниб, кўзини юмди. Хаёли яна эри билан илк учрашган кунига учди. Шаҳарни баҳор қучоғига

олған күнлар эди. Ташқаридан қараганда, Лайло ва Алиасқарни севишгән жуғтлик дея гүмөн қилиш мүмкін эди, аслида эса...

— Нима ичасан? — деб сүради күёв дабдурустдан сенсираб.

Алиасқар үшанды Лайлого тикилиб, дастурхондаги ичимликлардан бирига құл узатди. Йигитнинг қалин қошлари, тимқора күzlари, учлари қайирилган қора соchlари бұлажак келинни үзиге мафтун этмаган эди. Бунинг устига сенлаб гапириши-чи? Одатда биринчи учрашувда сизлаб гапириларди.

— Бунча деразага қарайсан? — савол ёғдиришда давом этди күёвтүра. — Самарқанд күчаси, одамлар, машиналар. Ҳамма үз ташвиши билан қаерларгадир шошади. Биз эса қаёққа ҳам шошардик? Умр савдосини пиширишимиз керак, түғрими?

— Биrinchi марта мурожаат қилинганида, сизлаб гапирилади, — эътиroz билдириди Лайло.

— Эртага “Үзинг-чи?” деган гапни эшитиш учунми? — күлди күёвтүра. — Хоҳласанг, “Алиасқар ақа” деб чақыр, хоҳламасанг, йўқ. Бир қўшним: “Хотин эрини “ака” деб чақириши шармандалик, үз аканг билан ётибтурмайсан-ку!” дейди. Энди-и, унинг гапини роса түғри деёлмайман-у, ҳар ҳолда жон бор.

— Мен бу фикрингизга ҳам қўшилмайман.

— Узр, шунақа қўполроқ гапириб юбораман, лекин кўнглим тоза, ҳазилкашман. “Үзинг-чи?” деган гапимга тушунмадинг-а?

— Тушундим, — деди Лайло.

— Тушунган бўлсанг, эшитайлик-чи, — керилиб ўтириди Алиасқар.

— Ҳожибой Тожибоевнинг репертуаридан. Эр ҳар доим хотинини сизлаб гапиради. Бир куни назокатли бўлиш жонига тегиб, хотинига сенсирашни бошлишини айтади. “Қалайсан?” — дейди эри. “Үзинг-чи?” — деб жавоб беради хотини.

Алиасқар хохолаб кулиб юбордию ресторандагилар ажабланиб қараганини кўриб, оғзини бекитди.

— Қойил! Қойил!

— Нимадир ёқмадими? — ранжиди Лайло.

— Йүқ, йүқ, — дастурхон устидаги құлрұмолға оғзини артди Алиасқар, — фақат бир нарсаны эслатиб құймоқчи әдим. Европада сенсираб гапириш үзига яқин олишни билдиради.

— Сенсираш орқали үзига яқин олиш бизда ҳам бор. Яқин дүстлар, ҳамшақарлар үртасида.

— Гапимиз бир жойдан чиқаяпти! — бармоқларини шақырлатди Алиасқар.

— Лекин...

— Лекин, — күёвтүра келиннинг гапини кесди, — мен ҳам үша тоифаданман. Құнглига яқин одамига сизлаб гапириш бачканалик, сохталик!

Улар икки соатга яқин үтирдилар. Ҳархолда үртадаги совуқлик тобора совимади, оз-оздан илиб борди. Лайло нима ҳам дерди, иккилана-иккилана рози бўлди. Айтишади-ку, “Камчиликсиз дўст ахтарсанг дўстсиз, идеал ёр ахтарсанг ёрсиз қоласан”, деб. Бунинг устига у Самарқанд шаҳрида яшовчи йигитга турмушга чиқишини, эри үзидан тўрт-беш ёш катта бўлишини, бўй-басти масаласида бир қарич фарқни орзу қилган эди, тақдир зоҳирий жиҳатларни бир зумда тухфа этди-қўйди. Илк учрашувда кишининг ички дунёси масаласида тугал хулоса чиқариш ножоиз эканини үйлаб эса кўнгли янада таскин топди.

Кутимаганда Алиасқарнинг романтик туйғулари жүш уриб кетди.

— Лайло, “үнинчи” “Дамас” қайси маршрут бўйлаб қатнайди, биласанми?

— Ҳа, темирийўл вокзалидан аэропортга.

— Кел, шартта үша ёққа жўнаворамиз. Аэропортнинг нариги томонида далаҳовлилар бор, ёнгинасидан дарё оқиб үтади.

— Уйга кетишим керак.

— Бугун баҳтли кунимиз! Хурсандчиликни давом эттиришимиз керак! Биз танишдик, бир-бirimизга ёқдик, бир умр бирга яшашга аҳд қилдик! Шундай эмасми, Лайлой?

— Мен ҳали... — Шу пайт Лайлой яна иккиланди, турмушга чиқышни ҳам, дарё бүйига боришни ҳам рад этишни истади, аммо умр савдосида омадини бой берәётгандек ҳис этди үзини.

Үша куни Бухоро йұлы ёқалаб сайды қилишди. Зарафшон дарёсі бүйига тушишди, сувга тош улоқтиришди, нариги соҳилдаги балиқчи қушлар ҳақида баҳслашишди. Аслида дарёнинг сутранг қушлари ҳақида иккиси худди бир-бири ҳақида ҳеч вақо билишмаган каби бехабар әдилар.

Қайтишда Алиасқар такси ушлаб, Лайлони эшиги тагига ташлаб қўйди. Икки томон тўй тайёргарлигига киришдилар. Ҳашаматли ресторандаги фала-ғовур, меҳмонларнинг қийқириқлари, айниқса, Мардон Мавлонов, Авраам Руссо ва Тимут Темиров қўшиқлари ҳозир ҳам Лайлонинг қулоғи тагида жаранглагандек бўлди.

Эри билан ажрашгани хорижга кетиш сабабларидан бири эди. Ёнида суюнчиқ ва ҳамдард инсони бор одам боши оқсан юртларга йўл оладими? “Йўқ”, — деди Лайлой ичиди. Банк можароси тугул дунё можароси бўлмайдими! Севган ёринг қалқон бўлса, ажалинг етса ҳам армон нима, билмайсан...

— Ая, биз Тулкияга бояяпмизми? — ўнинчи марта эркаланиб сўради Жаҳонгир. — У ейлайда нималай бой?

— Тулкия эмас, Туркия дедим-ку, — мажбуран жилмайди Лайлой. — У ерда сену менга ўхшаган одамлар яшайди. Денгизни кўрасан. Денгизда нималар бўлади?

— Балиқлай.

— Ҳа, балиқларни, кемаларни, елканларни томоша қиласиз. Қирғоқ бўйидаги уйда маза қилиб яшаймиз. Деразадан қарасанг, каттакон кўприк кўриниб туради,

кинолардагидек. Биласанми, асалим, Туркияда сенга ўхшаган болалар күп. Улар билан боғчага қатнайсан. Самарқанддагидек маза бўлади. Ажойибми?

- Ҳа, — деди Жаҳонгир негадир кескин товушда.
- Нима бўлди сенга, Жаҳон?
- Дадам боғчага бойса, яна жанжал қиласизми?

Лайло гўдаккинанинг бошини силаб, ўпиб қўйди. Алиасқар Туркияда нима қилсин, Москвага ишга кетмоқчи. Бола-да, олис юртда яқинларини кўрмаслигини ҳали тушунмайди.

- Жўялайимни дадалайи келадила.

У дадасини соғингани сайин истироҳат боғидаги жанжални сира унутмагани кўриниб туради. Ҳақиқатан, Лайло бир куни тўполон кўтарган эди. Аслида асабини жиловламоқчи эди, фазаби қандай тошиб чиқди, ўзи ҳам билмай қолди. Гап шунда эдики, ажрашишга қарор қилишгач, Лайло ва Алиасқар фарзанд масаласида шартлашдилар: албатта, Жаҳонгир онасида қолади, отаси эса ҳар ҳафтада бир марта учрашади, кўчаларни, дўконларни айлантиради. Бироқ истаган вақтида, истаган жойга олиб кетмайди. Ўша куни Алиасқар шартлашишда кўзда тутилмаган кунда ўғлини боғчадан олиб чиқиб, кўчанинг нариги бетидаги истироҳат боғида сайр қилдириб юрганида, Лайло қидириб борди. Сал нарида ўша маржа — қурилиш моллари дўконларидан бирида сотувчилик қиладиган қиз чупча-чупс сўриб, отаболани илжайиб кузатмоқда эди. Алиасқар гулдек пок дилбандининг ҳузурига бирорлардан қолган шармсизни етаклаб келдими? Иккиси гўдакнинг гуноҳга ботмаган қўлчаларидан ушлаб боқقا кирдиларми? Қандай ҳаддисиғди бунга? Қиз оёқларини беҳаёларча чалиштириб, саланглатиб ўйнатишини-чи...

Ўшанда Лайло шундай хаёлларга борди, руҳиятида тўфон кўтарилди. Ҳозир ҳам оғир хаёллардан тобора эзилиб бораётганини англаб, яхши нарсалар ҳақида ўйлашга тиришди, хусусан, Туркия ҳақидаги орзуларига

эрк берди. Мәхрибон ва бадавлат турк хонадонига ишга жойлашади, улар Лайлонинг одоб-аҳлоқига, уй юмушларини бекаму күст бажаришига, тили ширинлигига, пазандалигига қойил қолишиади. Минг доллар эмас, икки минг доллар маош белгилашга жон-жон деб рози бўладилар. Байрамларда, туғилган кунларида қимматбаҳо совфалар беришиади. Ўғилчасини ўзларининг фарзанди ўрнида кўришиади. Юртини соғиниб, уйга кетиш ташвишига тушганида, “Сендеқ яхши хизматкор аёлни умримиз бино бўлиб кўрмагандик, илтимос, бир умрга қол, нима хоҳласанг қилиб берамиз”, дейишади. Лайло қолади. Бир куни эса...

Хаёллари шу жойда яна узилди. Бир неча ой мобайнида кредит ҳужжатларига имзо қўйдирган банк раҳбари Финляндияга қочиб кетгани ҳақида ўтган ҳафта эшитиб қолди. Уни интерпол қидиришни бошлиши ҳақида миш-мишлар ростга айланадиган бўлди. Бундан чиқди, Лайло боласи билан хорижга кетганини эшитишса, иш чигаллашиади. Терговчилар уни яна ахтариб келишиади: қарасаки, собиқ ҳурматли банк ходимаси Туркияда, аниқ манзилгоҳини ҳеч ким билмайди. Шундан сўнг уни ҳам интерполга беришиади. Лайлонинг эти жимиirlаб кетди. Демак, у Туркияда бир ойдан сўнг, нари борса бир йилда қўлга олинади. Лайло тажрибали жиноятчи эмас-ку, изсиз гойиб бўлса. Полициячилар эшикни қоқишини ёки кўчада йўлини машина тўсиб, басавлат ходимлар тушиб, ҳужжатларини кўрсатишини кутиб яшashi керак.

Юраги симиллаб оғриди. Энг ёмони, банкни ўмаришда эллик ёшли раҳбар билан йигирма беш ёшли оиласи жувон тил бириктирган бўлиб чиқиши! Ў, тухмат балосидан асрасин! Лайло эри билан ажрашиди, сўнг хорижга жўнаб кетди, банк раҳбари ҳам чет элда. Демак, улар буни олдиндан режалаштирган, ҳозир собиқ бошлиқ ва унинг ёш жазмани ишрат қилиб юришибди, деб ўйлашмайдими?

Лайло самолётни тўхтатиб, тушиб қолиши ёинки

учувчилар темир қүшни ортга қайтариши имконсиз эди. Турк аэропортидан чиқмасданоқ қайтиб кетсинми? Битта товламачи кимсани деб қамалиш учунми? Лайло үша ҳужжатлар ҳалокат келтирувчи қофозлар эканини билмаган эди. Қайси янги ходим үз бошлиғига ишонмайды? Лайло ёш эди, янги эди, үз вазифамни бажарайпман, деб имзо чекди. Туркияга кетишга ундаған, Самарқанд аэропортiga етаклаган күч яна бош күтарди. “Бахтимдан таваккал”, деди у...

Самолёт филдираклари Истанбулдаги дунёга машхур аэропорт – “Отатурк” заминидан бўса олган чоғда Лайло ўғлини қучиб ўтиради. У илк марта самолётда учганидан эмас, қўрқинчли хаёллардан ваҳимада эди.

Туркияга қадами етган йўловчилар аэропортнинг умумий зали томон оқди. Лайлонинг кўз ўнгидаги турли манзараплар жонланди: кутиб олувларнинг хурсандчиликлари, ўпишишлар, қучоқлашишлар, унсиз термилишлар, бир жойга тўпланган сайёҳлар, электрон ёзувларга тикилаётган кутувчилар, ойнаванд эшиклардан ташқарига чиқиб, бирин-кетин Истанбулга сингиб кетаётган сумкалилар.

Ҳаяжону ҳадикдан мутаассир Лайло ўғилчасининг қўлидан маҳкам ушлаб, барча ҳаяжонланувчи инсонлар каби шошилди. Қаерга шошилаяпти, нимадан қуруқ қолиши мумкин, англамас эди. Самолётдан ланж бўлиб тушган Жаҳонгир эса оёгини судраб босмоқда, уйқуси хуруж қилган каби бошини тик тутолмай, оғзидан суви оқиб сўлжайиб-сўлжайиб бормоқда эди.

- Юрсанг-чи, ўғлим, – қўлидан силтади Лайло.
- Ая, қаейга келдик? – сўради болакай атрофга аланглаб.
- Туркияга келдик, болажоним... Вой, рангинг бунча оқариб кетди?
- Сув ичаман.
- Ҳозир чой бераман.

Она-бала тұхтади. Лайло үтириб баклашқадан ўғилчасига чой ичираётганида, кимнингдир “Лайло!” деб қичқирғани эшитилди. Юраги қинидан чиққудек “ялт” этиб қаради, қарадио одамлар орасидан таниш чөхрани тополмай сапчиб оёққа турди. Бироқ бутунлай нотаниш хотин құл силкиб, яна қичқирди:

— Лайло, бу ёқдаман! Лайло-о-о!

Уларнинг ёнидан үтаётган узун пошнали қиз қийқириб, майда қадамлар билан ликиллаб чопди, пошналаридан тақиллаган товуш чиқди. Отдошига ошкора ҳасад ила боққанини Лайлонинг ўзи ҳам сезди. Диля қаерда қолди-я? Агар у келмаса... Худо күрсатмасин, умуман келмаса, иш топгунча меҳмонхонада яшашға пули камлик қиласын. Нари борса уч-тұрт кунға етса керак.

Аэропорт биносидан чиқмасликка қарор қилди. Ахир, Диля билан шу ерда учрашишга келишишган эди. Лайло шу дамда Диляни күрмаганига бир неча йил бұлғанини үйлаб, томирлари узра құрқувнинг совуқ ҳислари үрмалади. Самарқандда бир синфдош қиз орқали унинг телефон рақамларини топған эди. Диля ёнма-ён синфда үқиган бўлиб, бундай олиб қараганды, Лайлого на синфдош, на дугона эди. Албатта, икки қизни боғлаб турған ришталар аввалдан биттагина эмасди. Мактаб даврида Дилянинг ҳам, Лайлонинг ҳам обрүйи зўр эди, аксарият ҳолларда иккаласининг ҳам айтгани айтған, дегани деган бўларди. Ўз синфидагилари тугул бошқа синфдаги қизлар ҳам иккаласига-да ҳурмат ёки ҳайиқиш билан муомала қилишарди. Бироқ тақаббур ва олифта Диляга камхарж оиладан эканлиги кўп панд берарди. Қачон қарамасин, яхши кийиниб, йигитлар атрофида гирдикапалак бўлишни исташи йўлида нимадир етишмай қоларди унга. Ўз орзуларини ушалтириш учун ҳеч нарсадан қайтмас эди. Масалан, Лайло билан бир неча марта ади-бади айтишиб қолган бўлса-да, байрамларга, учрашувларга, тўйларга кийиш учун оқ пиджакчасини

бемалол ва бехижолат сұрарди. Бошқа сафар эса пул қарз беріб туришини илтимос қиласады. Ҳар ҳолда “А” синфдаги қызыларга нисбатан Лайлого күпроқ үзини дугонадек тутиши, күча-күйда, мактабда хуш-хандон ҳол сұрашиши юракда илиқлик уйғотғанды. Лайло ундан үзини юқори деб ҳисоблар, шу важдан сұраган нарсасини ёрдам тариқасида беришга жазм этар эди. Бир кун келип паст кетишга мажбур булишини, Диля қурмағур Туркиядан сиғинди жой ва чүриликка үшаш иш топиб беришни хаёлига келтирғанмиди? Аэропортда күттириб қўйишини-чи? Лайло ҳеч кимни бунчалик кутмаган, бунчалик ич-ичидан толиқмаган эди.

Шу тобда хаёлига ваҳимали ўй келди: “Ўғлим касал булиб қолса, нима қиласан?”

— Жаҳон... Жаҳонгир...

Бола секин кўз очиб, ташвишманд онаизорига боқиб, деди:

— Нима, ая?

— Яхшимисан? Уйқунг келаяптими?

— Уйга...

— Нима?

— Уйга кетайлик... Бу ей ёқмаяпти, ая...

Лайло жигарбандининг бошини маҳзун силади. Ярим соат ўтди, рейсдош йўловчилар тарқалиб булишса ҳамки, Диля қорасини кўрсатмади. Лайлонинг кўзларига ёш қўйилди. Ноилож ўрнидан қўзғалиб, Жаҳонгирни кўтарди, бир қўли билан гилдиракчали сафар сумкасини судради. “Меҳмонхонага бораман”, деди. Бироқ шу ондаёқ савол янгради: “Кейин-чи?”

Шу пайт Лайлонинг ёнида қирқ ёшлардаги аёл пайдо бўлди.

— Ёрдам керакмасми, синглим? — сўради у ўзбек тилида. — Таксигача юкингизни етаклаб боришим мумкин. Агар истасангиз...

— Йўқ, раҳмат.

— Самарқанд-Истанбул рейсидан түшдингизми? Самарқанддан эканингиз юз-күзингиздан маълум. Сизларни беш чақиримдан танийман.

Лайлонинг нигоҳлари беихтиёр полициячиларни ахтариб топди. Балки ўзини ўзбек қилиб кўрсатаётган бу аёл товламачи ёки одам савдоси билан шуғулланувчи жиноятчидир? Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Истроил, Малайзия каби мамлакатларга алдаб олиб кетилган қиз-жувонлар ҳақида Лайло кўп бор эшитган эди. Қора ниятлилар хорижга бошқа иш билан келганларни ҳам йўлдан уришга бир чираниб кўрармишлар.

— Яна бир марта кечиравасиз, — хирадик қилди аёл, — ёмон хотин деб ўйламанг, мен Худодан қўрқаман. Ёш бола билан қийналиб юрганингизни кўриб, раҳмим келди. Хўжайнингиз шу ерда, Туркияда ишлайдими?

— Йўқ, — деди Лайло йўлида давом этиб.

— Эсим қурсин, шу ерда бўлганида кутиб олишга чиқарди-да! Ўғлингиз ширингина экан, илойим, кўз тегмасин. Эҳтиёт бўлинг, хўпми, синглим? Бола ўғриси ҳар юртда бор.

— Илтимос, бизни ўз ҳолимизга қўйинг. Ҳозир кўнглимга қил сифмайди.

— Вой, нимадир бўлдими?

— Нима учун дардимни сизга айтишим керак, опажон? Мени тўғри тушунинг, яна бир марта илтимос.

— Бир ой аввал бозорда ўғлингиздек болачани қандай ўғирлашди, биласизми? Онаси қўлидан етаклаб, кофта-юбкалар растасида айланиб юрган экан. Бир растандан кийим олгач, аёл пулини санаш учун болачанинг қўлини қўйиб юборибди. Орқада турган мендек хотин этагини кўтариб, гўдаккинанинг бошига ёпиб, юбкаси тагига қамабди-да, шартта жўнаб қолибди. Қарабисизки, гавжум бозорда, куппа-қундузи бола ўғирланиб ўтирибди-да! Ана томоша-мана томоша!

— Бунинг нимаси томоша? — тўхтади Лайло. Нотаниш

хотин билан жиддий гаплашмаса, изидан қолмайдиганга, бирор касофатга йўлиқтирмасдан қўймайдиганга ўхшади.

— Сизни ёмонлардан огоҳлантираяпман, синглим.

— Нима, мени Туркияга биринчи марта келган, йўл-йўриқни билмайдиган, ҳеч кими йўқ авом деб ўйляяпсизми? Гапингиздан ватандошга ўхшайсиз, лекин... Очифи, ёмон шубҳа уйғотаяпсиз. Келинг, шу ерда яхшиликча ажрашайлик. Сиз мени кўрмадингиз, мен сизни, хўпми?

— Мен... — деб нотаниш хотин атрофга узроҳ аланглади.

— ...Мен ўйлагандимки... Ҳа, майли, безовта қилганим учун узр, синглим. Шунчаки... Бир қизни кутиб олишга чиққандим, Самарқанд-Истанбул... Аниқроғи, сизлар келган Истанбул-Самарқанд рейсидағи турк самолётидан тушиши керак эди.

— Кўриб турибсиз, ўша қиз мен эмасман.

— Ҳозир биттаси “Лайло” деб чақирди. Ўшамикан десам, бошқа экан.

Лайло сергак торти.

— Сиз кутаётган қизнинг исми Лайломи?

— Ҳа, — деди аёл. — Аслида уни танимайман. Аэропортга дугонасининг илтимоси билан келгандим. Самарқанддан синфдош дугонам келади, ёлғиз, деганди.

— Дугонаси Дилдорами? Ҳамма “Диля” дейди.

Аёлнинг кўз қорачиқлари кенгайиб ўт чақнади.

— Вой худойим-а, Лайло сизмисиз?

— Менман. Ўзи қаерда?

— Ҳеч иложини тополмади, — ёзғирди аёл. — Уйида кечадан бери измирлик меҳмонлар галаси бор! Ўн чоғли... — У телефонини чиқариб, рақам терди. — Манг, гаплашинг! Болам билан келдим денг! Сизни қиз бола деса, ҳадеб қизларга қарабман. Уни огоҳлантирганмидингиз?

— Нимадан огоҳлантираман? — телефонни қулогига тутди Лайло.

— Боладан. Ахир, у айтгандики...

Диля банд экан. Дастреки икки құнғироқни үчириб қўйди. Кейингисида шоша-пиша сўзлади:

— Келдингми, Лайло? Кечирасан, ишим шунақа кўпки! Зухра опа билан танишиб олдингми? Таксига ўтиинглар-да, бизнига келинглар. Айни иш топиладиган фурсат! Омадинг бор экан, дугонажон!

— Боланг билан келганингни айт, — пицирлади Зухра опа. — Бола ҳақида у ҳеч вақони билмайди.

Лайло бир сония нафас ростлаб:

— Диля, мен бу ерга ўғлимни ҳам олиб келдим, — деди.
— Уни ҳеч кимга ташлаб келолмадим.

— Ўғлингни олиб келдинг?! — Дилянинг овози бирдан дағаллашди. — Тушунмадим, Истанбулга ёш боланг билан келдингми? Ҳозир нариги хонага чиқай... — Бир оздан сўнг Дилянинг янада дағаллашган товуши эшитилди: — Бу нима қилганинг, Лайло? Ахир, нима дегандим сенга?

— Ҳеч иложи йўқ эди, Диля. Кимга қолдирман?

— Ёш боланг билан нима иш қилоласан? Қайта-қайта тайинлабман-а сенга! Ҳазиллашаётган бўлма!

— Энага топаман.

— Лайло...

— Дугонажон, болам мен учун ҳаммасидан муҳим!
Усиз яшолмайман.

— Тушунаман, лекин сен ишлашга келгансан.

— Ўғлимни энагага бериб, ўзим ишлайман, деяпман-ку, Диля.

— Сен бунақа содда эмасдинг-ку! — қичқириб юбораёзди Диля. — Ўзинг қулликка келган, тажрибасиз ёш қул бўлсанг, шу ҳолингга болангга қул ёллайсанми? Олти юз доллар маош оласан, ўша энага ҳам сендан олти юз доллар сўрайди-ку! Ҳамма жойни жонажон Самарқандингдек тасавур қилма! Оёғинг остида ҳам, бошинг устида ҳам чет давлат! Ҳеч қанақа қариндошинг, меҳрибонинг йўқ бу ерда! Қулликка келгансан! Қулдай ишлайсан!

— Бұлмаса, орқага қайтиб кетаман экан-да, — аччиқланди Лайлодың.

— Иш расво! — деди Диля да юрак-бағри күйіб уф тортди, сұнгра нечукдір юмшади. — Телефонни Зуҳра опага бер, бұлар иш бұлды.

Зуҳра опа сал нарига бориб, Диля билан икки дақиқача гаплашды. Дам Лайлода, дам Жаҳонгирда маңноли қараб қўйди. Атрофида нима воқеалар рўй берадётганини тушунмаган болакай бармоғини сўриб, ўтган-кетганларнинг антиқа сумкаларига қизиқсиниб тикиларди.

— Менинига борамиз, — деди Зуҳра опа телефонни ўчириб. — Неварамни жуда-жуда соғингандим. Болака энди менга невара бўлади... Мени “нана” дейсанми, қўзичофим?

Жаҳонгир ётсираб ўзини четга олди. Бироқ болакайнинг жажжи ақлчаси англадики, бу аёлдан бегонасирашни онаси хоҳламаётган эди. Демак, нотаниш холадан ўзини олиб қочмаслиги керак, шунда ҳаммаси яхши бўлади.

Зуҳра опа йўлда Жаҳонгирдан исмини сўради.

— Жаҳон, — деди болакай.

— Жаҳон! Ўҳ-ҳӯ, бутун жаҳонни кезиб чиқаркансанда? Полвон бола, полвон бола... Эҳ, бир вақтлар мен ҳам ёш бола эдим, миттигина қизча. Бобомнинг тиззасида ўтирадим. Бобом ўғилларига айтарди: “Жаҳонни кезмасдан туриб мусулмон бўлиш қийин”. Сен ҳам бир кун келиб катта эркак бўласан. Дунёни кезишни бугундан бошлабсан! Яша! Ҳали бунақа юртларнинг кўпини кўрасан!

Эҳтимол, Зуҳра опа шунчаки омади гап келди, айтдим-қўйдим-да, деб ўйлагандир, аммо ўзи билмаган ҳолда болакайнинг қисматидан фол очган эди. Лайлодың ниманидир сезган каби ўғилчасига ачиниб боқди.

Ҳавода күмир иси сузіб юрарди. Учаласи үтирган сариқ такси гавжум күчалар бүйлаб керакли манзил сари илгарилади. Зуҳра опанинг айтишича, Истанбулнинг дунёдаги барча шаҳарлардан ажralиб турадиган икки белгиси бор эмиш: бири — мачитлар, иккинчиси — байроқлар.

— Ҳар икки юз қадамда битта мачитни күрасиз. Айримларининг девори бир-бирига құшилиб кетган. Лекин албатта ҳаммани ҳам художўй деб үйламанг. Мен Истанбулга биринчи гал келганимда, бир турк аёлига ҳамроҳ бўлганман. У кела-келгунимизча юртини мақтади. Гүёки ҳамма сипо, художўй, имонли. Пиёнисталар эса умуман йўқ. Ўшанда турк хотин билан бирга битта таксида шаҳарга кирадиган бўлдик. Қаёқда дейсиз! Аэропорт йўлида, кўчанинг ўртасида бир мастга дуч келдик. Турк хотин уялиб: “Оддий аҳоли қўча-қўйда маст бўлиб юришни ор санайди, фақат аскарларгина шунаقا ичиши мумкин”, деди. Ҳа-а, ҳар жойнинг ўз мулласи, ўз пиёнистаси бор, нима дедингиз, Лайло?

— Байроқлар-чи? Улар нима учун?

— Ҳаддан ташқари ватанпарварлик, бошқа нима! Катта-кичик қизил байроқларни ҳокимият биносидами, оддий уйлардами, кўраверасиз. Ҳатто, самолётдан ҳам кўринади.

— Кечирасиз, уларнинг яна қанақа одатлари бор? Билиб қўйсам, дегандим.

— Сиз фақат оқсочлик қилишингиз мумкин. Нега? Чунки ошпазлик қилиш учун уларнинг ўз таомларини пишира олишингиз керак. Чурба, дўлма, эланозик каби овқатларни биласизми? Йўқ. Бизнинг таомларни, ҳаттоки паловни ҳам ёқтиришмайди. Ҳарҳолда мен ишлаган хонадонларда шунаقا эди. Ҳомхаёлман-да, Лайло. Истанбулни афсонавий шаҳар, орзулар үлкаси деб тасаввур қилганман. Бошим тап этиб деворга урилди, қўзим ярқ этиб очилди.

— Үнда нега қайтиб кетмайсиз? — ҳайрон бұлди Лайлола.

— Чүриликка үрганиб қолдим, — кулиб юборди Зухра опа. — Панжакентга борғанмисиз? Үша ерданман... Э, бу аёл фуурсыз чүри экан, деб үйламанг. Мен одамларнинг эмас, долларнинг чўрисиман. Яширмайман, энг яхши кўрганим — доллар!

Зухра опа она-болани ўзи хизматкорлик қиласидиган хонадонга олиб келди. Уй эгалари ҳафта-үн кунга Германияга кетган бўлиб, уйда ўн тўрт-үн беш ёшлардаги ака-сингил қолган экан. Табийки, улар хизматкор хотиннинг чақирилмаган меҳмонларини қувиб солишимади.

Эртасига чошгоҳга яқин ясан-тусан қилган Диля ҳаллослаб кириб келди. Мактабдош дугоналар қучоқлашиб-ўпишиб кўришдилар. Жаҳонгир пишиллаб ухлаб ётарди. Диля унга кўз ташлаб қўйгач, деди:

— Хўш, энди нима қиласиз?

— Билмасам, — елка қисди Лайлола, — сендан авваллари ҳеч ҳам ёрдам сўрамаганман, бу биринчиси. Ёрдам берарсан?

— Бир аёлни эшитганман, — гап қўшди Зухра опа, — Туркияга ёш боласи билан келган экан. Уй хизматкорлигига иш ахтараётганида, боласи ҳам борлигини айтган. Она-болани хонадонига оладиганлар топилган.

— Қизиқсиз-а, Зухра опа! — жеркиб берди Диля. — Нега топилмас экан? Топилади. Лекин... лекин дугонам ёлғиз келганида, тайёр иш бор эди. Минг доллар маощ.

— Вой-вой, анавиларми? — Зухра опа бир четга қош қоқди. — Уларга бунча меҳрибон бўлиб қолгансан? Айтиб қўяй, Лайлола барибир у ерда ишлолмайди. Икки минг доллар тўлашса ҳам!

— Ишлолади.

— Ахир, Лайлола ўз дугонанг-ку! Ёш боласи ҳам бор!

— Шунинг учун ҳам кўпроқ пул ишлаши керак-да!

— сигарета тутатди Диля. — Дугонасіманми, яхши ҳақ тұланадиган иш топишим керак. Болага сиз қараб турасиз. Уч юз доллар беради. Бұладими? Нега афтиңгизни бужмайтирасиз? Болажонсиз, Зұхра опа, әплайсиз. Неварамни соғиндим, деб юргандингиз, мана сизга невара! Ҳам уй ишларини қиласиз, ҳам әнагалик. Ҳұжайнларингизга ҳақиқий неварам дейсиз. Борадиган бошқа жойи йүқ, деб яхшилаб тушунтиrsangiz, тушушишади. Инсоғли-ку, улар.

— Мен қаерда ишлайман? — сұради Лайло.

— Телефонда айтган ишим — уй хизматкорлиги, — бамайлихотир тутун пуллади Диля. — Улар ёш болани сиғдиришмайды, шунинг учун үғлинг Зұхра опа билан яшаса дегандим.

— Биламан, ёши үтган аёлни ҳам сиғдиришмайды, — тұнғиллади Зұхра опа.

Лайло иккіланди, ростини айтганда, құрқди. Дугонаси таклиф этаётган иш, назарида, у қадар оғир эмас эди, аммо хонадонда аёл киши йүқ бўлиб, Анқарадан келган икки тижоратчи эркакдан бошқа ҳеч ким истиқомат қилас экан. Икки эркак билан бир хонадонда яшаш...

Лайлонинг боши қотди. У дабдурустдан розилик беролмас эди.

Орадан беш кун үтди. Зұхра опанинг ҳұжайнлари Германиядан қайтадиган фурсат яқынлашды. Бу вақт ичіда Лайло иш топувчи фирма орқали зўр бериб иш ахтарди. Аксига олиб фирмага нуқул боласи йүқ хизматкор аёлларни сұраб мурожаат этишарди. Турк тилида ҳам яхши сұзлаша олиш керакмиш.

— Лайло, — деди Диля асабий ҳолда құнғироқ қилиб, — сенга бундан ортиқ ёрдам беролмайман, Истамбул мэри эмасман. Маслаҳатим, мен айтган хонадонга бор. Икки эркакка овқат пишириш, қозон-товоғини, кийимини ювиш, уч хонали уйни супуриб-сидириш нима деган гап?! Ҳар ҳафта келиб, үғлингни күриб кетасан. У шундоқ ҳам Зұхра опага үрганиб қолғандир?

— Диля, гап бунда эмас.

— Яна ўша нағмами? Сенга ола қарамайды улар! Нега ишонмайсан-а? Эркакларнинг сирларидан яхши хабардорга ўхшамайсан. Шуни унутмаки, бирга ётиб-турадиган хотинни ака-ука ўз квартирасига хизматкорликка олмайди. Хотин керак бўлса, кўчадан топишади, ҳар бири бош-бошига. Агар ака-ука бир-биридан уялмай сенга ножӯя ҳаракат қилган тақдирда, полиция чақиришингни айтасанми? Айтасан! Полиция уларнинг қонини сўради. Хуллас, ўзинг севиб қолмасанг, бас, ҳеч гап бўлмайди, — пичинг қилди дугона. — Хўш, борадиган бўлдингми?

— Хўп, — деди Лайло ноилож.

Пешиндан сўнг Диля келди. Иккиси кўчага чиққанида, ёмғир шивалаб ёға бошлаганди. Диля соябонни тутиб, кулимсираб сўради:

— Эринг билан ярашмаслигинг аниқми?

— Шунчаки сўраяпсанми?

— Чиройлисан, ҳасад қилаяпман сенга. Агар эрингни бутунлай унугланган бўлсанг, шанс келса, фойдаланарсан?

— Қанақа шанс?

— Бой-бадавлат инсонга турмушга чиқиш.

— Йўқ, энди эрга тегмайман. Ўғлим бор — нима ғамим бор?!

— Ўғлинг ҳозирча бор.

— Тушунмадим...

— Нима хаёлга бординг-а! Ўғлинг улғайса, биттасининг этагидан тутиб кетади, сен ёлғиз қоласан, билдингми? Битта уйда яшаб ёлғиз қоласан! Ёлғиз қолмайман деб тиришсанг, ўғлини келинидан қизғанадиган чиноқ қайнона бўласан-қоласан. Ҳатто, ўз боланг ҳам безор бўлиб, хотинига сен ҳақингда яхши гапирмайдиган бўлади.

Улар таксига ўтириб, тижоратчиларнинг дўконига жўнашди.

— Бизнинг тилни тушунадими? — сұради чап юзида тириғи бор қиргийбурун әркак.

— Қарши томоннинг тұқ сариқ таксилари биз томонга үтмайды, аммо одамнинг тили чегара билмайды, — жавоб берди Диля.

— Такси эмиш, — қовоғини уйди тижоратчининг укаси шапкасини бостириб кийиб. — Гапни айлантиргунча пулни қағон беришиңгни айт! Бу ишинг үз йүлиға, қарз үз йүлиға.

— Мен ҳаммасини Мустафобей билан келишганман, — деди Диля.

— Ҳойнақой, бу аёлни сотишга олиб келмагандирсан?

— Мен дугонамни сотмайман. У...

— Биз ҳам одам савдоғы билан шуғулланмаймыз, Ҳасан! — қиргийбурун укасини койиб берди. Сұнг Диляга калит узатди. — Ма! Исмини Лайло дедингми? Яхши. Вазифаларини унга тушунтир. Ҳозироқ уйға олиб бориб, жойлаштири. Кечликка биз учун овқат қылмасин, бугун зиёфатимиз бор. Айтгандай, маош ҳар ойда берилади, беш юз доллар.

— Нима? — энсаси қотди Дилянинг. — Мустафобей, ахир бор-йүғи беш юз...

Лайло туркнинг гапини тушуниб, енгил тортди, чунки беш юз доллар тұғри келмас эди, демек, Диля бошқа жойдан иш топади.

— Бошланишига, — деди қиргийбурун үқрайиб.

— Шу ойнинг үзидаёқ құшасиз, — талабини айтди Диля. — Аниқроғи, иккінчи ҳафтадан бошлаб! У ҳали хизматкорлик қылмаган бўлса ҳам, бир неча кунда ҳамма ишни ўрганиб олади. Боласини энагага бердик.

— Биз она-бола хизматкор сұрамагандик-да, — жириллади Ҳасан. — Турмушга чиқмаган қыз деган эдинг, гапдон!

Мустафобей укасига овозини тийишни буюрди. Икки дугона дүкондан чиқиб, бирпас трамвай кутишиди. Ёмғир ҳамон шивалаб ёғарди. Лайло бу ўлқадан қандай қилиб баҳт топиши мумкинлигини тушунолмай атрофга жавдирағ қаради. Шунча йўл босиб келди, нима бўлганда

ҳам энди чидаши керак. Хорижга ишга келгандарни мүмай даромаддан кўра иложсизлик ушлаб туришини тушуниб етди.

Ака-ука тижоратчиларнинг ижара уйи дўкондан уч бекат нарида эди. Ойна томонда ўтирган ЛайлоИстанбул ҳақидаги таърифларни эслаб, масжидларга, алвон байроқларга, минг марта эшитган, аслида эса эндигина кўраётган нотаниш халқ вакилларига сер солиб борди. Трамвай бир оз юргач, икки қаватли уйларнинг биридан соябонлар остида чиқаётган келин-куёвга қўзи тушди ва ўзининг вайронага айланган оила қасри томон хаёли учди. Никоҳ тўйининг ўтганига тўрт йилдан ошибди...

Тўй ЛайлоЙландан ҳам тантанали, файзли, қизиқарли ўтган эди. “Тўйимиз қандай бўлди?” деб дугоналаридан, қариндошларидан атайлаб сўрар, улар мақтовдан бошқа сўз айтишмасди. “Мен қанақа келинчакман?” деган саволга жавоб олишдан ҳам чарчамасди. Тимқора оҳу қўзлар, қайрилма киприклар, сарвдек қомат, турли тақинчоқлару қимматбаҳо либослар...

Банкда иш бошлаганида, бўлим бошлиғи Төхрон Абдурасулов бир зум оғзи очилиб қолган, сўнг:

— Нима ҳам дердик, банк пуллар билан эмас, ходималари билан гўзал, — деган эди.

Бахти дамлар тезда ниҳоя топмади, бир йилга бўлса-да чўзилди. Эридан дастлабки шубҳа-гумонлари ўғли Жаҳонгирга ҳомиладор бўлган кезлари уйғонди. Далилсиз ҳам аёл зоти билади. Ушанда қалби бахт нашъасидан қаттиқ маст экан, ақлу шуури эрини эмас, ўзини айблади: “Йўқ, янгишаюпман. Алиасқар мени ва қорнимдаги гўдагини кўчадан топган жувонга алишмайди. Хиёнат қиласа, юзиқора эр билан бир кун ҳам яшамайман!..”

Жаҳонгир туғилди, ҳаш-паш дегунча бир ёшга тўлди. Тўйдан аввал Алиасқарнинг уддабуронлиги хусусидаги гаплар ёлғонга ўхшаб қолди. Унинг асл қиёфаси секин-аста очилмоқда эди. Ишга зўрга бориши, дамбадам ялтоқланиши, бўш вақт топгандан ухлаши ёки телевизор

рўпарасида чўзилиб ётиши Лайлого ошкора малол кела бошлади. Шуми бўлажак бизнесмен? Эркак дегани ҳаракатчан бўлмайдими? Хотини “Энди сиз ҳам бир оз дам олинг”, демайдими? Бундан ҳам баттари – тўй, туғилган кун, байрам баҳона ичадиган одамдан эндиликда ҳар куни ароқ иси буруқсийдиган бўлди. Сўрарди: “Нега ичдингиз?” Жавоб шу эди: “Асабларим чарчади, ичдим...”

Алиасқар оиласа бўлган муносабатини ўзича белгилаб олганди. Моддий таъминлаш, ҳар куни эрталаб ишга кетиб, кечқурун қайтиш, оила аъзоларига нима зарур бўлса, топиш, аниқроғи, топиб беришга ҳаракат қилиш – мазкур вазифаларни уддалагач, у истаган тарзида яшаши даркор эмиш. Хотини кирини ювади, овқатини пиширади, фарзанд туғиб беради. Фарзандлар ана-мана дегунча ўз-ўзидан улгайиб қолишади. Аёл “ортиқча нарса”ни, хусусан, ишқ-муҳаббатни талаб қилса, жинни бўлиб кўринади.

Бир куни кечқурун Сартепадаги аммасиникига зиёфатга боришиди. Лайло ҳар доимгидан-да бежирим кийинганди. Ахир, тўйларига икки йил тўлган фусункор кеча эди. Аммасиникидан эртароқ чиқиб, ёш эр-хотин ва ўғилчаси – учаласи таксида истироҳат боғига жўнашади. Маза-қилиб айланишади, чархпалакда учишади, музқаймоқ ейишади, суратга тушишади...

Йўқ, Лайлонинг орзуси ушалмади. Алиасқар ким биландир қўнгироқлашгач, қариндошлар ўйнаб-кулиб ўтирган меҳмонхонага қайтиб, Лайлого деди:

– Хўжайн дўконга мол юборибди, боришим керак. Жаҳонгир икковингни уйга ташлаб қўяман.

– Ўзимиз олиб борамиз, ташвишланманг, куёв, – дейишиди қариндошлар.

– Раҳмат, лекин ўзим элтиб қўйсам, кўнглим тинч бўлади, – узроҳ ҳолда сўзлади Алиасқар. – “Дом”имиз атрофида маст-алаастлар кўп.

Лайло эрининг кўзига боқиб, ёлғон аломатини сезди. Назарида, Алиасқар моҳирона артистлик билан

уф тортиб, дўкон соҳибидан нолиди. Ҳақиқатан бу соҳта норозилик эди. Ҳарҳолда Лайло ҳозирча ўзини босишни жоиз топди. “Агар алдаётган бўлса, ҳеч қачон кечирмайман!” – деди ичидা.

Қариндошлар уларнинг зиёфатни тарк этишидан норози бўлишди, албатта Лайлонинг ҳам ичи куйди. Эндиғина яйраётган эди-я! Эри кетаверса, она-бала аммасиникида қолишса-чи? Йўқ, Алиасқарнинг шунака феъли бор эдики, иложи борича, хотини уйдан чиқмаса, бир умр тўрт девор орасида биқиниб ўтирса, ҳеч ким билан, ҳатто аммасининг ўғиллари билан ҳам гаплашмаса. Даврада аммасининг куёвлари ҳам бор эди, ўшалардан рашк қилдими? Албатта, Алиасқардан кутиш мумкин. У ҳеч кимга ишонмаслик руҳида тарбия кўрган бадгумон киши экани тўйдан кейин юзага чиқсан эди.

Сўнгра қўнғироқлашган кишини аниқлаш учун Лайло бир ҳийла ишлатди:

– Тўғри айтасиз, сизсиз барибир қўрқамиз, дадаси. Тепа қаватдаги қизнинг тилла сирғаларини юлиб кетишгани эсингиздами? – Кейин нимадир ёдга тушган каби “эҳ” деб, эрига қаради. – Дугонам ҳам эри билан паркка чиқмоқчи эди, телефонимда пул тугабди, бериб туринг, бормаслигимизни айтай.

– Доим кимнидир чақириб юрасан-а? – пўнгиллади Алиасқар.

Лайло телефоннинг “Принят вызовы” папкасидан керакли рақамларни кўчириб олди.

Ярим соат ўтар-ўтмас она-бала уйда ўтирадилар. Дераза ортида тунги Самарқанд чироқлари порлар, машиналар гиз-ғиз қатнар, қайсиdir шайтон араванинг орқа ўринидигида кўнглига иблис ин қурган Алиасқар ва беҳаё ноз-карашмаси ила ўзига ром этгувчи тарбиясиз қиз чақчақлашиб бораарди. Ҳарҳолда Лайлонинг хаёлидан шундай ўй ўтди: эри ҳозир кўча қизи билан битта машинада.

– Майли, бунақа ишларни “есть” қиласиз, – деди банкдаги ҳамкасб қиз Лайлого телефон орқали. – Қани, рақамини бер-чи.

Бу қиз севган йигитини хиёнат устида тутиш учун бир кечада шаҳарни етти марта айланиб чиққани билан оғизга тушган эди. Лайло бояги рақамлар билан бирга эрининг рақамларини ҳам айтди. Ҳеч қанча вақт ўтмай дугонаси Лайлого қўнғироқ қилиб:

— Улар айнан қаерда эканини ҳозирча аниқлаёлмадим,
— деди. — Шуниси аёнки, дўкон омборхонасида эмас,
ресторанда ўтиришибди. Мусиқани, санчқи овозини
эшийтдим, қандайдир қиз официантни чақирди.

— Қайси ресторанда эканини аниқлаб бер! Ўтинаман,
дугонажон!

— Бир гал итдай изғиганим етар!

— Кўчадан такси ушлаб, бизникига кел! — қичқирди
Лайло. — Агар келмасанг, бир умр дугонам демайман!

Улар ҳар эҳтимолга қарши даставвал Сангзордаги қурилиш моллари дўконларига боришли. Қорувуллардан бири бугун кечқурун ҳеч қайси дўконга мол келмаганини айтди. Лайло аламдан йиғлаб юбораёзди. Уч ойда бир бўладиган қариндошлар зиёфатидан қўярда-қўймай олиб чиқиб, уйга ташлаб кетган эр қаерларда юрибди? Бугун тўйларига икки йил бўлган кун эди-ку, ахир!

Дугонаси бор маҳоратини ишга солди. У талабалик чоғларидан бери ҳар ҳафта камида икки мартадан ресторанда ўтирган бўлиб, меҳмоҳона тамаддихоналаридан тортиб, “Каримбек” каби одам гавжум ресторан официантларигача танирди. Айримларининг қўл телефонлари ҳам бор эди бу қизда.

Йўл-йўлакай ресторан хизматчилари билан қўнғироқлашиб, қора шим, оқ қўйлак кийган, чап қўли бинт билан боғланган сочининг учлари жингалак, қалин қошли, йигирма беш ёшлардаги қорача йигитни суриштира бошлади.

Баайни чап қўлидаги жароҳатнинг оппоқ бинт билан ўраб-чирмалгани асосий белги эди. Бир қанча ресторан ва ошхоналарга кириб чиқилгач, ниҳоят, қармоқ пўкаги қимиirlади. “Пальма” ресторанида

ишлиайдиган официант қызлардан бири чап құлидаги жароҳат боғланган йигит ҳақида “смс” ёзди.

— “Пальма” ресторанига ҳайданг, — деди дугонаси таксичига завқ-шавқ билан.

Лайло ресторан олдида турған машинани таниди. “Жигули” Алиасқар билан бирга ишлиайдиган Русланга тегишли бұлыб, узунқулоқ гапларга қараганда, йигит учига чиққан хотинбоз әди.

Ресторанма-ресторан кезавериб ухлаб қолған Жаҳонгирни дугонасига тутқазған Лайло ичкарига важоҳат билан кириб борди. Бурчакдаги сұнъий пальма дарахти тағидаги столни банд этған жуфтликларға күзи тушди. Алиасқар ва Русланнинг рұпарасида икки қызы үтирибди. Кулгили гап айтилди шекилли, сарық сочли қызы бошини орқага ташлаб хохолаб кулди, күйлагининг олд қисми чуқурроқ үйилған экан, зар сепилған күкси анча-мунча очилди.

— Алло, дадаси, — деди Лайло Алиасқарға құнғироқ қилиб, — Жаҳонгир дадам қани деб йигляпти.

— Мен ишдаман! — үшқириді Алиасқар бир құли билан қызларға жим ишорасини бериб. — Мол тушираяпмиз. Нима гап үзи, а? Ухлатсанг бұлмайдими?

Жанжалда Лайлонинг жонига ора кириш учун дугонаси ҳам құлида бола билан ресторанға кирди. Пальма тағига бирғаликда бориши.

— Ухлатдим, — деди Лайло, — лекин сен қайси итваччаларинг билан ресторанда үтирибсан?

Алиасқар ортига үгирилиб, даҳшатдан қотиб қолди. У ҳаммасини ётиғи билан тушунтириб бермоқчи бўлди, аммо Лайло тушунмади, тушунолмади. Бугун тўйларининг икки йиллиги, қолаверса, аммасиникида зиёфат әди. Бу киши қўярда-қўймай олиб чиқди, уйга қамади ва хотинбоз ўртоғи топған икки қызы билан ресторанға келди. Буни қандай тушуниш мумкин? Тушунадиган бирор аёл зоти борми дунёда?..

Хозир Лайло Истанбул трамвайида кетаркан, үйлади: “Алиасқар хиёнаткор бўлиб чиқди. Мен-чи? Энди мен

кимман? Икки турк савдогарининг уй хизматкори. Улар билан битта уйда тунаиман. Менинг қаерда, қандай ақволда ишлаётганимни қариндошларим эшитса, нима хаёллар үтади күнгилларидан? Алиасқар-чи?”

Үшанда эри ҳалиги икки қизни “бизнес ҳамкорларим” деб ишонтиришга уринди.

— Тупурдим бунақа бизнесингга! — бақирди Лайло.
— Улар фоҳиша! Истаган әркаги билан ресторанга киради. Сен-чи? Нима, сен ҳам фоҳишамисан? Гулдай пок хотининг, гулдай пок үғлинг бор-ку! Ота-онанг ҳам гулдай пок! Наҳотки, ҳаммамизни булғашга, айнан түйимиз куни булғашга ҳаддинг сиғди?!

Туркияга кетиш учун ҳужжатларини таҳт қилаётганида, қонун боланинг отасидан розилик олишини тақозо этди. Алиасқар имзо қўйишга зўрға кўнди. “Агар, — деди у Лайлого, — чет элларда бузуқчилик қилиб юрганингни эшитсан, ўғлимнинг пешонасига “онаси енгилтак аёл” деган тамға боссанг, сени соғ қўймайман. Биз ажрашдик. Мен бошқага уйланаман, сен ҳам бошқага турмушга чиқасан. Жаҳонгирнинг ҳаққи-хурмати иккимиз ҳам тўғри бўлайлик...”

— Трамвайга үтирганингдан бунча хаёл сурдинг? — туртқилади Диля. — Ака-уканинг уйига етиб келдик, тур.

Шу куннинг ўзидаёқ Лайло иш бошлади. Уч ёшида бошига мусоғирлик жабри тушган Жаҳонгир эса Зуҳра опа билан қолди.

Зуҳра опанинг хўжайинлари Германиядан қайтиб, хизматкор хотинга Эргашиб юрган болакайни кўриб, аввалига ҳайрон бўлишиди. Зуҳра опа ёлғон қўшиб-чатиб тушунтиргач, Жаҳонгирнинг шу ерда яшашига қаршилик қилишмади. Бироқ хўжайиннинг хотини — калондимоғ бека сезилар-сезилмас ғижиниб қўйгани сезилди.

— Биз боланинг тақдири учун жавобгар эмасмиз, — деди бека эртасига Зуҳра опа қаҳва дамлаётганида. — Айтиб қўйяй, касал бўлиб қолса, йиқилиб бирор жойи лат еса, жиноятчилар ўғирлаб кетса, бошимизни балога

қўймайсан. Биласан, Германияда яшайдиган набирам баҳтсиз ҳодиса сабаб вафот этиб, қизим қанчалик азият чекиб юриби.

— Ташвишланманг, хоним, — деди Зуҳра опа. — Болани кўчага олиб чиқмайман. Ўзи ҳам жуда ақлли-ҳушли экан. Ойисини кечадан бери кўрмаса ҳам, йиғлагани йўқ, дарҳол менга кўнишиб қолди.

— Шунақа де, — қизиқсинди бека.

— Ҳа, роса гапга тушунадиган бола, — хизматкор оғзини тўлдириб мақташда давом этди. — Менга у ортиқча ташвиш бўлса керак, деб қўрққандим.

— Ортиқча ташвиш деб қўрққандинг? Кеча уни ўз ихтиёrim билан олиб қолдим, демадингми? Бундан чиқди, болани мажбуран ташлаб кетишибди-да?

— Мен ундей демоқчи эмасдим, — каловланиб қолди Зуҳра опа.

— Қани, ҳозироқ менга бола ва онаси ҳақида бор ҳақиқатни гапириб бер.

Зуҳра опа ўзбекистонлик Диля исмли жувоннинг илтимосига кўра “Отатурк” аэропортига, Лайло исмли қизни кутиб олишга борганини, Лайло ҳеч кимни огоҳлантирмасдан Туркияга ўғилчаси билан келганини, албатта режада бу йўқлиги учун болани қаерга жойлаштиришни билолмай шу ерга вақтинча ташлаб кетганини сўзлаб берди.

Бека хўмрайиб тинглагач, қаҳва ҳўплаб, қандайдир шубҳали оҳангда сўради:

— Боланинг ўз туққан онасими-у?

— Ҳа, ўз туққан онаси, туққан онаси, — такрорлади Зуҳра опа.

— Ҳозир қаерда ишляяпти?

— Анқаралик дўкондорларнинг уйида.

— Анқарага кетдими?

— Йўқ, хоним, анқаралик ака-ука бу ерга, Истанбулга келиб, савдо билан шуғулланишади. Ўйларига хизматкор керак экан, Лайлони олишди, ўша Диля жойлаштирди. Иккови битта шаҳардан — Самарқанддан. Ҳатто, битта мактабда ўқиган, қалин дугона.

Хизматкор чиқиб кетгач, бека бирпас үйлаб үтирди-да, телефонни олиб, исмлар рүйхатидан «Севги» деганда тұхтаб, яшил тұгмачани босди.

— Ойи, сизмисиз? — овоз әшитилди нариги томондан.

— Қизим, тузукмисан? Ҳамма дардни вақт даволайди, деб бежиз айтишмаган, күп куйинаверма. Мана, олти ойлиги ҳам үтди.

— Олтмиш йил үтмайдими, ойи! Нега томдан тараша тушгандек бунақа деяпсиз?

— Фарзанд асраб олишинг керак, Севги.

— Йүқ...

— Бұлмаса, ёлғиз үтираверасанми үз ёғингга қоврилиб?!
Мен ҳам онаман. Билмасам гапирмайман. Агар бола асраб олишга ҳафсалам йүқ деяётган бұлсанг, үзим олиб бориб бераман үша болани. Худди неварамдек...

— Ҳеч ким неварангиздек бұлолмайди!

— Бұptи... Лекин мен айтганимни қиласман! Ҳаммаси сен учун, қизим.

Бека шундан сүнг қизи билан у ёқдан-бу ёқдан түрт-беш дақықа гаплашиб, телефонни үчириб, яна үйга толди. У қизининг ҳаёти изга тушиб кетиши учун ҳеч нарсадан қайтмаслигини ҳис этаётган меҳрибон, бошқалар учун эса қаҳри қаттиқ хоним эди.

3

Дилянинг қистови билан Мустафобей атиги юз доллар құшишга рози бұлди ва Лайлодан бир ойда олти юз доллар ишлади. Бу фурсат ичіда вақт топиб, Жаңонғирни күришга икки-уч кунда Бешіктош тұманига бориб турди. Болакай қачон қараса, торгина ҳужрачада машина үйнаб үтиради. Соппа-соғ эди, аммо ҳаддан ташқари зерикаётгани учун касалға үхшарди. У болаларға хос бұлмаган ақл-заковат билан тушунардиди, ҳозир ҳамма-ҳаммасига чидаши керак. Агар кетаман деб хархаша қилса, йигласа, бу олис үлкада онажонисига жуда-жуда қийин бўлади. Икковини ҳимоя қиладиган

қариндошлари узоқда — Самарқандда қолиб кетди. Туркияда тайинли яшаш жойлари ҳам йўқ. Ейишга нон тополмай қолишса-чи? Қоронғи кўчаларда ёки денгиз бўйида онаси икковини бўрилар еб кетса-чи!

— Асалим... — деди Лайло ҳазин товушда. — Туркияга келганимизга эндиғина бир ой бўлди. Иккимиз битта уйда яшашимиз учун... Ҳамма нарсамиз бўлиши учун яна бир оз вақт керак... Чидайсан-а? Ахир ўғил боласан-ку! Қариганимда мени боқасан... Боқувчимсан, Жаҳонгир!.. Мен ҳам сен учун ҳамма нарса қилишга тайёрман... Айтгандай, бугун сенга денгизни кўрсатишга келдим. Сайрга олиб чиқаман.

— Йўқ, боймийман, — деди бола.

— Нима учун, жоним?

Жаҳонгир онасининг елкасига бош қўйди. Кўзларига филт-филт ёш қуйилди. Кўз ёшларини онасига кўрсатишга уялгандек жажжи бармоқчалари ила артиб ташлади. Сунг бурнини тортиб қўйиб, қовоқ уйганча онасининг бўйини силади, ҳидлади. Она унинг учун дунёдаги жамики нарсалардан аъло эди. Шу билан бирга бошига оғир савдолар тушишига сабабчи ҳам шу аёл эканини тушунгандек алланечук ғамгин тортди.

— Мендан хафамисан? — термилди Лайло.

— Хафамасман... — лаблари титради гўдаккинанинг.

— Мени яхши кўрасанми?

— Ҳа.

— Ўзимнинг эркатойим.

Шу пайт Зуҳра опа кириб келди.

— Сизни хоним кўрмоқчилар, — деди у энагалик учун Лайлодан уч юз доллар санаб оларкан. — Менимча, иш таклиф этса керак. Охирги вақтларда сизни кўп сўрайдиган, болангизга меҳрибонлик қиласидиган бўлиб қолган. Ўйинчоқ машиналарини кўрдингизми? Иккитасини хоним олиб берди.

Учаласи ҳовлининг қия саҳнидаги зинадан уч қаватли бино эшигига юришди. Сунгра ичкарига кириб, иккинчи қаватга кўтарилишди. Бека қаймоқранг диванда қандайдир журнални варақлаб ўтиарди.

— Тилимизни тушунадими? — У хизматкорига күз тикди.

— Бир ой ичида ўргангани, хоним. Агар бирор сўзингизни тушунмаса, мен таржима қилиб бераман.

— Йўқ, сен болани боғда ўйнатиб тур. Лайло билан ёлғиз гаплашмоқчиман.

Иккиси рӯпарама-рӯпара қолишгач, бека шундай деди:

— Қизим Германияда яшайди. Олти ой аввал неварам, яъни қизимнинг яккаю ягона дилбанди ўлди. Бу жуда оғир жудолик. Агар розилик берсангиз, болангизни Германияга юборамиз. У ёқда болангиз умрбод баҳтли бўлади.

Лайло ялт этиб қаради, тили зўрға айланди:

— Тушунмадим...

— Чўчуғингизни менга берасиз, мен уни Германияга юбораман, Мюнхенга, — деди бека киприги ҳам қилт этмай.

Лайло енгил сесканиш олди. Дастрлаб гапини яхши англа мадим, шевага анча қоришиқ сўзларкан, деб ўйлаган эди. Энди эса уни тентакка чиқарди: “Нималар деяпти у? Жондан азиз Жаҳонгирини Германияга юборадими? Бу — болангдан кеч, деганими?”

— Нима дейсиз? — қоши чимирилди bekанинг. — Гапириңг.

— Мен... мен барибир тушунмадим...

— Ўғлингиз Германияда яшайди. Бунинг учун сизга беш минг доллар тўлайман. Нақд!

— Нима? — дик этиб оёққа турди Лайло. — Болангни сот, демоқчимисиз?

— Ўтириңг! — Бека юзини четга буриб, уф тортди. — Чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз, сизга яхшилик қилаётган бўлиб чиқаман. — Кейин совуқ нигоҳ ташлади. — Дунё шундайки, энг жирканч бўлиб туюлгани энг ақлли қарорга айланади. Фақат бу ақлли қарор эканини инсоннинг онг-шуурига етказгунингча эсинг кетади.

Вужудига қўрқув ёйилган Лайлонинг ранги хиёл оқарди.

— Ўтирангиз-чи! — амр этди бека. — Ҳеч ким сиздан ўғлингизни тортиб олаётгани йўқ! Уни биргаликда бахтли қилмоқчимиз, холос. Куёвимнинг Германияда хусусий фабрикаси бор. Бола бир умр жаннатда яшайди, жаннатда! Ҳоҳлаган юртига саёҳат қилиб, ҳоҳлаган университетида ўқиди. Бундай имконият ҳаммага ҳам берилавермайди. Худбинлик қилмасдан бир қарорга келинг!

— Узр, мен кета қолай.

— Боланинг отаси йўқ, — бека ҳам оёққа қалқди.
— Унинг ёлғиз суюнчиғи сизсиз. Ўлиб қолсангиз нима бўлади? Кучада қолади-ку, бечора! Ё-ё эрга тегсангиз-чи? Ўгай ота менинг қизим билан куёвим берадиган имкониятни бера оладими? Ҳеч қачон!.. Ҳуллас, ўн минг доллар!

— Бу ҳақда сиз билан ортиқ гаплашмайман, хоним.

— Ёшсиз, гўзалсиз! Ёлғиз жувонга ошиқ кўп бўлади. Турмушга чиқиб бола туғиб олаверасиз... Ўн минг доллар деяпман! Ўн минг! Болангизни қандайдир эркакларнинг қўлида чўрилик қилиб топган пуллар билан улгайтирмоқчимисиз? Одамлар пул учун хотинини, ота-онасини сотаяпти! Ўз фарзандини сотмайди, демоқчимисиз? Манави журнални ўқинг. Йигирма етти ёшли тунислик аёл Италияга келиб, тўққиз ёшли қизчасини сотибди. Фарзандликка эмас! Донорликка! Энг даҳшатлиси, аёл жарроҳлик хонасига қўшни бўлмиш бўлмада кутиб ўтирибди. Боласининг буйрагини олиб, бемор болага қўйишгач, муваффақиятли чиққан операция учун онага ҳам қўшимча икки минг доллар ҳақ тўлаш келишилган экан. Боласини сотгани етмагандек “муваффақиятли” ногирон қилгани учун мукофот кутган, ярамас она!

— Яхши қолинг.

— Ҳойнаҳой, визангиз ҳам тугагандир? — пичинг қилди бека.

— Депортациядан қўрқиб ёки ўн минг долларга
учиб боласини пуллайдиган она борлигига фақат сиз
ишонасиз. Бошқа айтадиган гапим йўқ!

— У жаннатда яшайди.

— Мен-чи? — деди Лайло қаҳр билан. — Мен дўзахда
яшашим керакми?

— Сизни олиб кетолмайман.

— Ненормальний... — фижинди Лайло русчалаб.

Шу захотиёқ Жаҳонгирни етаклаб, Зухра опанинг
хўжайнлари яшайдиган хосиятсизлик ва баҳтиқаролик
анқиб турган маконни тарк этди. Зухра опа кузатишга
чиқкан эди, тузукроқ хайр-хўшлашмади ҳам. Ич-ичидан
титроқ туриб, ҳеч ўзига келолмай қияликдаги йўлдан
яrim чақиримча юриб қўйди.

— Ая, чайчадим, — зорланди Жаҳонгир. — Кўтайинг.

— Кечир, ўғлим, — Лайло ўғлини бағрига босди,
ёнокларидан ўпди.

Улар боягина пастлаб борувчи кўчадан энган бўлишса,
энди сўлга бурилиб, юқориловчи кўчадан ўрладилар.
Йўл трамвай бекатига олиб чиқиши керак эди. Кўча
охирида зинапоя бўлиб, унинг ёнгинасидаги кўп
қаватли уй тагидан ошхона очилган ва бу ошхона стол-
стуллари шундок кўча ёқасида бир қатор тизилганди.
Зина ёнидаги столни иккита ёш полициячи банд
этганини кўрган Лайло ҳозиргина турк хоним писанда
этган депортация ҳақидаги гапни эслади. Ҳақиқатан
Лайлонинг визасидаги муддат хотима топган эди.

— Эй хоним, — шу пайт полициячи йигит унға
мурожаат қилди, — кечирасиз, хорижликмисиз?

— Ҳа, биз Ипподром майдонига бораётгандик. Ўғлим
билан.

— Яна бир марта авф этасиз, хоним, мен шахсий иш
бўйича... Кўринишингиз айтиб турибди, турист эмассиз,
ишлайсиз.

— Тўғри, уй хизматчисиман, — деди Лайло юраги дук-
дук уриб. Бироқ шу он миясига исёнкор ўй урилди:

“Нега құрқишим керак? Боламдан айрилғандан күра
ватанинг қайтганим минг марта афзал эмасми?”

Полициячилар Лайлодан қаерлик эканини сұрашды.

— Нима учун айнан Истанбулга ишга келгансиз? —
деди бириңчи полициячи. — Мен ҳамкасбим билан
баҳслашиб қолдым. У айтдики, хорижга ишга борғанлар
rossиялик, америкалик, англиялик, жанубий кореялик,
дубайлик... Қисқаси, шулар орасыда бизни әнг қурумсоғи
деб ҳисоблашаркан. Ростми?

— Йүқ.

— Биздан құрқаяпсиз, хоним, күзларингиз айтиб
турибди. Аллоҳ шоқид, ҳақиқатни гапирганингиз учун
сизга заррача ҳам ёмонлик раво құрмаймиз. Биз шахсий
масалада гаплашамыз.

— Истанбуллуктардан пул ундириш қийин, шундайми?
— деди иккинчи полициячи.

— Бунинг шаҳарга алоқаси йүқ шекилли. Қурумсоқ
одам ҳамма шаҳарда, ҳамма мамлакатда бор, — деб жавоб
берди Лайло.

— Бизни тушунмадингиз, — норозилик билан бош
чайқади иккинчи полициячи. — Мана, сиз нега айнан
Истанбулга келгансиз? Сахиilik билан пул тұлашлари
учун әмас, бирор танишингиз чақирған.

— Ҳа, дугонам чақирған.

— Нега айнан Туркияга? — қулочини ёйди иккинчи
полициячи.

— Қисматим шунақа әкан, нима қилай? — Лайлонинг
таранг тортилған асаб толалари чирт-чирт узилди. —
Қанақа полициячисизки, аллақандай саволлар билан
бошимни қотирасиз!

Полициячилар бир-бирига қараңды, кейин кулиб узр
сұрашды-да, оқ йүл тилашды. Лайло зинадан күччанинг
юқори қисмінде чиққунча ҳаллослаб қолди. Полициячилар
унинг үтакасини ёриб юбориш билан бирга ғазабини ҳам
құзғашды.

Лайло яна виза ҳақида үйлади. Бугундан бошлаб
мамлакатда қолишининг ҳар бир дақиқаси жиноят әди.

Мустафобейнинг уйига келиб, қулфга қалит солмоқчи эди, эшик ичкаридан беркитилган экан. Кўнғироқни чалганди, Ҳасан очди. У дам Лайлого; дам Жаҳонгирга ажабланиб боқди.

— Ўғлим, — деб таништирди Лайло ва худди аввалдан боласи билан келиб юргандек остона ҳатлади.

Ҳасан эшикни ёпиб, тўнғиллади:

— Бу уйга ёш болани киритиш мумкинмас.

— Ўғлим энди у ёқда яшамайди. Бошқа жой топаман.

— Ишдан кетмоқчимисан?

— Топилса кетаман. Болам мен учун ҳаммасидан муҳим.

Ҳасан бошқа сўз қотмади. Кеч соат 23:00 да Мустафобей кадикўйлик чўлоқ кимса билан кириб келди. Кимсанинг лақаби Ёғочоёқ бўлиб, ҳеч ким асл исми билан чақирмасди, оёғи ёғочдан ҳам эмасди.

Лайло кечликка дўлма пишириб қўйган эди. Дастурхонга ноз-неъмат тортиб, эшикка юрган эдики, Ёғочоёқ қулоғини динг қилиб:

— Гўдак овози, — деди.

— Нима овози? — Мустафобей лаб бурди.

— Ёш боланинг, — дея Ёғочоёқ бир нуқтага тикилганча қулоқ-солди.

— Музлаткичдаги ароқни келтир, — Мустафобей Лайлого қовоқ уйди. — Нега анграйиб қолдинг? Мехмон келдими, ароқ ҳозир нозир бўлмоғи лозим, тушунарлимиси? — Кейин бир қоши паст, бири баланд бўлиб Ёғочоёққа қаради. — Болани ўйлайвериб, мушук миёвлашини ҳам бола овози дейсан энди.

Ҳасан телевизордан кўз узиб, акасига деди:

— Мушук нима қиласи, ака, бу киши тўғри айтаяпти, уйда бола бор. Анавининг чўчуғи.

— Чинданми?

— Худо урсин, — қасам ичди Ҳасан.

— Лайло! — дея бақирди Мустафобей.

Хизматкор шу заҳотиёқ эшикда ароқ билан пайдо бўлди.

— Болангни олиб келдингми?

— Үглим у ёқда бир кун ҳам қололмайди, Мустафобей.

— Ана холос! Биз бу уйда ичамиз, чекамиз, ҳар хил одамларни, ҳатто хотин-халажларни ҳам чақирамиз. Бор-йүғи уч хонали уй бўлса, бир камим энди оёғим тагида бола ўралашиб юриши қолувдими?!

— Бошқа иложим йўқ эди, — деб Лайло ароқни дастурхонга қўйди. Қанчалар асабийлашаётгани қимтилган лабларидан, фазаб ўти йилтираган қўзларидан маълум эди.

— Ошпазлигинг, кир ювишинг, супир-сидиришинг, бозор-ўчар қилишинг учун Диля сенга минг доллар тўлашимни сўради. Бераман, дедим. Лекин кўп маош олганинг сайин янада кўп пул жамғариш учун уйимни болалар боғасига айлантиришингга йўл қўймайман!

Шу он қия очик эшикда ўйинчоқ машинани қучоқлаган Жаҳонгир қўринди. У катталарнинг бақирачирини эшитгач, онасидан хавотир олган эди.

Болакайга кўзи тушган заҳотиёқ Ёғочоёқ тошдай қотди. Мустафобей қаттиқ-қаттиқ гапиришда давом этганди, енгидан тортиб тұхтатди. Улар Лайло ва үғлини чиқариб юборишгач, “Янги ракий” ароғидан ичишди. Ҳасанга ҳам ичишни таклиф этишган эди, у телевизорга тикилган кўйи:

— Анор виносидан бошқа ичимлик ҳам ичимликми?
— деди тұнғиллаб. — Негадир боксни қолдиришдими, дейман?

— Ёғочоёқ, сен ҳам бир вақтлар анор виноси ичардинг-а? — заҳарханда қилди Мустафобей ва сигарета тутатди.

— Бир вақтлар деганинг нимаси? Биз яқинда танишганмиз, унутма! — кўз соққаларини ўйнатди Ёғочоёқ. Ҳасанга ўғринча қараб қўйиб, пичирлади: — Мустафо, мен укангга ишонмайман, чунки у жizzаки ва телба. Мени сотса, сен ҳам кетасан.

— Ундан хавотир олма.

— Қисқаси, Бакирқўйни йифиширамиз. Биринчидан,

бир марта бўлса ҳам кузатув камерасига тушганман, иккинчидан... — Ёфочоёқ Лайло ва ўғилчаси ўтирган хонага ишора қилди. — ...Иккинчидан, у шу ерда.

— Ким?

— Бола.

— У чет эллик-ку!

— Сени алдаган эдим, — Ёфочоёқ ҳам сигарета тутатди.

— Фарзандликқа олишмоқчӣ эмас. Уларга боланинг ички органлари керак.

— Ўҳ-ҳӯ уҳ-ҳӯ!.. — Мустафобей лимонад ичаётган эди, қаттиқ йўтал тутди. Ранг-рўйи бўзариб, тишларини фижирлатди: — Сен... Сен абраҳ... Нима, мени қотилликка тортдйнгми?

Чўлоқ кимса Жаҳонгирни кўриб ўзгариб кетганидан Лайлонинг кўнглига ҳадик тушган эди. У эски ҳийласини ишлатишга қарор қилди. Эски ҳийла нима эди? Банкда битта хонада ишловчи қизларнинг айримлари орқадан гап-сўз қилишини биларди. Бирор мавзуда баҳслалиб қолса, телефоннинг диктофонини ёниқ қолдириб, ташқарига чиқар, шунда ким ўзи ҳақида орқасидан қандай гапириши маълум бўларди.

Музлаткичда ҳали очилмаган икки шиша анор виноси бор эди. Патнисга Ҳасан учун вино ва газак солиб, ичкарига олиб кирди. Телефонни ҳеч ким ўтирумаган тўртинчи стулда қолдирди. Ўн дақиқадан сўнг қайтиб кириб, бўшаган ликобчаларни йифиштирди. Мустафобей ва Ёфочоёқ ястаниб ўтирган кўйи Лайлого еб қўйгудек тикилишиди, Ҳасан эса винога қайрилиб ҳам қарамай ҳамон телевизор қаршисида ўтирап, аникрофи, ухлаб қолганди. Вақт ҳам ярим кечадан ўтаётган эди-да.

Лайло ошхонага чиққач, диктофонга ёзилган овозни ёқиб қуидаги иблисона сухбатни эшилди:

— Шундай қилиб, уларга боланинг қаерлик экани фарқи йўқ, дегин... Ҳим-м... — деди Мустафобей. — Тўғри, донор қайси мамлакатдан, бу муҳиммас. Муҳими, қон гуруҳи... қон... Гўшт... Қисқаси, сен ваҳшийсан, Ёфочоёқ, қип-қизил ваҳший бўрисан. Қанийди эски.

замонлардагидек дорда ликиллаб турганингни кўрсам.

— Нега эски замон? Ҳозирги замонда ҳам бор ўша соғинганинг дор-р-р!..

— Қутурган бўрисан!

— Нимага ўхшатсанг ўхшат, аммо бу ишга тақдир йўл очганини тан ол. Мана, бола худди лотереяга чиққандек ўз уйингда! Энди сен анави чоҳдан чиқиб кетишинг мумкин. Нега ҳайрон бўлиб қарайсан? Бу ишни пул учун қилмаяпсан. Пул тижоратингдан ҳам тушиб турибди. Менинг таклифимга кўнмасанг, эски жиноятларинг фош бўлиб, ўша дорда ўзинг ликиллаб туришингни жуда яхши тушунасан.

— Бас қил! Мен қассоблик эканини ҳозиргина билдим! Унумта!

— Ичамизми, Мустафо қассоб? — ҳиринглади Ёғочоёқ. Бир оздан сўнг улар яна тилга кирдилар.

— Онасини нима қилмоқчисан? — сўради Мустафобей паст овозда.

— Чиройли экан. Дон олишганми?

— У менинг чўрим, хушторим эмас.

— Демак, ундан кечишинг янада осон.

— Ундан кечиши... — Мустафобей хўриллатиб ичимлик ичгани ва стаканни тақ этиб қўйгани эшитилди. — Мен бунаقا гапни тушунмайман... “Ундан кечиши...” Бу нима дегани?.. Агар анави иш бўладиган бўлса... Ундан қутулиш керак... Аниқроғи, қутулишинг керак.

— Шоҳни ўлдириш учун аввал қўриқчи ўлдирилади, — деди Ёғочоёқ.

— Ҳаммаёқ қон бўп кетаяпти, — деди Мустафобей.

— Бўлмаса, пул таклиф этиб кўрамиз. Масалан, минг доллар!

— Бу аёл боласини пулга сотадиганга ўхшамайди.

— Ўзи унинг ҳужжати борми? — Ёғочоёқ сигарета тутунини узун қилиб пуфлади. — Визасиз юрган бўлиши мумкин.

— Тўғри, визасининг муддати тугади. Бу ерга фирмадорқали жўнатилмаган. Биздан қарздор бўлиб қолган

аёллар ҳақида гапиргандим, эсингдами? Ўша аёллардан бири чўримнинг дугонаси. Лайлонӣ у менга тавсия этган.

Ёғочоёқ заҳарханда кулди.

— Сен дўкондор бўламан, тийнчгина савдо билан шуғулланаман, деб ўйлагандинг. Кўрдингмӣ, пешанангга “Худо урган жиноятчи”, деб ёзиг қўйибди, қаерга қочасан? Агар сени Бакиркўйдаги болани ўтираш ишига тортмасам...

— Э, қўй шу гапларни! Ҳадеб такрорлайверишинг ҳиқилдоғимга келди! Бакиркўй, Бакиркўй... Уни унутамиз, дедикми, тамом, гапирма! Мана бу иш ҳам бир умрга етадиган жиноят.

— Кўл ташла!

— Нима учун?

— Нима учун бўларди... — Ёғочоёқ аллақандай ишора қилган эди, Мустафобейга ёқди шекилли, чарсиллатиб кафтга кафтга урилгани эшитилди.

— Фақат бу ҳафта эмас, — деди Мустафобей.

— Ўйланма, — хириллаб жавоб берди Ёғочоёқ. Сўнгра қўшиб қўйди: — Эҳ, бечора она-бола... Жувонмарг кетадиган бўлди... На бизнинг, на уларнинг айби бор... Мажбурмиз мажбурмиз...

Шундан сўнг стаканга ароқ идиши урилиб, жаранглаб кетди, қултиллади, икки бадкирдордан бири ҳомуза тортди, телевизор бир маромда минғирларди. Лайло телефонни маҳкам сиқимлади. У меҳмонхонада ўтирганларнинг суҳбатини ўз вақтида ёзиг олмаса, оқибати қанчалар аянчли бўлишини ўйлади. Тишларини фижирлатиб, шунчалик қаттиқ тишландики, жағи синиб кетаёзди. Нима қилмоқ керак? Ҳозироқ полицияга қўнғироқ қилиб, бола ўтираш; ваҳшиёна донорлик ва қотиллик уюштирилаётганидан хабар берсинми? Ашёвий далил қўлида — телефон диктофонига ёзилган суҳбат.

— Бундай қилмайман, — деди Лайло чирт юмилган кўзларини очаркан. — Жаҳонгиржоним билан шартта чиқиб кетаману қайтиб кўрмайман бу итларни! Полиция, тергов, суд, депортация қилинишим... Бошимни қотириб

нимә зарил... Бунинг устига Туркияга эндиғина келган бұлсам, у ёқда, Самарқандда мени барибир тергов қилишади... Банк ҳұжжатлари... кредит қофозлари... Нега қүл қўйдим-а? Төхронга қайси ақл билан ишондим?! Финляндияда маза қилиб юргандир. Бир умрга етадиган пули бор. Менда эса ҳеч вақо йўқ. Ўғлимни донорлик мақсадида сўймоқчилар, ўзимни эса гувоҳ керак бўлмагани учун бўғизлаб, ўлигимни қайсиdir чиқинди қутисига ташлаб кетишмоқчи.

У йўлак охиридаги хонага оёқ учида юриб борди. Ҳозиргина суҳбатлари маҳфий тарзда ёзиб олинганидан бехабар Мустафобей ва Ёфочоёқнинг фўнгир-фўнгири қулоққа чалинди, кейин димоғларида кулдилар.

Лайло Жаҳонгирни йўлак охиридаги хонага ётқизган эди ва бола аллақачон ухлаб қолганди. Кийим-кечакларини шундай тез йиғишириди, сафар сумка бир зумда семириб, оғзи ёпилмай қолди. Аёл кийимга ўч эди, бирортасини ташлаб қочишини истамади.

— Болажоним, тура қол, — деди у.

Бироқ ҳозир Жаҳонгирнинг уйғониши ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Тўшакда пишиллаб ухлаб ётган болакай қовоғини уйиб, ғингшиб қўйди, холос. Унинг тасаввурида то Туркияга келгунларича ҳамма меҳрибон, ҳамма яхши эди. Энди жажжи миячаси ила англаяптики, ёмонлар ҳам бор ... Ёмонлар кўп... Улар онасини йиғлатиши, ўзини эса қаталакдек хонагача қамаб қўйишлари, вақтида қорнини тўйғазмасликлари мумкин.

Ҳа, болакай шундай ўйларди ва ҳозир ҳам тушида ёмон амакиларни кўриб ётарди. Бироқ у тасаввур ҳам этолмайдиган шафқатсизликка ҳукм ўқилганини қаёқдан билсин. Уларнинг нияти амалга ошадиган бўлса, Жаҳонгир қайтиб кўзини очмайди, қайтиб кўрмайди бу ғаддор дунёни. Қайси айби учун қатл этилиши мумкин уч ёшида?

Лайло ташқари эшикни оҳиста очиб, сумкани қирқ-эллик қадам нарига қўйиб келди. Тунги Йстанбулнинг мазкур воқеа юз берәтган кунжагида ҳеч кимса

кўринмасди. Кейин уйга қайтиб, боласини опичлаган ҳам эдики, Мустафобейнинг овози уйни тутди:

— Лайло! Қаердасан? Ухлаб қолдингми, нима бало?
Болани яна тўшакка ётқизиб, меҳмонхонага югурди.

— Лаббай, афандим!
— Э-э, — бош чайқади Ёғочоёқ бурни қизариб, — бу одам ҳеч қандай бей ҳам, афанди ҳам эмас. Мистер, сэр, сенъор, жаноби олийлари, олампаноҳ... Э-э, нималар деб атамагин, у барибир пастлигича қолаверади.

— Чўлок, сен тилингдан осиласан! — деди Мустафобей.

— Биз пастмиз! — кўксига урди Ёғочоёқ. — Пастлигимиздан фаҳрланишимиз керак! Паст бўлганимиз учун ҳам истаган ишимишни қилиб юрибмиз! Чунки ҳеч кимдан уялмаймиз-да! Ҳе-ҳе-ҳе-е!..

— Эшикни ёп, бери кел, — деди Мустафобей анг-танг ҳолда турган хизматкорига. — Сенда бу одамнинг гапи бор.

— Нима гап экан? — ўзини қўлга олишга уринган Лайлонинг овози барибир қалтираб чиқди.

— Ёмон иш эмас... Нима десам экан?.. Ҳалиги... — чайналди Мустафобей. — У ўғлинг билан сени олиб кетмоқчи. Борасанми?

Лайло Ёғочоёққа қаради. Ёғочоёқ совук нигоҳини узмай ўтиаркан, тишини кавлаб, сурбетларча жавоб кутарди. Ўйдан ўғлини олиб чиқиши учун Лайлого вақт керак эди, чалғитиш лозим эди икки хунхўрни.

— Диля мени шу ерга жойлаштириди, биласиз, б... бей... Ҳар куни бир неча марта қўнғироқ қилиб, ҳолимдан хабар олади. Агар бошқа ишга ўтмоқчи бўлсам, уни огоҳлантиришим керак.

— Шуми? — деди Мустафобей.

— Шу.

— Ўзим огоҳлантириб қўяман, сенинг айтишинг шартмас.

Лайло фаҳмладики, Ёғочоёқ ўғли икковини ярим кечаси, яъни ҳозирнинг ўзидаёқ аллақаерга олиб боради ва гум қилади. Диля Мустафобейдан сўраса, кечқурун

чиқиб кетганидан сүнг қайтмаганини айтади, ҳархолда қандайдир шунга яқинроқ баҳона түкійди.

— Шу ер менга ёқди, — енгил эътиroz билдири Лайло.

— Йүқ! — қатый бosh чайқади Мустафобей. — Ҳозироқ кетасан! У бир ярим минг доллар маош беради. Агар ёқмаса, күчада қолмайсан, үзим қайтиб ишга оламан. Алдасам, Худо урсин! Бұл! Э, менинг күзимга унақа қарама, Лайло! Сенга яхши бұлади, жуда-жуда яхши бұлади! Ахир, Туркияга пул учун келгансан-ку!

— Аёлларга тобим йүқ, шилқимлиқ қылсам, тил тортмай үлай, — деб Ёғочоёқ ҳам онт ичган эди, Лайло рұпаrasида нафақат шафқатсиз кимсалар, балки одам қиёfasидаги иблизларнинг үzlари үтирганларига амин бұлди.

— Хұп, кийимларимни йиғиштирай, — деди у ноилож.

— Тезроқ бұл, — құл силкиди Ёғочоёқ. — Такси қақырганман, ҳадемай келиб қолади.

Меҳмонхона эшиги ойнали бұлиб, әркакларнинг устидан құлфлашнинг маңниси йүқ эди. Лайло үғлини күтариб чиққақ, ётоқхона эшигини құлфлади. Ҳарқалай бадкирдорлар уни ичкаридан ёпиб олган деб үйлаб, беш-олти дақиқа андармон бўлишлари мумкин эди.

Лайло катта күча сари ҳаллослаб юрди. Жаҳонгир онасининг елкасига бosh қўйтган, ҳамон ширин уйқуда эди. Битта такси учраса эди...

Шу пайт жарангдор овоз эшитилди:

— Ассалому алайкум!

Лоп этиб рұпаrasидан чиққан одам Лайлонинг юрагини ёриб юбораёзди. Қараса, кийим-кечаклар солинган бояги сумкани күтариб олган үттиз беш ёшлардаги хушсурат йигит жилмайиб турибди. Футболкасига рус тилида “Озарбайжон – сеҳрли үлка” деган ёзув битилган.

— Ҳуванави ерда эдим, сумка олиб чиққанингизни тасодифан кўриб қолдим, шошилинч кўчиб кетмоқчимисиз? — деди йигит.

У туркча сўзларни бузиб талаффуз этганига қараганда, хорижлик эди. Футболкасидаги ёзув ватанпарварлигига ишора бўлса, демак, озарбайжонлик.

— Илтимос, катта кўчагача қўтариб боринг! Оллоҳ рози бўлсин сиздан! — ялинди Лайло.

Йигит боши билан “хўп” маъносини билдириди. Ўн-ўн беш қадам юргач, сўради:

— Мабодо машина керак эмасми?

— Керак! Лекин кутишга вақтим йўқ, қанчалик тез такси тўхтатиб берсангиз, шунча яхши!

— Балки ўзим сизни олиб бориб қўярман? Таксичи бўлмасам ҳам, таксичиликка ўхшаш иш бажараман. Ана, машинам.

— Қани?

Йигит кўча четида бир қатор тизилган машиналар орасидан кулранг “Тойота Калдина”га ишора қилди. Лайло ортига ўгирилди. Мустафобейнингижара уйидан ҳеч ким чиқмади. Икки ёвуз кимса кўнгилларига гумон ораламай Лайло ва ўғилчасининг тайёр бўлишини бемалол кутиб ўтиришарди чофи.

— Сиз нега менга ёрдам бераяпсиз? Кечирасиз, кимсиз ўзи? — сўради Лайло ҳадиксираб.

Йигит бирдан русчалаб сўзлади:

— Исмим Юсуф, Нахцивон автоном республикасидан келганман. Туркиядаги бир танишим ёғли жой таклиф этган эди, бўлмади. Ҳайдовчилик қилиб юрибман. Адашмасам, сиз Ўзбекистондансиз?

— Қаёқдан билдингиз?

— Агар эҳтиёт бўлмасангиз, паспортингиз тушиб қолади, — деб Юсуф бир учи кўриниб турган ҳужжатга имо қилиб, жиљмайди.

Улар машинага ўтиришди. Мотор беозоргина ўт олиб, “Тойота Калдина” ортига тисарилиб, қатордан чиқди, сўнг катта кўчага секин юриб борди-да, ўқдек учиб кетди. Истанбулнинг кенг бўлмаган кўчасида кундузи хорижлик ҳайдовчи машинани бу қадар ишонч билан тез ҳайдолмаган бўларди.

Диля телефонга жавоб бермади. Лайло унизидан бошқа ҳеч кимникига бормоқчи эмасди. Хўжайнларини безовта қилса ҳам, бошқа иложи йўқ.

— Асл исмим Юсуф эмас, — деди бир пайт йигит, — паспортимда Яшар деб ёзилган. Болалигимдан бери Юсуф дейишади. Үғлингизнинг исми нима?

— Жаҳонгир.

— Яхши исм. Юртим ҳақида эшитганмисиз?

— Кечирасиз, қаердан эканингиз эсимда қолмади.

Автоном республика дедингизми?

— Вилоят деса ҳам бўлади. Мен ўз шевамда Нахцивон дедим. Харитада, китоб-газеталарда Нахичеван деб ёзишади. Озарбайжоннинг бир қисми. Уртада Арманистон бор, бизни Озарбайжон билан на темирйўл, на автомобиль йўли боғлайди. Ҳаттоқи тўғридан-тўғри ҳаво йўли ҳам йўқ. Бошқа давлатларнинг ўртасида қолиб кетганмиз.

— Шунақаси ҳам бўлар эканми? — ҳайрон бўлди Лайло ёвуз кимсалардан бир оз чалғиб.

— Ҳаво йўли умуман йўқ эмас, — деди Юсуф, — Бокуга Эрон орқали айланаб учиб борса бўлади.

— Нега Эрон орқали?

— Бу ёғи қонли тарих. Ҳўш, ўзингиз нега Ёғочоёқ билан үралашиб қолдингиз?

Лайло ток ургандек сапчиб тушди ва беихтиёр ўғилчасини бағрига маҳкам босиб:

— Кимсиз?! — деб қичқириб юборди. — Тўхтатинг машинани!

Жаҳонгир онасининг овозидан сапчиб уйғониб, нима воқеа рўй бераётганига, қаерда эканига тушунолмай кўзларини катта-катта очди. Энтикиб-энтикиб нафас ола бошлаганига қарагандა уйқу аралаш ваҳимада қолиб, йиғлашни бир неча сония унутиб қўйганди.

— Тўхтатинг! — Лайло кўксига босган боласини ҳам, ўзини ҳам ўлимга маҳкум этаётганини ўйлаб ўтирамай қичқиригчанча эшикни очди. Машина филдирагининг физиллаши, дастгоҳ тасмасидек липиллаб ўтаётган асфалт йўл, шамол, ўлим шарпаси. Жаҳонгир умри бино бўлиб даҳшатли фалокатни бунчалик яқиндан ҳис этмаган эди. Онаси уни қучган ҳолда ташқарига оғиб, ерга бир қарич яқинлашди. Қўрқувдан бор овози билан

йифлаб юборган бола онасига жон талвасасида шундай қаттиқ ёпишдики...

Кўзлари қинидан чиқаёзган Юсуф жон-жаҳди билан тормозни босди: “Тойота Калдина”нинг филдираклари чийиллаб, йигирма қадамча сирғалиб бориб, ёнга бурилиб тўхтади. Филдиракларнинг тутуни чиқиб кетди. Кучли силтаниш оқибатида эса Лайлонинг оёқлари ўриндиқ тагида, гавдасининг ярми ташқаридан қолди. Бахтли тасодиф туфайлигина Жаҳонгир она бағридан узилмади, асфальтга отилиб тушиб, чирпирак бўлмади. Бегуноҳ норасиданинг ҳали умри бор эди, ўлим ундан юз ўгириди.

Бироқ Лайлонинг бошидан рўмоли учиб, шу заҳотиёқ юзи қонга беланди. Юсуф машинадан чопиб чиқиб, болани даст кўтарди. Нафаси бўғзига тиқилиб, кўкариб кетган Жаҳонгир оғзини ғалати очганча қотиб қолган эди. Юсуф уни икки-уч силкиганидан сўнг бўғзидаги ҳаво отилиб чиқиб, чинқириб йифлаб юборди.

Шунда ҳам онасидан ташвиш чекиб:

— Аям!.. Аяжоним!.. — дерди. Хаёлида бу юртда фақат онасига ёмонлик қилишади, фақат онасини ўлдиришлари мумкин, ўзини эса... Эҳ, уч ёшли гўдаккина ўз жонини ўйлаб ҳам кўрмайтганди.

— Қанақа онасиз?! — бақирди Юсуф ва болани ўриндиққа ўтиргизиб Лайлонинг қўлтиғидан-кўтардада, орқа ўриндиққа чиқариб қўйди. Дори-дармон кутичасини олиб, биринчи ёрдам кўрсатди. Жароҳат оғир эмаслиги кўриниб турарди — тери шилинибди.

— Полиция... — деб пичирлай олди Лайло. — Т-телефоним... П-полиция...

— Мен Ёфочоёқни ўлдиришга келгандим! — деди Юсуф ҳансира. — Унинг изидан тушганман! Нима, унинг шериги деб ўйладингизми? Ўша ҳайвоннинг-а? Мен-а?! Ҳеч бўлмаса, болангизга раҳмингиз келмади-я! Э, садқа она кетинг!

Лайло қалт-қалт титраб Юсуфга ишонқирамай тикилди.

— Энди полиция чақиролмайман, — деди йигит. — Нега деганда ўзимни сизга фош этиб қўйдим. Суяк лат емабди, ўлмайсиз.

Юсуф она-болага сув ичирди, ўзи ҳам ютоқиб симириди. Бошига ҳам сув қуиди-да, “Оллоҳга шўқр”, деди. Кейин машинасини бўм-бўш кўчадан катта йўлга ҳайдаб чиқди. Машиналар оқимиға қўшилиб, Истанбулнинг бошқа туманига йўл олди. Гарчи Юсуфга ишонишни истаётган бўлса-да, Лайло бу йигитдан барибир шубҳаланиб, боласининг бошини маҳзун силаб ўтирас, тобора ҳолдан тойиб, секин-аста ҳушидан айрилиб борарди.

4

Истанбул осмонини булут қоплади, аммо ҳали-вери ёмғир ёғадиганга ўхшамасди. Ёзниг жазирама кунлари яқинлашиб келаётган эди. Булутлар ортида қуёш худди ой каби тўлишиб кўринди. Минг йиллардан бери одамларга ёқмайдиган оғир кун шекилли, шаҳар ланж кўринарди, қушлар ҳам кўрфаз томон эриниб учиб борарди.

Юсуфнинг панжарали деразаси тагидан йигирма чўғли одам бақир-чақир қилиб ўтганида, Лайло алоқ-чалоқ тушлардан ҳолос бўлиб кўз очди. Дастлаб қаерда ётганини, нима воқеа содир бўлганини эслаёлмади.

— Бизга қурол беринглар! Урушга борамиз! — деган хитоблар эшитилди кўчадан. — Кемамизни талон-торож қилишга, одамларимизни ўлдирришга ҳадди сифган давлат барибир ҳалок бўлади!.. Ҳалок бўлади!..

Лайло аччиқ ютинди. Тўсатдан кечаги воқеаларни эслаб, кўзлари олайди. У Мустафобейнинг уйидан қочиб чиқди, озарбайжонлик йигит аллақаёқقا олиб келди. Кейин... Кейин нима бўлди? Жаҳонгир ёнида эди, элас-элас эслайди: бола бояқиши пинжига тиқилиб, қўрққанидан узоқ вақт ҳиқиллаб ётди, онасининг жароҳатларини силади, “Самайқандга кетайлик, аяжон”, деб пичирлади, боланинг қўллари муздек эди...

Лайло сапчиб турмоқчи эди, аъзои бадани қақшаб, силкиниб қўйди, холос.

— Жаҳон... — зорланиб боласини сүради у. — Жаҳонгир... үғлим...

Хеч ким жавоб бермади. Лайло қаравотдан үзини ташлаб, полга гурсиллаб қулади. Кечаги ҳалокат оқибатида бұғымлари оғир зарб егани энди билинди, айниқса, үңг құлини қимирлатолмади. Шу дамда күчадаги намойишчилар үтиб бўлишди, дунё сукунат ичидаги қолди. Бу уй Истанбулнинг анча чекка, тор күчасида жойлашган шекилли, машиналар шовқини ҳам эшитилмас эди. Фақатгина кеманинг — сафарга отланган сувучи темир махлуқнинг ўкириги олис-олисларда ҳавога сингиб кетди.

Лайло бир амаллаб оёққа қалқди. Дераза пардасини очиб, күчага кўз ташлади. Деразаси күчага қараган уйга ётқизиб қўйишганига қараганда, Лайло асира эмас эди. Бироқ ўғли... Ахир, у онасини ташлаб, уйдан чиқиб кетиши даргумон-ку. Минг чиранса ҳам эслаёлмади, кеча ўғли қаравотда то ухлаб қолгунча бирга ётдими ё кейин кимдир хонадан олиб чиқдими?

— Болам... Болам қани?! — Лайло эшикка талпинди.

Гавда зарбидан ёғоч эшик шарақлаб очилиб, қора мушук қўрққанидан диван тагига үзини урди, сўнг дарров ортига қайирилиб, ичкари хонадан чиққан нотаниш аёлга — юз-қўли шилинган, боши боғланган Лайлого тикилди. Аёлнинг ҳам, мушукнинг ҳам кўзлари бирдек ёнди.

Лайло ташқари эшикка ташланди, аммо қулфланган эди, очолмади.

— Телефон!.. — деди у ҳансира. — Телефон топишим керак...

Уй бўйлаб тентираб телефон ахтарди. Ахийри топди, уз телефони тумба устидаги чойнак панасида ётган экан. Полиция рақамларини шошилинч териб, қулоғига тутди. Қаерда эканини тушунтириш учун мўлжал қидириб пардани очди. Полицияга кўчани ёки кўзга ташланарли бирор бинони айтиши керак-да.

Во ажаб, кўчанинг нариги томонида жондан азиз

жигарбанди – Жаҳонгир унга термулиб турарди, қўлида чўпли конфет ва қандайдир қизғиш ўйинчоқ. Лайло кўраётганига ишонмади, кўзини юмиб-очиб қаради. Ҳа, у болажониси эди, соппа-соғ.

– Ана, кўрдингми? – деди ёнига чопиб келган Юсуф рус тилида. – Барibir ушлайман, дедимми, ушладим! Юр уйга!

Юсуф коптот узатди, лекин Жаҳонгирнинг қўли банд эди, олмади. Шундан сўнг Юсуф кулиб қўйди-да, коптотни тош йўлга сапчитиб ўйнади. Қараса, болакайнинг нигоҳи деразада. Шунда у ҳам Лайлони кўрди.

– Алё, полиция... – Телефонда эркак товуши янгради. Лайло қизил тугмачани босди ва худди ўзини ўлимга маҳкум этгандек бир нуқтага тикилиб қолди. Ўнг қўлидаги оғриқ зўрайиб, кўзлари хиёл қисилди. Боласини бир зум ҳам назаридан қочиришни истамасди.

Бирпас ўтмай Юсуф Жаҳонгирни етаклаб уйга кирганида Лайлонинг кўнгли юмшаб кўзларида ёш ўйнади.

– Узр, Жаҳонни овутмасам бўлмасди, – деди Юсуф газплита сари юриб. – Жароҳатлар оғримаяптими? Менимча, ҳафта-ўн кунда асар ҳам қолмайди.

– Жароҳатларимдан безовта бўлаётганим йўқ, – ўғлини қучоқлаб, соchlарини силаб ўпди Лайло.

– Дугонангизнинг уйига олиб боромаслигимни, полиция ҳам чақиролмаслигимнинг сабабини кеча айтдим.

– Биз бу ерда қололмаймиз... Сизга раҳмат... Сен ҳам акага раҳмат айт, ўғлим.

– Яҳмат, – деди Жаҳонгир конфетни ҳузур қилиб шимаркан.

Юсуф болага эмас, Лайлого қаради.

– Ўнг қўлингиз билан ёмон урилибсиз, – деди у.

– Шифокорга ҳам бормайман, полицияга ҳам... Қасам ичиб айтаман, Юсуф ака... оға... Сизни “оғам” дейман... Яна бир яхшилик қилинг, бизни қўйиб юборинг.

– Ҳа, албатта, – деб мамнун қош қоқиб қўйди Юсуф.

— Жаҳл устида сиримни гүллаб қўйдим. Кейин нима қилишим керак эди? Уйимга олиб келдим. Бугун сиз билан келишиб олмоқчи эдим, холос.

— Мен ҳозир полиция чақирмоқчи эдим, фикримдан қайтдим. — Лайло телефон ушлаган қўлини қимирлатди, Юсуф мийигида кулди.

— Намойишчилар уйғотиб юбордими? — деди у чойнак тагига олов ёқаётib. — Дунё ўзи шунаقا. Туғиласан, яшайсан, ўласан. Мен ўлимни нуқтага ўхшатаман, қачондир бизнинг ҳаёт романимизга сўнгги нуқта қўйилади. Нуқта қўйилмайдиган ким бор? Ҳеч ким... Кеча Ёғочоёқ борган уйга қандай тушиб қолгансиз?

Лайло Туркияга келгац, бошидан ўтказғанларини қисқача гапириб берган эди, Юсуф ҳайрон қолди.

— Жуда ҳам содда экансиз-ку, — деди диванга ўтириб, мушукни тиззасига оларкан. — Шундай катта шаҳарда келиб-келиб ўща Диля деган дугонангизниги бормоқчи бўлдингизми? Ўз оғзингиз билан айтаяпсиз, Мустафо ва Диля таниш, аввалдан қандайдир алоқалари бор деб! Изингиздан кувиб, Дилянинг уйи олдида етиб олишса нима бўларди? Мисол учун, мен учрамай, иккингиз таксида кетганингизда, демоқчиман.

Лайлонинг қовоғи солинди. Ўғли иккови фожиали равиша үлишига бир баҳя қолганини эслашни истамасди.

— Ёғочоёқ чақирган “таксичи” мен эдим; — деб Юсуф ўрнидан турди-да, дераза рахига қўл тираб, бош эгди.

— Тағин “одами экан” деган фикрга қайтиб, додламанг, илтимос. Мен у билан қаҳваҳоңада танишиб қолганман. Ичмайман, аммо бир одамни уйига элтиб қўйиш учун қаҳваҳонага кирадим. Ёғочоёқ кечаси машинада у ер-бу ерга олиб бориб-келишимга мени кўндиреди. Кўшимча даромад ишлайман деб йўладим. Қадам олиши бежо эканини тез орада сезиб қолдим. Ҳақиқатан у Бакиркўйда ёш болани ўғирламоқчи эканидан хабар топдим. Агар шу кечаси болани ўғирлаганида, уни жиноят устида қўлга туширган бўлардим. Мен полициячи эмасман. Сўйиб кетардим аблахни!

— Ундан күра... Бу ерлардан... — Лайло йигитга қизарған күзларини тикди. — ...Кетсангиз-чи? Нима зарил бунақа қонли ишлар?

— Кетмайман. Машина бор, уй бор. Қотил деб ўйламанг, болаларни жонимдан ортиқ яхши күраман. Ёғочоёқ бир учради, қайтиб унака нокасга ҳайдовчилек қилмайман. Кечаси нега келмаганимни телефонда боя сүради, (телефон рақамимни билишади, уйимни әмас). Қаұвахонада ушланиб қолдим, дедим. Шу бугундан у билан алоқамни уздим. Сиз-чи? Юртингизга учиб кетасизми?

- Мен ҳали ишламоқчиман.
- Кечаги воқеадан кейин ҳамми?
- Қисқаси, кетолмайман.

— Тушунарли. Барибир мени қотил деб ўйлајapsиз-а? Бакиркүйдаги ўша хонадонни топиб, бир огохлантириб қўйишим керак. Бу дунёда болалардагина гуноҳ йўқ. Ёғочоёқни кўрдингиз, одамми у?! Кеча сизни қувиб келганида, ўлдириб қўйишим аниқ эди... — Юсуф ортига ўгирилди. — Э, эслаб нима керак! Агар квартира керак бўлса, мана, уй! Буни бир ватандошим ўн ойга ижарага олган эди. Эдирнада зўр иш чиқиб қолди, уйни ҳам, машинани ҳам ташлаб жўнаб кетди. Бир одатимни айттаймий?

Лайло зўрга бош силкиди.

- Кундуз ишлашни ёқтиirmайман, — деди Юсуф.
- Келинг, шу уйда смена алмашиб яшаймиз. Сиз кундуз бирор жойда ишлайсиз, мен кечаси. Ижара ҳақи олмайман. Битта шартим — ўғлингизни энагага бермайсиз. Кундуз у мен билан қолади. Маза қилиб ўйнаймиз, шаҳар айланамиз. Хўш?
- Нега бизга яхшилик қилајapsиз?
- Биринчидан, қийналётганингизни кўриб раҳмим келди, ҳимоямга олишни истаяпман. Иккинчидан, нега энди яхшилик қилмаслигим керак экан? Дунёда ёмонлар кўпайиб кетган, ҳар кимга ишонмаслик керак, деганларни ёқтиirmайман. Яхшилик тирик эканинй доим кимгадир исботламоқчи бўламан.

- Майлими Диля билан қўнгиришсам?
- Албатта. Сиз Туркияда ундан бошқа одамни тан олмайдиганга ўхшайсиз, — деди Юсуф. — Аммо манзилни айтмайсиз. Уни бирор бекатдан ўзим олиб келаман. Шунда ҳам фақат қечаси.

Лайло дугонаси билан телефонда гаплашди. Кечки овқатдан сўнг Диля Юсуф билан кириб келди. Бўлиб ўтган воқеа уни ҳам даҳшатга солди.

- Туркияга ўғилчангни олиб келма, демаганмидим!
- Газаби қайнади Дилянинг. — Худо бир сақлабди.
- Булатзингни ёқ, — шивирлади Лайло мультфильм томоша қилаётган Юсуфга ўғринча қараб қўйгач.
- Мустафо билан Ёғочоёқнинг сухбатини телефон диктофонига ёзиб олганман, сенда ҳам нусхаси бўлсин.

Дилянинг кўзларидан ўт чақнаб, қийқириб юбораётди.

- Ў-ў, мана бу сюрприз! Улардан қарздор бўлиб қолгандик, энди ўзлари қопқонда! Маладес, Лайло! Ўзимнинг дугонам! Асалим!

Юсуф Жаҳонгирни эркалади, бир нималар деди, сўнг икки дугонанинг қаршисидаги диванга ўзини ташлаб, оёқларини чалиштириди. У сюрприз нима эканини сўраганида, Диля:

- Сиз Ёғочоёқнинг дўсти бўлиб чиқасизми, душманими, билмайман, — деди. — Шуни унутмангки, Мустафо иқковининг тақдидири буғундан бошлаб менинг қўлимда. Ўша манфур кимсаларнинг ҳамтовоқлари кимлар бўлса, улар ҳам!

- Судга бермоқчимисиз?
- Йўқ, ўлимга ҳукм этмоқчиман.
- Улар мол эмас-ку, қассоб чақирсангиз, сўйиб-саранжомлаб берса, — деди Юсуф.

Бироқ Диля бир режа тузишга улгурган эди. Режани икки соатда амалга ошириди. У Юсуфнинг машинасида Мустафобейникига борди. Ҳар эҳтимолга қарши йўл-йўлакай яна бир дугонасининг телефонига сухбатдан нусха кўчирди. Кейин бадкирдор дўкончига малъунона сухбатни эшиттиргач, айтди: “Қарзларингдан кеч! Хужжатларни

Азамат ҚОРЖОВОВ

қайтар! Лайло ва ўглини бир умрға тинч қўйишга қасам ич! Акс ҳолда бу ёзув полициянинг қўлига тушади!”

Уч киши бўлиб қайтишганида, соатнинг электрон рақамлари 23:23 эди. Диля ва Юсуфга эргашиб келган нотаниш аёлга рақамлар чиройли қўриниб, қўлоч ёйди. Бу аёл анча-мунча хушчақчақ экан, остона ҳатлаган заҳотиёқ Жаҳонгирга қўл узатди:

— Кел, асалим, холанг билан кўриш! Айновнийин, полвонча! Ҳали шундай йигит бўлсинки, менга ўхшаган жононлар ишқида йиқилиб қолсингилар!

— Бўлди! — деб Диля Лайлони қучоқлади. — Биз ҳам, сен ҳам улардан қутулдик! Мулла минган эшакдек ювош тортиб қолишди!

— Раҳм қилдик, бўлмаса умрлари қамоқда чирирди, — деди нотаниш аёл обдон бўялган қўзларини пирпиратиб.

Ҳаммалари ресторанга боришмоқчи эди. Лайло кўнмади. Бошига ва қўлига оқ бинт ўралган ҳолда кўчада юришни истамасди. Юсуфни тансиқ таомларга юборишгач, нотаниш аёл — Гулчехра (у асли Лайло ва Диляга ҳамشاҳар бўлиб, Истанбулда савдо билан шуғулланар экан) деди:

— Лайлонинг жуда катта ёрдами тегди, энди биз ҳам унга ёрдам беришимиз керак. Агар уй хизматкорлигига ишлайман деса, бир бой хонадонни биламан, ёлғиз кишини парваришлаш керак, жуда яхши ҳақ тўлашади. Лайло боласи билан ўша хонадонда яшаб, ишласа дегандим.

Лайлонинг хаёлини Мустафобей, Ёғочоёқ ва Ҳасан ҳали тарк этмаган эди. Диля махфий сухбатни эшигтириб, уларни жиловлаб қўйгани росттир, аммо, наҳотки, шу кўйи думларини қисиб, ин-инларига уриб кетишса? Айниқса, Ёғочоёқ инсоний хислатларидан айрилганига кўп йиллар бўлганди. Диктофондаги ёзувни қўлга киритиш учун қонли йўл танласа-чи? Масалан, суюқасд уюштиришлари ёки ораларидан кимни дир гаровга олишлари мумкин эмасми?

— Гапир, бўладими? — туртди Диля.

қайтар! Лайло ва ўғлини бир умрға тинч қўйишга қасам ич! Акс ҳолда бу ёзув полициянинг қўлига тушади!”

Уч киши бўлиб қайтишганида, соатнинг электрон рақамлари 23:23 эди. Диля ва Юсуфга эргашиб келган нотанишгаёлга рақамлар чиройли қўриниб, қўлоч ёйди. Бу аёл анча-мунча хушчақчақ экан, остона ҳатлаган заҳотиёқ Жаҳонгирга қўл узатди:

— Кел, асалим, холанг билан кўриш! Айновнийин, полвонча! Ҳали шундай йигит бўлсинки, менга ўхшаган жононлар ишқида йиқилиб қолсинлар!

— Бўлди! — деб Диля Лайлони қучоқлади. — Биз ҳам, сен ҳам улардан қутулдик! Мулла мингандек ювош тортиб қолишди!

— Раҳм қилдик, бўлмаса умрлари қамоқда чирирди, — деди нотаниш аёл обдон бўялган қўзларини пирпиратиб.

Ҳаммалари ресторанга боришмоқчи эди. Лайло кўнмади. Бошига ва қўлига оқ бинт ўралган ҳолда кўчада юришни истамасди. Юсуфни тансиқ таомларга юборишгач, нотаниш аёл — Гулчеҳра (у асли Лайло ва Диляга ҳамشاҳар бўлиб, Истанбулда савдо билан шуғулланар экан) деди:

— Лайлонинг жуда катта ёрдами тегди, энди биз ҳам унга ёрдам беришимиз керак. Агар уй хизматкорлигида ишлайман деса, бир бой хонадонни биламан, ёлғиз кишини парваришлаш керак, жуда яхши ҳақ тўлашади. Лайло боласи билан ўша хонадонда яшаб, ишласа дегандим.

Лайлонинг хаёлини Мустафобей, Ёғочоёқ ва Ҳасан ҳали тарк этмаган эди. Диля махфий сұҳбатни эшиттириб, уларни жиловлаб қўйгани ростдир, аммо, наҳотки, шу кўйи думларини қисиб, ин-иннларига уриб кетишса? Айниқса, Ёғочоёқ инсоний хислатларидан айрилганига кўп йиллар бўлганди. Диктофондаги ёзувни қўлга киритиш учун қонли йўл танласа-чи? Масалан, суюқасд уюштиришлари ёки ораларидан кимнидир гаровга олишлари мумкин эмасми?

— Гапир, бўладими? — туртди Диля.

— Энди сиз ҳам тушунинг-да, Юсуфбек, — деди Гулчехра. — Бегона эркак билан битта том остида яшаш аёлга осонми? Сезаяпман, Лайло шу ўтган кунларда чў устида ётгандек бўлган. Жаҳонгирни соғиниб, парк ва майдонларни айлантиргингиз келса, ҳафтада бир марта бориб туриңг Найзан кампирни кига.

— Ким дедингиз? — Лайлонинг қоши чимирилди.

— Кампиршонинг исми Найзанхоним. Қўрқманг, найзалари йўқ, — кулди Гулчехра.

Кетар вақт бўлган эди. Юсуф аёллар билан қўл бериб хайрлашди, Жаҳонгирни эса қучоқлаб, пешонасидан ўпди. Лайлонинг янги хизмат жойини тез орада Юсуфга маълум қилиш ваъда этилди. Нахичеван фуқароси фаҳмладики, она-бала унинг учун дом-дараксиз кетмоқда. Қачонки, кўчада, супермаркетларда тасодифан учратиб қолмаса...

— Майли, — деди йигит бош қашиб. — Ҳар шанба оқшомида майдонда учрашсак, дегандим. Яна ҳам ўзларингиз биласиз.

5

Гулчехра бир хатога йўл қўйган эди. Найзанхоним ўз хонадонида болали хизматкор ишлишига қарши бўлмаса-да, ўғил болани жинидан ортиқ ёмон кўради. Айтишларича, уч йиллар бурун мияси суюлган бу кампир бир туш кўрган эмиш. Тушига қора либосли кемшик чол кирибди. У: “Сен охирги вақтларда инжиқликларинг билан бешта хизматкорнинг бошига етдинг. Уларнинг нима айби бор эди? Ишchan, ёлғиз, тартибли бўлишса! Энди ўзингдан кўр! Хизматкорсиз қолиб, сенга чўри ахтариб юришганида, бир жувон пешонангга битади ва унинг ўғилчаси сенга берилган ажални ниҳоясига етказади!”

Албатта, бу гаройиб тушни Лайло ҳали эшитмаган эди. Найзанхонимнинг ўғлига ёрдамчи бўлмиш бир хотин уларни кўхна ҳашаматли ҳовлига киритаётib, Жаҳонгирга кўз қирини ташлаб, деди:

— Бола бинонинг нариги қаватидан бери келмасин,

қийқириб ўйнамасин, шунда хоним ўйда унинг борлигини билмайди ва ҳеч қандай муаммо туғилмайди. Энг муҳими шуки...

Лайло ажабланиб қараган эди, хотин гапидан тўхтаб, елқа қисди:

— Ё тавба, рангингиз учиб кетдими?

— Болам борлигини хоним нега билмаслиги керак?

— Яхшиси, хўжайнинг ўзидан сўранг... Энг муҳими шуки, — такрорлади хотин, — ҳар қандай ҳолатда ҳам ўғил болачани хонимдан сир тутишингиз шарт. Унумтанг-а?

— Мен ўйлагандимки...

— Нима, бунинг сизга кўрқинчли томони борми? Дейлик, хоним ўғилчангизнинг овозини эшишиб қолди ё қорасига кўзи тушди. Қариндошимизнинг ўғли эди, меҳмонга келган, деган баҳоналар билан хонимни тинчлантирасиз. Ўша куниёқ “болани жўнатиб юбориш” ҳийласини ўйлаб топасиз. Қайтиб бу уйга ёш болани яқинлаштирмасликни хонимга такрор-такрор айтасиз. Кўпроқ қасам ичинг, у қасамларга осон учадиганлар хилидан.

Она-болани ҳовлининг сўл қанотидаги бир эмас, нақ беш хонали уйга жойлаштирган хотин йигирма дақиқадан сўнг Найзанхонимнинг ҳузуридан — қунчиқарга қараган икки қаватли бинодан қайтиб тушди. Жаҳонгир ҳайхотдек уйнинг сукунат ҳукм сўраётган сирли хоналарини томоша қиласкан, онасига тез-тез ҳавотирли нигоҳ ташлаб қўярди. Шовқин солмасликни қаттиқ тайинлаган Лайло эса бир нуқтага тикилиб ўтиради.

— Юқорига чиқамиз, — деди иш юритувчи.

— Бў ер музейга ўхшар экан, — Лайло ҳовлига яна бир марта ҳайратланиб, аммо беҳавас бокди.

— Йўқ, — тўхтади хотин, — иморатдан кўра унинг соҳибаси кўпроқ ўхшайди ўша музейга. Саксон ёшигача иккинчи қаватдан тушмай яшаётган одамни кўрганмисиз? Қани, марҳабо! — Сўнгра овозини бир парда пасайтирди: — Иккинчи қават бандаси сизга мунтазир, Лайлохоним.

Улар қизил гилам тўшалган ёғоч зйнапоядан юқорига

күтарилиб, чапдаги ойнаванд хонага киришди. Кенг, ҳашамдор хона өзөгөн бўлса-да, дастлаб Лайло тирик жонни кўрмади.

— Найзанхоним, хизматкор келди! — эълон қилди хотин сарғиши, бўрсилдоқ диванлардан бирига қараб.

Шунда диваннинг бўртма суюнчиғи деб фараз қилинган матога жон кириб, секин қад ростлади ва Лайло эшикка терс ўғирилиб, бошини гиламга осилтириб ётган кампирнинг юзини кўрди. Кўрди-ю баданига қалтакесак ўрмалагандек эти жунжикди. Негаки, салкам тирик мурдага рўпара бўлиш хаёлига ҳам келмаганди. Ҳад-ҳисобсиз ажин босган бир бурда юздаги косаларга чўккан кўзлар алланечук безовта йилтирас экди. Одам эт ва суяқдан иборат бўлса ҳам яшаши мумкин экан-да.

— Яқинроқ кел, — қўлини қимирлатди у. Кейин оғзидан илк ҳақоратлар кўршапалаклардек учиб чиқди:

— Келгиндимисан? Ҳа, келгиндисан! Бошқа ким ҳам бўлардинг!

Оралиқ масофа икки одим қолгач, Лайло тўхтади, салом бериб, қўл қовуштириди. Найзанхоним сўзсиз тикилиб ўтиаркан, вужудини кўзга айлантириб, Лайлонинг ичидагиларни тешиб юборар даражада ўқимоқда экди.

— Боланг борми? — сўради дағаллик билан.

— Йўқ, — деб жавоб берди Лайло. Шу заҳотиёқ кўзлари пирцираб, юзига қизиллик югорди.

— Туққанга ўхшайсан-ку! — хириллади кампир.

— Мен... мен ишлагани келганман Туркияга... Болам қолган... Уйда...

— Кўрдингизми, Найзанхоним, — орага суқилди хотин, — у бизнинг тилимизни яхши тушунади. Жуда жуда меҳнаткаш, масъулиятли. Энг муҳими, ишончли ва ёлғиз! Ундан яхши хизматкорни Эдирнагача пиёда борсангиз ҳам тополмайсиз.

— Пиёда бориб жинниманми? — жеркиб берди кампир.

— Султонлар замонасида машиналар бўлмаган, — ялтоқланди хотин. — Ўзингиз шунаقا дегансиз, Найзанхоним.

— Туғрул султон бир замонлар Малазгирт қалъасини қамал қилған, тұғри, — бармоғини ҳавога нұқиди кампир.

— Лекин Малазгирт жуда ҳам мұстаҳкам қалъа эди, Туркия ерида Малазгиртдек қалъалар ҳамиша ҳам бунёд қилинавермайды. Ларьнати Ван күли ягонами? Ягона! Султон ҳеч ололмагач, Битлісдан манжанақ келтириш учун от-улов ва икки минг одамини юборған. Үшандың энг баҳайбат манжанақларни Битліс шаҳридангина топиш мүмкін эди. Манжанақ муҳандисининг эса бир қизи бўлган. Исли Найзанхоним! Яъни каминанинг исми! Туғилганимда ўша соҳибжамолга ҳавас қилишган. Доям бўлган!.. Йўқ, доям бўлмаган! Ота-боболарим Битлісдан тарқагани учун фахрланаман. Ҳалигача “Биттлз” гуруҳининг қўшиқларини эшитишим ҳам бежиз эмас. Италиянинг пойтахти Рим. Ё шубҳанг борми, келгинди?.. Ҳой, сенга гапирайпман! Отинг нима?

Иш юритувчи хотин Лайлого қараб: “Эҳ, шўрпешана хизматқор! Мана шу тентак кампир билан кечаю кундуз бирга бўласан энди!” дегандек масхаромуз кулиб қўйди. ЛайлоНима ҳам дерди? Катта маош ва бепул бошпана. Бу гаранг кампир ҳовлида Жаҳонгирнинг яшаёттанини ўла-ўлгунча билмаслиги муқаррар экан, муаммо йўқдек эди. Шундай экан, чидайди-да. Афтидан юмшоқ дивандаги тирик мурда беозорга, кун бўйи ухлайдиганга ўхшарди.

ЛайлоНима ўз исмини айтди.

— Ўғлингнинг оти нима? — қулогини динг қилди кампир.

— Унинг ўғли йўқ, — гапни илиб кетди иш юритувчи. — Қизи қолган, олис ўлкада. Ўёққа султонлар замонасида ҳам бориши осон эмасди. Узоқ, Найзанхоним, жуда узоқ.

— Нега энди узоқ? Нима учун яқин эмас?

— Қари аёллар ва болаларга йўл юриш осонми, хоним. Йўл азоби — гўр азоби! Узоқ йўл юриш учун фақат пул эмас, куч ҳам керак. Масалан, уч ёшли қиз бола қаергача бориши мумкин?

— Ўчир овозингни! Гапларинг ёқмаяпти!

— Хўп, хоним, — бош эгди иш юритувчи.

Найзанхоним икки аёлнинг гапида ёлғон ачитқиси бижфиётганини сезди, илло ўзининг гапига ўзи тушунмайдиган одам бироннинг гапини тузукроқ мушоҳада этишга қодир эмасди. Дарров бир қарорга келди:

— Сенга жавоб. Кета қол.

— Менми? — ажабланди Лайлло.

Шу заҳотиёқ кўнглидан “Қаердан иш излайман? Юсуфнинг уйига қайтиб бораманми?” деган ўй лип этиб ўтди. Албатта, у ортга қайтишни хоҳламас эди. Қанийди Найзанхоним ишга олса. Шу тобда сеҳргар ҳозиру нозир бўлиб, келажагини сеҳрли кўзгуда намойиш этганидами, Лайлло барча балои қазо айнан шу уйдан бошланажагини кўриб, пастга югуриб тушарди ва Жаҳонгирнинг қўлидан етаклаб, кўчага чопиб чиқарди. Таассуфки, кўзгулар эртакда бор, бандаси эса бир ҳафта тугул, бир сониядан сўнг не воқе бўлмоғини билмайди.

— Йўқ, сен, — деб кампир иш юритувчи хотинга тикилди. — Кета қол! Кет, кет... Шу буғуноқ ўғлимга айт, об-ҳаво маълумотларини менга тез-тез етказиб турсин. Истанбулни барибир сув босади. Аллоҳга шукр, бу уйнинг чордоғи ҳам бор. Чордоқда жон сақлаш мумкин.

— Янги хизматкор билан табриклайман, — дея хотин таъзим бâжо айлаб ҳонаён тарқ этди.

— Эшитдингми? — ёпинчиғини иягига қадар тортди кампир.

Лайлло қопоғон ит қаршисида ёлғиз қолгандек қилт этмади. “Нимани?” деб зўрға сўради. Кампир гиламга имо қилди.

— Сув... сув босади бу ерларни.

— Эшитганим йўқ. Менга айтишганки, Истанбул денгиз ёқасида бўлса ҳам денгиз сатҳидан анча баланд. Уни сув босиши учун дунё океанлари эллик метр баландга кўтарилиши керак. Ер шарида бунча сув йўқ.

— Бас қил! Туркчани ҳалигача яхши ўрганмадингми? Менинг ҳонадонимда қанақадир ажнабий сўзларни қўшиб-чатиб гапиришга ким ижозат берди? Мени денгиз ўлдирмайди. Эшит! — Кампир кўзларини катта-

кatta очиб, қонсиз лабларини чүччайтириди. — Тушимда кичкина ўғил болача ўлимимга сабабчи бўлиши айтилган. Ёқтирмайман, кўргани кўзим йўқ болачаларни! Бўғиб ўлдириб қўйишим мумкин!

— Ёмон тушларга ишонманг, хоним, — эътиroz билдиришга журъат этди Лайло. Кампирдан шу қадар ижирғандики, ҳозироқ бошқа жойдан иш топилиб қолишини, бу хонадонни тарқ этишни истади.

— Ўзингни бил! Тақдирингга ишонмайсанми? Ишонасан! Ишонмай ҳам кўр-чи! Шунинг учун уйимга ўғил болани яқинлаштиrmайман, сен ҳам эҳтиёт бўл. Эшитаяпсанми?

— Ҳа.

— Ҳатто, невараларимни, аниқроғи, чеварапаримни ҳам қадам бостиришмайман! Бор, Валипошшадаги янги уйингда яша, деганман ўғлимга... Ўғлимни кўрдингми?

— Кечирасиз, мен бир аёл орқали у кишининг иш юритувчисига учрашдим, холос.

— Сенинг ўғлинг борми, йўқ? Фақат ростини айт.

— Йўқ, — аччиқ ютинди Лайло.

— Италиянинг пойтахти Рим, — тўнгиллади кампир.

— Италиянинг Римлиги пойтахт. Менга ёқдинг! Мени ҳар куни ювинтири! Аммо икки косадан кўп сув ишлатма! Сувнинг ози яхши!

Машмаша тонг-саҳарда бошланди. Лайло қўнфироқ чалинган дамдаёқ ҳозиру нозир бўлиш учун зинапоя тагидаги ҳужрада тунаши керак эди. Кечаси Жаҳонгирни ҳовлининг нариги четида ёлғиз қолдиролмайди-ку. Шу важдан ёнига олиб келди-да, бағрига босиб уйқуга кетди. Тепадаги кампир болаларни ёмон кўришини Жаҳонгирга яна тушунтириди, шовқин солмасликни бот-бот тайинлади, зинадан иккинчи қаватга чиқиш зинҳор-базинҳор мумкин эмаслигини уқтириди. Бола исини ёқтирмайдиган кампир биринчи кунданоқ Жаҳонгирнинг жажжи юракчасига қўрқув солиб улгурган эди, қўрққаниданми, дарров ухлаб қолди бояқиш.

— Лайло-о-о! — қичқирди кампир бўғиқ товушда.

Хаёлида Найзанхоним ҳассасига таяниб, зинапоядан тушиб келаётгандек бўлди. Ўтакаси ёрилиб, ўғлини апил-тапил кўрпа тагига бекитиб, рўмолини нари-бери тангиф, ҳужрадан отилиб чиқди. Найзанхоним оламни бузаётган эди.

— Нега чироқ үчиқ? Кўзинг қаёқда? — ўдағайлади у.

— Ҳ-ҳожатга чиқасизми, хон-хоним? — гапини йўқотди Лайло. — Чироқ үчибди... Электр...

Шу пайт ток келиб, чироқлар порлади.

— Мен таҳорат олишим керак! Намоз вақти яқин! Жин ургур қўнғироқ! Электр билан ишлайдиган қилиб ясаган устасининг ҳам падарига лаънат!

Лайло Найзанхонимни суюб ювениш хонасига олиб кирди. Кампиршо кеча Ван кўлини ҳам гапи орасида лаънатлаган эди. Икки бўлмали хонанинг тўрида ҳовузча услугидаги катта ванна бўлиб, қўрқинчли тушларидан сўнг Найзанхоним жўмракларини бекиттириб ташлаган эди. Гўё шу ваннага сув тушса, қутурган уммонга ёки уммондан йироқдаги Ван кўлига айланиб қоладигандек.

— У ёқса эмас, — Лайлони силтаб ташлади кампир, — ваннага яқинлаштирма мени! Қандай ишларни қилиш керак, қайсилари сира мумкинмас, тезроқ ўрганиб ол! Уч марта қоида бузсанг, ҳайдаласан! Истанбулда ҳеч ким ўғлим каби катта ҳақ тўламайди... Мана бу жойга сув олиб кел... Камроқ деганман сенга...

Найзанхонимнинг ҳар куни беш марта намоз ўқишидан Лайлони огоҳлантиришган эди. Бундан ташқари ювинтириш, тоза кийимлар кийдириш, ташқи қўринишига оро бериш ҳам Лайлонинг вазифаси эди. Бироқ гиламда зўр-базур қадам ташлайдиган кампир ювениш хонасининг кафель қопланган саҳнида деворни ушлаб ҳам тик оёқда туролмаслигини Лайло туш кўрибдими? Бундай ярим жон кимса қандай қилиб таҳорат олсин? “Оқсочлик учун бир минг тўрт юз эмас, икки минг доллар берса ҳам арзийди, — ич-ичидан хўрлиги келди Лайлонинг. — Бошқа иш топаман. Шу ҳолингда ибодат қилмай ўл, қари ялмоғиз! Раҳматли бобом офтобда исиб

қолган сувни ишлатмасди, келинларига таҳорат учун сув иситтирмасди. “Кимда-ким ибодати учун бировни овора қилса, ибодати куяди”, дерди. Бу кампир бировга таҳорат олдиради. Ҳа, унинг аллақачонлар томи кетган, жойи дўзах!”

Намоздан сўнг Найзанхоним уйқуга ётди.

Нонушта тугагач, юмшоқ курсичага ўтириб, оёғини узатди.

— Чўрисиз қолиб, оёқ тирноқларим ўсиб кетди. Анави ғаладонни оч, қайчи, аррача, тирноқ бўёғи бор. Ҳаммасини келтир-да, ишингни бошла. Бугун дўгонам келиши мумкин.

Лайло кампирниң оёғи тагига мато тўшаб, тирноқларини олди, чиройли қилиб эговлади, сўнг француз фирмасида ишлаб чиқарилган қизил бўёқ билан бўяди. Янги хизматкорнинг нафис бармоқлари қоқсуяк вужудга ёқиб тушди шекилли, қўл тирноқларини эговлатгач, уларга ҳам қизил бўёқ сурттириди.

— Елқасини уқалата бошлади. Эндинина ҳузур қилиб кўзини юмган эди, зина томонда нимадир тарақлаб кетди.

— Ким? Ким у? — кўзлари чақчайди кампирнинг.

— Билмадим.

— Султонлардан қолган мис товоқ! Кимдир бор уйда!

Ўғри!

Лайло хонадан чопиб чиқиб, пастда — зинапоя этагида ўғлини кўрди. Шоша-пиша ҳужрага киритиб, дона-дона қилиб сўзлади:

— Ҳеч һарсага тегинма! Яна беш-ён дақиқа сабр қилсанг, нариги уйга олиб бораман, ўша ерда бемалол ўйнайсан. Ҳўпми?

— Ҳўп, аяжон, — бош сийкиди Жаҳонгир.

— Узимнинг асалим... — Лайло жигарбандийни қучоқлади. — Келгуси ҳафта бошқа иш топилса, кетамиз. Узимнинг ақллигинам! Энди жим ўтирасанми?

Жаҳонгир онасининг гапидан чиқмайдиган бола эди. Шу билан бирга ўйлардики, бу маконда фақат кампирдан чўчиш мумкин. Агар ҳаммадан бекиниш зарурият

бўлганида, уларни эргаштириб келган хотин ҳам Жаҳонгирни кўрмаслиги лозим эди-да. Атрофда кампир йўқми, гўдакларга хос қизиқсиниш хуруж қиласарди, қиласарди. Қандай қилиб хужрадан чиққанини, мис товоқни машина рули қилиб ўйнаганини ўзи ҳам билмай қолди. Тўсатдан полга тушиб кетди ва онаси, мана, қанчалар ташвиш чекди унинг дастидан.

Бир неча кун ўтиб, Найзанхонимнинг ўғли — олтмиш ёшлардаги пўрим киши ташриф буюрди. Афт-ангори, юриш-туриши совуққон бизнесмен эканини айтиб турарди. Шундай эса-да, онаси билан сухбатлашиб чиққач, Лайлони алланечук ҳаяжон ила мактади ва аванс сифатида беш юз доллар узатди.

— Онахонимиз ўн йилдан бери шунаقا бўлиб қолди,
— деди у. — Феълига чидаб, оқ ювиб, оқ тарасангиз,
хоҳлаган истагингизни бажараман. Қисқаси, у мендан
рози бўлишини хоҳлайман. Маошингизни бир минг
олти юз доллар қилиб қўйиш ҳам қўлимдан келади...
— Жаҳонгир оstonага чиққан эди, сўради: — Шуми
ўғлингиз?

— Ҳа... Мен, очиғини айтсан, қўрқаяпман, бейафандим...
чунки... барибир... бир қун келиб, ўғлимни кўриб
қолади. Лекин кўриб қолишдан эмас, бир нима қилиб
қўйишидан қўрқаяпман. Онангиз боладан шунчалик
нафратлашар эканларки...

— Нафратланиш эмас, васвасанинг бир тури. Саксон
ёшли мункиллаган кампирдац нима ёмонлик чиқиши
мумкин?

Лайло бир оғиз жавоб айтмай, нигоҳини ўғлига бурди.
Бешта юзталик долларни ихтиёrsиз фижимлади.

— Мен тирик эканман, хонадонимизда ишлайсиз,
— деди уй соҳиби юпатиб. — Шу ерга яқин тумандаги
янги уйимда яшайман, Валипошша деб эшитгандирсиз?
Хуллас, ўғлингизни пайқаб қолгудек бўлса, ҳаммамиз
келиб, онахонимизни алдаймиз. Агар тақвимга қараб
айтилса, муҳтарама онахонимиз бир аср, яъни йигирманчи
асрдан бери ерга тушгани йўқ, ҳалигача иккинчи қаватда.

Демоқчиманки, бола иккинчи қаватга чиқмаса бас, улар ҳеч қачон учрашмайдилар.

Орадан бир ой ўтди. Жаҳонгир сўл қанотдаги беш хойали уйда тинч ва бехавотир яшаб келмоқда эди. Кечалари Лайло уни ухлатгаち, зинапоя тагидаги ҳужрага қайтар, Найзанхонимнинг қўнғироқ ҷалишини кутиб, аниқроғи, қайтиб умрбод чалмаслигини истаб, ёстиққа омонат бош қўярди. Кампир тушмагур ҳали дадил, ўладиган нияти йўқ эди. Озиқ-овқат, хўжалик ишлари бўйича Валипошшадаги вилланинг мутасаддиси бу уйга ҳам мутасаддилик қиласар, ё ўзи, ё иш юритувчи хотин тез-тез келарди. Кампиршо эса ўғли билан ҳар куни телефон орқали гаплашиб, ҳақорат ёғдирар, гоҳида Лайлони ҳам “Тўнғиз, бефаросат, қўпол”, деб баралла қарғар, “Йўқотинглар уйимдан” деб бақиради.

— Бирор айбини айтинг, ҳайдаб соламан, — деди ўғли шундай кунларнинг бирида. — Шўрлик нима қилсин? Вазифасини уддалаяпти-ку, онажон! Ҳатто, ҳожатхонага ҳам ўзи чиқариб қўйса! Бундай тубан ишни ҳар қандай хизматкор қилмайди. Шу вақтгача фақат ўғилчасини тувакқа олиб борган, сизни ҳожатга етаклаш унга ўлим билан баравар!

— Нима?! — Найзанхонимнинг кўзлари олайди. — Қанақа ўғилча?

— Боласи демоқчийдим... — уф тортди бизнесмен. — Юртида битта бола туққан экан-ку, сизга ҳам айтишгандир? Ўшанга тувак тутган-да, ахир! Эсим қўрсинг, иш юритувчим унинг қизчаси бор экан, бувиси билан ўша ёқда қолибди, деганди. Қўрқманг, ўғли йўқ, минг марта тавба қилдим, онажон! Сизга бирор сўзни янгиш ҳам айтиб бўлмайди-я!

Бироқ кампир гумонга ҳар доимгидан чуқурроқ ботди. Ҳақиқатан ҳам хизматкор ҳар замонда негадир ҳовлининг сўл қанотидаги бинога кириб-чиқишини сезарди. Кечқурун Лайло чиқиб кетгач, инқиллаб-синқиллаб, дераза токчасига осилди-да, бир амаллаб ҳовлини кузата бошлади. Бироқ тезда толиқди ва

эндигина диванига қайтмоқчи эди, Лайло уйдан чиқди. Чироқни ўчирмагани эса бадгумон кампирнинг қора кўнглидаги илонларни уйғотди. Уйда кимдир бор. Уша кимдир шу ерда яшайди, хизматкор билан тили бир. Иш юритувчи хотин, хўжалик ишлари бўйича мутасадди, борбон, қоровул, яна бир оқсоқ қиз кабилар нариги уйда – Валипошишада. Улар ҳар замонда ҳовлидан хабар олишади ва шуниси аниқки, сўл қанотдаги беш хонали бинода ўлса ҳам тунаб қолишмайди.

– Нега чироқни ўчирмадинг? – сўради кампир тишламоқчи бўлган нонини дастурхонга қўйиб.

Эндигина остона ҳатлаган Лайло даставвал тушунмай:

– Кайси чироқни? – деб шифтга қаради.

– Буни эмас. Пастдаги беш хоналининг.

Кампир деразага осилиб, ҳовлини кузатганини тушунган Лайло елка қисди.

– Кармисан? – ўқрайди Найзанхоним.

– Билмадим, хоним... Ҳар сафар қоронги хонага кириш ноқулай. Кейин... эшитдимки, файзли уйларнинг ҳеч бўлмаса битта чироғи ёниқ туриши керак.

– Тўхта, нега энди ҳар куни у ерга кирасан? Уй авваллари доим қулф бўларди-ку. Ким бор менинг уйимда? А?

– Бу нима деганингиз? Биз бормиз... Сиз билан мен...

– Лайло ишга уннади, аммо кампир нигоҳини узмай, қотиб ўтирганини сезиб, деди: – Йстасангиз, ўчириб келаман.

– Ўчир! Ҳозироқ ўчир! Бундан кейин у ерга кирма, уқдингми?

– Тушундим, хоним, – деди Лайло зўрға ўзини босиб. Сўнг эшикни тарс ёпиб чиқди-да, пастга тушиб, Жаҳонгирни энг ичкари хонага киритди. Бу хонанинг деразаси иккинчи қаватдан кўзга ташланмас эди.

– Бу ейда ўйнамайман, – қовоқ уйди Жаҳонгир қўлларини чалиштириб. – Бу ей ёмон! Ёқмайди менга!

Лайло нариги хонадан телевизор келтириб, стол устига қўйди. Пуль тугмачаларини босиб, каналлардан

қизиқарли кўрсатув ахтара бошлади. Ростини айтганда, маҳаллий телеканаллардан намойиш этилаётган кўрсатувларни хушламас эди, балки она тилидаги кўрсатувларга ўрганиб қолгандир. Шунингдек, ўғлини қизиқтиришга ҳам ишонолмасди.

Шу пайт Лас-Вегасда бўлиб ўтаётган профессионал бокс жанги намойиш этилаётган каналга гал келди.

— Бокш! Бокш! — қийқириб юборди Жаҳонгир.

— Болажоним... — деди она лаблари титраб. Ва жигарбандининг бошини силади, ўпди, қучди.

Бир ойда салкам бир ярим минг доллар жамғараётгани ёш онани нафс ва фуурсизлик занжирлари Истанбулга боғлаб турарди. Айни дамда Лайлонинг сабр косаси ҳам кун сайин тўлмоқда эди, шу боис:

— Яқинда қутуламиз булардан... Ўлдираман ифлос кампирни! Ўлдираман-қутуламан!.. — деди тишлиари фижирлаб.

У бирдан бўшашибди, ух тортди. “Қийинчиликка чидаш керак, хорижда ишлаш осонми?” дея ўзини овутди. Билмас эдики, қучогидаги гўдакқинаси ҳаёт-мамот жангига тобора яқинлашиб бораётганини. Даҳшат бонг урадиган кун яқин, жуда-жуда яқин эди. Шу ёшида Жаҳонгир өдам қиёфасидаги йиртқичдан ўзини ҳимоя қилиши лозим эди. Ким голиб бўлади, ким мағлуб ўлик, бандасига қоронғи. Жаҳонгир болакай, Жаҳонгир кўкракдан чиқкан бўлса-да, барибир гўдак. Бироқ ёвувлар ва айрим телбалар маънавиятдан йироқ foяларга қоришган чиркин дунёning ҳудбинлик охуридан ем еб, тирик мурдаларга айланиб бўлишган эди. Улар ёш болага шафқат қилишни билишадими? Итига пул, уйжой мерос қолдирадиганлар, мулк ва банкдаги ҳисоб рақамига эга чиқиши қасдида ҳайвон билан никоҳдан ўтишга ҳам тайёрлар, миллатини бошқаларнидан устун қўйиб, олий ирқ даъво қилувчилар, ўз отасини судга берадиганлар, киндик қони томган юртни пулга, мансабга алишадиганлар, ҳатто ўз ўлигини ёқиб юборишни ёки қотириб қўйишни васият қиласидиганлар

ҳам шулардан эди. Мисол учун, Найзанхоним. У ҳам Европаю Америкада учрайдиган баъзи шайтоний қавмга мансуб шўрпешона банда эди. Ҳаётни яхши еб-ичиш, янги лиbosлар кийиш, жонни оғритмай ҳузур-ҳаловатда яшаш, неки имконият бўлса, фойдаланиб қолиш, ёруғ дунёда иложи борича кўпроқ қолиш, кўпроқ еб-ичиб, умрни ошхонаю ҳожатхона ўтасида ўтказиш деб тушунарди. Нима учун авратини хизматкорига кўрсатгачгина жойнамозга яқинлашади, битта хонадан чиқмайдиган кимсага ясан-тусан нега керак, саксон ёшида ўлимдан бунчалик чираниб қочишдан маъни нима, Лайло тушунолмас эди. Ақли заифми? Йўқ, кампирнинг эс-ҳуши жойида. Жавоб ўша-ўша: умр бўйи маънавият булогига яқинлашмаган, қониб сув ичмаган, фақат ўзи учун яшаган, охир-оқибат шу кўйга тушган.

— Лайло-о-о!.. — томоғи йиртилгудек бўкиргани эшитилди кампирнинг.

Оlamни бузадиган шашти бор эди беканинг. Лайло уйдан югуриб чиқиб, зинапояга шошилганида, чақирав қўнгироги ҳам устма-уст чалина бошлади.

— Нега ушланиб қолдинг? — девордаги соатга қаради Найзанхоним. — Битта чироқни ўчиришга битта мурдашўйнинг вақтини сарфладинг-ку!

— Сизга шундай туюлаяпти, — деб жавоб берди Лайло.
— Пастга тушдим, чироқни ўчиридим, дарвозага қарадим, сўнг, мана, қаршингизда турибман.

— Шунақами? Ҳозир полицияга қўнгироқ қилиб, ҳовлимда кимдир борлигини айтаман, келиб аниқлашади. Ёлғонинг фош бўлиб, шармандаларча қамаласан!

— Нега қамалар эканман? Жиноят қилибманми, Найзанхоним?

— Унда онангни ўртага қўйиб қасам ич, уйда ким бор?
— Қасамхўр эмасман, ичмайман қасам! Уйда биз бормиз, холос. Менга ишонмаяпсизми?

— Қўрқаяпсан! Сен очик-ойдин қўрқаяпсан! Демак, гумоним тўғри! Урди Худо! Уйимда кимни асраяпсан сен — бетавфиқ? Уйнашингми, дугонангми? Ижара ҳаки ҳам олаётгандирсан? Ё боланг борми?

— Яна бир марта адашаяпсиз, хоним. Сизга айтишган бұлса керак, виза муддатим тугаган. Полиция ҳужжатимни текшириб күргач, депортация қилади. Хизматкорсиз қоласиз. Шуны истаяпсизми?

— Үчир! Ел олсин үша полицияни! Мендан қутулиб бұпсан! Полициясиз ҳам үз муаммомни ҳал қиласан! Сенга шу керакми? Үзингдан күр!

Кампир үғлининг рақамларини териб, гүшакни қулоғига босди, ғазабдан ранг-туси күкариб кетган эди, дир-дир қалтиради. Нариги томондаги киши телефонни күтарганида, бир неча сония гапиролмай оғзини капа-капа очди. Кейин:

— Уйимда бирор бор! — деб қичқирди. — Мени она десанг, ҳозирнинг үзида етиб кел! Текшир уйимни! А? Мен үзимни босиб олайми? Мен-а?! Йү-үқ, сени нега туққанман?! Бунинг үйнаши бор... Нима-а? Унда... унда бу маккоранинг боласи булиши мүмкін! Уйда боласини яширинча боқаётган бұлса-чи?.. Йүқ, иккінчи қаватдан фақат үлигім тушади! Мени Истанбулда яашга мажбур қылған отанғга лаънатлар бұлсін! Гүрида түнгиз құпсын уни!.. Э-э, ҳозир үзимни үлдіраман, қутуласан мендан! Қасам ичиб айтаманки, ҳозир томиримни кесаман!

Ноилож қолған үғли ҳайдовчisis билан етиб келди. Иккінчи қаватга чиққунча, йўл-йўлакай Лайлодан нима воқеа рўй берганини сўради.

— Онам бугун-эртан барибир үғилчангизни кўриб қоладиганга ўхшайди, — деди бизнесмен. — Энага топишингиз керак. Менимча, ҳозир олаётган маошингиз билан битта эмас, иккита энага ёллашга ҳам қурбингиз етади.

— Хўп, топаман, — миннатдан оғринган Лайло дарров жавоб айтди.

Найзанхоним уйда хизматкоридан бошқа яна кимдир борлигини исботлаёлмагач, тұхматта үтди:

— У мени чўмилтирмоқчи бўлди. Ванна жўмракларини очди. Чўкиб үлмаганимда ҳам юрагим ёрилиб жоним узиларди-қўярди. Сенларга шу керакми?

- Қўйсангиз-чи, онажон!
- Етти ёт бегонанинг қўли билан ўлдирганларингдан кўра отиб ташлай қолинглар! Ана, ҳайдовчингда тўппонча бор! От, ўғлим! Ўлдир мени! Ўлдир, қутуласан!
- Бошқа хизматкор ахтарайликми? — қовоини осилтирди ўғли.

— Йўқ, буни одам қилиб беринглар, ўргатинглар ишга Ювинтириши, овқати, кийинтириши, тирноқларимни тозалаши ёқмайди. Кеча палов пиширди! Бизнинг паловни бир еб кўринг, ҳар куни сўрайсиз, деди. Ошқозонимни ишдан чиқарди ўша палови! Мен палов ейманми? Палов егандан ўлганим яхши! Умрида хизматкорлик қилмаган, уқувсиз жувонни топдингларми, сенларни тинч қўймайман!

Лайло сарфайиб кетган ваннани тозалаш учун жўмракни очганини айтди.

— Мана! У озодаликка жавоб беради-да, ахир! — қулоч ёйди бизнесмен. — Италияning пойтахти Рим, онажон. Италияning Римлиги пойтахт!

- Ўз онангни мазах қиласапсанми?
- Узр, лекин бу бечорадан нима истайсиз?
- Мени киши билмас ўлдирмоқчи! Ўз болам бўла туриб келгинди чўрига ён босма! Сен... — Найзанхонимнинг кўзлари ёшланди. — ...Сен ўғлимсан-ку! Энди... энди ўз онангдан қутулмоқчимисан? Келиб-келиб бир бетайин чўрининг қўли билан-а? Йўқ, ўлсам шараф билан ўламан! Мен аслзодаман! Қора халқдан чиққанларга ўхшаб хор бўлиб ўлмайман!

Шундан сўнг бизнесмен Лайлого кўз қисиб, уни ёлғондакам койиди. Сувдан қўрқадиган одамнинг уйида жўмракни вошиллатиб очиб қўйиш суиқасд билан баравар эканини таъкидлади, онасидан кечирим сўраттириди.

Биринчи қаватга тушганларида Лайло бейафандидан юпатувчи гап кутди. Бироқ Найзанхонимнинг ўғли бўйинбогини тортиб қўяркан, шундай деди:

— Буни ҳазилга йўйманг, Лайло. Агар яна бир марта

ванна сувини оқизсангиз, сиз билан бошқача гаплашиб қўйишга мажбурман. Қаерда, кимларнинг қўлида, қандай аҳволда ишләётганингизни унутманг. Онам касал, онам бир литр сувда ҳам ўлади. Тушундингизми?

— Мен ишдан кетмоқчиман, — деди Лайло. — Бўлди, бошқа чидолмайман.

— Бўпти, катта кўча, — Найзанхонимнинг ўғли қош чимириди, — лекин ўрнингизга одам топинг. Яхши маош бўлса, бир неча йил ишлайман, деб тоғдек ваъда бергансиз, шунинг учун ўрнингизга одам топсангизгина орамиз очиқ. Сизга ишониб, хизматкор ахтаришни режамдан чиқариб ташлаганман, бу муаммога қайтмайман, қайтмоқчи ҳам эмасман. Акс ҳолда... Масалан, онами хафа қилсангиз ёки қочиб кетсангиз, ҳаммаси тамом бўлди, деяверинг. Паспортингиз ҳам бизда туради... Тавфиқ, — ҳайдовчисига буюрди у, — бу аёлнинг паспортини ол.

Жума намозидан сўнг кампирни кўргани қариндошлар билан бирга Валипошшадаги хизматкор хотинлар ҳам келишган эди. Лайло шанба куни муҳим иши борлигини айтиб, ўрнига ярим кун ишлаб туришни Валипошшадаги оқсоч қиздан илтимос қилди.

— Фақат уч соатга, — деди оқсоч. — Шунда ҳам ҳожатга чиқариб, ювинтириб, овқатини едириб берасиз. Бу ялмоғиз ҳурматли бейафандимнинг туққан онаси бўлса ҳам ижирғанаман.

Эртасига оқсоч қиз келгач, Лайло ва ўғли уйдан бир амаллаб кўчага чиқишиди. Дугонаси Диля ҳам, шу хонадондан иш топиб берган Гулчеҳра ҳам ўтган вақт мобайнинда ҳолидан хабар олмади. Олис юрга келганлар бир кун ҳам буш вақт топишолмасди. Ҳар гал қўнғироқлашганларида, осон иш йўқлигини, чидаш кераклигини, бу қадар юқори маошли иш топилмаслигини такрор-такрор айтишарди. Лайло хизматкорлик учун Истанбулда олти юз-етти юз доллар маош тўлашларини эшигтан эмасми, Мустафобейникидаги минг долларлик ишда нега Дилянинг ўзи ишламайди, деб ҳайрон бўлган

эди. Энди эса жон-жон деб Найзанхонимнидаги бир минг түрт юз долларлик ишни ташлаб қочмоқчи. Бир балоси бұлмаса, шудгорда құйруқ на қилур, деб шуни айтсалар керак-да. Тушуниб етдики, ёғ яланадиган жойни яқын дугона ҳам бериб қўймайди. Бердими, билаверингки, бу ёғнинг касофати бор.

— Майли, мен нозиктаъман, иродасизман, аммо Найзаннинг уйида ортиқ қололмайман, — деди Лайло.
— Охири уни бўғиб ўлдириб қўяман!

Нолаю фифонлардан безор бўлган Диля чошгоҳ вақти “Бурж” қаҳвахонасида учрашишга аҳдлашди. Нечанчи трамвайдা борилишини, қайси бекатда тушишини Лайлого тушунтириди.

Она-бала трамвай йўлига етгач, бир оз кутиши. Сал наридаги дараҳт тагида уч фиддиракли аравачада ширинлик сотишаштган экан, Жаҳонгир:

— Аяжон, хўйозқанд обейинг, — деди оғзидан суви оқиб.
— Хўроҳозқанд? У киши хўроҳозқанд сотишини қаёқдан билдинг, Жаҳон?

— Телевизўйда кўйсатди-ку, аяжон.

Қизил трамвай шошилмай тўхтади. Лайло ширинлик ялаётган ўғлининг қўлтиғидан кутариб, трамвайга чиқарди. Бир қиз уларга жой берди ва: “Бунча ёқимтой бола”, деб эркалади. Лайло ўғлининг бошини силаркан, уни ўз фалвасига шерик қилиб, хорижда дарбадар тентиратиб юрганидан пушаймон еди. Кўп хўрликларга чидаши мумкин, аммо боласини азобга қолдиришга, ҳаётини хавф остига қўйишга энди дош беролмас эди. Ўтган кунлар ичидаги нималарни кўрмади? Бирдан улгайди. Дараҳт тагидаги одам қандолатчи тужжор эканини, қанд-қурси борлигини билди, ойнаи жаҳондаги кўрсатувда кўриб эслаб қолган-да. Самарқандда гўдак эди у, қанчалар баҳтманд ва қанчалар бехавотир кунлари ортда қолиб кетди-я...

Худди шу дамда Найзанхонимнинг дарвозаси тагига бир машина тўхтади. Ҳайдовчи машинани ҳовлига киритмоқчи эди, оқсоқ қиз дарвоза аллақачондан бўён очилмаслигини маълум қилди.

— Менға фарқи йүқ, — кифт учирди ҳайдовчи, — лекин бекам қари кампир, уй әшигигача боролмаса керак.

— Найзанхоним ҳам қари кампир, — деди оқсоч. — Шукрки, дарвозаларга ҳеч қачон иши тушмайды.

Темир қопқа очилмаслигини ҳассасини үйнаб үтирган олифта кампир билар эди, машина ойнасидан мұралаб, ясама оқ тишилари ярақлад, деди:

— Бу дарвазани түфөнлар ҳам бузолмайды. Найзанхонимнинг уйигача неча йилдан бери пиёда кириб борғанман, бундан кейин ҳам ўз оёғимни ишга соламан. Ҳайдовчим янги десам, сен ҳам янгимисан, ҳой қиз?

— Янгиман. Устига-устак бирөвнинг ўрнида турибман, — бидиллади Валипошшадан келган оқсоч.

— Фақат лаҳадгагина бирөв киритиб құяды, — түнғиллади олифта кампир ҳовлиға қадам босаётіб.

У зинапоя поғоналарини қылпанглаб забт этишга киришди. Ҳайдовчи ва оқсоч күмаклашды. Аниқроғи, мувозанатини сақлаёлмай оёғи осмондан бўлиб йиқилишидан чўчиб, икки ёндан суюдилар. Ойнаванд хона бўсағасини ҳатлаб ўтганларида, бир ойдирки интизор кутган меҳмони ташриф буюрганини Найзанхонимнинг ҳаяжон-ла оёққа қалққанидан ҳам фаҳмлаш мумкин эди.

Дарду ҳасрат узоқ чўзилди.

— Сенга иккита илтимосим бор, — деди Найзанхоним паст овозда. — Кўраяпман, куч-қувватинг жойида, юрагинг ҳам бақувват, ўша-ўша чақмоқсан.

— Очиқ айтавер, — қаддини ростлади меҳмон.

— Қотиллик.

— Йўқ-йўқ, мен одам ўлдиролмайман. Охирги сирдошим нариги дунёга жұнаб кетганига ўн беш йил бўляяпти. Ёруғ оламда мен ишонадиган бирорта чол қолмади.

— Анави оқсоч қиз аслида хизматкорим эмас. Бу ерда бошқа бир жувон ишлайди. Кўнглим сезаяпти, у яқинда мени ташлаб кетади, шунинг учун қаматиб юбормоқчиман. Мени ўлдирмоқчи бўлди, дейман. Ишонарли режа тузиб бер, бир боплай.

— Ваннага сув тўлдир-да, “чўқтироқчи бўлди”, де, — маслаҳат солди олифта кампир. — Бу қийин эмас. Хизматкорингни бир баҳона билан уйдан чиқариб юбориб, ваннага сув тўлдирасан-да, пойлайсан. У кириб келиши билан юзига чанг солиб, сувга тортасан. Сени қутқариб олади, аммо кийимларинг йиртилган, икковингнинг ҳам юз-кўзинг тирналган бўлади. Сен ҳақ чиқасан, хизматкор эса қамалиб кетади.

— Раҳмат, — деди Найзанхоним ва чўнтагидан калит олди.

— Нима бу? — сўради меҳмон.

— Пастдаги беш хонали уйнинг калити. Иккинчи илтимосим шуки, кетишдан аввал уйга кириб, бешала хонани ҳам синчиклаб қараб чиқ. Эркаклар ё болалар кийимиға кўзинг тушса, менга ишора қиласан.

Найзаҳхонимнинг фитнасидан бехабар Лайло эса “Бурж” қаҳвахонасидаги учрашувдан кўнгли тоғдек кўтарилиб қайтди. Хўжайнилар паспортни тортиб олишганини, турли шартлар қўя бошлаганини эшлиб, Дилянинг тутуни чиқди ва бир ҳафтанинг ичидаги бошқа ишга жойлаштиришга ваъда берди. Жуда бўлмагандан, Жаҳонгирни Юсуфнинг уйига юборишга келишдилар. Тунов куни Юсуф Диляга қўнфироқ қилиб, Лайло ва ўғли яшаётган хонадоннинг манзилини беришини ўтиниб сўрабди. Нахичеван фуқаросининг юраги тоза эканига икки дугонанинг имони комил эди.

Бироқ кутилмагандан даҳшатли фалокат эшик қоқди. Уйда уч-тўрт ёшли ўғил боланинг кийимларини кўрган олифта кампир Найзанхонимга хабар бергач, бадкирдор бека якшанбанинг ўзидаёқ туҳмат уюштиришга қарор қилди.

— Дорихонага чиқиб, “Глицин” олиб кел, — деди у Лайлого.

Кампир ёлғиз қолгач, юваниш хонасига титраб-қақшаб кириб, бир амаллаб жўмракларни очди. Кейин чойнак-пиёлаларни синдириди, нарсаларни сочди. “Менга хизматкорим ҳужум қилди, ваннага судраб борди”, деб ичидаги такрорлади. Сўнг яна ваннахонага қайтди.

Онаси шошилинч чиқиб кетганидан беҳабар Жаҳонгир бу пайтда ҳовлига мўраламоқда эди. У Найзанхоним яшайдиган бинонинг биринчи қаватига кирди. Онаси зинапоя тагидаги ҳужрада ҳам йўқ эди. Иккинчи қаватда нимадир жаранглаб синганини эшитгач,-минг марта тайинлашганига қарамай, барибир болаларча қизиқиши устун келди ва зинапоядан иккинчи қаватга ўрмалади. Ойнаванд хонада чойнак-пиёла синиқлари ва сочиқлар сочилиб ётар, аммо ҳеч ким кўринмас эди. Ичкарироқдаги нимқоронги хонада сув вошиллаб оқаётганини эшитилди. Онам кир юваётганмикан, деган хаёлда ваннахонага кирди. Бу ерда у сувга фалати тикилиб турган бир аёлни кўрди. Йўқ, аёл эмас, эртаклардаги ялмоғиз каби бадбуруш ва қўрқинчли кампир эди у.

Ялмоғиз эшикдаги шарпани сезиб, ортига ўгирилди. Ўгирилдию қўзлари қинидан чиқиб, ваҳима ичра оғзини катта очди... Ва Жаҳонгирга телбаларча чанг солди. Бироқ мувозанатни йўқотиб, орқасига тисарилиб борди-да, ўзи ҳам, бола ҳам сув тўла ваннага қулади, деворга шалоплаб сув сачради. Жаҳонгирнинг бир пой калишчасигина оёғидан отилиб чиқиб, кафель устига тап этиб тушди-да, Лайлони интизор кутаётгандек очиқ эшикка қараб қолди.

Ўғилчаси ўлим билан олишаётганини хаёлига ҳам келтирмаган Лайло бу пайтда дориҳонадан эндиғина чиқкан эди. У янги симкарта олган бўлиб, рақамларни Найзанхоним, ўғли, оқсоқ қиз ва Диля билар эди. Телефони жиринглагач, “Бегона рақам ким экан?” деб истамайгина қулоғига тутди. Сония сайин кўнгли хижил тортиб, оёқлари ўз-ўзидан уйга шошилмоқда эди.

— Алло, Лайлохоним, — эркак овози эшитилди. Шудамдаёқ таниди, Юсуф эди у.

- Ассадом...
- Мана, сизни топдим, — деди Юсуф.
- Рақамимни ким берди? Дилями?
- Қаҳвахонага кўп кираман, аммо ичмайман деганим, эсингиздами? Тўғри айтдингиз, “Бурж” қаҳвахонасига ҳам кириб тураман.

— Юсуф ака, бошқа пайт гаплашамиз, ҳозир уйга шошайпман, ўғлим хўжайним билан битта ҳовлида ёлғиз қолган.

— Худди эртаклардаги дев ҳақида гапираётгандексиз, — Юсуфнинг кайфи чоф эди. — Хўжайнингиз шунчалар ёмонми? Унақа кампирларнинг қалби музлаткичдан ҳам совуқ эканини ҳисобга олсак...

Шу пайт Лайлонинг кўнглидан лоп этиб музлаткич ўтди. Дарҳақиқат, кеча ёки ўтган куни эди, музлаткичдаги дори қутиларини тартибга келтираётиб, “глицин”га кўзи тушганди. Бу дори уйда бор эди, кампир нега шошилинч равишда Лайлони дорихонага юборди? Қолаверса, дорилар билан шуғулланишни Валипошшадаги уй мутасаддисига юклашган эмасмиди? Лайло ҳам шошилинч буйруқни эшитган ондаёқ ҳовлиқиб дорихонага чопиши даркормиди?

— ...Сизга ўзим иш топиб бераман, — бир нималарни сўзлашда давом этарди Юсуф. — Бунча қийнаманг ўзингизни ҳам, Жаҳонгирни ҳам... Ахир, дунё кенг, дунё гўзал... Хўш, нега жимиб қолдингиз? Дугонангиз...

Лайлонинг шубҳа-гумонлари гирдобига Найзанхонимнинг меҳмони ҳам тушди. “Дугонам келади” деб бир ойдирки интиқ эди. Охирги вақтлари кўзи тўрт бўлиб йўл қарап, бўлар-бўлмас баҳоналар билан сим қоқар, антиқа дугонаси эса: “Мен телефонсиз яшайман! Мен “сюрприз”ман!” деб жавоб қайтарар эди. Оқсоқ қиз кеча меҳмон кампирнинг нақадар синчков ва тимирскиланувчи эканини айтар экан, ҳатто сўл қанотдаги уйга ҳам бош суқмоқчи бўлганини гапи орасида қистириб ўтганди. У бош суққан, жодугар Найзаннинг топширигини бажариш учун ҳам бош суққан. Лайло бекаси негадир ўзгариб қолганини эрталаб сезди, намозини ҳам чала ўқиганига ҳайрон бўлди.

— Ўғлим... — инграб юборди Лайло. — Ўғлим мен билан яшаетганини Найзан билади... билади у...

— Кечирасиз, нима?.. — сўради Юсуф.

Лайло алоқани узиб, Валипошшадаги оқсоқ қизга

қўнфироқ қилди ва меҳмон кампир кеча беш хонали уйга кирган-кирмаганини қаттиқроқ суриштириди.

— Жуда хижолатдаман, — деди оқсоқ қиз чайналиб, — ростини айтганда, кеча кампир кирганди. Эшикни билмасдан мен очиқ қолдиргандим...

Лайло телбаларча югура бошлади. Уч юз қадам бор, йўқ, ҳали беш юз, олти юз... “Болам борлигини Найзан билган, дугонаси орқали билган! — ваҳимали ўйлар ёпирилиб келди миясига. — Мени кўчага алдаб чиқариб юборгач, пастга тушган-да, ўлимимга сабабчи бўладиган сенми, деб Жаҳонгирни... Йўқ, шум кампир пастга тушмайди, юраги ёрилади... Деразани очиб, Жаҳонгирни алдаб чакирган! Эс-хуши жойида эмас қари ялмогизнинг!.. Бола барибир бола-да! Шунча тайинлаганимга қарамай тепага чиққан бўлса... Шўрим қуриди, шўрим... Боламга бир нима бўлса, чидолмайман...”

— Нима бўлди, Лайло? Қаердасиз? — ташвишга тушган Юсуф яна қўнфироқ қилиб, савол ёғдирап, Лайло эса бир оғиз жавоб қайтаролмасди. — “Бурж” қаҳвахонасида Диляни кўриб қолгандим, рақамларингизни ундан олгандим! Нега индамайсиз? Ҳозир етиб бораман, ўша атрофдаман! Сизни ахтариб юрибман! Фақат айтинг менга аниқ манзилни! Лайло!.. Лайло!..

— Юсуф... Юсуф оға... — тутилиб қолди Лайло. — У мени алдаганга ўхшайди... Манзилим... Султонийлар кўчаси... тўқсон биринчи уй...

Лайло ҳовлига отилиб кириб, сўл қанотдаги беш хонали уйнинг эшиги ланг очиқлигини кўриб, товонигача музлаб кетди. Юрагини ҳовучлаб чопиб келаётганида жигарбандини азбаройи яхши кўрганидан қуруқ ваҳимага тушаётгандек туюлган эди. Эшик унга тахмини рост эканини тасдиқлади: ҳовлига сўроқсиз чиқмаслик, эшикни очиқ қолдирмаслик Жаҳонгирга буюрилган эди. Лайло оний лаҳзада оstonага етиб бориб: “Жаҳон!” — деди тишлари орасидан шивирлаб, ҳансирараб, ўлар ҳолатда энтикиб. Ҳеч ким жавоб бермади. Шунда кўзлари қинидан чиқаёзган онаизор Найзанхонимнинг қўнимгоҳига

югурди. Зинапоя поғоналарининг тўрттасини бир қилиб ҳатлаганча иккинчи қаватга ўқдек учиб чиқди, эшикни шарақлатиб очди. Очдию сочилиб, синиб ётган буюмларни кўрди. Шу вақтгача қўлида маҳкам қисимлаб турган дори халтачаси ва телефон гиламга тушди. Ияги титраб, боши лиқиллаб, бўғзидан фийқ этиб ҳаво ютди.

Жўмракдан оқаётган сув овозини энди эшитди. Кўзлари олайиб, қотиб қолган эди Лайлонинг.

— Б-бол-болам... — деб хонани гандираклаб кесиб ўтди ва ваннахонага ўзини урди. Аввал калишчани кўрди, сўнгра ванна лабида осилиб ётган футболкани — Жаҳонгирнинг ёзлик уст кийимини.

Найзанхоним ваннада чалқанча ётарди, бир тутам соchlари ёйилган, кўзлари шифтга маъносиз қадалган. Лайло чинқирган кўйи кампирга ташланди. Бироқ кампир аллақачон жон таслим қилган эди. Тарракдек қотган мурдани ваннанинг нариги бурчагига афдариб, тагида Жаҳонгирнинг иккинчи пой калишчасини топди. Боласи йўқ эди, сувга тўлган ванна — темир ҳовузчанинг ҳеч қаерида кўринмас эди жигарпораси. Аммо эсини йўқотиб қўйган Лайло сувга сакраб тушиб, жон-жаҳди билан ўғлини ахтарди.

— Жаҳо-о-н! — бор овози билан қичқирап, сувни шалопплатар, гир айланиб гўдагини ахтарарди. Тентак бўлиб қолаёзган эди шу тобда.

Бир пайт ювиниш хонасининг бурчагига — эшик орқасига кўзи тушди. Ва... ўғлини кўрди. Жаҳонгир ялангоёқ, майкасиз, битта калта иштончада фужанак бўлиб ётарди. Телба кампирнинг ҳамласидан қутуломмай у билан бирга улкан тосга йиқилиб тушгач, баҳти тасодиф билан ўзини ўнглаб олганди. Баҳти бор экан, кампир сувга йиқилишнинг дастлабки сонияларидаёқ ҳаёт билан видолашган ва бола ўлим чангалидан омон қолган эди. Самарқанддаги уйида Лайло ваннада Жаҳонгирни чўмилтирап, гоҳида ўз ҳолига ташлаб қўйиб, сув ўйнашини кузатиб ўтиради, лекин болакай ваннадан бирорнинг ёрдамисиз пастга тушолмасди. Ҳаёт-мамот жангига ғолиб

келган норасида тобора сувга тұлыб бораёттан улкан тоғдан чиқишиңи үддалаган, әшіккача судралып борган әди. Әхтимол, у нима воқеа рўй берганини англаёлмай ҳам қолгандир? Онасини кута-кута... йўқ-йўқ, “Эй она, мени қаерларга олиб келиб, кимларга рўпара қилдингиз? Сиз ҳам онамисиз?!” деб ҳушини йўқотган бўлса-чи? Балки шу кўйи кўзларини қайтиб очмас...

Лайло бир ҳатлашда боласининг қошига етди·ва даст кўтариб олди. Жаҳонгири тирик әди, онанинг иссиқ кўксини ҳис этиб, йиглаб юборди, сўнг қаттиқ ўқчиди. Лайло жигарпорасини бағрига босиб, ҳовлига тушди. Шунчалик гарантсиб қолган әдики, шу алфозда кўчага югуриб чиқиб, боши оққан томонга қоча бошлади.

Муюлишда одамлар йўлдан чиқишиди.

— Бола сув ютиб қўйибди-ку! — деди бир эркак Лайлони койиб. — Қаёққа кўтариб кетаяпсиз, тўхтасангиз-чи! Беринг бу ёққа!

Кимдир шифохонага қўнгироқ қилди, бошқа бирорлар нима воқеа бўлганини сўраб-суринтира бошлашди. Кўпчилик хорижлик аёлнинг боласи ҳовузчага тушиб кетибди, деб ўйлашди.

— Лайло! Бу мен — Юсуф! — деди нахичеванлик йигит Лайлонинг елкасидан тутиб силтаркан. — Жаҳонгирига ҳеч нарса бўлгани йўқ, қўрқманг! Машинага чиқарайлик! Шифохонага ўзим олиб бораман! Юрсангиз-чи! Нега бунча қўрқасиз?

Жаҳонгири ҳушига келиб, эзилиб йиғлай бошлади. Орқа ўриндиқда уни бағрига босиб ўтирган Лайло ҳам қўшилиб йиғлади. Иситмаси чиққан әди гўдаккинанинг.

— Диля билан гаплашганимдан сўнг сиз билан Жаҳонгирини топмасам бўлмайдиганга ўхшаб қолди, — деди Юсуф. — Икковингизга ҳам яхшилик қилмоқчиман! Алдасам, ватан суви ҳаром бўлсин, Лайло! Сиз мендан қочиб юрибсиз! Нима, шунчалиқ ёмон одамга ўхшайманми? Айтдим, квартирамда ётиб ишланг, деб!.. Буни қаранг, яна шунақа вазиятда учрашдиг-а?.. Нима бўлди ўзи? Ўша кампир ҳақида эшитдим... Лаънати, пасткаш экан... Нима қиласиз у ерда ишлаб?

Лайло бир боғдан, бир тоғдан олиб, сұзлаб берди. Шифокор Жаҳонгирни текшириб күргач, дори ёзди, бир оз сув ютганини, аммо қаттиқ құрққанини айтиб, рұхшуносға ҳам күрсатишни тайинлади.

— Ыүқ, — деди Лайло ташқарига чиққац. — Ҳеч кимга күрсатмайман! Кетаман! Бугуноқ юртимга кетаман!

— Кампирұлғанбұлса, сизни дарров қўйиб юборишмайди, — деди Юсуф. — Яхшиси, Найзанхонимникига борайлик, воқеани үғлига, полицияга тушунтирайлик.

— Ыүқ! — ийғлади Лайло. — Болам у ерга қадамини ҳам босмайди! Бизнесмен үғли ҳам худди онасидек соғ эмас! Онасининг үлемига үғлимни сабабчи қилиб топишади. Улар гүдакдан үч олишдан ҳам тойишмайди. Кетаман! Үйимга, кетсам бас! Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас!

— У ҳолда меникига борамиз. Диляни, Гулчеҳрани чақирамиз. Бирортаси Жаҳонгирга қараб туради, биз кампирникига жұнаймиз. Тұғри тушунинг, кампир ваннада үлиб ётиби, үлганини сиздан бошқа ҳеч ким билмайди. Үглининг уйидан кимдир келса, Худо күрсатмасин, сизни одам үлдириб, қочиб кетганликда айблаб, полицияга хабар беради. Иш пачава бұлади, Лайло! Қалтис вазият билан ҳазиллашманг!

Юсуфнинг уйига етиб келишди. Қора мушук ҳамон диван устида ётарди. Бу сафар Юсуф уни эркалаб үтиrmади, пастга итқитиб ташлаб, Жаҳонгирни ётқизди.

— Бұлди, икковимиз ҳам йиғламаймиз, — дея Лайло үглининг кайфиятини күтариш учун мажбуран кулимсиради. — Құрдингми, Юсуф aka сени уйига олиб келди, энди ёмон одамларникига умуман бормаймиз. Бугун дори ичиб ётсанг, әртага машинасида сайр қилдирали, индин эса қаерга кетамиз? Уйга!

— Самайқандга... — ҳиқиллади Жаҳонгир. — Бу ей ёмон... Кетамиз, ая... Кетамиз...

— Сенга жуда күп совғалар олиб бераман! Жодугар кампирникига умуман бормаймиз! Уни бутунлай эсингдан чиқар! Худди сен айтгандек Самарқандга кетамиз! Умрбод қайтмаймиз! Ҳамма сени соғинган, үғлим!

- У мени сувга йиқитди... Уни дадамга айтаман...
- Сени Худо қайтариб берди, болажоним... Мени кечир!

6

Диля ҳам, Гулчехра ҳам мудҳиш воқеадан хабар топишгач, ҳарқалай вақтни чўзиб ўтирумай, бир соатда Юсуфнинг уйидаги ҳозир нозир бўлишди. Найзанхонимнинг ўлгани ҳақида яқинларига хабар бериш лозим эди. Туҳматга қолиб кетмаслик, бизнесмен ўғлидан паспортни олиш, Туркиядан эсон-омон чиқиб кетиш — булар айтишга осон эканини ҳаммалари тушуниши.

— Жаҳонгирга бир неча кун қараб турасизми, Юсуф?
— деди Гулчехра. — Мен билан Диляда ёш болани олиб борадиган жой йўқ. Балки вақтинчалик энага топармиз? Нима дединглар?

— Мен... Ўзим қарайман боламга... — деди Лайло.
— Гулчехра опа билиб гапирайпти, — савдогарнинг гапини маъқуллади Диля. — Полиция сени бир неча кун қамаб қўйиши мумкин, чунки сувдан кўрқадиган кампир нега ваннани тўлдирди, нима учун буюмларини синдириди? Буни Жаҳонгир қилмаган, қиломайди ҳам. Уйга босқинчи кирган бўлиши ҳам мумкину, аммо... Аммо нега айнан босқинчи келишидан аввал сен чиқиб кетгансан? Кампирнинг ўғли онасини ёлғиз ташлаб кетмасликни тайинлаган. Хуллас, полиция аниқлик киритадиган сабаблар бир талай. Туҳмат балосидан асрасин!

— Нима бўлганда ҳам уни мен ўлдирганим йўқ! — Лайло ёқасини фижимлади. — Экспертлари бордир, ҳақиқатни қарор топтирувчилари бордир.

— Лекин сен ваннага тушгансан! Кампирни силтагансан!

— Мен ўлдирганим йўқ! Бўлди, гапирманлар уни! — қулоғини бекитди Лайло.

— Жаҳонгирга ўз ўғлимдек қарайман, — Юсуф қаддини ростлаб, ҳаммага бир-бир кўз ташлади, — менга ишонинглар. — Кейин Лайлони юпатди. — Сизга ҳам ҳеч нима бўлмайди, ўзингизни қўлга олинг.

Шу вақт күчада полиция машиналари сиренаси қулоққа чалинди. Юсуф орқа хонага кириб, пардани очган эди, икки машина уй орқасида тұхтади. Салнарида патрул машинаси ҳам күринди.

— Улар келишди! — деди Юсуф аёллар үтирган хонага қайтиб.

— Қандай қилиб? — Диля ва Гулчеҳра ҳадик ила күз уриштириши.

— Ұша күчадагилар машинамни күришгән эди, рақамларини полицияга айтишган. Бу уйда яшәйтганим, “Тойота Калдина”м ҳақида полицияда маълумот бор.

Маҳкамада Лайло воқеа тафсилотларини оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берди. Ұзини бирмунча босиб олган эмасми, гувоҳлик иши бошида хийла осон кечди, ҳатто ҳамманинг диққат-эътиборида эканидан қандайдыр ёқимли түйғуны ҳис этди. Бирок туҳмат тошлари ёғилиб, тезда караҳт бўлиб қолди.

— Лайло авваллари оқсочлик қилмаган, банкда ишлаган, — деди Найзанхонимнинг аламзада ўғли. — Истанбулга келиб, кунини күролмагач, чўриликка рози бўлган. Бироннинг хизматини қилишдан шунчалик ирганганки, иш охир-оқибат қотилликкача бориб етган. Онамдан қанчалик нафратланишини уйимдаги оқсоч ҳам айтади. Кеча у Лайлонинг ўрнига бир неча соат навбатчиликда турган. Фақат оқсоч эмас, онам ҳам Лайлонинг нафратига гувоҳ эди. Афсус, онамнинг ундан нолишларини қаричилик деб ўйлабман. Лайло қотилликдан бизни чалғитиш учун ўғилласини баҳона қилишини қаранг! Шундай десам ишонади, деб ўйладиди бу шайтон! “Глицин”га чиққан эмиш! Онам ҳеч қачон хизматкорини дорихонага юбормаган, умрида бир марта ҳам! Ванна жўмрагини очиши эса шу қадар ақлга сифмайдиган бўхтонки, ундан кўра осмон узилиб ерга тушди, деса, ишонарли чиқади!

Матбуотдаги шов-шувга ўч қаланғи-қасанғи хабарчилар мудҳиш қотиллик ҳақида оғиз тўлдириб лоф уриши. Гўё Лайло саксон ёшли кампирни ваннахонага

судраб кириб, чўқтириб ўлдирган эди. Полициячилар воқеани атрофлича ўрганиб бораркан, марҳуманинг танасида Лайлонинг бармоқ изларидан бошқа из йўқлигини кўришди. Уйда ҳам Лайло ва ўғлидан бошқа ҳеч кимнинг изи топилмади. Буюмларни Найзанхоним синдиргани ростга ўхшаб қолди. Бироқ далиллар барибир Лайлонинг фойдасига хизмат қилмади. У ҳаммасини усталик билан уюштирган бўлиб чиқаверди. Масалан, Найзанхонимнинг асабига тегиб, чойнак-пиёлаларни синдиришга мажбур этган ва ҳоказо.

— Бир кун аввал Найзанхонимнига меҳмонга борганимда, — деди туҳматкаш олифта кампир, — охирги вақтларда ҳаёти хавф остида қолганини кўзда ёш билан гапириб берди. Хизматкор бир неча марта “барибир сени ўлдираман шум кампир”, деб минғирлаганини эшишиб қолган экан. Полицияга хабар бермоқчи бўлганида, айёр хизматкор: “Виза муддатим тугаган, илтимос, мени Туркиядан депортация қилиб юборманг, ўла-ўлгунимча хизматингизни қиласман”, деб ялинибди. Найзанхоним кўнгли очиқ, нозиктаъб, сал нарсадан ҳадиксировчи ожиза инсон эди. Инсон ақлига сифмайдиган ваҳшийлик билан ўлдирган қотилни дорга осишларингни талаб қиласман!

Жаҳонгирни ҳам терговга тортишди, аммо бола шўрлик атрофидан фақат онасини ахтарар, қўзлари она деб мўлтирас, жондан азиз волидасининг бошига оғир кун тушганини англаб, мурғак онг-шуури ила бу одамлардан қандай халос бўлишлари мумкинлигини ўйларди. Руҳшунос уни гапга солиш учун аввал Найзанхонимни ёмонлади, сўнг: “Онанг ҳам шунаقا дермиди?” — деб сўради. Жаҳонгир онасининг гапини эслаб, деди:

- Аям яхши... Аям ундан қутуламиз, деганлар...
- Ўлдираман, деганми? — жонланди полиция руҳшуноси.
- Ҳа.
- Нима билан ўлдираман, деди?
- Қутуламиз... Ўйга кетамиз, деди... Аям яхши...

- Аянг ўша ёмон кампирни ваннага тушириб бўғиб ўлдирганини кўрдингми?
- Ҳа, — бошини лиқиллатди Жаҳонгир.
- Сен қаерда эдинг?
- Ётдим...
- Нима қилиб ётгандинг?
- Йиқилиб...
- Сени ким йиқитди?
- Ўзим...
- Онанг жимгина бўғдими ўша ялмоғизни ё бақирибми?
- Бақирди.

— Ялмоғиз-чи? У ҳам бир нималар дедими?

Жаҳонгир “йўқ” маъносида бош чайқади. Шундай қилиб, Лайло қотилга айланди. Юсуф полиция маҳкамасига мурожаат қилиб, Лайлонинг қонуний эри бўлмаса-да, шаръий эри эканини, бирга яшаб келаётганини, Жаҳонгирни ўғил сифатида қабул қилганини айтди. Лайлонинг розилиги билан болани унга беришди. Она-бola шу ерда хайрлашди.

- Тез орада сизни ҳам чиқариб оламан, — деди Юсуф,
- қотил эмаслигингиз исботланади, Лайло.

Бироқ уларни иккинчи омадсизлик кутмоқда эди. Найзанхонимнинг ўлимидан кейинги иккинчи ҳафтада гирдоб янада шиддат-ла айлана бошлади. Лайлонинг масаласи ҳал бўлган эди ҳисоб. Жаҳонгирнинг англаб-англамай айтган гаплари, оқсоқ қизнинг Лайлого ён босмагани, Найзанхонимнинг ўғли тухмат ўтхонасигага ўлган виждонини ўтин қилиб қалаши, терговчиларнинг ҳам маҳбусга нисбатан файирлик ила ишлашлари — барчаси ўз ишини қилди. Туркияда ўлим жазоси бекор этилган эди. Охирги марта миллатчи жиноятчилардан бири, яъни икки юз эллик кишини гаровга олган жангари осиб ўлдирилганига ҳам чорак аср бўлаёзган эди. Келгусида Лайлонинг чекига тушадиган ҳукм — салкам умрбод қамоқда ўтириш, умрни тўрт девор орасида чиритиш эди.

Ўнлаб маротаба терғовга тортилган Юсуф, Диля ва Гулчехра ҳам фил қаршисидаги чумолилардек ожиз қолишган бўлиб, ҳорғинликда кечган кунларнинг бирида ижара уйга тўпландилар.

— Лайлони ўлдиришмайди, — деди Гулчехра, — тез орада чиқиб кетади. Қотилликни бўйнига олса, нари борса тўрт-беш йил ўтирас. Чет эллик экани, ёш боласи борлиги, аёллиги барибир инобатга олинади.

— Бўлиши мумкинмас, — деб Юсуф бошини чангаллади.

— Балки у жаҳл устида кампирни ростдан ҳам ўлдириб қўйгандир? — Гулчехра Лайлодан шубҳаси борлигини яширмади, негадир Диля ҳам “шундайдир-да” деган маънода бош қимирлатди.

— Қанақасига қотил бўлсин?! — Юсуф ҳис-туйғуларини жиловлаёлмай тўлқинлаанди. — У... у ахир Лайло-ку!

Икки аёл бир-бирига маъноли қараб қўйишди.

— Қандайдир ваҳший эмас, — давом этди Юсуф ҳовуридан тушиб. — Бундай одамқушлигига мен ҳеч қаҷон ишонмайман. Ўша кампир жонидан тўйдириб юборган экан, Лайло қотилликка қўл уриб, ўзининг, манави суйған фарзандининг тақдири билан ўйин қиласмиди? Йўқ, Лайло одам ўлдирмайди! Қотил эмас! Ҳатто чумчуқни ўлдиришига ҳам ишонмайман!

— Биз ҳам ишонмаймиз, лекин... — қуличини ёзди Диля.

— Нима бало, севиб қолганмисиз? — Гулчехра кўзларини пирпиратиб, Юсуфга синовчан бокди.

— Ҳа, — унинг номидан гапирди Диля.

— Бу зўр ҳазил бўлди! — қесатди Юсуф. — Қойил! Болакайнин уларга бериб қўймаслик учун Лайлони шаръий хотиним дейишга мажбур бўлдим. Лайло ҳам, мен ҳам, ўйлайманки, сизлар ҳам Жаҳонгирнинг бегоналар қўлида қолиб кетмаслигини истаймиз. Мен, ҳаттоки икковингиз ҳам унга бегоналармиз. Лекин ҳозир биздан бошқа яқинлари йўқ. Нима дейсиз?

— Рост айтасиз, — жиддий тортди аёллар.

— Жаҳонгирни Самарқандга юбориш керак, — деди шунда Юсуф икки аёлга бирма-бир нигоҳ ташлаб.

— Қариндошларига телефон қиласынан. Агар Лайло қамоқда түрт-беш йил қолиб кетадиган бўлса, эртабир ҳун мен ҳам Озарбайжонга қайтишимга тўғри келса, Жаҳонгирнинг ҳоли нима кечади? Лайло ўғлини менга чиндан ҳам фарзандликка бермайди. Берса эди, бу муаммолар бўлмасди. Албатта, оғир кунлар ўтиб кетгач, фарзандини қайтарардим. Жаҳонгирни бу ерга вақтинчага олиб келаётганимда Лайло Худонинг зорини қилиб йиглади, “Боламни сизга, сизни икки дунё Эгасига топширдим”, деди. Боладан вақтинча айрилиш ҳам онага қанчалар оғирлигини биламан.. Инсон зотининг кўзларида ҳали бунчалик мунгни кўрмагандим.

— Нега Лайло деса кўзларингиз чақнаб кетади? — сўради Диля. — Юрингиздан ургани ростга ўхшайди. Беҳазил!

— Менингми?

— Юсуф ака, унчалик гўл эмасман-ку.

Юсуф тимқора соchlарини силаб қўйган эди, мушаклари ўйнаб кетди. Бир қараашда бўз йигитга, яна бир қараашда ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги эркакка менгзарди киши. Қалин қора қошлари, қайрилма киприклари, доимо қандайдир файритабийй йилтираб турувчи кўзлари ўз соҳибини осонгина сотиб қўймасди, сирли қобиқقا ўралган эди бу йигит.

— У менга ёқади, ажойиб аёл... Лекин менинг хотиним бор, исми Лайло. У ҳозир Озарбайжонда. Икковининг исми бир хил, жисми ҳам ўхшаш.

— Гап бу ёқда экан-да, — деди Гулчеҳра. — Шунчаки романтикага ўчлик касаллиги! Айтмоқчимайки, менга ўхшаган экансиз.

— Сизга ўхшамайман, шошиб хулоса қўлманг, — деди Юсуф бир оз жаҳл аралаш.

— Вой, менга нима қилибди? Агар ниманики ўхшатсам, қувониб кетаман, яхши кўриб қоламан. Мисол учун, икки минг ўн иккинчи йил йигирманчи декабръ,

кечкурун соат саккиздан ўн икки дақиқа ўтганида нима рўй беришини биласизми?

— Билмайман.

Гулчехра сўмкасидаң бир парча қофоз олиб узатди. Қофозда шундай рақамлар ёзилган эди: “2012 — 20.12. — 20:12”

— Эътибор берсангиз, бу кун “икки минг ўн икки” рақамининг учтаси тизилади. Менга бахт келтиради, чунки бу сирни кашф этдим. Кашф этдимми, омадим чопишига ишонаман.

— Хафа бўлманг, сиз шунчаки, мажбуран юрибсиз,
— Гўлчехраниг қизиқиши Юсуфни чалғитолмади. — Лайло ватандошингиз. Агар қўйиб берса, оғримаган бошингизни оғритмайсиз.

— Мен-а?! — ҳайратланди Гулчехра. — Фирт худбинга чиқариб қўйдингиз-ку! Одамни хафа қиласяпсиз.

— Шунинг учун ҳам Лайло ва Жаҳонгир хусусида қайғураётганимни тушунолмаётганингизга ҳайрон қолмайман. Нега Лайлонинг фожиасига жим қараб туришим керак? Мен меҳрибон одамманми? Йўқ. Негаки, бола ўғирламоқчи бўлгани учун бир одамни ўлдириш пайига тушгандим, чиндан ўлдириб қўйишимиға бир баҳя қолган.

— Совуқ гаплардан гапирманг, Юсуф!

— Лайло менга на маъшуқа, на ватандош. Диляга эса нафақат ватандош, синфдош, дугона ҳам. Афсуски, Дилянинг ҳужжатлари танг. Лайло ва ўғлининг тақдидидан эмас, депортация бўлишидан кўпроқ азият чекаяпти. — Юсуф Диляга тикилди. — Келинглар, ҳақиқатни тан олайлик. Болани нима қилмоқчимиз?

— Томингиз кетиб қолибди, — кўзларини катта-катта очди Диля. — Нима қиласмиз?

— Бир нарсани сезаяпман, — Юсуф ўрнидан туриб, одати бўйича дераза олдиға борди. — Найзанхонимнинг ўғли Лайлодан ўч олмоқчи. Биринчидан, уни узоқ муддатга қаматиб юборади, иккинчидан, яккаю ёлғиз жигарбандидан жудо этади. Балки Жаҳонгирни болалар уйига ўтказдириб юбориб, кейин кимгадир

фарзандликка бердирап. Балки бола ўғриси ёллаб, изсиз йўқотиб юборар.

— Жиддий гапиряпсизми? — Гулчехра ухлаб ётган Жаҳонгирга кўз қирини ташлади. — Норасида гўдакнинг нима айби бор?

— Айби шуки, у Лайлонинг ўғли. Вақтимиз оз қолди. Ишни пайсалга солмай, уни Самарқандга юбориш; менимча, энг тўғри йўл.

— Шундай қиласиз.

— Ҳа, шундай қилайлик, — дейишди аёллар.

— Саккиз юз доллар бераман, — деди Юсуф. — Ҳужжатлар, йўлкира ва кузатиб борувчи учун анчамунча пул сарфланади.

— Мен ҳам қўшаман, — Диля маллага бўялган сочинини тартибга келтириб, кутилмагандан Юсуфга ишвали боқди.

— Нима харажат бўлса, мендан ҳам сўранг, Юсуф ака, одамни кесакка, қурумсоқقا, алламбалоларга чиқариб қўйманг. Аслида у дугонам, ҳаммасини мен тўлашим керак. Яхши кунлар келса, сиз билан ҳисоб-китоб қиласиз, қочиб кетмаймиз.

Юсуф норози бўлиб бош чайқади.

— Мен, — деди Гулчехра томоқ қириб, — пул ҳам қўшаман, Жаҳонгирни Самарқандга элтиб қўядиган одамни ҳам топаман. Савдогарлар орасида сон-мингта танишларим бор. Айримлари ҳар икки-уч ҳафтада Самарқандга мол олиб кетади. Юсуф, сиз ҳужжатларни бир суриштиринг, мен шунга қараб ҳаракатимни бошлайман. Онаси билан келган ёш боланинг ўзини мамлакатдан ёлғиз чиқариб кетиши осон бўлмаса керак.

— Юсуф ака, гапингиз бу кишининг жон-жонидан ўтиб кетди, — кулди Диля.

— Э, мени ким деб ўйлаб юрасан-а! — қўл силтади Гулчехра унга.

— Болани она юртига эсон-омон етказсак, жуда катта савобга қолардик, — Юсуф Жаҳонгирга хаёлчан тикилди.

— Онаси қамоқдан чиққунча ўзим қарамоғимга оламан, деб хурсанд бўлгандим, афсус, бунинг иложи йўқ экан.

Дарҳақиқат, Юсуф бежиз ташвишга түшмаган эди. Лайлони шафқатсиз суд ҳұкми кутиши муқаррар, Жаҳонгирга эса ё үлім, ё яқинларидан умрбод жудолик хавфи таҳдид солмоқда эди. Энг тұғри йүл – имкон борида болакайни ватанига жұнатыб юбориш. Ватан фақат яқинлар мәхри әмас, метин қалъя, барқаёт баҳт, адолат диёри. Жаҳонгир онасидан вақтингча айрилса үлмайди, аммо ватандан олисда фалокатдан бошқа ҳеч нима кутмас эди уни.

Хужжат ишлари бүйича елиб-югуриш узоқ өзүйилмади. Юсуф Лайлонинг айбдор әмаслигини исботлаш, шу билан бирга Жаҳонгирни мамлакатдан олиб чиқищек икки ишнинг жиловини тутган эди. Панжарали оғзини катта очган юҳо тез орада унинг үзини ҳам үлжа сифатида күзлади. Бир қанча идора әшикларида үралашиши “Үзинг кимсан?” деган саволни туғдирған эди.

— Сиз Нургалиева Лайлонинг қотил әмаслигини исботлаелмайсиз, — деди полиция терговчиси сешанба куни Юсуфга. — Қани исботингиз? Қани гувоҳ? У одам үлдирған. Бугун бұлмаса, әртага үзи ҳам тан олади. Ортиқ баҳона қилиш мантиқсизлик эканини тушунив етди. Чүкаётгап одам чўпга ёпишаепти. Чўп барибир қутқаролмайди.

— Иш бунақа тергов қилинмайди.

— Қанақа тергов қилинади?

Шу пайт хонага мүйлови сабза урган ёш полициячи кириб қофоз узатди. Терговчи қофоздан күз узмай, деди:

— Айтгандай, үзингизни ҳам текшириб күришга тұғри келди. Билишимизча, Озарбайжон контрразведкасида ишлаган экансиз?

— Орқамдан исковуч қўйибсиз-да. Лекин бу – туҳмат! Исковучларингизга тортингасдан ҳайфсан беринг, яхши ишламабди. Мен собиқ милиция ходимиман. Қарши разведкага ҳам, ташқи разведкага ҳам алоқадор әмасман.

— Қайси аҳмоқ алоқаси борлигини жар солади?!

— Хотинимнинг акасини эҳтиётсизлик туфайли отиб қўйганим учун ишдан бўшатилганман, судланганман.

Тирикчилик юзасидан Туркияга келдим. Ўша бахтсиз ҳодиса сабаб хотинимнинг яқинлари мендан юз ўгиришиди, ҳатто ажрашишга мажбур қилишиди.

- Бу романми?
- Устимдан кулишга ҳаққингиз йўқ, бейафанди.
- Имоним комилки, сиз қайноғангизни атайлаб отгансиз.
- Йўқ. Ва яна бир марта йўқ! Кетсам бўладими? Бу мансабда қандай ўтирибсиз, ақлим етмаяпти.
- Йўқ. Ва яна бир марта йўқ, — деди полиция терговчиси ҳам.

Юсуф пайпогига яшириб қўйган телефонининг тугмачасини босган эди, олдиндан тайёрлаб қўйилган “смс” жўнатилди. Бурчакда ўтирган жандарм Юсуфнинг иккинчи телефони борлигидан каловланиб қолди, аммо кечиккан эди, нима ҳам қиласарди. Телефонни Юсуфдан тортиб олиб, терговчига узатди. Шундай “смс” битилган эди: “Ля-ля-ля!”

- Бу нима майнавозчилик? — ўқрайди терговчи.
- Ҳеч қандай майнавозчилик эмас, “Ля-ля-ля” деган хабарни жўнатишга ҳаққим борми?
- Демак, профессионалман, денг. Яхши. Жосусбейни кишанланглар!

Шу тариқа Юсуфни ҳам ҳибс этишиди. Фалати “смс” эса бир йигитнинг телефонига созлаб қўйилган бўлиб, хабарни ўқиган ёлланма зудлик билан янги ижара уйга бориши ва Жаҳонгирни олиб кетиши, сўнгра Диля ёки Гулчеҳра билан боғланиши, аёллар ҳам режадагидек иш тутишлари лозим эди.

Ўша пайтда Юсуф ёллаган йигит оёқларини чалиштириб, симкаравотда майкачан ётган кўйи телевизор томоша қилмоқда эди. Германияда ўтказилган бокс жанги такрорий намойиш этилаётганди. У “смс”ни ўқиб, мийигифда кулди ва енги калта кўйлагини кийиб, кўчага чиқди.

Бироқ Юсуф яшириш чорасини кўриб қўйгани болакайнинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди.

Ёлғизликдан зерика бошлаган Жаҳонгир ҳам бу вақтда Юсуфнинг уйида телевизор кўриб ўтиради, айнан ўша такрорий жангни. Эшик қулфи шиқирлагач, миясида чақин чақди: “Аям!” Бироқ нотаниш амакига кўзи тушиб, бармоғини тишлади.

— Сени олиб кетишга келдим, — деди йигит турк тилида.

Жаҳонгир ҳеч вақони тушунмаган эса-да, унинг ёмон одам эмаслигини фаҳмлади.

— Аям қани? Келмадими? — Бола жавоб кутмасданоқ югуриб бориб машиначасини ўйнади. Жажжи одамча яхши хабар эшитмаслигини англаб, ўзини шу тариқа чалғитаётганди, акс ҳолда йифлаб юбориши мумкин эди. Шундоқ ҳам кўзи филт-филт ёшга тўлди бечоранинг.

— Ўйинчоғингни ўзинг билан ол, бу ердан кетамиз, — деди йигит ва Жаҳонгирнинг кўтариб уйдан чиқди. Атрофга аланглаб, шубҳали кимсаларни кўрмади. Гўдакнинг душмани фуқаро либосида ёки полиция қиёфасида бўлиши мумкинлигидан Юсуф огоҳлантирган эди.

Орадан ярим соат ўтгач, Дилянинг телефони жиринглади.

- Алло, — деди Диля синиқ товушда.
- Мен “қўғирчоқ” масаласида қўнгироқ қилаётгандим, — деди ёлланма йигит. — Оласизми?
- Жаҳонгир сиздами?
- Унинг исми сир деб ўйлагандим.
- Мени олиб кетишаяпти, депорт қилиндим. Илтимос, “опам” билан қўнгироқлашинг. Рақамлари борми?
- Бор, — деди йигит хотиржам оҳангда. — Сизга оқ йўл, хоним.

Шундан сўнг йигит йифламоқдан бери бўлиб ўтирган Жаҳонгирга қараб, ҳуштак чалиб қўйди. Очигини айтганда, ўзининг ҳам хўрлиги келаётган эди: Юз доллар эвазига қандай можарога тумшуғини сукди? Агар Гулчеҳра ҳам болани ололмаслигини айтса, кимга беради уни? Юсуф тузган режа билан танишганида, ҳаммаси силлиқ кечишига шунчалик ишонган эдики...

— Алло, Гулчехра опа! — дея қичқириб юбораёзди у ниҳоят ўнинчи марта қўнғироқ қилгач. — Бу мен, “Улгуржи”ман! Сиз айтган “қўғирчоқ” келган эди. Ҳозир айтилган жойга олиб бормоқчиман, қаердасиз?

— Тавба, нималар деяпсиз? Ким бу? — талмовсиради Гулчехра.

— Демак, сиз ҳам тамом бўлибсиз-да?! — тишлари фижирлаб кетди йигитнинг. — Қулоқ солинг, Юсуф оғани қамаб қўйишиди, Диляни депортация қилишиди, сизни-чи? Бўйнингизга тош боғлаб, Босфорга чўктиришадигимиз? Ҳаммангни жин урсин! Эшитаяпсизми?!?

— Вой, эсим курсин, сиз “қўғирчоқ” бўйичами? Кечириңг! Телефонимни овозсиз ҳолга солиб қўйибманда, мен — гаранг! Дабдурустдан гапингизга ҳам тушунмабман. Ҳаммаси расво бўлди, демоқчимисиз? Эсиз! Жаҳонгир йифламаяптими?

— Жаҳонгир яхши. Бундан кейин ҳам яхши бўлсин десангиз, қабул қилиб олинг.

Йигит Жаҳонгирни етаклаб, уйидан ярим чақирим наридаги майдончага борди. Бола ўтган-кетган аёлларга шу қадар жавдираб тикилардики, юрак-бағри эзилганлар беихтиёр пи chir-пи chir дуо ўқиб, ҳар бандага баҳт беришини, фарзандлари омон-бўлишини Аллоҳдан сўрашарди. Йигит Гулчехрани сабрсизлик билан кута бошлади. Жаҳонгир плита ётқизилган майдончада ўн дақиқалар тургач, дараҳт шоҳларида чуурлашаётган күшларга чалғиди.

Йигит ортига ўгирилди ва бошига оқ рўмол ташлаган, катта кўзли жигарранг кўзойнак таққан аёлга рўпара бўлди.

— Кимсиз? — сўради йигит кўзойнакли аёлдан.

— Мен Гулчехраман, сиз “Улгуржи”, шундайми?

Йигит ним кулимсираб, инглиз ҳарбийларидек қўлини пешанасига теккизисиб қўяркан, деди:

— Салом ва хайр, хоним! Қайтиб кўришмаймиз, деб умид қиласман.

Йигит шахдам қадамлар ташлаб, кўздан йўқолгач,

Жаҳонгир ҳалиги аёлга умидвор термулди. Йиғламоқчи бўлди, йиғлолмади.

— Қандай ишларга аралашиб қолдим? — уҳ тортди Гулчехра йигитнинг ортидан қараб. — Тентак! Тўнка! Бошингга урасанми энди бу болани! Қанчалар лақмаман!

— Кейин яна бир уҳ тортгач, Жаҳонгирга яқинлашди.

— Ҳа, майли, болажоним, бошга тушганни кўз кўради. Сени душман чанталидан қутқариш тақдиримга ёзилган экан, қутқараман!

У Жаҳонгирни етаклаб, таксиға ўтирди. Боланинг чўнтағига беш юз доллар ўшириб қўйилганидан уч киши — Юсуф, Диля ва Гулчехра хабардор эди. Тинтиб кўрди, пул турибди. Шунда эсига бирор тусиб, телефонига ёпишди.

— Менга Латофат керак эди, — деди у гўшакни кўтарган эркакка.

— Ўзингиз ким бўласиз?

— Исмим Гулчехра, Самарқандданман. Латофат яхши танийди, ўзим ҳам савдода юраман.

— Ҳозир Истанбулдамисиз?

— Ҳа, Латофат билан анча вақтдан бери кўришолмадим. У кетмадими ҳали?

— Бунча ҳовлиқасиз-а? Жума куни кетмоқчи. Нима ишингиз бўлса, менга айтаверинг.

— Бир нарса бериб юбормоқчи эдим. Пулини тўлайман.

— Узр, худди шу масала жуда нозик-да. Нима экан айтган нарсангиз?

— Борсам, ўзига тушунтираман.

— Майли, лекин шуни унутмангки, хотиним нима олиб кетиш-кетмаслигини мен ҳал қиласман.

Гулчехра муаммони бу эркак ҳеч қачон ечмаслигини билса-да, таваккал қилиб, кечки саккизларда ўз туманини орта қолдириб, Фотих худудига ўтди. Истанбулнинг сон-саноқсиз чироқлари ёнди, прожектор нурлари кўкка найза каби санчилди. Чироқларга бурканган кўприк олисдан шунчалар оҳанраболи кўринардики, кўнглига қил сифмаётган Гулчехрага озгина бўлса ҳам таскин

берди. Балки савдогар танишлари болани полиция ва ҳеч қандай идора аралашувисиз ватанга юбориш йўл-йўригини кўрсатишар? Ахир, улар игнанинг кўзидан туяни ўтказадиган валламат тужжорлар эмасми?

Бироқ Гулчеҳра бақир-чақир устидан чиқди. Афтидан Латофатнинг эри турган-битгани жizzаки эди, мусофиричилликда ҳам тинчлик йўқ эди оиласа.

— Эрим охирги вақтда шубҳаланадиган булиб қолди, — деди Латофат. — Юринг, “дом” олдидаги кўринарли жойда ўтирайлик. У яна заҳрини сочмасин.

— Мени кўрди-ку, намунча? — кўнгил кўтариш қасдида кулгини жаранглатди Гулчеҳра. — Одам ҳам шунчалик рашкчи бўладими, тавба, тавба! Рашк қилса, олиб келмасин эди чет элга! Қизиқ экан-ку!

— Э, у ёқда қолсам ҳам ишонмайди, бу ёқда ҳам. Гүё ҳозир сиз баҳона бирор билан гаплашмоқчиман. Қўйинг, шу мавзуни! Нега мени суриштириб қолдингиз? Мол ташвишида юрган бўлсангиз, олиб кетолмайман. Самолётда юк олиб кетадиган “йигитим” ҳам ҳозир битта.

— “Одамим” деб гапир, барака топгур, эрингдан шунча сўкиш эшитганинг камми? Юр-чи бу ёқقا.

— Ким дейишимнинг нима фарқи бор? У самолётга қанча юк олиб чиқиши мумкин бўлса, шунча олади. Одам керак бўлса, Самарқанддан чақиринг, қийинми?

Латофат оғзи тўла тилла тишли, тўладан келган, қорамағиз аёл эди. Юзидаги кулгичлари сабабми, қайгули ҳодиса ҳам тимсолида қувноқлик маъносида зоҳир бўларди. Гулчеҳра унинг “йигитим” деб гапиришидан кулгиси қистамоқда эди. Айрим йигитлар Туркияга ҳар ҳафта бориб, юртдош тижоратчиларга ўзи билан юк олиб кетишини таклиф этишарди. Самолётга бир йўловчи қанча юк олиб чиқиши мумкин? Савдогар ўз сумкасини харидоргир қимматбаҳо либослар билан тўлдирса, йигитнинг харажатларини қопларди. Йигит ҳам икки мамлакат ўртасида сайр қилгани учун ойига уч юз-тўрт юз доллар ишларди.

Кўп қаватли уй олдидаги оқ тўсиқли иншоот

яқинидаги ўриндиққа ўтиришди. Кимлардир шу маҳалда ҳам қийқиришиб сувга сакрашди.

— Юқори қаватдагилар чўмилаётганларни томоша қилишаркан-да? — деди Гулчехра.

— Опа, мақсадга ўтиб қўя қолинг.

— Самарқандга биттагина “нарса”мни олиб кетмасанг бўлмайди! Ўламан!

— Нима эқан у?

— “Нима” эмас, “ким”.

— Одамми?

— Ҳа. Олиб кетмасант, аслида мен эмас, у ўлади. Эринг икковингнинг раҳминг келар?

— Йўқ, овора бўлибсиз. Эримни кўрмаяпсизмӣ, шундоқ ҳам тўнини тескари кийган, жини қўзиган, тепа сочи тикка бўлган. Бунинг устига ишкал ишга аралаштирганларни ёқтирумайди. Ёқтирумайди эмас, умуман эшитмайди. Уша одамга нима бўлишидан қатъи назар (тўғри тушунасиз, деган умиддаман), мен ҳам аралашмайман, узр, опа.

— Депорт қилинганларни қалбаки ҳужжат билан эргаштириб юрганларингни кўрмаганмиз-да, а?! Қўй, гапни айлантирма, минг доллар бераман, олиб кет гўдак бечорани! Сен шайтонсан, барибир йўлини биласан!

— Ие, айтаётган одамингиз ҳали гўдакми?

— Уч ёшдан ошган.

— Йўқ-йўқ, Гулчехра опа! — ранги ўзгарди Латофатнинг.

— Маслаҳатим, ўзингиз ҳам қўлингизни ювиб, қўлтифингизга уринг. Йўқ қилиб юборишади-ку, ахир!

— Индамай қараб тураман, оғримаган бошимни оғритмайман, чунки ақллиман демоқчимисан? Раҳминг келмаяптими? Сенинг ҳам боланг бор, жиз этмаяптими юрагинг?

Латофат асабий кулиб, Гулчехрага ҳайратланиб қаради.

— Илтимос, Гулчехра опа, жон опажоним, мени ўта оғир, агар қўлга тушса, хону мони куядиган ишга аралаштируманг! Сизга нима ёмонлик қилдим? Битта шаҳарданмиз, бир дастурхондан нон-туз еганимиз. Нима учун бирорвларнинг муаммоларига аралашишим, ўз

ҳаётимни тикишим керак экан?! Тўппа-тўғри айтдингиз, менинг ҳам болам бор.

- Аввал гапга қулоқ солсанг-чи!
- Солмайман! Ҳавф остида қолган экан, полицияга айтинг, элчихонаю бошқа ташкилотлар бор!
- Онаси бир танишимнинг дугонаси эди.
- Эҳ-ҳе! Мен қариндошингизми дебман! Онаси бир танишимнинг дугонаси эмиш! Балки қўшнисининг поччасининг ҳамкасбига жиян бўлар?
- Кесатма, сенга ярашмайди! У бой кампирга хизматкорлик қилиб юрганди, ўлиб қолди.
- Қим? Гўдакнинг онасими?
- Йўқ, бой кампир. Боланинг онасини қотилликда айблаб, қамоқقا олишди. Кампирнинг ўғли жуда бадавлат, лекин виждонини еган, ҳеч нарсадан қайтмас балои азим! У айбсиз жувонни қаматиб юбориш учун бор кучи билан тиришаяпти. “Бола бегоналар қўлида юрибди, уни онасининг ёнига ёки болалар уйига жойлаштиринглар”, дебди. Бу “қотил”га меҳрибончилик эмас, тузоқ! Агар полицияга мурожаат қилсан, албатта болани мендан олиб қўяди, кейин бола ўз-ўзидан кампирнинг аламзада ўғлининг қурбони бўлади...
- Вой, бошим-а! — юзини тўсди Латофат. — Кон босимимни ошириб юбордингиз! Демак, болани яширганлар ҳам бой кампирнинг ўғлининг душмани! Сизга ёрдам берсан, мени ҳам бир касофатга дуч қилади! Ҳоҳлайсизми, тиз чўкиб, оёғингизни қучоқлайман!Faқат мени аралаштирунган!
- Бегуноҳ болани...
- Бас қилсангиз-чи! — ўрнидан турди Латофат.
- Ўтири! — деди Гулчеҳра жой кўрсатиб. — Майли, сени аралаштирумайман. Менга йўл-йўригини ўргат. Бу мамлакатдан чиқиб кетишнинг йўллари тўрт-бешта деб эшитганман. Айтсанг, шунга қараб одам топардим. Айтмасанг, виждонингга ҳавола.
- Хўп, айтаман. Биз ўтган йили поездда Оренбургга турк кийимларидан бир неча партия олиб борганимиз. Тошкентга қатнайдиган поездлар Оренбургдан ўтади,

юкларни эртасига Москва-Тошкент поездига ўтказганмиз.

— Истанбулдан Оренбурггача поезд қатнайдими?

— Бу ердан кетишнинг йўллари ҳақида тўлиқ билмайдиганга ўхшайсиз. Туркиядан самолётда, поездда, машинада, кемада кетиш мумкин, — бармоғи билан санади Латофат. — Сиз таклиф қилаётган ишда самолёт ёки машинани рўйхатдан чиқараверинг. Поезд ёки паромда иложини қилса бўлади.

— Самолётда олиб кетолмайман, деб йифлайсан! Бор экан-ку, йўллари!

— Истанбулдан Қарс шаҳригача поезд қатнайди, яъни Истанбул-Анқара-Қарс рейси. Қарс Туркиянинг энг чекка шаҳри, Грузия, Арманистон остооналарида. Иккича йилдан бери Қарс-Боку поезди қатнови бошланган, Грузия орқали Ozарбайжон пойтахтига боради. У ёфи ўзингизга маълум: Боку-Москва.

— Паром-чи? У билан қандай кетса бўлади?

— Истанбул-Одесса кема қатнови ҳақида ҳам эшитмаганмисиз? Сизни бинойидек савдогар десам, дўкондан чиқмайсизми, дейман. Одессага, яъни Украинаға борилгач, Одесса-Москва поездига чиқилади. Яна бир йўли бор: Краснодардан кемалар келади. Тўғри Россияга борасиз.

— Демак, ё поезд, ё кема? — ўйга толди Гулчехра.

— Гап поезд, кема ёки паромда болани олиб кетадиган одам топишингизда. Ўша одам ҳам, воситачи ҳам мен эмасман.

Латофатнинг эри подъездда пайдо бўлиб, сигарета тутатиб, Гулчехрага қаҳр билан нигоҳ ташлади. Гулчехра сұхбат тугаганини тушуниб, аламли раҳмат айтганча нари кетди.

Ўйига қайтиб, Жаҳонгирнинг аввалгидан-да, мунгли кўзларини кўрди. Онасини кута-кута юрак бағри қон бўлган эди. Гулчехра ўйлади: “Уни онасига топширсаммикан? Еш болали хорижликлар қамоқقا олинса, она-болага шароит қилиб бериш ўйлангандир? Кампирнинг ўғлидан ҳам ҳимоя қилишар? Қош қўяман, деб кўз чиқараётган бўлмай...” Сўнгра яна иккиланди.

Үтган йили бир йигит ҳеч қандай ҳужжатсиз уйига етиб олгани ҳақидағи афсонаның әшиттегін әди, балки афсона әмас, түлиқ ҳақиқатдир? Гұдаккінаны Россияягача олиб борса, кейин у ёғи..."

Дилядан әшиттегін әди, Лайлодан ажрашиб, Туркияға жүнамоқчи бұлғанида, эри Самарқанддаги қурилиш моллари дүкөнини ташлаб, Москвага кетиш тараддудини күра бошлаган экан.

"Агар Лайлонинг эри ҳозир Россияяда бұлса, боласини күтиб олади", – деб үйлади Гулчехра. Диляга бир неча марта құнғироқ қилди. Ниҳоят, ҳаддан ташқары ҳорғин овоз әшиналди:

- Нима гап, Гулчехра опа?
 - Қачон учеб кетасан?
 - Эртага. Болакай қани?
 - Уйимда. Лайлонинг эри ҳозир қаерда эканини биласанми?
 - Россияяда бұлса керак.
 - Жаҳонгирни дадасига топширамиз, энг яхши йўли шу. Поездда Россияяга жўнатадиган бўлдим.
 - Тўғри үйлабсиз. Лекин фикрингиздан қайтиб, полиция маҳкамасига олиб борманг. Чегарадан ўтказиб қўядиган одам топинг. Чўнтағидаги пуллар сизники.
 - Мастмисан? Нега инқиллаб гапирайсан?
 - Ҳа, ичдим. Депорт қилинаётганим етмагандек, пулларимни ололмадим... Тўрт минг доллар... Бу – Истанбулдаги охирги телефонлашишимиз.
- Ростдан ҳам Диля икки кундан сўнг, тунда Ўзбекистондан құнғироқ қилди.
- Ёзиб олинг ёки эслаб қолинг, – деди Диля, – Москва области, Одинцово райони, Дунай кўчасидаги ўттиз биринчи завод ётоқхонаси, Ҳамидов Алиасқар. Шу йигит Жаҳонгирнинг дадаси бўлади. Агар аниқ манзилини тополмаса, "Самарқанддан келган Алиасқар деган йигит" деса, ўша ердагилар топиб беришади. Одинцоводаги заводларда самарқандликлар кўп, улар бир-бирини танишади. Одам топдингизми?

— Йўқ.

— Одесса, Краснодар ёки Боку орқали кетилади, биласиз-а?

— Биламан. Агар одам топилмаса, Лайлонинг қариндошларига айтасан, бирортаси Туркияга келади. Йисон тақдири ўйинчоқ бўлибдими?

— Айтсам, тревога бўлиб кетади, опажон! Депорт қилингандарни прокуратурага чақириб, одам савдоси бўйича суҳбатлашиб кўришаркан. Шунаقا нозик вазиятда Истанбулдаги воқеаларга алоқам борлигини қандай айтаман? Бу — биринчидан. Иккинчидан шуки, агар айтсам, Жаҳонгирни Лайлого топширишга сизни мажбур қилишади, яъни қамоқхонага! Кейин Найзан кампирнинг ўғли тузган режа ўз-ўзидан амалга ошади. Юсуфни ҳам у қаматган! Қисқаси, болани дадасига, Россияга юборинг, иккиланман! Бу — энг тўғри вариант! Дадаси ҳужжатларни тўғрилаб, Самарқандга самолётда олиб келади. Яна бир илтимос, Лайлого Туркияни “мен тавсия қилмаганман, чақирмаганман, ёрдам ҳам бермаганман”, шу гапни унга етказиб қўйсангиз. Бу ёқда шундай миш-миш юрибди, гёё Лайло банқдаги иши расво бўлгач, менинг ёрдамида Туркияга қочган. Мен тинч яшашни истайман, бошқа айтадиган гапим йўқ!

Бу гаплардан сўнг Гулчехранинг боши баттар қотди. Биттагина маслаҳатчи қолди — у ҳам бўлса Лайло. Полиция маҳкамасига бориб, Лайло билан учрашишнинг йўлини топиши керак. Шу кеча Жаҳонгир бир оз иситмалаб чиқдию маҳкамага бориш фикри миясига янада мустаҳам ўрнашди.

— Аяжоним қани?.. Аямга бояман! — деб йиглади Жаҳонгир. — Бу йейда қолмайман... Ҳамма ёмон... Сиз ҳам ёмонсиз...

— Тонг отсин, ўзим олиб бораман, — Гулчехра унга иситма туширадиган дори берди, баданини спирт билан артди. — Ҳали шундай полвон йигит бўласанки, гўдаклигимда Туркияда мени Гулчехра исмли бир аёл қутқарган, деб айтиб юрасан. У вақтларда биз

бўламизми, йўқми? — Негадир бирдан аёлнинг кўнгли юмшади. — Ҳаёт ўткинчи, нима ҳам қиласдим.

Эртасига қўшни кампирни болага қоровул қилиб ташлаб, дўконга борди, икки кунга жавоб олди.

— Қаерга кетаяпсиз? — эшикка етганида шанғиллади Чечак деган фаррош.

— Нариги дунёга! — жеркиб берди Гулчехра.

— Яхши боринг! — қўл силкиди Чечак. — Бобомни, момомни кўрсангиз, Эдирнадаги дайдилигимни йифиштириб, Истанбулда катта сотувчи бўлиб ишлаётганимни айтинг, хўпми?

Полиция маҳкамасида Гулчехранинг иши юришмади, эртага келиши кераклигини айтишди. Тергов кунлари Найзанхонимнинг ўғлини таниб қолган эди, маҳкамам олдида, “жип” ёнида кимнидир телефонда бўралатиб сўқаётганини кўрди. Назарида, у саксон ёшли онасининг қотилини бурдалаб ташлаёлмаётгани учун ич-этини еб юрганга ўхшарди.

Шундан сўнг мажолсиз қадам ташлаб бекатга яқинлашган эди, телефони жиринглаб, сесканиб тушди, аммо экранчага қараб юзи ёришди. Латофат қўнғироқ қилмоқда эди.

— Сизга бир аёлнинг рақамини бераман, — деди Латофат, — поездда юк ташишдан эринмайдиган, тоғни урса талқон қиласдиган, ушлаган жойини узадиган татаристонлик хотин. Ўйлаб кўрсам, болани Самарқандгача олиб борадиган киши тополмаслигингиз аниқ. Энг яхши йўл — Россиягача элтиб қўйиш. Кейин кимнидир ўша ёқдан бориб олади уни.

— Э, раҳмат-е! — қувониб кетди Гулчехра. — Кеча шу ҳақда дугонам билан маслаҳатлашгандик, қара, сен ҳам шу фикрни айтаяпсан.

— Мен ҳақимда ҳеч кимга лом-лим демайсиз, хўпми? Айтгандай, Сенъорита ёш болани жуда-жуда яхши кўрадиган аёл, маҳаллий бизнесменларни умуман ёқтирумайди. Болани пулдорлардан бири йўқ қилиб юбормоқчи деб, батафсил тушунтирангиз, ёрдам

бериши аниқ. Фақат ўйлаб муомала қилинг, феъли оғир.

Сенъорита лақабли хотиннинг рақамини олган Гулчехра ўз ижара уйи остонасига етгачгина, қўнғироқ қилди, поезд орқали Россияга “юк” ўтказиш кераклигини айтди.

— Ишнинг ҳам, инсоннинг ҳам дангалини яхши кўраман, — деди Сенъорита рус тилида, дағал оҳангда. — Нима экан ўша юк? Очиқ айтмасангиз, гаплашмайман.

— Одам, — Гулчехра хўрсиниб қўйди.

— Ўзим ҳам шунаقا деб ўйлагандим. Нима иш қилган?

— Ҳеч бир иш қилмаган.

— Унда самолётга ўтириб кетаверсин. Поездда ё савдогарлар, ё ишининг пачаваси чиққанлар юради. Агар жиноятчи бўлса, ўзим бир уриб юзини тескари қиласман, менга учрамагани маъқул.

— У учга кирган. Жиноятчимас.

— Учга кирган дейсизми? Тушунтириб гапирсангиз-чи!

— Мен айтиётган йўловчи бор-йўғи уч ёшда. Менга ҳам, сизга ҳам бегона, лекин, қандай тушунтирсам экан, у бизнинг ёрдамимизга муҳтоҷ, кечаю кундуз она деб бўзлаб ётибди, онаси эса қамоқда, туҳмат туфайли емаган сомсасига фарзанди билан бирга пул тўлаши керак. Хулласи калом, гўдак шўрлик истанбуллик бизнесменнинг қўлида ўлиб кетиши ёки бола ўғрилари қўлига тушиб, онасидан умрбод жудо бўлиши мумкин. Емонларни биласиз, ўч олишдан ҳузурланишади. Боланинг нима айби бор?

Сенъорита негадир кулди.

— Гапингиз рост бўлса, бу ёққа олиб келинг. Қизми, ўғилми?

— Ўғилча.

— Ўғилча! Ё Худованди карим, кеча тушимга кирганди-я! Бу дейман, тушим ўнгга айланади чофи.

Пайшанба куни кечқурун соҳил бўйидаги манзилга бордилар. Бўёқлари кўчган қайиқлар тош қирғоққа тўнтариб қўйилган эди. Эски биноларнинг бошида, белида, ҳатто пойида ҳам лагансимон антенналар кўзга

ташланарди. Эгасиз ўриндиқлар, қирғоққа урилаётган денгиз, чарх уриб учаётган балиқчи қушлар, булутли осмон алланечук юракни эзарди. Жаҳонгирнинг иситмаси тушган бўлса-да, мадорсиз эди, кайфияти йўқлигидан кўрфаз манзарасига қиё ҳам боқмай, Гулчехранинг елкасига бош қўйиб ётди. Сенъоритадан дарак бўлмагач, Гулчехра сал нарида велосипедининг занжирини тузатаётган ўспириннинг ёнидаги ўриндиқقا чўкди. Жаҳонгир йифлай бошлади.

- Сенъоритани кутаяпсизми? — сўради ўспирин.
- Ҳа, сен қаёқдан биласан? — ҳайронлигини яширмади Гулчехра.
- Мени юборди, ўзи эса ҳув анави деразадан кузатиб турибди.
- Қайси деразадан? — аланглади Гулчехра.
- Бу ерда деразалар кўп, нотаниш хотинга нега ростини айтарканман. Кетдик.

Ўспирин уларни эргаштириб, тор кўчага кирди. Бир неча машинанинг ёнидан ўтишди. Шунда қўлини белига тираб қирқ ёшлардаги басавлат хотин ўнгдаги уйдан чиқди. Ўспиринга пул узатди-да, елкасига боплаб тушириб қолди.

- Масҳарабоз! Сенга дарров чақир, дегандим-ку! Яна жосуслар ҳақидаги кино қаҳрамонларига тақлид қилдингми? — Кейин Гулчехрага бошдан-оёқ кўз югутириб, қизғиш эшикка боши ила ишора этди.
- Киринг! Беринг, болани ўзим кўтараман... Оҳ-оҳ, шириントй, нима бўлди сизга? Бошчангизга кулфат тушдими? Ҳечқиси йўқ, ҳаётда нималар бўлмайди.

Гулчехра юз берган воқеаларни оқизмай-томизмай сўзлаб бергач, сумкасидан пул чиқариб, стол устига қўйди. Сенъорита АҚШ долларларини санаб кўрди-да:

- Бу пул боланинг ўзига буюрсин, — деди қовоқ ўюб. — Агар Жаҳонгирни Россиягача олиб кетадиган бўлсан, албатта, бепул кетади. Сумкамда, полка тагида, қўйнимда...

— Худо хайрингизни берсин, опа.

- “Папаша”си чиндан Москвадами?
- Ҳа, мана манзили, — деб Гулчехра қоғозни узатди.
- У хотини қамалганини, боласи бирорларнинг қўлида қолиб кетганини биладими?
- Билмайди, — деди Гулчехра ва сабабларини сўзлаб берди.

Сенъорита лабига ингича сигарета қистириб, ёндиригични чиқиллатиб ёқди. Помада сурилган қалин лабини чўччайтириб тутун пуфлаб, шифтга тикилди. У иккиланаётган эдими ёки янги режа тузаяптими, билиб бўлмасди.

Гулчехра Сенъоританинг оч жигарранг кўзларидан нигоҳ олмай ўтиаркан, овозини янада майнинлатди:

- Россияда отасини топишингиз аниқ, бунга кафолат бераман, чунки... Кечирасиз, исм-шарифингиз нима?

— Узингизники-чи? — деди Сенъорита.

— Гулчехра Наимқурова, — алдади Гулчехра.

Аслида фамилияси Жумадуллаева бўлиб, ҳар эҳтимолга қарши ҳозирча аниқ маълумот бермасликни жоиз топди. Ким билади, эртага Туркия, Грузия, Россия ва Украина божхона ходимлари бола билан кўлга туширса, боши терговдан чиқмай қолиши мумкин-да.

— Паспортингизни кўрсам бўладими? — қўл чўзди Сенъорита. — Қалтис ишларни бемалол бажарив кетавераман, агар у яхшиликка хизмат қилса, албатта. Бироқ ҳеч кимга ишонмайман.

— Паспортимни олиб чиқмабман, — иккинчи ёлғон айтилди.

Сенъорита мийигида кулиб, сигарета тутунини пуфларкан:

— Танишганимдан хурсандман, — деди. — Асли Уфаданман, миллатим татар, исм-шарифим Селена Гомесова.

Гулчехра ўлимдан хабари бор, аммо жаҳон шоу-бизнес вакилларидан бехабар эди, ишонди, аниқроғи, ишонгандек бўлди. Аёлнинг гўллигидан Сенъорита ичидагачиқ кулди, шундай бўлса-да, болакайни телба қасоскорлардан халос этишга киришганидан мамнун эди.

— Кечирасиз, — кулдонга қул қоқди у, — телефон рақамимни кимдан олдингиз?

— Бунисини айттолмайман, — деди Гулчехра.

— Нега?

— Мен берганимни айтма, деб қаттиқ илтимос қилди.

Сизни ўзимизнинг кўпчилик савдогар хотинларимиз яхши билишаркан. Қанчадан-қанча одамларга ёрдамингиз теккандирки, сизни тавсия этиши. Бола бояқишини Россияягача олиб бориш бошқасининг қўлидан келмайди-да, опа. Қаранг, қандай ширин бола! Тушингизда ҳам аён берибди. Аслида менга ҳеч қандай қариндош эмас. Қандайдир бизнесмен бир умр яқинларидан жудо қилмоқчи бўлганини эшитиб, чидаёлмадим. Юртдошим — жигарим, жабр кўрган бегона норасида — у ҳам жигарим.

— Бугун меникида қолади, розимисиз? — деди Сеньорита.

— Ҳа, лекин кечагина иситмалаб чиққан. Бугун яхши.

— Сенинг исминг нима? — деб ўзбек тилида Жаҳонгирдан сўради Сеньорита. Ўзбекистондан келган тижоратчилар билан гаплашавериб, айрим савол-жавобларни ўрганиб олган эди.

— Жаҳонгий, — шивирлади бола.

— Нима?

— Жаҳонгий, — такрорлади бола савлатдор хотинга тикилиб. “Бу аёл мени уйга олиб боради”, деб ўйлади ва онаси шу ерларга ёлғиз ташлаб кетгандек ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборишига бир лаҳза қолди.

Сеньорита унинг бошини силаб, пешанасидан чўлпиллатиб ўпди. Жаҳонгир ёт ўлкада онасиз карахт бўлиб қолган эмасми, кимга суйкалишни, кимдан паноҳ исташни билмас, фақат мўлтиради. Ҳарҳолда шу аёллар эди унинг юпанчи. Ҳар лаҳзада онаси пайдо бўлиб: “Болажоним!” деб қўл чўзаяётгандек туюлаверар, эшик-дераза, бурчак, ҳатто шифтга ҳам интизор боқарди.

“Сен мультик томоша қилиб тур”, деб Сеньорита телефонидаги мультфильмни қўйиб берди-да, Гулчехрани эшикка кузатиб чиқди.

— Бола ўғриси бўлиб қолмаслигим учун эртага паспортингизни олиб келинг, — деди Сенъорита. — Кўришим шарт. Ким билади, балки сиз Истанбулга келган ўзбекларнинг боласини ўғирлаб, менинг қўлим билан Россияяга олиб бораётган жиноятчи бўлиб чиқарсиз.

— Мен-а?! Худо урсин, Сенъорита!

— Ўзингизни босинг, эҳтиёт щарт айтаяпман. Хуллас, полиция маҳкамасига бориб бўлса ҳам, боланинг онаси билан учрашишим керак. Суратини кўрсатиб, ишонч ҳосил қиласман. Шундан сўнг Жаҳонгирни қандай бўлмасин, Москвага етказаман. Балки унгача отасининг телефон рақами топилса, айтарсиз.

— Албатта, айтаман, — деди Гулчеҳра. — Менга ишонинг, туҳмат қилувчилар болани бекитганим учун мени ўлдириб юборишса ҳам айтаман.

— Бармоғини ҳам теккизишолмайди.

— Улар мени ахтармаяпти, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

— Сизга эмас, болага бармоғини ҳам теккизишолмайди, — гапига аниқлик киритди Сенъорита.

Шундан сўнг Гулчеҳра нималарнидир тўнфиллаб, жўнаб қолди. Борган сайин уни боладан хавотир олиш эмас, аксинча, узоқроқقا қочишига ундовчи туйғулар исканжага олмоқда эди.

Латофат қўпол-қўрс деб тавсифлаган эди, аслида Сенъорита юмшоқ феълли бўлиб, қизифи, у ҳозир маст эди. Ичкари хонага қайтиб, Жаҳонгирни ўпди, дунёдаги энг ширин сўзлар, энг чўзиқ, ширали оҳанглар билан эркалади. Қўшни хонада бир хизматкор қиз бор эди. У Сенъоританинг овқатини пиширар, кир-чирини ювар, бекаси Татаристон, Бошқирдистон томонларга мол ташлаб келгунча бу хонага бошқа аёлни ижарага қўйиб, унга ҳам шундай хизмат қилиб, тирикчилик ўтказарди. Халақит бериш тақиқланганига қарамай, эшикдан секин мўралади.

— Бунча асал бола, — деди у. — Майлими, мен ҳам эркаласам?

— Майли, — ўзини ёстиққа ташлади Сенъорита. — Кўп ичиб қўйдим, ухлашим керак. Унинг оти нима эди?

— Билмасам, мен нариги хонада эдим, эшитмадим,
— деб жавоб берди қиз. — Нега ташлаб кетди?
Қариндошингизми?

— Жаҳонгир, — дея Сенъорита ёстиқдан бошини кўтарди, — эслаб қол, Жаҳонгир, Жаҳонгир... Ҳеч қанақа қариндошим эмас. Биз ҳаммамиз дўзах лабида туриб, жаннатдагиларга яхшилик қилмоқчи бўлган осий бандалармиз. Тушундингми?

— Мен сизга айтганман, унақа гапларни тушунмайман.

Шу кўйи Сенъоританинг кўзи илинди. Жаҳонгир эса хушсурат, озғингина хизматкор қиз билан қолди. Қиз уни ўз хонасига олиб кириб, қўғирчоқларини кўрсатди. Кейин қаердандир ўйинчоқ машина топиб келди.

— Авто, — деди қиз.

— Машина, — тақрорлади болакай. — “Жигули”.

Улар шу тариқа тил топишашётган маҳал Гулчехра пешанасини дастрўмоли билан артганча кўчадан ўтиб бораётган эди. Ногоҳон кўчанинг нариги томонида турган автобус биқинидаги рекламага кўзи тушди: “60 ва 70”, яна алламбало ёзувлар. У ўхшаш рақамлар жинниси эмасми, қизиқсиниб тикилди. “60” ҳам, “70” ҳам катта-катта, чиройли ҳолда ишланган, қип-қизил чўфдек порлаб турар, ҳар қандай одамнинг эътиборини тортар эди. Гулчехра байни “Ниманинг рекламаси экан?” деб ўйламади. У бир минг тўққиз юз етмиш, турмуш ўртоғи бир минг тўққиз юз олтмишинчи йилда туғилган эди. Анча вақтдан бўён кўришмаган, пул топиш учун ўзга юртларда юриш жонига теккан, аслида пул эмас, баҳт топиш кераклигини ўйлаб, юртимга қайтаман, деб қарор қилиб қўйган, унга фақат кичкина бир ирим керак эди, холос. “60 ва 70” — эр-хотиннинг туғилган йиллари, эр-хотин гўё рақамлар тимсолида ёнма-ён эди. Мана, йигирма уч ҳафта бўлибди. Шунда яна бир рақамни эслаб, ҳайратланди. Юсуфнинг ижара уйига борган куни, яъни Жаҳонгирни илк марта учратганида, соат 23:23 эди. Бугун Жаҳонгирни ишончли қўлга топширди, вазифани бўйнидан соқит қилди. Унинг баҳти болакай билан қайсиидир жиҳатдан боғлиқ экан-да?

Болакай сабаб осмонида булут қуюқлашаётгани учун бу ерларни тарк этишга мажбур бўлмаяптими?

Гулчехра рақамларга маҳлиё бўлиб, сўл томондан келаётган машинани кўрмай қолди. Истанбулнинг бу кўчасида ҳеч ким машинани юз километр тезлик билан ҳайдамасди, нима жин урган ҳайдовчини, ҳамма ҳайрон, ортидан қараб қолишди. Ва ҳаммаси бир зумда рўй берди: машина тумшуғи Гулчехрани зарб билан ҳавога кўтариб, аввал ўз ойнасига отиб урди, ойнаси ўргимчак тўри суратига кириб ёрилди, вужудни ҳаволатди, сўнг машина томидан ошиб ўтди бу вужуд, орқага, юкхона устига учиб тушди ва асфальтга думалади. Тормоз чийиллашига, металл ва суякларнинг қарсиллагани қоришиб, ҳавони ваҳимали титратиб юборди. Машина ҳалокатдан эсанкираб, ёнбошга бурилиб тўхтади, фидиракларининг тутуни чиқиб кетди. Ҳалойиқ бир онга тўхтади, юзлаб кўзлар чақчайиб, ранглар оқарди. Ҳайдовчи отилиб чиқди, бошига шартта қора ниқоб кийиб, пастқам кўчага ўзини урди. Шунаقا чопдикни, този ит ҳам кувиб етолмасди. Бироқ ҳеч ким қувмади уни.

Хозиргина соҳибасининг пешона терини артган дастрўмол эгасиз қолди.

Уч кун ўтиб эса иримчи аёл шифохонада вафот этди. Ҳалокатдан сўнг бир марта ҳам кўз очмагани бошқаларга чексиз уқубат келтиришини ҳали ҳеч ким билмас эди.

Ўғлининг бошига қандай кўргилик тушганидан бехабар Лайлобар ҳибсхонасида кўн ўтказар эди. Ҳар куни терговга чақириб, деярли бир хил мазмундаги саволларни беришарди. “Мен ўлдирганим йўқ”, деб Худонинг зорини қилиб йиглади. “Одам ўлдириш қўлимдан қелмайди, илтимос, ишонинглар”, — ёқасини фижимлаб, кўзда ёш билан ёлворди бошқа куни. “Қотил эканимни исботлаб беринглар, Найзанхонимнинг эс-хуши жойида эмасди, мени тухматга қолдириш учун ваннани ўзи сувга

тұлдириб, баҳтсиз ҳодиса туфайли үлган”, дея дадилдадил сүзлади. “Бирлашған Миллатлар Ташкилотига арз қиласын! Ҳаммаси туҳмат!” – қичқирди ҳатто. Кейин эса үғилчасини күролмаётганидан, уни үз ҳохиши ила бегона құлларга топширганидан куйиб-куйиб күз ёш тұқди, Юсуфға инсоғу садоқат тилаб, боласини тез орада дийдор құрмоқликни тавалло қилиб, тонглар оттириди. Бу нолаю фифонлар ижобий ҳодисаны чақиравмикан? Құрармикан у энди жагирбандини? Юсуф қамалған, Гулчехра үлган, болани кимга берганини фақат Латофат тахмин қилиши мүмкін, бироқ у Туркияни тарқ этган. Тақдир қозонида бир ош пишган эди, ошпази Лайло.

Шундай қилиб, у ҳибсхонада қолаверди, ҳадеганда балқимади озодлик қүёши.

– Тұғрисини айтинг, кампирни үлдирганингиз йүқми? – сүради бир куни камерадош хотин.

– Тұридан гүри яқын ялмогизни үлдириб зарил келибдими?! – ғазабланди Лайло.

– Үлдириш керак эди лаънатини!

– Нима учун?

– Берган азоблари учун! Қаранг, үлганидан кейин ҳам сизни азоблаб ётибди.

– Ҳаммасига үзим айборман. Чет әлдан жаннат ахтариб келғанман... Тұғриси, оиласы бузилиши бориб-бориб шундай фалокатларга олиб келиши тушимга ҳам кирмаганди.

– Э, эрдан ажраишнинг нима алоқаси бор? Қизиқ экансиз! Үша эрингиз сұтак! Сиздек гүзәл, ҳалол хотини турганида, ҳар кимдан қолған жувонга илакишиб, дайди ит экан у!

– Эримдан күп нарса кутғанман, энди ҳеч вақо кутмайман, – деди Лайло.

У күзини юмиб, хиёнат кунини эслади. Ресторанда Алиасқарни енгилтак қызылар билан ушлаганида, оила деворлари дарз кеттган, аммо ажраишмаган эди. Бу – аразлаш эди, холос. “Иш юзасидан гаплашаётгандик, Лайло! – деб күксига муштлади Алиасқар. – Нега

ишонмайсан? Ё қучоқлаб турганимда кўрдингми?”

Чамаси, икки ойлар ўтгач, эр-хотин ярашишди. Бу вақт ичида Лайлонинг паришиң юрганини бўлим бошлиғи Техрон Абдурасулов сезган экан, бир куни кечқурўн хонасига чақирди. Икковидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. “Охирги пайтларда бошқача бўлиб қолгансиз, Лайло, — деди у, — тинчликми? Авваллари кўзларингизда баҳт олови ёниб туради, бир бошқача бўлиб кетарди одам. Энди эса фамгинсиз. Шундай соҳибжамол ходимам нимадан хафа?” Лайло ўзидан анча-мунҷа катта эркакдан бунақа гап кутмаган эди, мақсади нима экан, деб юраги орқага торти. Техрон Абдурасулов бирдан дардини достон қила бошлади. Унинг айтишича, яқин дўст, кетмас бойлик, сотилмас сирдош топиш жуда-жуда мушкул эмиш. Айниқса, кўп нарса пулга боғлиқ эканини тушуниб етмаслик хатолар устига хато-туғдирармиш.

Лайло эри билан сен-менга бориб қолганини айтди ва: “Оилавий можаромизга пул сабаб бўлмади”, — деди. Бўлим бошлиғи оғир бош чайқади. “Сиз кўпроқ пул топинг, салонларга тез-тез қатнанг, либосларнинг қимматбаҳосидан кийинг, машина олинг, қисқаси, сиздан бошқасини етти иқлимда ҳам учратолмаслигини киши билмас исботланг, эрингиз оёғингизга ётиб олмаса, менга айтинг!” Бу гаплар Лайлонинг кўнгил тубида чўкиб ётар, лекин уларни Техрон Абдурасулов юзага қалқитиб чиқаришни истамасди, шу боис тик қараб, деди: “Техрон ака, сизга тушунмаяпман; нега мен билан бунақа мавзуда гаплашайпсиз?” Жавоб шундай бўлди: “Ёмон хаёлга бормасангиз, иккимиз ака-сингил туинсак, кредит ишлари бўйича ёрдам берсангиз...”

Шу тариқа Техрон Абдурасулов ўzlари ишлаётган банкдаги кредит пулларини қандай одамларга қандай “шартлар” билан бериш сирларини ошкор этди. Банкдан пулнинг чиқиб кетиши учун олти киши имзо қўймоғи лозим эди. Шулар орасида иккитаси “асл ҳақиқат”дан хабардор эди — Техрон Абдурасулов ва Лайло Нургалиева.

Орадан кўп ўтмай Лайло ўзини четга торта бошлади,

бу ишнинг пачаваси чиқиши муқаррарлигини тушуниб етди. Йўқ, гирдобдан чиқиш айтишгагина осон экан. “Сиз, – деди Төхрон Абдурасулов кунларнинг бирида, – бугун биз билан ўтирасиз, ўтган ойда бир юз эллик миллион сўм кредит олган Хўжамуродов ҳақ беради. Қўрқманг, бошқа аёллар ҳам бор, ёлғиз эмассиз”.

Ҳашаматли ресторонда, туш чоғи ўн эркак-аёл тўпланишди. Лайло ўз хатолари уни ресторангacha оқизиб келганини англади. “Эrim кўриб қолса, туғилган кун дейман, – ўйлади у. – Чуқурроқ суриштиrsa, ҳеч қандай таваллуд айёми йўқ, банкдан фақат мен ва бўлим бошлиғи...”

Шу пайт ростдан-да Алиасқарни кўриб қолди. У қуюқ пардоз-андоз қилган аёл билан бошни бошга қўйиб ўтирап, иккисининг ҳам қўлида тутаётган сигарет. Дастурхондан хулосаки, улар еб-ичиб бўлишган, ҳализамон кетишишмоқчи.

Лайло қўл ювиш баҳонасида гуруҳдан ажralиб, хиёнаткор эрни пойлади. Аёлнинг “Матиз”и бор экан. Лайло таксида изига тушди. Эски ҳовличага етдилар. Атрофга бир қўз югуртириб, ичкарига киришди, омонат эшикчанинг занжири ҳам омонат эди. Зино ботқофидаги бандалар шармандаю шармисор бўлган бу кунда дунёда яна битта оила, яна битта никоҳ риштаси йўқлик қаърига сингиб кетди.

Банкдаги найранглар ҳам узоқча чўзилмади. Миллион-миллион пулнинг исини чиқармаётган имза ва муҳрларнинг ўзлари айниб, бадбўй ҳиди билан аввало эгаларини безовта қилди. Төхрон Абдурасулов Финляндияга жуфтакни ростлади.

Лайло Туркияга кетиш олдидан Жаҳонгир тўғрисидаги ҳужжатга имзо қўйдириш учун Алиасқарнинг дўконига борганида, собиқ эри деди: “Мен эркакман, уйдан етти қадам нарида оиласми унутаман, лекин сен аёлсан, агар Истанбулда бузуқчилик қилиб юрганингни эшитсан, ўғлимнинг шаъни учун сени ўлдирман!” Лайло ҳужжатни олгач, Алиасқарга жавоб сўзини айтди: “Мен

аёлман, уйдан етти минг чақирим нарига кетсам ҳам, оиласми унутмайман. Ўғлингизнинг шаънини кўчадаги бузуқларга алмашган экансиз, шарм-ҳаё, шаън-обрў ҳақида ҳамма гапирса ҳам, сиз гапирманг!”

Лайло шуларни ўйлаб, Истанбул ҳибсхонасининг совуқ деворига тикилиб ётган эди, камера эшиги очилиб, соқчи кўринди. Яна бир ёмонлик содир бўлганини оналик туйфуси ила сезди. Йичида дуо ўқиб, йўлакда кетаётганида, рўпарадан чиққан кишанланган одамни кўрдию кўзларига ишонмади. У Юсуф эди.

— Сиз? — ранги ўчди Лайлонинг.

Маҳбуслар бир-бирига тикилиб қолишди. Лайло силтанган эди, соқчи билагидан омбурдай қисиб, ўшқирди:

— Маҳбус, тартиб сақланг!.. Нургалиева!

Юсуф бир оғиз гаплашиш учун илтимос қила бошлади, лекин соқчилар уни ҳам судраб кета бошлашди. Лайло куч билан ўгирилиб:

— Ўғлим қани? — деб қичқирди.

— Уни олиб кетишибди, ишончли жойда экан, — жавоб берди озарбайжонлик. — Кўрқманг, Лайло, ҳаммаси яхши бўлади. Сизга муҳим гап бор!

— Олиб кетишибди?! — кўзлари олайди Лайлонинг. — Бу нима деганингиз, Юсуф ака? Қанақа ишончли жой? Ким олиб кетади?

— Мени тўсатдан қамашди! Туҳмат билан! Лайло, эрта-индин чиқаман!

— Болам... — юлқинди Лайло.

— Тинчланинг, Лайло!

— Сизга ишониб топширгандим!

— Иккимизга ҳам туҳмат қилингани эрта-индин исботланади, Лайло! — бор овози билан бақирди Юсуф.

— Бўйнингизга олиб қўйманг! Эшитаяпсизми? Биламан, улар сизни қўйиб юборишмоқчи!

— Жаҳонгир!.. — ҳибсхонани бошига кўтарди Лайло.

— Вой, болажоним, қаердасан?! Топиб беринглар! Топиб беринглар боламни!

Лайло худди эси оғиб қолганга ўхшарди. Соқчилар жон-жаҳдлари ила маҳбусларни икки томонга тортишди. Шовқин-сурон бошқа полициячиларни ҳам оёққа қалқитди, йўлакда одам фимиirlаб қолди.

Лайлони эс-хушига қелтиришиб, тергов хонасига киргизиши. У ерда ўтирганлар юз-кўзига қараб ажабланиши. Нима бўлганидан боҳабар этилган бадқовоқ терговчи:

— Бугундан бошлаб сизни худди ўша Юсуф, яъни Яшар Маҳмудов хусусида ҳам тергов қилмоқчи эдик, — деди. — Қамоққа олингани сизни таажжублантирганига ҳайронман.

— Унинг ҳима айби бор? — Лайло қизарган кўзларини ердан узди.

— Чет эл жосуси.

Лайло заҳарханда кулди:

— Энди жосуснинг шериги ҳам бўлдимми?

— Сиз унинг шаръий хотинисиз.

— Мен-а? Ҳаммангга тупурдим! У менга ҳеч ким эмас! Болам Найзан итнинг қасамхўр ўғлиниңг қўлига тушмасин, деб шу томошани уюштиргандик. Эрим, деб боламни бериб юборгандим Юсуфга! Лекин мана... мана... болам йўқ! Қаердалигини Юсуфнинг ўзи ҳам тузукроқ билмайди... — Лайлонинг юзини кўз ёшлари ювди. — Уйга ёлғиз ташлаб, бу ёққа келса, қамаб қўйгансизлар. Агар боламни топиб бермасаларинг, очлик эълон қиласман! Қарғаб-қарғаб ўласман! Қувраб-қовжираб ўласман!

— Бас қилинг! Биз душманингиз эмасмиз!

— Мусулмонмисиз?

— Менимча, бу аёл дам олиши керак, — папкасини ёпди терговчи.

— Қабрда ҳам дам олавераман, коғир! — ўзини тутиб туролмади Лайло. У оғзига келган гапни айтса, исёнкор қилиқлар қилса, аллаңечук енгил тортаёганини, юрагидан қўрқув ҳам, фам-алам ҳам ариётганини ҳис этди, баттар авжига чиқди.

Йўлакда кўзойнак таққан, фуқаро кийимидағи

кишига дуч келишди. Унинг дўнг пешанаси ялтираб турарди, эгнида ярашиқли костюм.

— Шуми? — деди у Лайлони кўрсатиб.

— Ҳа, ўша, — жавоб берди полициячилардан бири.

— Яхши, — деди кўзойнакли.

Лайло камерада ҳиқиллаб ётган кўйи фуқаро кийимидағи кўзойнакли одамни кўз ўнгида жонлантириди. Ким экан у? Нечун нигоҳида бунчалар қизиқсиниш ҳукмрон эди? “Шуми?” деб сўрашида қандай сир-синоат бор? Инсон ҳуқуқлари бўйича амалдормикан ёки кучли адвокат?

Ҳақиқатан, эртасига кўзойнакли киши ҳам терговда иштирок этди. Ҳар бир гапини чертиб, шошилмасдан гапирав экан. Айниқса, кўзлари кишига тешиб юборгудек боқиши-чи. Дастлаб Лайло фикридан қайтиб, “Бу кимса мени муқаррар қамоққа гирифтормайди”, деб ҳам ўйлади.

— Қотиллик қилмаганингизни қандай исботлайсиз?

— Кампир сувдан ўлгудек қўрқарди, сув деса жони чиқиб кетарди. Менга тұхмат қилиш учун жўмракни очган, чунки ўғли ваннага сув тўлдирмаслигимни қайта-қайта тайинлаганди. “Иккинчи қаватдаги ванна жўмрагини очиш — одам ўлдириш”, деганди у. Кампир эса мени уйдан алдаб чиқариб, ваннани сувга тўлдираётганида, ўғилчам-келиб-қолган. Кампир сувдан қандай қўрқса, ёш боладан ҳам шунчалик қўрқарди. Ҳатто ўз чевараларини ҳам яқинлаштирумасди уйига. Бунинг ҳаммасига битта аҳмоқона туши сабабчи! Уни ёшгина бола ўлдирап эмиш! Тушига ишонгани учун ҳам ўлди у! Қисқаси, телба эди! Болам фикрини тўлиқ тушунтириб беролмаса ҳам гапидан билдим. Боламнинг нима демоқчи эканини биттагина унли товушдан ҳам тушунаман. Психологларингиз эса жони борича мени айблаш учун тиришиб-тиришиб ҳаракат қилишди, ўғилчамнинг оғзидан ўзларига керакли мато олишди, матодан тұхмат аталмиш кўйлак бичишли, бу кўйлакдан мен кафан ўрнида фойдаланишим керак энди. Шунаقا гаплар...

Наҳотки, мен үзбек аёли бўла туриб ёши бир жойга борган кампирни ўлдирамсам?! Бизда қариялар табаррук саналади. Тентак бўлса, боғлаб боқишади. Ўлдириш, қариялар уйига топшириш, тиланчиликка чиқариш ақлга, ақлгагина эмас, тасаввурнинг бир чеккасига ҳам сифмайди... Илтимос, ёрдам беринг, қотиллик қилмаганимни буларга айтинг. Болам ҳозир қаерда эканини билмайман, усиз яшаганимдан кўра ўлганим яхши.

— Хуш, ўглингиз қаерда? Балки у билан ўзим гаплашиб кўрарман?

— Билмайман, деяпман-ку! Уни топсинлар, топсинлар, топсинлар...

— Қизишманг. Мана сув, — стаканга сув қуиди кўзойнакли. — Ичинг.

— Жаҳонгир топилса, Найзаннинг уруғ-аймоғи мени қаматолмайди, шунинг учун у топилмаяпти. Ягона гувоҳ-да ахир! Юсуфга ишониб ўғлимни топширгандим, лекин жосус деб қамоққа олдинглар, ижара уйда ёлғиз қолиб кетди болагинам! Бирорга тайинлаган экан, ўша бирор башқа бирорга берибди... — Лайло ҳўнграб йиглаб юбориб, дир-дир қалтирай бошлади. — Илтимос, ишонинглар, энди мен боламни Найзаннинг яқинларидан яшираётганим йўқ, у ростдан ҳам қўлдан-қўлга ўтиб кетди... изини топмасаларинг ўламан...

— Бу нима деганингиз? — борган сайин ажабланарли кўзойнакли. — Фарзандингизга ёмонлик қилинмоқчими?

— Ҳа. Болам бу ерга келса бир бало, келмаса ундан ҳам бало.

— Тушунмадим?

— Буни ўз касбини суиистеъмол қилаётган полициячилар аниқроқ тушунтириб беришади. Ўғлимни полиция маҳкамасида ҳам хавф қутаётган эди! Мен сизга ишонаман! Сиз яхши одамсиз! Ўтинаман...

Лайлонинг шубҳа-гумонлари ҳақида эшитиб бўлингач, кўзойнакли деди:

— Бошидан айтиб қўяй, сиз қотил эмассиз. Агар сизга

ва оилангизга таҳдид солаётган кишилар бўлса, ёзма равишда арз қилишингиз мумкин.

— Нима, қотил эмаслигимни биласизми? — Лайлога фалати эшитилди унинг гапи.

— Шунинг учун болангизни топсангиз яхши бўларди, деяпман. Балки уйингизга кетадиган вақт бўлгандир. Ҳм-м, нега ҳайратланиб қарайпсиз?

— Мен... мен яшириб қўймаганман. Ўғлим ҳозир Истанбулдаги юртдошларимдан бирининг уйида, кимларни танишимни айтганман, — шошиб сўзлади Лайло.

Кечқурун Лайлони яна терговхонага олиб келишиди.

— Найзанхоним бўғиб ўлдирилмаган, — деди кўзойнакли қўлидаги қофозларга синчилаб қааркан.

— Мен ваннахонага кирганимда у ўлиб ётган эди, — такрорлади Лайло.

— Юраги ёрилиб ўлган, — қофоздан бош кўтарди кўзойнакли.

— Бироқ юрак ёрилишини уюштириш ҳам мумкин, — гап қўшди бадқовоқ терговчи.

— Тўғри айтасиз, — унинг-да гапини маъқуллади кўзойнакли, — бўғиб ўлдирилмагани қотиллик қилинмади, дегани эмас.

— Яшар Маҳмудовнинг ҳам қўли бўлиши мумкин, — ўрнидан турди бадқовоқ. — У Лайлодек ёш аёлдан фойдаланиш учун кампирни гумдон қилган, эҳтимол. Кейин қотиллик изларини яшириш эвазига бу аёлни ўз қўғирчоғига айлантириб олиши мумкин эди. Масалан, жосуслик ёки бошқа жиноий мақсадларда! Мана, айтдику, шаръий хотини эмасман, алдаган эдим, деб. Демак, унинг ногорасига ўйнаган. Болани ҳам Маҳмудов, яъни Юсуф “йўқотиб қўйган”. Кўрасиз, осонликча топилмайди бу бола.

Лайло юрагининг зорланиб уришини эшитиб ўтиради. Нега келди Туркияга? Ҳаётини борган сайин чигаллаштираётган одам аввало Лайлонинг ўзи эмасми?

— Яна бир шахсга эътибор қаратиш керак, —

кўзойнакли ходим Лайлодан кўз узмади, — бу одам Юсуф ҳам, Найзанхонимнинг ўғли ҳам, оқсоч қиз ҳам эмас, бу одам... Қани, Лайло Нургалиева, яна кимдан гумонингиз бор? Кимни назарда тутаётганимни топарсиз?

— Билмадим, — елка қисди Лайло. — Шулар.

— Бу — Найзанхонимнинг дугонаси. Қотилликдан аввал меҳмонга келган кампирни яхши танийман, фитна-фасод уяси, десам адашмаган бўламан. Уни яхшилаб гапга солганимда, шу нарса аниқ бўлдики, Найзанхонимга “суиқасд” хусусидаги макрни у маслаҳат берган, яъни Найзанхоним хизматкоридан қутулмоқчи бўлганини айтганида, “ваннага сув тўлдириб, мени ўлдирмоқчи бўлди, деб даъво қил”, деган.

— Менинг айбим йўқ, — илк бор Лайлонниг юзи ёриши. Бу гапни бутун дунёга жар солмоқчи бўлгандек айтди, айтдию кўзларидан яна ёш оқди. — ...айбим йўқ... айбим йўқ... Меҳмонга келган кампир одам эмасди, башарасидан маълум эди!

— Лекин у одамгарчилик қилди, макрни тан олди.

— Мен айбсизман, тўғрими? — атрофга умидли аланглади Лайло. Ҳозироқ қўйиб юборишларини истаётгани табиий эди, албатта.

— Экспертиза натижалари ҳам ҳозирча сиз томонда. Бармоқ излари жўмракни Найзанхоним очганини, буюмларни ҳам ўзи синдирганини исботлади. Бироқ мурданинг танасидаги излар сизники. Ўлганидан сўнг унга қўл теккизгансиз.

— Ҳа, мен кирганимда, у ўлиб ётганди, — Лайло бу гапни такрорлаб чарчамасди.

— Сизга ишонишга мажбурман, — деди кўзойнакли.

— Худога шукр... — пицирлади Лайло бош эгиб. Чор томони бетон девор, бошида ҳам бетон, маҳбуса эзилиб кетган эди.

— Бугун қўйиб юборолмаймиз, Юсуфнинг иши охиригача етмаган. — Кўзойнакли киши бадқовоқقا кўз ташлади: — Унга гапингиз йўқми?

— Йўқ, — деди биринчи терговчи.

Душанба куни 10:00 дан сўнг Лайло ва Юсуфни биринкетин терговхонадан чиқариб, яна ўз камераларига қайтариши. Лайлонинг озод этилажаги кундек равшан бўлиб қолганди.

Бир неча соатдан сўнг Юсуф тўғрисидаги қўшимча мълумотлар жосус эмаслигини тасдиқлади шекилли, у ҳам қўйиб юбориладиган бўлди. Озарбайжондан қариндошлари келиб, ҳибсона эшигида кутишаётгани Лайлонинг қулогига чалинди. Юсуфнинг қамалганига бир ҳафта бўлган эди, Жаҳонгир бир ҳафтадирки, кимнингдир қўлида. “Диля депортация қилинган бўлса, демак, болажоним Гулчехра опада, — хаёлидан ўтказди Лайло. — Гулчехра опа қўрқоқроқ. Шунинг учун бу ерга келолмай хат-хабарсиз юрибди. Менимча, бирор энагага берган бўлса керак... Жаҳоним мени роса соғингандир... Чет элга келиб, етти ёт бегоналарнинг қўлида менсиз юрибди-я!..”

Лайло тушлик қилмай, тиқ этса эшикка қараб ўтириди. Нихоят, соқчи келди-да, кенг, ёруғ хонага (дераза раҳида гуллар ҳам бор эди) олиб кирди. Лайло шу ерда узоқ кутилган хушхабарни эшиитди:

— Нургалиева хоним, сиз айбсиз деб топилдингиз. Гумондор сифатида қамоққа олинганингиз учун узр сўраймиз. Бизнинг касбда бунаقا ҳоллар учраб туради. Хужжатга имзо чексангиз.

— Табриклайман, — деди кўзайнакли.

Лайло ич-ичидан тошиб қелаётган йигини зўрға босди. У ҳеч кимга даъво қилмайдиган бўлди. Бир вақтлар Самарқандда бир туш кўрганди. Кўпчилик “Шанхай” деб атайдиган маҳалладаги эски ҳовлида яшардилар. Тўнғич ақаси Собир билан чорпояда ўтирганиши. Ёз кунларининг оромбахш оқшоми, атрофдаги ресторондан тўй садолари эшитилмоқда. Бир пайт нимадир заиф чийиллади. “Калтакесак!” — деб бақирдӣ Собир ва Лайлонинг елкасидаги митти жониворни уриб тушириди. Сўнгра маҳлуқни таёқ билан ерга қадади. Эзғиланиб ўлаётган калтакесак оғзини

кatta очиб заиф чийиллашини Лайло ўшанда кўрган, ўн кун овқат еёлмаган, бир ой худди баданига яна калтексек ўрмалаётгандек туюлган эди. Қизифи, бу бир хосиятсиз туш эди. Йиллар ўтгач, Найзанхонимни учратганида, баданига калтакесек ўрмалагандек сесканганини сўнгги дамларда бот-бот ўйлади. Одам зоти баъзан шу қадар тубанлашадики, илк марта кўрганингдаёқ иллат нуқси зоҳирига урганини сезасан, турқ-тароватидан, гапидан, хатти-ҳаракатидан этинг жимиirlайди. Найзанхоним ўзи учун яшашга шунчалар муккасидан кетган эдики, бора-бора маҳлуққа айланиб қолган, инидан чиқолмас, пардоз-андозсиз, турли ичимликлару тансиқ таомларсиз туролмас, қобигида кечётган ҳаётдан на зерикар, на нолир эди. Фақат бахтсиз одамларгина ўзидан бошқа ҳаммани бахтсиз ҳисоблашини Лайло англаб етди. Шум кампир касофат келтирди, аммо касофат кунидан нарига назар ташласа, фақат кампир айбор эмас. Алиасқар хиёнат қилган бўлса, Лайлонинг ўзидан ҳам хатолар ўтган. Бахтли одам хиёнат қилмайди, хиёнат бахтсизларнинг касби. Оқ стли шаҳзодага эмас, қурилиш моллари дўкони сотувчисига турмушга чиққани меҳр-муҳаббатини армонга занжирлаганми? Эрининг хиёнати учун ажрашди, аммо хорижга ўғлини ўжарлик-ла етаклаб кетиши ҳам кимларгadir қилган хиёнати эмасми? Техрон Абдурасуловнинг ака-сингиллик таклифини ўйламасдан қабул қилгани-чи? Жиноий ҳужжатларига қўйган имзолари — шулар эмасми бадбаҳтилкка босган муҳрлари?

Лайло билакларини ишқалади, қўллари шу вақтгacha гўё киshanloғlik эди.

— Бу ердан тўғридан-тўғри шаҳарга чиқмайсиз, — деди мўйловдор маъмурбей. — Виза муддатингиз тугаган, юрtingизга депортация қилинасиз.

— Хўп, жон-жон деб кетаман, — сўзлади Лайло, — аммо ўғлимсиз бир қадам ҳам ташламайман, ўлсам ҳам!

Дарҳақиқат, Лайло ўғлини панжара ортида кутадиган бўлди. Ҳибсхонанинг бошқа бир бурчагида эса бу дамда Юсуфни озодликка чиқаришаётган эди.

— Айбизз эканлигингиз осонликча исботланмади, Яшар Маҳмудов. Истардимки, бундан кейин ҳам айбизз бўлиб қолинг ва болани ҳеч қандай найрангиз топиб келинг, — деди маъмурбей.

— Албатта топаман, — қатъий ваъда берди Юсуф. — Унинг ва онасининг ўз ватанига соғ-саломат қайтишини таъминласангиз, бас.

Эшик олдида Юсуфни бир жувон қарши олди, либослари тарс ёрилгудек тор, соchlари елкага тушган; нимаси биландир Лайлони эслатиб юборадиган соҳибжамол эди.

— Лайло?! — оғзи очилиб қолди Юсуфнинг.

Жувоннинг нафис дудоқлари ёйилиб, кўзлари чақнади.

— Юсуф!.. — дея истиқболига шошилди. — Менинг Юсуфим! Менинг ҳаётим!

Бу аёлнинг ҳам исми Лайло бўлиб, озарбайжонликнинг завжаси шу эди. Юсуф қайногасини бехосдан отиб ўлдирганидан бери хотини унга гапирмаган, меҳр билантикилмаган, висол ўтида ўртаниб, талпинмаган эди. Кечаларни бедор ўтказиб, “Лайло” деб чиққанлари, бу ерда Лайлоб Нургалиевани учратгани, унда хотинига хос қиёфаю хислатларни кўриб эзилганлари, кутилмаганда чет эл жосуси сифатида қамоққа өлингани — барчаси ҳаётини алғов-далғов қилиб юборганди.

— Кетамиз, кетамиз, — қучоғида эркаланди жувон.

— Отам сизни кечирди, онам ҳам ғуноҳингиздан ўтди! Сизни Нахичевон кутмоқда! Кейинги рейс эртага...

— Лайло, менинг муҳим ишим бор, — деди Юсуф ижара уйга етгач. — Эртага учолмаслигим мумкин.

— Мендан ҳам муҳимми?

— Йўқ, лекин... — дея Юсуф хотинининг қўлларидан тутиб, ёногидан бўса олди. — ...лекин бир болакайни кутқаришим керак. Кўнглим ёмон хижил. Бу ишга аралашмасам, она-боланинг бошига фалокат тушадиган кўринади.

— Она-бала? Фалокат? — Хотини пешанасини тиришитирди. — Юсуф, сизни таниёлмаяпман! Шунча кўргиликлар камми?

— Кутиб тур! Ва ҳеч қаерга жилма! — деди Юсуф виждон тұғонига ортиқ бардош беролмай. — Сен билан индамайгина жұнаб кетолмайман. Мени кечир!

У үзи ёллаган йигитта құнғироқ қылди-да, ҳаяжонини жиловлаб, Жаңонгир ҳақида сұради.

— Үлибди, — деди йигит ҳовлиқиб. — Энди мени бу ишга тортман!

Назарида, Юсуфнинг бошига бир чөлак сув қуйиб юборишиди.

— Жин урсин сени, ким үлибди? — дея олди у.

— Мендан болани олган хотин.

— Бұлиши мумкинмас! Нега үлади?

— Машинада босиб үлдириб кетишганиш. Болани суриштирғандым, шу хабарни эшитдим. Бұлди, орамиз очиқ, Юсуф оға, менга құнғироқ қылманг.

Шу кеча Юсуф мижжа қоқмади. Маълумотларга күра Гулчехра болани опичлаб аллақаёққа жұнаган. Фотиқ тұманидаги соқылға яқын күчада машина уриб юборганида эса құлида бола бүлмаган. Ким билан учрашган, Жаңонгирни кимга берган, ҳеч ким билмайди. “Машина үғирланғанига, ҳайдовчи эса топилмаганига қараганда, бу қотиллик бўлиши ҳам мумкин”, деган гапни эшитган Юсуф инграб юборди.

Әрталаб хотини аэропортта бормади. Авзори бузилиб үтирганини күрган Юсуф пайқамаганга олди. Нима қилсін? Озарбайжонга учиб кетолмайди, Лайло ва үғлига боғланған занжирлар ҳақиқий металл ҳалқалардан мустаҳкам эди.

“Кета қолса-чи”, — деди Юсуф ичида ва хотинига айборона қараб құйди. Сұнгра үзига қаҳва қуяёттан эди, хотини билагидан тутди.

— Менга беринг, үзим... — Күзларига аламли боқди у.

— Юсуф, ё менсиз яшашга күникиб қолгансиз, ё менсиз яшамоқчисиз.

— Тахминларинг нотұғри, — стул суюнчиғига үзини ташлаб, нигоҳини четта бурди Юсуф.

— Сизсиз ҳеч қаёққа кетмайман.

— Кўринишинг бу фикрда эмаслигингни айтиб турибди, Лайло.

— Ҳа, мен хафаман. Ҳозироқ аразлаб кетиб, умуман ярашмаслигим мумкин.

Эр-хотиннинг нигоҳи тўқнашди.

— Сабабини билсам бўладими? — сўради Юсуф қаҳва ҳўплаб. — Нега мендан бунчалик норози бўлаяпсан?

— Кўшниларингиз билан гаплашдим, одамови экан. Шунда ҳам анча-мунча гап беришди. Сиз бу ерда бир аёл билан яшаган экансиз, болали аёл. Худди шу аёл ҳозир қамоқда, худди шу аёлнинг ўғлини ахтараяпсиз.

— Буни сендан яширганим йўқ. Тирноғимни ҳам теккизмаганман.

— Балки унинг касрига қолиб қамоқقا олингандирсиз? Балки ўша аёлни деб ажалингиздан беш кун бурун ўлиб кетарсиз?

— Сен ваҳимага тушиб қолибсан, Лайло, — ўрнидан турди Юсуф. — Отдошинг бўлмиш ўша Лайло тухмат туфайли вақтинча ҳибсга олинди. Айбсиз экани исботланди. У на қотил, на жосус. Мен ҳам қотил эмасман, бирорта давлат разведкасида ҳам ишламайман.

— Лекин сиз одам ўлдиргансиз, — кўзларига ёш қуйилди хотинининг.

Юсуф қаттиқ тикилди, нигоҳи билан еб қўйгудек шашти бор эди.

— Акангни атайин ўлдирмаганман! Минг марта айтаман, унинг ўзи тўппончани қисмларга ажратди, йифди, сўнг менга берди. Ўқдонни эса қўлида ушлаб турарди. Ҳақиқатан тажрибали ҳарбий эди у, лекин хато қилиши мумкин-ку! Тўппонча ичида ўқ қолиб кетгани, сақлагич туширилиб, тўппонча отишга шайлангани менинг ҳам айбим. Фақат қасдан эмас! Акангда қандай ўчим бўлган?

— Ичгансиз!

— Маст эмас эдик. Юз граммнинг касри урдими, деб бир томчи ҳам ичмай қўйганман-ку!

Хотини кўз ёшларини артди. Унга ҳам қийин эди:

эри акасининг қотили бўлиб қолган. Ота-онасию уруғаймоғи кечирди, аммо куёв фурсатни фанимат билиб Нахичевонга учеб, омонат ришталарни мустаҳкамлаш ўрнига қандайдир хорижлик эрсиз аёл ва ўғли учун Туркияда қолмоқчи.

— Менга хиёнат қилмагансиз, бунга ишонаман, — кўз ёшлари қуrimади хотинининг.

У эрини севарди, Истанбулга ташлаб кетолмасди.

— Тўгри! Худо бор, Лайл!

— Қасам ичмай қўя қолинг, сизга ишонаман, деяпман-ку.

Завжаси тўсатдан Юсуфнинг бўйнига осилиб, ўкириб йиглаб юборди. Ҳарқанча уринмасин, йифидан тўхтатишнинг имкони бўлмади. Аламдийдалик-ла эрига зорланди:

— Кетайлик, илтимос. Сизга нима бўлди, Юсуф? Бунақа эмасдингиз-ку?! Мени, ота-онангизни ўйламасангиз ҳам, ватанингизни, қисматингизни ўйланг! Бир хато қилсангиз, Нахичевонни қайтиб кўрмайсиз! Озарбайжон тупроғини қиёматгача ҳидламайсиз! Шу ерларда кафангадо бўлиб ўлиб кетасиз ахир! Сезаяпман, қонингизда ваҳшийлик пайдо бўлган! Сиз аввалги Юсуф эмассиз! Одам ўлдирмоқчисиз! Қасддан... Қасддан...

Шунчалик ҳасратли йиги эдики, Юсуф бегона аёл ва унинг фарзанди учун яқин кишисини азобга қўйганидан ич-ичидан ўртаниб кетди. “Керакми менга шу азоблар?” деган ўй кўнглидан ўтди. Биладики, хотини хорижлик аёлга қўлинни-да теккизмаганига ишонгани йўқ, аммо ҳақиқатан севар экан, бир умрга жудо бўлиш хавфини яқиндан, бир қарич наридан кўрди. Кўрдию даҳшатга тушди. Айни дамда Юсуф ҳам хотини ажрашиб кетиб, бошқа эркак билан бир ёстиққа бош қўйса, битмас-туганмас армон таъқиб қилишини юракдан туйди. Шафқатсизларча ўтаётган сониялар эр-хотиндан яқдил қарорга келишни талаб этиб, девордаги электрон соатнинг яшил нуқталари тимсолида тинимсиз ўчиб-ёнмоқда эди.

— Бўпти, кетамиз, — деди Юсуф ахийри. Истанбулга боғлаган занжирлар узилиб кетди. — Рейс соат нечада?

— Кечки тўққизу ўттиздагисига улгуромиз, Нахичевонга қўниб ўтадиган самолёт. Туркиядан қанча тез чиқиб кетсан, шунча яхши эканини унутманг, Юсуф!

— Ҳали анча вақт бор экан.

— Виждонингиз қийналаётган бўлса, кечқурунгача боланинг онаси билан учрашинг, узр сўранг. Ўғлини энди фақат полиция топиб беришини у ҳам тушунар? Сиз бундай бўлишини истамагансиз-ку!

— Раҳмат сенга, Лайло!

— Эҳтиёт бўлинг... Йўқ, яхшиси, мен ҳам сиз билан бораман.

Лайло бу вақтда ҳар бир сонияни санаб ўтиради. Соқчи камерадан олиб чиққанида, йўлак ўртасини тўсган панжара ортида Юсуфни кўрди.

— Шу ерда гаплаша қолинглар, — деди Юсуфни бошлаб келган маъмурбей.

— Лайло, авваламбор, узр сўрайман... — деб озарбайжонлик гап бошлаган эди, Лайлонинг вужудига қалтироқ югуриб:

— Нега? — деди.

— Жаҳонгирни тополмадик, у... — Юсуф аччиқ ютинди. Кўзлари ғам денгизидан топилган армон тоши эди, танишганларидан бери бундай боқмаганди.

Лайло Юсуфнинг бўш, шалвираган қўлларига қаради. У Жаҳонгирни етаклаган ҳолда хурсанд этиши керак эди-ку. Бундан чиқди, болажониси чиндан ҳам йўқ. Ҳозир дунёдаги яна бир мудҳиш хабарни эшитади...

Бошига тўқмоқ урилган каби кўз олди тиниб, хиёл чайқалди. “Нега Юсуф узр сўрайти? Нима үчун Жаҳонгир топилмади? Ўғирлаб кетишдими? Улдиришдими? Изсиз йўқолдими?”

Бир аёл пайдо бўлди.

— Менинг исмим ҳам Лайло, — деди у. — Юсуф билан турмуш қурганимизга беш йил бўлган. Фарзандимиз йўқ, лекин она ўз боласи учун қанчалар қайфуришини

сиздан кам ҳис қилмайман. Эрим айбдор эмас. Ўғлингизни бир йигит орқали юртдошларингизга топширган. Эрим қўлидан келганини қилди, қонийғиб ахтарди, юртдошларингиз ўғлингизни қаерга яширганини билолмади. Биз ўз юртимизга кетиб, баҳтили турмушимиизни давом эттирмоқчимиз. Бир умр виждан азобига қўйманг, уни кечиринг, оқ йўл тиланг.

— Жаҳонгир қани? — қичқирди Лайло. Овози ўзига бегона эди, қамоқхона деворларига урилиб, аллақаёқдан эшитилди. — Нега у йўқ?! Нега?

— Гулчехра энагага топширганга ўхшайди, — деди Юсуф. — Ҳозирча кимга бергани аниқмас. Эртаиндин ўша аёл Гулчехрани барибир ахтариб келади, Жаҳонгирни қайтаради.

— Гулчехра... ўзи қани унинг?

— Жаҳонгирни топшириб, уйига қайтаётганида, машина уриб кетибди.

— Ўлдими? — панжарага ёпишди Лайло.

Юсуф бош силкиди ва:

— Полиция оёққа турган, — деди. — Гулчехра Жаҳонгирни кимга бергани аниқланади, ўғлингиз тез орада топилади. Аслида сиздан ҳам, ўғлингиздан ҳам ҳеч ким ўч олмоқчи эмас. Исбот сифатида, мана, Найзанхонимнинг ўғли келди... Маъмурбей, уни ҳам киритсинлар. Лайло, иккимиз янгилиш фикрда эканмиз, у ёмон одам эмас.

— Кечир, — деди Найзанхонимнинг ўғли Лайлога, — бошқа нима ҳам дейман. Сен яхши аёлсан. Бизни дебанча қийналдинг. Юртдошингни мен ўлдиртирганим йўқ, Оллоҳ шоҳид, мен суиқасдан йироқ инсонман!

— Аксинча, Лайлохоним, бу одам сиздан қўрқаяпти, — луқма ташлади маъмурбей. — Негаки, битта ариза билан суробини тўғирлаб қўйишингиз мумкин.

— Ҳар кимни туҳмат балосидан асрасин, — ўқрайди бизнесмен.

— Тўхтанглар! — Лайло панжара ортидагиларга олазарак қаради. — Гулчехра опани машина уриб юборди,

дединглар-ку? Нега “ўлдирирганим йўқ” деяпти? Нима, уни ўлдириб кетишдими?

— Гап шундаки, — деди Юсуф, — машина ўғирланган, ҳайдовчи эса кимлиги номаълум. Балки бу қотиллик эмас, машина ўғрисининг шошилинчдаги эҳтиётсизлигидир? Шунақа бўлиши ҳам мумкин, Лайло.

Ниҳоятда пўрим кийинган, ўзини ҳаддан ташқари расмий тутган полициячи келиб, маъмурбейнинг қулоғига шивирлади. Маъмурбей беихтиёр Лайлого қараб, қошини чимириб, лабини ғалати бурди. Сўнг деди:

— Маҳбусни камерасига олиб кетинг! Ҳозироқ! Учрашув тугади!

Лайлонинг фарёди ҳибсхонада узоқ вақт сўнмади. Тез орада унинг буюмлари йиғиширилди. Шунда озодлик сари эмас, бошқа ҳибсхонага жўнатилаётганини сезиб, ғавро кўтарди.

— Ўпкангизни босинг, сиз билан энди интерпол шуғулланади, — дейишиди унга.

— Яна нима иш қилибман? — тўхтади Лайло.

— Балки Туркияга келишдан аввал мамлакатингиздаги бирор банкни талагандирсиз? Бунча қўрқиб кетдингиз? Эсладингиз чоғи.

Лайло шундай бўлишини билганди албатта, аммо ўғлини интизор кутаётган лаҳзаларда тақдир шамоли она юртига ёлғиз учириб кетишини тушида ҳам кўрмаганди.

Эртасига Лайлони самолётга чиқаришди. Маълум бўлишича, Текрон Абдурасулов ҳам чет элда қўлга олиниб, суд қилиниш учун Самарқандга юборилибди. Банкнинг бир неча миллиард сўмини еган собиқ бошлиқ Лайло Нургалиевани ўзига шерик қилиб кўрсатгани табиий ҳол эди.

Самолёт гувиллаб ҳавога кўтарилди. Лайло тинчлантирувчи уколдан қарахт бўлса-да, куч-қудратини тўплаб, ўзини иллюминаторга урди. Гардишли ойнадан Истанбул мачитлари, Босфор кўрфази, Зухра опа фахр билан тилга олган қизил байроқлар ва яна қандайдир

күпrikлар, күчалар, дараҳтзорлар аралаш-қуралаш күзга ташланди. Истанбул катта шаҳар эди, Истанбул олис шаҳар эди ва шунчалар бегона эди. Э-воҳ, бунда уч яшар гўдаккинаси бўзлаб қолмоқда. Ўз жигарпорасини ташлаб, мунчоқдек кўзларини ёшлаб, зор-зор йиғлатиб кетмоқда эди онаизор.

— Болам! — чинқирди Лайло тұsatдан. — Болажоним!

Конвой елкасидан тутди, салондаги йўловчилар қўрқинч ва ҳадик ила уларга қарашди. Лайло соқчининг юзига тирсаги билан уриб, юмдалаб, буқчайтириб қўйида, чангалидан отилиб чиқиб, ёввойи овозда чинқирган кўйи учувчилар хонасига югурди, қўлидаги кишан йўловчиларга бомба бўлиб кўринди.

Самолёт хавфсизлигини таъминловчи маҳсус хизмат йигити фуқаро кийимида ўтирган эди, бир зарб билан полга қулатди уни, оғзи-бурни қонга тўлди аёлнинг.

8

Сенъорита уйқудан туриб, Шафақни чақирди. Хизматкор қиз чопиб кирганида, юзидан шодмонлик аримаган эди.

— Кечаги ростми? — саволга тутди Сенъорита.

— Тушунмадим, нимани гапиряпсиз?

— Бола ташлаб кетишдими ё тушимда кўрдимми? Воҳ, бошим!

— Кеча мастмидингиз?

— Саволимга жавоб кутаяпман, вой-вой-вой...

— Ҳа, ташлаб кетишди. Бирам ширин бола эканки!..

Айрим сўзларига тушундим, лекин инглизчами, немисчами, аллақандай тилда ҳам гапирап экан.

— Рус тилида.

— Рус тилида?

— Ҳа, рус тили деяпман. Болакай Ўзбекистондан. У ёқда рус тилини билишади, наҳотки, бундан хабаринг бўлмаса?

— Доим шунақа дейсиз-а! Мактабда ўқимаганман.—
Ўзимни биламан, сизни биламан, холос.

— Энди ўша болакайни ҳам биласан. Оти нима эди?
Сенга отини эслаб қол, дебмидим?

— Жаҳонгир.

Сеньорита чуқур уф тортиб, ёстиққа бош ташлади.

— Негадир ўзимни ёмон ҳис қиласапман. Икки
мамлакат ўртасида ичавериб ўлиб кетмасам гүрга...
Кўнғироқ қилишдими?

— Йўқ.

— Кимни гапирайпсан? — тажанг тортди Сеньорита.

— Абдулинни.

— Мен болакайни ташлаб кетган хотинни айтаяпман.

— Ҳеч ким телефон қилмади, — деди хизматкор
сабрсизлик билан депсинар экан. — Жаҳонгир кутиб
қолди, ҳозир бир йиғлаб беради, кўндиrolмай мен
сарсон. Шунақа ширин болаки,вой менинг асалим,
эркатойим.

Нонушта чоғида Сеньорита телефонни қўлига
олди. Кеча қабул қилинган қўнғироқлар папқасидан
Гулчеҳранинг рақамларини топиб, яшил тугмачани
босди. Телефон ўчирилган эди.

— Нима бало, — кўзи пирпиради Сеньоританинг, —
болани менга ташлаб, қочиб қолсайди ҳали бу бетавфиқ!
Қани? Кечаги пуллари қани, Шафақ?

— Пулни кўрганим йўқ, — жавоб берди хизматкор.

— Сут, — стаканга имлади Жаҳонгир. — Сут бейинг.

Шу заҳотиёқ Шафақ болага сут ичириб, қўлига батон
нон бўлагини тутқазди. Сеньорита у ер-бу ерни ағдар-
тўнтар қилиб АҚШ долларларини топгач, енгил тортиб,
жойига қайтди. Жаҳонгир басавлат бегона холага тез-тез
ўғринча қараб қўярди. “Онамга қандай алоқаси борки,
мен унинг қўлидаман?” деб ўйлаётган бўлса ажаб эмасди.
Аксига олиб, хола ҳам, меҳрибон қиз ҳам онаси ҳақида
офиз очмаётган эди, ҳатто кўнгил учун ҳам.

— Сезаяпман, бир ишқал чиқади, — деди Сеньорита.

— Етти ёт бегонага етти ёт бегонани ҳе йўқ-бе йўқ ташлаб кетишиадио ишкал чиқмайдими? — жавради қиз Жаҳонгирни ҳамон тиззасида ўйнатаркан. — Полвон бола, ширин бола, айиқча бола... Нон мазали эканми?

— Аям қани?.. — нон чайнашдан тўхтаб, қизга жавдиради болакай. — Ая... аям...

— Сенъоритахоним, у “ая”, “аям” деб кўп такрорляяпти. нима дегани?

— Онасини сўраяпти, — қовоқ уйди Сенъорита. — Агар кечаги хотиннинг гапи ёлғон бўлмаса, бу боланинг бошига сен ўйлагандан ҳам катта ташвиш тушган. Уни нима қилсам экан? — Сенъорита яна ахтаринди ва Алиасқарнинг Москвадаги манзили ёзилган қофозча қўлига илинди. — Иҳм... хўш, демак, Россияга олиб кетишим керак. Чегарадан ўтказа олармиканман, Шафак?

— Ўтказасиз, сиз ҳамма ишни эплайсиз. Самолётдами?

— Эшак-араавада!

Сенъорита Татаристон ва Бошқирдистонга поездда олиб кетиладиган юклари таҳт қилинган омборга борганида, Россиядаги ҳамкори Абдулин қўнғирок қилиб, Бокуда кутиб олишини айтди. Озарбайжондаги қариндошининг келин тўйи бор экан. Тўйдан чиқиб, Боку-Москва поездидаги Уфагача бирга кетадиган бўлибди.

— Яхши, — деди Сенъорита, — сенга яхшигина бир хизмат айтмоқчи эдим, Москва билан боғлиқ. Бу хизматни Бокудан бошлайсан.

— Ихтиёrim сенда.

Омбордан чиқиб, яна Гулчеҳранинг рақамларини терди. Ниҳоят, нариги томон телефонни кўтарди, лекин бу Гулчеҳра эмас, қандайдир манқа овозли кимса эди. Боз устига анча-мунча отиб олган шекилли, ҳар бир сўзни суғуриб олишга тўғри келди. Кеча Гулчеҳра ўлгани, албатта, Сенъоританинг таъбини тирриқ қилди, дўқ-пўписа ура кетди.

— Нега ишонмайсиз? — деди кимса. — Уни ростдан ҳам машина босиб ўлдирди. Телефони ариққа учиб

тушган экан, хайр-эҳсон ўрнида қабул қилдим. Боя ҳам аллакимлар миямни ачитишиди, қотиллик дейишдими-еъ. Ўлсам ҳам хайр-эҳсонни қайтариб бермайман, қотил ҳам эмасман. Қизиқ, мен машина ҳайдашни билмайманку. Билганимда ҳам атайин бирорни босиб ўлдирмасдим.

— Ишондим, — деди Сенъорита лаб қимтиб. — Айт, қаерда бўлди бу воқеа?

— Фотиҳ туманида, Демир Қоракўз кўчасидаги яшил бекат олдида, — дея кутилмагандан аниқ-тиниқ сўзлади кимса.

— Маслаҳатим, телефонни денгизга улоқтириб юбор, — деди Сенъорита.

Кимса айтган манзил ижара уйига яқин жой экани Сенъоританинг юрагига фулғула солди. Кечә ўлдиришибди-да. Бундан чиқди, болани қутқаришга уринганларни ўлим кутиши муқаррар. “Дардисарни бирор бекатга ташлаб қочсаммикан?..”

Кейин у сигарёта тутатиб, йўлак бўйлаб кетаверди. Ўйлаб олиши учун пиёда юришни истаётган эди. Истанбул қуёши жизғанак қилиш ниятида чоги, куйдиргудек ловиллар, асфальтдан ҳовур уриб турарди. Сенъорита айвонли кўхна обидадан ўтиб, мўъжазгина майдончага етди. Каптарлар ҳуркиб қочишиди, аммо қорин фамида майдонни буткул тарк этишмади. Ҳа, каптар дондан узоққа кўнмайди. Сенъорита тўсиққа суюниб, сувга тикилди. Балиқлар ҳам ион бўлагига гужиллаб талпинишарди. Одам боласи қорин тўйғазиш билангина қаноат топмаслигини ўйлаб, чуқур уҳ тортди. Одамга ватан керак, ватансиз яшаш иродали инсонларни ҳам букиб қўяди, уч ёшли болакай ким бўпти? Эртага унинг митти жонига қасд қилишмаса, Туркиядаги меҳрибонлик уйларида ёки бирор оиласда улғаяди. Бир замонлар Марказий Осиё мамлакатидан келганини, она ҳидини, ватан тупроғини унугандек бўлади. Суяги, эти, қони бурунги Жаҳонгирни эслатиб турса-да, бирибир энди у бошқа одамга айланади, ўзини ўз вужудига дафн этишган

бўлади. Ватан манзаралари ва она сиймоси тушларига киради, бир умр таъқиб қиласди, бир умр армонини яшириб, армонидан қутулолмай яшайди, “Онажон... Ватаним...” деб жон беради, кўзи очиқ кетади унинг.

— Йўқ, ташлаб қочмайман, — деди Сенъорита ўзига-үзи. — Бундай қилмайман! Мен эркак эмас, аёлман! Дунёда миллион-миллион аёл яшайди, келиб-келиб энг иродасизи, энг инсофсизи мен бўлиб чиқаманми? Жаҳонгир она юртига қайтиб, баҳтли яшаши керак. Агар аёл бўлиб, уни ташлаб қочсан, нокасларга ем қилсан, икки дунём куяди. Аёллик латофатимни йўқотиб, кўчаларда, поездларда, бировларнинг ижара уйларида сифинди бўлиб яшадим. Энди йўқ! Мен ҳеч бўлмаса бир марта аёллик қудратимни кўрсатай! — У ўз ҳукми нашъя қилиб кулди. Бўғзига аччиқ нарса тиқилиб, бирдан қовоғи солинди. — Агар шу болани Туркиядан олиб чиқиб, Москвага, отасининг қўлига олиб бормасам, одам эмасман! Касалим кун сайин ўзини кўрсатаяпти! Ўлсан, Худо бегуноҳ боланинг Европа остонасидан Самарқандга эсон-омон етишида ёрдамлашганим учун ҳам жаннат эшикларини очса керак.

Сенъорита ёдига туйқус нимадир тушган каби атрофга аланглади. Бирор шубҳали шахс кузатмаётганига амин бўлди. Дарҳақиқат, изидан ҳеч ким илакишимади, эшигини қоқмади, телефони ҳам жим. Бу шундан далолатки, Жаҳонгир унинг қўлида эканини хизматкори Шафақдан бўлак ҳеч бир жон билмайди.

Қаҳвахонага кириб, томогини ҳўллаб чиқди.

— Сенга юз доллар бермоқчиман, — деди Сенъорита эшикни очган хизматкор қизга.

— Нима учун? — сўради Шафақ таажжуб билан.

— Жаҳонгирга ўз укангдек қарайсан, — Сўнгра ёлғон тўқиди: — Ҳозир қариндоши билан учрашдим. Эрта-индин ҳужжатларини бераман, Россиягача бемалол олиб кетасиз, деди.

Шафақ ҳеч нима суриштирмади, мулоҳаза ҳам

қилмади. Унинг шу феъли гоҳо Сенъоритага мойдек ёқса, гоҳо нафратини қўзғар эди. Табиийки, ҳозир қиздан мамнун бўлиб, юз долларликни узатиб, тилак билдири:

— Тўйингга ишлат, ҳурлиқо.

— Раҳмат. Лекин бу пулни Жаҳонгирнинг ўзига сарфлайман, ижозат берасизми? Кепка, кўйлақча, шортик, оёқ кийимлар оламан. Мендан совға бўлсин! Хўп денг.

— Нима қилсанг қил. Айтгандай, зарурат туғилса, Россияга кетгунча унга бошқа уйда қарайсан.

— Шу уйда ҳам қарайвераман. Шароитимиз яхши.

— Зарурат бўлса, деяпман, тушундингми? У ҳақда ҳеч кимга оғиз очма! Сен болани кўрганинг йўқ, тамом!

— Хўп бўлади, Сенъоритахоним!

Булутсиз осмонда чақин чақандек ногаҳон Гулчехранинг телефонидан қўнфироқ бўлди. Сенъорита телефонини шоша-пиша қулоғига тутди.

— Алло, бу менга қўнфироқ қилган хотинми? — сўради манқа кимса.

— Нима керақ сенга? — деди Сенъорита ҳадиксираб.

— Кимсан? Қачон сенга телефон қилибман?

— Рақамингни ҳаводан олмагандирман?

— Менга қара, бошимни қотирмагин, боя биттаси телефонимни сўраган эди, сенга телефон қилсангандир...

— Алдама, овозингни таниб турибман.

— Сен билан валақлашишга вақтим йўқ.

— Тўхта-тўхта, мана шу матоҳни сотаман, олмайсанми?

Минг доллар, бор-йўғи минг доллар.

— Телефонми?

— Патефон демаяпман-ку.

— Эс-ҳушинг жойидами? — Сенъоританинг кўзи қисилди. — Минг долларга телефон дейди-я! Нима истайсан ўзи, а?

— Ўлган дугонангнинг хайр-эҳсони оддий телефонга ўхшамаяпти. Эшит, ҳой хотин, анавилар яна қўнфироқ

қилишди. Телефонни титкилаб күрсам, одамни құрқитадиган гаплар ёзилган экан. Бундан ташқари турли суратлар, телефон рақамлари, видеолавҳалар бор.

— Пишириб е!

— Улар сени ҳам сұрашды. Билишимча, изингни топишолмаяпти. Ҳамма калит үлган аёлнинг телефонида, яғни мана шу матоҳда эканини жуда яхши тушундим. Мени аҳмоқ, пиёниста, жирканч нусха деб үйләяпсанми? Агар улар телефонни қўлга киритишса ёки мен уларга сенинг...

— Аблаҳ! Улар мени қаердан танир экан?

— Вафот этган аёлнинг телефонини қайтариб бермасанғиз ҳам бир илтимосимизни бажаринг, дейиши.

— Нима илтимос экан? — кунжакдаги диванга беҳол чўкди Сенъорита.

— Телефон хотирасида қанақа рақамлар бор, айтинг, деб ялинишди. Бу жуда муҳим экан, катта жиноят билан боғлиқ эмиш. Айниқса, телефонни олганимдан сўнг кимдан қўнғироқ бўлганини роса суриштиришди. Тўғри, улар сени танимайди, лекин мен таништириб қўйишим мумкин. Хўш, рақамларингни беришимни хоҳлайсанми?

— Йўқ, — деди Сенъорита. — Нима, улар сенга телефон учун пул таклиф этишмадими?

— Этишли.

— Унда нега менга ёпишиб олдинг?

— Умримни қамоқда ўтказганман, хоним, — манқа кимсанинг овози мунгли тус олди. — Каллам үзимга яраша ишлайди. Билдимки, манави телефоннинг эгасини машинада босиб үлдиришгач, полиция телефоннинг изидан тушган. Балки бугун компьютерларида сенинг рақамларингни аниқлашар.

— Аниқлашсин, бу билан нима ўзгаради?

— Айтмоқчиманки, мен уларга зифирчалик ҳам хизмат қилмайман. Пулни бер, телефонни ол. Яхшилик қилсам, сенга қилай.

Шу чоғ кимдир алланимани тарақлатиб юборгани, бўралатиб сўкингани эшитилди. Манқа кимса: “Нима

қиласыпсан, тентак?” — деб хириллашга улгурди, кейин дод-вой, қасир-қусур овозлар эшитилиб, телефон учди.

— Шафак, ҳозироқ кўчуб кетамиз, — деди Сенъорита.

— Бўри қувляптими, Сенъоритахоним? — хизматкор қиз Жаҳонгир билан ўйнаётиб, кулди.

— Ҳа, бўрилар қувляпти!

— Ҳайвонот боғидагиларми ишқилиб?

— Одам боғидагилар! Сенга жиддий гапирайпман!

Турсанг-чи, масхабозликнинг вақти эмас!

Сенъорита душманларнинг қўнғироқ қилишини кутди, аммо улар жим эди. Бўрон бошланишидан олдинги алдамчи жимликни эслатди унга.

9

Бу воқеалардан аввал Лайлло Мустафобей билан Ёғочоёқнинг бола ўғирлаш ҳақидаги сұхбатини телефон диктофонига ёзиб олиб, кичик ғалабага эришганди. Сұхбат учала аёлнинг ҳам телефонида бор эди. Диля ва Гулчеҳра ўшандада сұхбат нусхасини икки бадкирдорга эшилтириб, ўла-ўлгунча Лайлого ҳам, ўғилчасига ҳам ёмонлик қилмасликка онт ичиришганди. Агар қасам бузиладиган бўлсә, эшикни қасам фаришталаридан аввал полиция тақиллатиши турган гап эди. Шу кўйи бола ўғрилари жимиб кеттандек эди. Неча кундирки Мустафобейнинг қовоғи очилмади. Лайлло дегани айёр чиқиб қолиб, уни қамоққа тиққулик ашёвий далил билан ҳалқумидан тутиши хаёлига ҳам келмаганди. Балки хорижлик аёллар Туркияни тарқ этишларидан аввал ёзувни барибир полицияга бериб, икковини қаматиб кетишар? Қандай чора кўрмоқ лозим? Лайлло, Диля, Гулчеҳра — учаласини ўлдириб юбориш билан иш битармикан? Йўқ, ундан кўра ёзув полиция қўлига тушгани маъқул. Ахир, бола ўғирланилмади, шундай экан, оғир жазо кутмайди. Муқаддам шу каби жиноят қодир этишганй, бир неча қилмишларда шубҳагумон остига олингани панд беради, холос.

Лайло қамалган кунлари Мустафобей кун бўйи дўконида зерикиб ўтирас, аксига олиб савдо ҳам касод бўла бошлаган, дўконлар бузилармиш деган мишмишлар пайдо бўлган эди. Жиноят ботқофидан чиқиб келган одамда ботқоқ шилтаси ҳамиша ҳам ювилиб кетмас экан.

— Дўконни Ҳасанга топшир, — деди бир куни Ёғочоёқ. — Бола билан боғлиқ битта янги ишни ҳал қилишимиз керак.

— Ҳасан телевизордан бош кўтармайди, — бош чайқади Мустафобей. — Унга фақат бокс керак.

— Касалмандга бокс кўришга бало борми?

— Нима борлигини билмайману дўконни унга топширмайман.

— Боксчи бўлолмагани учун сен айбдор эмассан-ку — эзмаланди Ёғочоёқ.

— Ниманинг ҳидини олиб юрибсан ўзи, чўлoқ? — мақсадга ўтиб қўя қолди Мустафобей.

Бироқ Ёғочоёқ мавзуни боксга бурди:

— Ҳасанга бокс фойда бергани аниқ. Ўша куни у бокс томоша қиласман, деб телевизорга ёпишиб, бизнинг гапимизга аралашмади, оқибатда хизматкорингнинг диктофонига овози тушмади. У омадли йигит.

— Нега энди бокс? Ўзинг унга ишонмаслигингни айтгандинг-ку?

— Ишонмасак синаймиз, шу ҳам муаммоли? Бу гал Бакиркўйдагидек хавфли иш эмас. Қарсга жўнашимиз керак.

— Ҳозиргина Ҳасан дўконда қолсин, демадингми ярамас?

— Йўқ, — иршайди Ёғочоёқ. — Ҳасан дўконда эмас дўкон Ҳасанда қолсин, деган маънода гапирдим. Иккисининг фарқи бордир?

Ҳасан қутиларни тахлаётиб акасининг таниши ўзи ҳақида вайсагани қулоғига чалинди. Уларга бир оз яқинлашиб, гап тингламоқчи эди, Ёғочоёқ ўгирилиб деди:

— Савдо қалай, Ҳасан?

— Бўлади.

— Мени алдамоқчимисан? Хароб дўконларингга энди ит ҳам кирмайди. Ҳаридорлар кўча бошидаги янги дўконлар қаторини тўлдириб юришибди. Қолаверса, бу ерларни кесиб ташлашади.

— Нима дегани у?

— Бузиб ташлаб, музей ҳудудини кенгайтиришади.

Орқангда музей бор, билмайсанми?

— Билмайман, — ўқрайди Ҳасан.

— Мендан жаҳлинг чиқмасин. Боксга қизиқасан-а?

Кел, иккимиз бир раунд бокс тушамиз.

— Бас қилсанг-чи майнавозчиликни! — койиб берди Мустафобей.

— Боксдан нафратланаман! — ижирғанди Ёғочоёқ. — Унга ишқибозлиқ қилувчилардан ҳам! Лекин, Ҳасан, сен дўстимнинг укасисан, шунинг учун бу рўйхатга кирмайсан. Хоҳлайсанми янги дўкон эгаси қилиб қўяман? Аканг билан биз мол келтириб бераверамиз.

Тоқати-тоқ бўлган Мустафобей Ёғочоёқни дўкондан судраб чиқди. Иккиси майхонага жўнашди. Дўкон бузилиши ҳақиқат эканини телефонда бошқа кишилардан ҳам эшитган Мустафобей столни муштлади. У бор-йўғидан айрилаётган омадсиз тужжор эди:

— Ароқ ичишгач, Ёғочоёқ янги режасини айтди. Олис Қарс шаҳридан Истанбулга келган бир одам бола топибди. Бунинг учун Қарсга бориш керак, бола ўша ёқда экан.

— Боланинг ички аъзоларини бошқа болага қўяди, яъни донорлик, тўғри тушундимми? — ранги гезарди Мустафобейнинг.

— Очиқроқ айтсам, ўтган галдагидек қўрқиб кетасанми, деб ўйладим, — кўзини филай қилди Ёғочоёқ. — Донорликка одам тополмай юрганлар фақат ва фақат менга мурожаат қилишшояпти, Мустафо! Бироқ битта ўзим... ёлғизлик... хуллас, эплолмаяпман. Ёрдам бер, жонгинам!

— Алжирама-е, қасофат! Ўша одаминг тозами?

— Таппидек тоза, ҳе-ҳе-ҳе! — ҳиринглади Ёғочоёқ ва тирноғи ўсан, кирлаган бошмалдоғи ила телефон тұгмачаларини босиб, құнғироқ қилди, аммо гапи келишімай, күзларини олайтирди. — Ҳой ҳаромзода, қанақа телефон ҳақида гапирайпсан?! Қанақа даромад?! Томинг жойдами? Яна ўша гапни бошладингми? — Алоқа узилгач, Ёғочоёқ ҳам худди Мустафобей каби столни муштлади. — Ҳозироқ бориб, қонини оқизиб дұппослайман! Нима дейди де, “минг долларга телефон сотиб, мұмайгина пул ишлаб олай, кейин...” эмиш!

— Ҳа, унинг қонини оқизиб ур. Иккалант ҳам қашқа булиб, Қарсга жұна. Бола ўғирланса, ким ўғри экан, деб полиция ўйлаб ҳам үтирумайды, отнинг қашқасидек маълуму машҳурсанлар.

— Жин ургур, менга құшилмайсанми?

— Кимлигинг топған шеригингдан маълум-ку, ит!

Мустафобей юзига фотиҳа тортиб, майхонани шитобла тарқ этди. Ёғочоёқ бир оз ҳемраниб, құлларини мушт қилиб үтиреди, сұнг у ҳам ўрнидан туриб, лапанглаганча эшикка юрди. Шу ҳолатда, важоҳат ўти сұнмай Бакиркүйгасетди. Бу вақтда қарслық таниши телефонда Сензорита билан гаплашаёттан әди, жавон устидаги буюмларни сочиби юборған, сұқинган, алоқаны узган баайни Ёғочоёқ әди.

— Ким билан гаплашдинг, эшак? — у соғ оёғи билан тепди.

Эллик ёшлардаги чүтир юзли, жиккакина кимса — Нихат ўзини ҳимоя қилишга қурби етарди, лекин юрак олдириб құйғани юз-күзида яққол намоён бўлди.

— Оддий телефон эмас, катта пул ётибди бунда! — пўнғиллади күзларини ола-кула қилиб. — Ишонмасанг кўр, Ёғочоёқ! Нега менга ишонмайсан? Шунчаки ариқ ичидан топиб олиб, шунчаки арзимас пулга сотмоқчи эмасман!

— Телефоннинг орқасидан полицияга тушган, демадингми?

— Тушган! Мен полиция билан эмас, бошқа бирор билан, чет эллик аёл билан савдолашаётгандим. Бунда кимларнингдир жонига тенг баҳодаги телефон рақамлари, суратлар, ҳатто махфий ёзув бор. Эшитиб кўр, чет элдан ишлашга келган аёлнинг боласини ўғирлаш ҳақида...

Ёғочоёқ майиб оёғини ишга солиб, телефонни пачоқламоқчи эди, тўхтади.

— Чет эллик аёлнинг боласини ўғирлаш?! Шу диктофондами?

— Диктофонмас, телефон, — янада олади Ниҳат.

Ёғочоёқ телефонни титкилаб, даставал Гулчехранинг, сўнг Дилянинг фотосуратини кўрди. Яқинроқ тикилди, кўзларини катта-катта очиб тикилди, ямламай ютмоқчидек тикилди. “Ислмар” рўйхатини очиб, икки кишини ахтариб топди — “Лайло”, “Диля”. Шунда Ёғочоёқ таниб бўлмас даражада ўзгарди: оқарди, қизарди, қорайди, ҳатто нафас олмай қўйди.

— Нима бўлди сенга? — сўради Ниҳат.

— Ўчир! — тишлари фижирлади Ёғочоёқнинг. — Ҳали айтган ёзувинг қани? Кўйиб бер!

Ниҳоят, телефондан ўша суҳбат — Ёғочоёқ ва Мустафобейнинг гаплари тарафа бошлади.

— Мана бу сюрприз! — қичқириб юбораёзди Ёғочоёқ.

— У ўлдими?

— Ким? — титраб-қақшади Ниҳат.

— Телефон эгаси.

— Машина уриб кетди, телефонини олдим-да, қуённинг расмини чиздим.

— Бирорга финг десанг, ўласан! — пўписа қилди Ёғочоёқ. — Қарсдаги қариндошингнинг ўғилчаси ҳақида эртага гаплашамиз... Айтгандай, ма, ул-бул еб-ич, — деб у Ниҳатга пул узатди.

— Бор-йўғи шуми? Мен уни минг долларга...

— Минг долларни Қарсга бориб келганимдан сўнг бераман. Хавфли одамлар билан олди-берди қилганингдан кўра мен билан гаплашганинг яхши эмасми?

Эртасига Мустафобей билан Ёғочоёқ үпкаларини қўлтиқлаб, Демир Қоракўз кўчасидаги ҳалокат ҳақида суриштиришга тушдилар. Бир неча кунда шу маълум бўлдики, учала душман ҳам энди йўқ. Гулчеҳра ўлган Диля депортация қилинган, Лайло эса аввал қотилликда кейин бошқа бир жиноятда айбланиб, ўз юртига жўнатиб юборилган.

— Лайлонинг боласи Ниҳат гаплашган ўша аёлда бўлсан керак, — деди Ёғочоёқ. — Тайёр ўлжа қўлга киритилсан ажабмас, Мустафо.

— Ҳозирча шошмаслигимиз керак.

— Сен доим тошбақаликни орзу қилгансан! — афтини буриштириди Ёғочоёқ. — Агар шошмасак, болани полициянинг қўлига топшириб юборишади. Ўйлаб кўрсанг-чи, ҳозир у эгасиз! Туркияда ҳеч кими йўқ. Полиция билан ўйнашаётган бўлсак ҳам бу иш менга ёқаяпти. Худди бола фақат менинг ўлжам бўлиши керакдек! Ҳақиқатан, у меники, меники! Барибир қўлга киритаман! — Шундай деб ярим рюмка ароқни жигилдонига қўйиб, қўшиб қўйди: — Имоним комил!

— Сенда имон йўқ, каллаварам! Наҳотки, бир нарсага ақлинг етмаяпти? Гулчеҳра ўлган бўлса...

— Телефони бизда, — ҳозиржавоблик қилмоқчи бўлди Ёғочоёқ.

— Қолган телефонлар-чи?! — ғазабдан үпкаси чиқди Мустафобейнинг. — Улар ёзув нусхаларини бошқаларга ҳам бериб, ўз хавфсизлигини таъминлашган-ку товуқмия! Агар учаласини ўлдирганимизда ҳам ҳеч нарсага эришолмасдик. Энди аёлнинг ўлими суиқасдеб ҳисобланса, гумондорлар қаторига кимлар тушади? Биз! Биз!

— Нега қўрқасан?

— Аҳмоқ! Диля билан Лайло яширин диктофон ёзуви ва икковимиз ҳақимизда ўз гумонларини айтадими! Айтади! Полиция суиқасд уюштирган деб бизни қўлга олади, онангни эмас!

— Бизда алиби бор.
— Алиби дейди бу гаранг...
— Бас-е! Хизматкорни биз ўлдирганимиз йўқ-ку! Нега энди ўзимизни одам ўлдиргандек тутишимиз керак?!

Мустафобей кейинги қадаҳни кўтармоқчи эмасди, ичишга мажбур бўлди.

— Сен, — деди у Ёғочоёққа қўлини бигиз қилиб, — болани топмоқчисан, кейин донорликка сотмоқчисан. Полиция изингни олган бўлса, қотиллик ҳам бўйнингга тушади, яъни болани тортиб олиш учун аёлни ўлдирган бўлиб чиқасан. Бир, икки, уч... Жами учта жиноят билан қамоққа олинасан!

— Вой-бў, қани сана-чи.
— Бола ўғирлаш, қасддан одам ўлдириш, ёш болани донорликка сотиш.

— Ақлинг етгани шуларми? Балки ўзим қилмаган яна қандайдир жиноятларда ҳам айбланаарман? Масалан, ўша полициячиларнинг хотинларининг номусига тегишда...

Мустафобейнинг мушти тугилди.
— Кел, шу ерда орани орани очик қилиб қўя қолайлик, чўлоқ! Сен ўз йўлингдан, мен ўз йўлимдан кетаман!

— Душманлардан қутулган чоғда-я?
— Сендеқ мияси айниганд дўст бор экан, душманнинг кераги йўқ. Ўз қўлинг билан гўрга тиқиб, сағанамга фиштбуортма қилмоқчисан.

— Сенинг йўлинг нима экан ўзи? — деди Ёғочоёқ. — Хотинсиз, уй-жойсиз тентираб юришми? Шизофрения касалига чалинган укангни эргаштириб...

— Оғзингга қараб гапир!
— Сен шунчалар омадсиз, йўқ-йўқ, нўноқсанки, эй Мустафо шўрлик, Истанбулга бутун дунёдан одамлар мол дардида ёпирилиб келишса ҳам, дўконинг ҳувиллаб ётади. Бу ҳам етмагандек, ё шаҳар маъмурлари бузиб ташлайди, ё самолётми, нимадир вайрон қиласи дўкончангни. Қараб тур, ҳеч қайси соҳада ишинг юришмай, сўппайиб қоласан!

— Томинг кетибди.

— Аёллардан қутулдик! — Ёғочоёқ овозини пасайтириб, важоҳатли тусга кирди. — Қарсда бир бола, Истанбулда бир бола, мижозлар эса ишончли, пули нақд. Ҳуш, бу соҳада сен билан мендан ўтадиганини кўрсат! Йўқ унақаси! Истасанг, тушган пулни тижоратга ур, ришватга ур, иморатга ур. Ҳасанга айтган гапимнинг ярими чин эди. У дўконни назорат қилиб турса, буш вақтимизда биз мол таширдик. Қалай, яхши режами?

— Нега ўзингга бунчалик ишонаяпсан? — бир оз бўшашибди Мустафобей.

— Полиция ўша хотинни атайнин машинада босиб ўлдиришган, деган гумонда. Бу — аниқ! Биз биринчилардан бўлиб шубҳа остига олинган эканмиз, қани улар? Бошқа телефонларда ҳам сухбат нусхаси бор дейсан, нега унда бизни қамоққа тиқишимаяпти?

— Кузатиб юришган бўлса-чи?

— Мен эмас, ўзинг товуқмиясан, кал! Улар қачонгача кузатиб юришади? Нима, ичимиздаги гапни рентгенда ўқишияптими? Сенга, дўстим, ишонч билан айтаман, полиция биз ҳақимизда товуқнинг тухумичалик ҳам билмайди. Жуда қўрқсанг, уйингда ёки полиция маҳкамаси олдида кут, сени ҳеч ким қамамайди.

Икки ўғри бир-бирига унсиз тикилиб қолди. Иккаласининг ҳам кўзлари қизарган, томирлари чиққан, қовоқлари шишган эди.

— Майли, озроқ кутайлик, барака топтур, — деди Мустафобей ахийри. — Кейин хўп. Қарсга жўнаймиз, лекин мусоғир болани ахтармаймиз.

— Қарсга сен бормайсан, — бурнини тортди Ёғочоёқ. — Қора ишларни камина бажаради. Савлатинг билан отларни ҳуркитиб, Истанбулдаги ишларни қойиллатсанг бўлди, ҳурматли бей. Германия, Англия, АҚШ билан боғлиқ ишлар бор, “бизнес”имизни кенгайтирамиз.

Ёғочоёқ шу кеча Сенъоритага қўнғироқ қилди, аммо рақам ўчирилгани ҳақидаги хабарни эшилди. Дарҳақиқат, Сенъорита симкартани денгизга улоқтирган,

янада чуқурроқ үйлаб күргач, янги телефон харид қилиб, әскисини пачоқлаб ташлаган эди.

10

Бу вақтда у, яъни Сеньорита лақабли россиялик тијоратчи хотин бошқа ижара уйга күчиб үтган эди. Шафақ ҳам улар билан бирга бўлиб, Жаҳонгирдан бир қадам айрилишни истамасди. Бурунги ижара уй уч-тўрт йилдан бери Шафақнинг доимий ишхонасига айланаб қолган эмасми, уй эгаси унинг кетаётганига ҳайрон бўлди. “Бир бой хоним уйида ишлашга таклиф этди, энди чет эллик тијоратчи аёлларнинг хизматини қилмайман”, деб алдади қиз Сеньорита ўргатган макрни ишга солиб.

Сеньорита Истанбулдаги савдо ишларини камайтириб, Россияга янги мол карвонини юбориш ташвиши билан бир ҳафтадан бўён банд эди. Бу карвон барча майда савдогарлар қўллайдиган усул – алдам-қалдам йўллар билан Россияга етиб бораради. Ёз бўйи Татаристондаги ҳашамдор ҳовлисида усталар ишлаётгани ҳам, албатта, Сеньоритадан харажатлар мувозанатини сақлашни талаб этарди. Боз устига Туркиядан болани ҳам олиб кетиши керак. Жаҳонгирни (агар чегарачилар, божхона ходимлари сезиб қолмаса) Истанбулдан Москвагача поездма-поезд, сумкалар орасида, турли кимсалар даврасида юриш азоблари кутаётгани муқаррар эди.

— Ишим бунчалар кўпаймаганди, — деди Сеньорита ўзига ўзи. — Соғлигим панд бермаса, менга булар чўт эмас.

Кейинги кунларда Жаҳонгир унга анча-мунча кўниди. Шафаққа эса сон-саноқсиз кўринмас иплар билан боғланиб қолган эди. Болага меҳр керак, бола ширин сўз гадоси. Бироқ қаҳр-ғазаб кўрмаётган бўлсада, кундан кунга чўкиб бораётгани кўзларидан кўриниб турарди. Кундузи ўйинлар билан овунар, кечалари гоҳ

үйғониб, гоҳ уйқусида “Аяжон... ая... уйга тетаман...” деб үйғлаб чиқарди. Баъзан бувиси ёдига тушиб, “Нанажон сизни соғиндим...” деб ҳиқиллаб ётар, ёшли күзларини бир нұқтага тикиб, бармоғини сүриб узоқ хаёл сурарди.

Шафақ ука-сингил катта қилмаган, туғмаган бирорларнинг ёш боласига қараашмаган, аммо мәхридарё, болажон эди. Бу рангпар қызы учун болакай на хорижлик, на бегона. Худди ўзи туққан каби суйиб-эркалар, гоҳида күзлари жиққа ёшга түлиб үйғлаб ҳам оларди.

Жаҳонгирнинг ширин атала яхши күришини билгач кечқурунлари бир-биридан мазали атала тайёрлайдиган бўлди. Бироқ она соғинчини атала босолмас эди. Бир кеча атала деб үйғлаган бола, иккинчи тун конфет талаб қиласади, учинчи оқшом яна ниманидир ўйлаб топарди. Она сурати, овози, ҳиди, сеҳрли қўллари ўрнига ўтадиган дунё моддияти топилмагани гўдаккинани ичиши азобига мубтало қилган эди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Жаҳонгирнинг мунҷоқдек қора кўзлари онасини тинимсиз ахтаравериб катта одамнинг мунгли кўзларига айланаб қолди. Буни илк марта сезганида, Сенъорита сесканиб, мусулмонлиги эсига тушиб, калима қайтарди. Назарида, болакай ҳеч қандай касалликсиз, ҳеч кимнинг тажовузисиз шу кўйи ўлиб кетадигандек эди.

— Бирор жойинг оғрияптими, болажоним? — деб сўради Сенъорита.

— Аям... — мўлтиради Жаҳонгир. У савлатдор хола онасини топиб беришига ишонар, лекин жанжал қилишиб болан бирор натижага эришолмаслигини тушунарди.

— Яқинда онангга олиб бораман, — деди Сенъорита.

— Мендан сени ҳеч ким тортиб ололмайди. Финг деганининг абжағини чиқараман. Ишонасанми менга! Қара, кучим қанчалик кўп.

— Ҳа, — бош силкиди бола үйғламсираб.

Бошқа бир куни Шафақ унинг кийимларини алмаштираётган эди, Сенъорита митти одамчанинг

қоринчасига, күкракчаларига, оёқ болдирига бир-бир назар солди. Сүнг энгашиб киндигига, гүёки тилсимли нұқтачани күриб қолғандек, тикилди.

— Назаримда, кирлаб кетганга ўхшайди, — деди норози бўлиб. — Яхшилаб чўмилтири, Шафақ, у узок сафарга отланади ахир.

— Қачон кетади?

— Балки бугун, балки эртага. Унинг қачон, қаерга кетишини бошқа сўрама.

— Ўз укамдек бўлиб қолди-да, Сенъоритаҳоним.

— Эрга тегсанг, бунақа боладан ўнбештасини туғишинг мумкин. Маде ин Шафақ! Бўл, ювинтирасанми?

— Бурнингизни жийирманг, бола-ку! — асабийлашди Шафақ.

— Озода юрсин, деяпман.

— Ахборотингиз учун у сувдан ўлгудек қўрқади!

Жаҳонгири ваннада чўмилтирмоқчи бўлганида, бола шприц игнасидан қочган каби овози борича йиглаб берган, шунинг учун қиз унинг юз-қўлини ювиш билан кифояланётган эди. Хизматкорни бола табиатини билмасликда айبلاغан Сенъорита ваннани яримигача сувга тўлдиргач, хитоб қилди:

— Келтир уни!

Шафақ улкан тосда мавжланаётган сувнинг бошига кўтариб келганида, Жаҳонгири овозини барадла қўйиб йиглай бошлади. Икковига кучи етармиди, уни сувга туширишди. Шунда ўтакаси ёрилиб шунақа чинқирдики, балиқдек типирчилаб, қизнинг қўлидан учиб кетаётди. Кафель қопланган деворга урилган овоз икковининг қулогини батанг қилди. Бироқ Сенъорита тўполонга бепарво ҳолда ванна ичига ўтириб, уни маҳкам ушлади. Жаҳонгири пичан гарами олдига боғлаб қўйилган бузоқчага ўхшаб қолди. Голиб мағлубнинг бошидан сув қуиди. Шу пайт Жаҳонгири ўзининг кучли йифисидан дами қайтиб, овози ўчди. Назарида, ҳозир сув ичидан Найзанхоним қўзларини ола-кула қилиб чиқиб келадигандек эди.

— Тизза бўйи сувдан ҳам қўрқадими? — ўдағайлади Сенъорита. — Бўлажак эркак эмиш! Сени қара-ю!

Жаҳонгир ҳаво ютолмай кўкарди. Қорайиб кетган лаблари ва нур сўнаётган кўзларини кўрган Шафақ қичқириб юборди-да, жон ҳолатда Сенъоританинг кўлларига ёпишди, шалоплатиб тортиб олди болани.

— Нима бўлди унга, Шафақ?

— Вой, хушидан кетаяпти-ку! — ваҳима ичиди қолди қиз.

Улар ваннахонадан чиқишганида, боланинг кўзи олайиб, оқи кўринди. Иккови жон талвасасида дам силтаб, дам шапалоқ уриб, нима қилаётганларини ўзлари ҳам тушунмай, бир неча сония хонада у ёқдан-бу ёққа югуришди. Ҳар бир лаҳза йилга тенг эди. Ниҳоят, Жаҳонгирнинг чарчоққа қоришган йўғон, зил-замбилийиси хонани тутганида, Сенъорита ҳам, Шафақ ҳам ўзларининг дир-дир титраётганларини сезишди. Болаш эмас, уларнинг ўзи ўлиб қолмагани мўъжиза эди.

— Аллоҳга шукр, Аллоҳга шукр, — деди Сенъорита лаб-лунжи шалвираб. — Ярамас бола! Юрагимни ёрди-я!

— Сизни огоҳлантиргандим-ку... — Шафақ болани бағрига босиб, силкиди. — Агар ўлиб қолганида, мен ҳам ўзимни ўлдирадим... Ялиниб-ёлвораман, Сенъоритахоним, уйига тезроқ олиб кетинг. Бўлмаса, уни...

— Нималар деб алжираяпсан? — диванга қулади савдогар.

— ...ўзим фарзанд қилиб оламан.

— Читтак! У нега бу ерда эканини билганингда, гапирмасдинг бу гапни!.. Қон босимим ошди, дори бер. Вой-вой, ўламан...

Жаҳонгир шу кеча иситмалаб чиқди. Эртасига шифокор чақиришди. Бу шифокор аллақачон пенсияга чиққан лоқайд ва ҳиссиз киши эди. Ҳар куни иккимаҳалдан ўн кун укол тайинлади. Бироқ вужудига дори сингиб, хасталикни маҳв этаётган эса-да, иккинчи кечада ҳам Жаҳонгир тинимсиз йиғлади. Шафақ кўзига ёш олиб, Сенъоритани уйғотди.

— Ўлиб қолмасмикан, Сенъоритахоним?

- Уни одамлардан сир сақлашни айтғанманми?
- Бунинг ҳозир нима дахли бор?
- Сен шифохонага ётқизмоқчисан, тұғрими?
- Укол қилишга шифокор келиб турибди, кимдан яширасиз бечорани?
- Менга қара, — деди Сеньорита сигарета қутисини пайпаслаб топаркан. — Ұша шифокорни сотиб олғанман! Ваҳима қилувчиларни ёмон күраман. Қисқаси, эрталаб бу уйда қорангни күрмай.
- Йұқ...
- Нима йұқ, эси паст?!

Шафақ ғазаб билан тикилди. Ота-она мәхрини түгел дийдорини күрмаган, Истанбулда баҳтининг бир гули ҳам очилмаган қызы Жаҳонгир тимсолида үз қадр-қимматини сұраб туради.

Орадан йигирма-үттіз дақиқа үтар-үтмас, әшик тақиlldади.

— Алламақалда ким экан? — безовталанди Сеньорита.

Шафақ кимлигини сұраб ҳам үтирумай әшикни очди. Келгувчилар “Тез ёрдам” ходимлари эди. Шифокор Жаҳонгирни текшириб күргач, оддийгина таблеткадан стол устига қўйди.

— Шамоллашга қарши укол олаётган экан, яхши, — деди у. — Шириналыкни күп ер экан, ҳозир болакайнинг тиши оғрияпти. Одатда бу ёшда айрим болалар тиши оғриётганини тушунтириб беришолмайди.

— Йүғ-е, — бирдан жонланди Сеньорита. — Демак, бундай олиб қараганда, болам соппа-соғ.

— Тиши оғриғи унга дұзахий азоб бераяпти, — энсаси қотди шифокорнинг.

— Мабодо сизде уйқу дори топилмайдими? Кучлироғидан. — Сеньорита негадир елка қисиб, жилмайиб қўйди.

— Кимга? — шифокор күзойнаги устидан боқди.

— Боламга эмас, ўзимга.

Улар кетгач, Сеньорита Шафақнинг ёқасидан ғиппа бўғиб, шкафга тақади.

— Ўв урғочи шайтон! — деди ҳаддан зиёд қаҳхорлик ила. — Биласанми, уларни чақирганинг учун сени нима қиламан?

— Боя айтдингиз...

— Йўқ, мен эркакдан ҳам ёмонман, эшитдингми? Сени турмушга чиқолмайдиган қилиб, Россияга жуфтакни ростлайман, ўзингни осасан!

— Жиннимисиз?

— Ўзингдан кўр! — Шундай деб Сенъорита бир қўлини шкафга чўзди-да, либоси чўнтагини кавлаштириб, янги чиққан пулдан тўрт-бештасини олди ва чеҳраси очилди. — Ҳазиллашдим. Ма! Бу сенга шифокор чақирганинг учун мукофот! Бундан кейин мендан сўроқсиз иш қилма. — Сенъорита қизни чангалидан бушатиб, юзига енгил шапатилади. — Ўғлим бўлганида сени ўзим келинг қиласдим, ўрай агар.

Шафақ бир ғижимланган лирага, бир савдогар хотинга қаради.

— Биз ҳатто унинг тиши оғриётганини ҳам билмаймиз, — деди қиз алам билан. — Тезроқ яқинларига олиб бормасангиз, бу сафар полиция чақираман. Пулингизз бошингиздан қолсин!

Алоқ-чалоқ тушларга қоришган кеча ниҳоялаб, тонг отди. Қўчаларда фуж-фуж одам, транспорт, шовқин-сурон қайнади. Масжид карнайидан жаранглаган аzon аллақачон атмосферага сингиб кетган бўлса-да, Шафақ уйғонмади. У кимсасиз уйда ранги янада оқариб, соchlари ёйилиб, ўликдек қотиб ётарди. Чошгоҳда бир пашша уни эринмай эрмак қилди ва ўз хиразлиги билан уйғотишга муваффақ бўлди. Шунда ҳам уйқу дори қизни карахтлик исканжасидан халос этмади.

— Жаҳон... — меровсираб аланглади Шафақ.

Уй бўм-бўш эди, ташқарида эса одам саҳродағи қум сингари саноқсиз. Шундай экан, хизматкор қизнинг кафтидан учиб кетган қум зарраси топилармикан?

Айни шу дамда Сенъорита Истанбул-Анқара-Қарс йўналишидаги поездда кетиб борарди. Поезд

Истанбулни тарк этиб, Эскишаҳар вилоятида, Анқара йўлида ўз ортида сирли хотиралар қолдириб шитоб-ла илгариламоқда эди. Темир карвон Европа дарвозасидан йўлга чиқиб, бутун мамлакатни салкам икки кунда кесиб ўтиб, Кавказ остонасига, Грузия сарҳадларига яқин шаҳар – Карсга етиб бориши керак эди.

– Хоним, қизил жомадонингизда нимадир фингшигандек бўлди, – деди вагон назоратчisi Сенъоритага. – Текшириб кўрсам бўладими?

Хозиргина қизиқ воқеани ҳикоя қилаётган Сенъоританинг кўзида фазаб ўти ловиллади, аммо у бозорда эмас, Туркия йўловчи поездиде эканини унутмади чоғи зўрма-зўраки жилмайиб, соатига кўз ташлади. Рўпарасидаги одамнинг норозилиги бир инсон тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин эди.

– Бўлади, албатта. Бу билан мендан жомадонда ит олиб кетаяпти, деб гумон қилаяпсизми? – қимиirlаб кўйди Сенъорита. – У ҳолда нариги купедагиларга таъзия билдирсам бўларкан. Ит бўғилиб ўлгач, сасий бошлайди-да.

– Илтимос, мен билан юриб, жомадонни очиб кўрсатсангиз, – деди назоратчи. – Биламан, либосбоп жомадонда ит ташиб бўлмайди. Сизга ит нима керак?!

Шу он Сенъорита назоратчини энди кўраётгандек фалати тикилди ва гавдасига ярашмаган тезлик билан сапчиб туриб, юқоридаги зангори тўқчадаги қизил жомадоннинг ёрлиғига қаради.

– Менинг қизиқишлиримга дахл қилмоқчимисиз? – деди хиёл ҳаяжонланиб. – Сизга ит нима керак эмиш. Итларни, айниқса, қучукваччаларни шунаقا яхши кўраманки!.. Мана шунаقا жомадонимдан иккита эди, чиндан иккинчиси нариги купеда... Яхши кўрганим учун ҳам уларни, итларни айтаман, жомадонда олиб юрмайман...

– Маъзур тутасиз.

– Майли, майли. Камина буюм ва кийим-кечак билан савдо қиладиган ўзига тўғри хотинман. Бекорга жаҳлим чиқаётгани йўқ, Дўғонбей мени яхши танийди... Узр, ёшингиз нечада?

- Йигирма иккода.
 - Үглим билан тенгдош экансиз, — деди Сеньорита.
 - Ёшликда одам анча қизиққон бүлади, ҳақиқат ахтаришини тушунаман.
 - Вой, қанақа ҳақиқат? — тұнғиллади купедош хотин.
 - Жомадонда ҳам ит олиб юриб бұлармикан? Сиз назоратчи афандим, мантиқлы тарзда шубҳаланинг. Бұнима деган гап? Жомадонда нимадир ғингшибди! Үз қулоғингиз билан эшитдингизми?
 - Йўқ, купедаги йўловчи айтди.
 - Биз юрткезар савдогарлармиз. Буюм олиб сотамизи тирик жонзотлар билан бизнесимиз умуман боғланмайди.
 - Албатта, — дея чуқур нафас олди Сеньорита.
 - Йўловчиларга эътиroz билдиrmаймиз, агар улар... — деди назоратчи ва ортидан келган яна бир ходимга яъни Дўғонга йўл бўшатди.
 - Модомики, жомадонда нимадир ғингшиган экан марҳамат, бу киши билан боринг-да, очиб кўрсатинг, — деди Дўғон воқеа ҳақида эшитгач.
- У хорижлик таниш савдогар хотинлардан мол учун мўмайгина ҳақ олар эди, аммо яқинда ишга ўтган ёш ҳамкасбининг раъйини қайтариб, гап-сўз кўпайишини истамасди. Боз устига Сеньоританинг учта жомадони сақланаётган қўшни купедаги йўловчилардан бири — синчков чол хийла шикоятбоз ҳам чиқиб қолди.
- Ахир, мен жомадонда Истанбулдан Россияяга ит олиб кетаманми? — соатига яна бир марта қаради Сеньорита.
 - Хўп, борсам борай. Шундоқ ҳам барибир нариги купега киришим керак эди, қўшни вагондаги болакайга жомадонимдан ул-бул олиб бермоқчи эдим. Қаранг-а иккала жомадонни адаштириб қўйибди бу ҳаммол ўлгур Унисида йўлга керакли зарур нарсаларим бор эди.
 - Қанақа болакай? — сўради Дўғон.
 - Поездингизда туғруқхона борми?
 - Туғруқхона? Алаҳсираяпсизми?
 - Болалар жони дилим. Поездингизда туғруқхона йўқ экан, демак, нариги вагондаги болаларни мен ёки

бошқамиз туғмаганмиз. Улар бугун вагонга темирйўл вокзалидан чиқишиган, онасининг қорнидан эмас.

— Гапларингизга тушумаяпман.

— Қанақа болакай деганингизга ҳайронман-да, афандим. Қанақа болакай бўларди, ота-онаси билан Анқарага, Арзинжонга, Арзирумга, Қарсга, хуллас, бу поезд қаёққа олиб борса, ўша ёққа отланган болакай-да.

Улар қўшни купе олдида тўхташди. Сенъорита аёлларнинг қимматбаҳо кофта-юбкалари солинган сумкаларини, жомадонларини назоратчилар билан келишган ҳолда, ҳаммол ёрдамида бир неча купега жойлаштирганди. Туркиядан поездда ёки паромда арzonгаровга юк ташиш йўлларини ўйлаб топгандан бери пора барча қулфларнинг калити эди. Ҳозир яна картмонини кавлаштириди, назарида, Истанбул вокзалидаги ҳаммол туфайли анча-мунчага тушадиган кўринди.

— Хуллас, жомадонимдан ўзим ҳам хавотирда эдим. Нега деганда...

Шу пайт тамбурда бақир-чақир эшитилди. Бир маст эркак билан шаллақи хотин тўқнашиб кетганга ўхшарди, иккиси ҳам бир-бирини эҳтиётсизликда айблаб, аёвсиз ҳақорат ёғдиришга киришган эди.

— Мен ҳозир... — деб Дўғон тамбур сари юрди.

Ёш назоратчи ҳам кетмаса бўлмасди.

— Кутиб туринг, — деди у купедаги-чөлнинг рўпарасидаги ўриндиққа имо қилиб.

Сенъорита жомадонини ўриндиққа инқиллаб тушириб, қулфларини очди ва... фалати нарсани кўргандек бир зум кўз узмади.

— Уйғонишингга оз қолибди, вақт бунчалик тез ўтмаса, — деди у ўзига-ўзи.

Йўқ, ўзига ўзи гапирмади, жомадонда Жаҳонгир фужанак бўлиб ётарди. Уйқу дори таъсирида у пешингача миқ этмаслиги керак эди. Оғзи-бурнига кийдирилган кислород ниқобчаси эса бўғилиб ўлишидан сақлаши лозим эди. Бироқ нега фингшиганд бўлса? Сенъорита боланинг'юз-кўзини, бўйинини силаб кўнгли таскин топди. “Сени бу кўйга солганим учун ҳали миннатдор бўласан,

— деди ичида. — Жиноятчиларидан қутқараман деб аҳд қилдимми, сўзимнинг устидан чиқаман, болажон!”

Сенъорита қаршисида ўтиргани боис чолга жомадон ичи кўринмади, аммо қўл ювишдан қайтган тиқмачоқдан келгап хотин купе эшигини очган жойида тахтадек қотди. Унинг изидан келаётган ҳижобли қиз ҳам мўралаб, ёқа ушлади. Сенъорита жомадонни ўз купесида сақлаши, чошгоҳда болани чиқариб, уйқусини очиб, чой-пой ичирмоқчи эди. Купедаги ҳамроҳлари уни тушунган савдогарлар эди, Жаҳонгириларниң тарихини ҳикоя қилиб берса, Сенъоритага ён босишлари мумкин. Назоратчиларга эса қўшни вагондаги хотиннинг ўғли деб таништиришни ўйлаб қўйганди. Бироқ ҳаммол, ёш назоратчи ва чол сабаб иш чаппа айланди.

— Эй Худойим... — нола қилди ҳалиги аёл.

— Илтимос, қичқирманг, — деди Сенъорита рус тилида шивирлаб. Ба шу сониядаёқ жомадонини ёпди. — Бу боланинг онасини туркиялик жиноятчилар қамоқقا тиқишишган, мен Россияга яширинча олиб кетиб, қутқармасам, бола бечорани йўқ қилишади. Уни уйқудори бериб ухлатиб қўйганман, аҳволи жуда яхши. Беш-үн дақиқадан сўнг уйғотсан бўлади. Адашмасам, сиз Бокудансиз, шундайми? Киринг, эшикни ёпинг.

— Ганжадан, — бош чайқади хотин.

Иккиси ичкарига кириб, эшикни оҳиста ёпишиди. Ҳаммалари бир-бирлари билан безовта кўз уриштиришиди. Чол секин томоқ қириб, Сенъоритага еб қўйгудек тикилди.

— Ана холос! Ҳамشاҳар эканмиз! — ёлғонни ямламай ютди Сенъорита. — Чолнинг ёнига ўтиринглар, гап бор. Боя купенгизга ҳаммол билан бирга юкларимни жойлаштираётганимда, русча гапирганингиз қулоғимга чалинганди. Узр, бу синглингизми? Ҳа, яхши, ўҳшаяпсиз. Мен ҳам мусулмонман, Россия фуқаросиман, миллатим татар, касбим савдогар. Хуллас, бу бола ўзбек, уни Москвага етказиб, отасига топширишим керак, у

ёғига, Ўзбекистонга ўzlари ҳаракат қилишади. Онаси Истанбулда уй хизматкори эди. Бечора катта душман ортириб, қамоққа тушди. Манави исқирт чол русчага тушунмайдими?

— Исқирт чол тушунади; — кутилмагандан қария хорижий талаффузда русча сўзлади.

— Во ажабо, Худо урди, — сесканиб тушди Сенъорита.

— Кўрсам бўладими? — жомадонга ишора қилди чол.

— Йўқ, кета қолай, — Сенъорита жомадонни кўтармоқчи эди, чол олдинга энгашди. Бу унинг йўл тўсгани эди.

— Мени тарафдорингиз деб ҳисоблашингиз мумкин.

— Лекин... — оғзини қийшайтириди Сенъорита.

— Лекин сиз ҳаммасини раство қилиб бўлдингиз, — деди чол киприк қоқмай. — Биринчидан, режангиз иш бермади, иккинчидан, Озарбайжондан эмаслигигингизни ғуллаб қўйдингиз.

— Туғилган жойим Ганжа демоқчи эдим.

— Ўлган жойингиз Ганжа бўлмайдими? Сиз ютқаздингиз, тамом! Қани бўлинг, жомадонни очинг.

— Гапларим рост, — деб Сенъорита чолнинг айтганини қилди, — мен бола ўғриси эмасман. Бу гўдакни қутқариш керак, акс ҳолда товонига қоламиз.

— Чол Жаҳонгирга тикилиб, нима учундир ҳидлади.

— Маза қилиб ухляяпти, — деди у тамшаниб. — Финг этиб овоз чиқаргани йўқ, тирик жонзот борлигини сезиб, сизни чақиртиromoқчи эдим, холос. Арвоҳ ургур назоратчи жуда хирапашша ва ваҳимачи экан. Ҳм... кислород ниқоби ишламай қолганида, ҳақиқатан, товонига қолардингиз. Қани, жомадондан чиқаринг уни.

— Ўзимнинг купемга олиб бориб...

Йўлакдаги шовқин-сурон кучайиб, купе эшиги тагигача келди. Сенъорита жомадон оғзини бекитишга улгурди. Эшикни очган ёш назоратчи қаттиқ банд бўлса-да, бу купедаги муаммога ҳам бирровга бурнини

суқишиңи жоиз топган эди. Қизил жомадон туфайли бекорга безовта қилгани учун чол унга узрини айтгача құшиб қүйди:

— Ҳаммаси жойида, үғлим, сиз тұполончилар билан бемалол шуғулланаверинг.

Сенъорита Жаҳонгирнинг шахси ҳақида билғанларини сүзлаб берди.

— Нега элчиниңа ёки консулхонага бормадингиз? — сұради чол. — Бола бояқишиңи поездма-поезд сарсон қилаяпсиз. Сарсон ҳам гапми, аҳмоқона усуллар құллаб ҳаётини хавф остига құяяпсиз.

— Үлдирсангиз үлдириңг, бундан бошқа йүл йүқ эди. Болани менга ташлаб кетген аёлни шартта үлдиришди деяпман-ку. Энди маслаҳатнинг баҳори үтди, менга ҳаммангизнинг ёрдамингиз керак. Ҳадемай тұполон тиниб, назоратчилар хитланиб қолишиади. Болани биргаликда құтқарамизми?

— Гапингиз чин бұлса, ёрдам берамиз, — деди тиқмачоқдан келган хотин.

— Аввал бола билан гаплашсам, кейин... — фикрини айтди чол. — Ташқаридаги тұполончига раҳмат денг менимча, у сизни қамоқдан сақлаб қолди.

Күп үтмай Жаҳонгирга чой ичиришди. Бола бурунгидан ҳам инжиқ бўлиб уйғонган эди. Паст, мунгли овозда ич-ичидан хўрсиниб, эзилиб-эзилиб йиглади. Үзини не ҳолларга солишаётганини англаб, аччиқ тақдираидан нолиб кўз ёш тўкаётган эди. Кеча укол қилишиди чошгоҳгача ухлаб, онасининг ширин бусасидан уйғониши керак эмасмиди? У Нана деб атайдиган меҳрибон бувиси ёстиғига энгашиб, қуруқ, аммо жон баҳш этувчи қўли билан пешанасини силашини тушида кўрди-ку. Ойиси чи? Нега такрор-такрор қўлларини чўзиб жилмаяди ю яқинлашмайди?

Дарвоқе, булар аламли туш бўлиб чиқди, саҳарда басавлат хола уйғотганида ойиси ҳам, бувиси ҳам йўқ эди

Атрофига аланг-жаланг боққан маҳал хола аллақандай дорини мажбурлаб ичирди. Кўзини очса, яна нотаниш одамлар, бегона макон, шовқин... Бу нима? Поездми? Аясидан янада узоқларга олиб кетаётган бўлишса-чи? Энди нима қиласди? Онадан айрилганидан бери овози борича “Аяжон!” деб чинқириб йифлагани йўқ, балки ҳозир шундай йўл тутса, бу одамлар қўрқсанларидан уни онасига элтиб беришар? Кучлироқ бақириши керак, кучлироқ, кучлироқ...

Бироқ Жаҳонгирнинг кўнгли сезди: чинқириб йифласа ҳам онаси топилмайди. Чол баджаҳлга ўхшайди. Поезддан ташлаб юбормоқчи бўлса, ким қутқаради? Басавлат хола ювошга айланиб қолди-ку.

— Сенинг исминг нима? — деб рус тилида ҳижжалаб сўради чол. Сўнгра бошқаларга деди: — У менга дикқат билан қараб қўйди. Адашмасам, ёқмадим.

— Бобога исмингни айт, ҳадеб йифлайверма, — деди Сенъорита ҳам Жаҳонгирга русий забонда. — Мана, иссифинг ҳам тушибди. Қачонгача нозик бола бўласан? Тўртга кирайпсан-а!

— Айта қол, болам, — гап қотди тиқмачоқдек келган хотин. Синглиси эса ортиқ чидаёлмай шартта ўрнидан туриб, купени тарк этди. Ҳақиқатан, мўлтираб турган бола ҳатто чолнийнг ҳам юрагини эзиб юборган эди.

— Жаҳон, — садо чиқди гўдакдан.

— Онанг қаерда? Онанг, онажонинг... — илжайди чол.

— Узоқда.

— Қамоқдами? Уни қамаб қўйишдими? Вау-вау-вау, полиция... Кейин сен уни панжара ортида қўрдингми? Соқчилар бор эканми? Балаңд бўйли, манавинаقا... — Чол балодай руҳшунос экан шекилли, тўсатдан ролга киришиб, Жаҳонгирни ўзига қаратиб олди. — Тўппонча тақишиган. Сен ҳам қизиқасанми тўппончага? Пақ-пук, тах-та-ра-ра-рах!..

Жаҳонгир полициячиларнинг қўрқинчли одамлар

эканини эслади. Эслади ю уларга боксчилар ба
келадигандек туюлиб:

— Бокс, — деди. Ҳар доим чучук тилда “бокш”
дейдиган бола бу гал түғри ва равон сұздади.

— Ие, сен боксга қизиқасанми? Сен-а? Ҳиҳ-ҳиҳ-ҳи-и...
Балки Майк Тайсонни танирсан?

Жаҳонгир тушунса-тушунмаса бош силкиган эди
чолга нашъа қилиб қаттиқроқ кулди. Тиқмачоқдан
келган хотин боядан бери сумкасини кавлаштираётган
эди, конфет ахтараётган экан-да, Жаҳонгирга шоколод
узатиб, бошини меҳр билан силади. Поезд ҳуштак чалиб
уларни олқишилади, улар ҳам алик олишган каби бош
қимирилатишиди. Темир карвон Кавказ сари янада шитоб-
ла шошилди. Кавказнинг нариги томонида бепоён
Россия ястланиб ётар, унинг пойтахтига эса Алиасқар-

— гүдаккинанинг дадаси ишлашга келган бўлиб, шу
тобда ўғилчаси қаерда, қандай аҳволда эканидан мутлоқ
бехабар, улфатлари билан ароқ чўқишириб, байрам
қилиб ўтиради.

— Флойд Мейвейзерни-чи? Уни ҳам танийсанми? Айт-

куриниши қанақа?

— Негр, — пицирлади Сеньорита боланинг қулогига.

— Ё тавба, — кўзлари чақнади чолнинг, — сиз ҳам
танийсизми, ҳой хоним?

— Тахмин қилдим, қора танли боксчилар кўп, — деб
жавоб берди Сеньорита.

— Келажакда боксчи бўлсанг, Флойдни аямай
дўппослашинг керак, — деди чол Жаҳонгирга. — Ўн
йилдан бери уни енгадиган мардни кутаман. Ўша мард
сен бўласан! Тушундингми?

— Жаҳонгирдан боксчи чиққунча Флойд ўлиб кетади
— қўл силкиди Сеньорита.

— Мен ҳам, — деди чол. — Бу дунёда мана шу бола
қолади, мени қутқарган деб бизни эслаб юради. Шуниси
муҳим эмасми?

Поезд мамлакат пойтахти Анқарага келганида, Жаҳонгир анча-мунча тетиклашган, иштахаси очилған эди. Грузия сарғадларигача йўлнинг учдан бири босиб ўтилганди. Сенъорита назоратчиларни чалғитиши учун Жаҳонгирни қўшни вагонларга етаклаб, Грузия, Озарбайжон ёки Россияга қайтаётган русийзабон кишилар билан суҳбатлашди, “Нариги вагондаги танишимнинг ўғилчаси”, деб таништириди. Поезд яна жилди, пойтахт ортда қолди. Кечга яқин овқатланган Жаҳонгир вагоннинг аллалашибдан тезда уйқуга кетди. Сенъорита ўзини лоҳас ҳис қилаётган бўлсада, кўнгли ароқ тусаб, сумкасини очди-да, ўйлади: “Қўшни купедаги чол ичадиганга ўхшайди, баҳам кўрсаммикан?”

Ароқ касофат келтиришига ақли етмаган хотин Жаҳонгирни купедошларига қолдириб, йўлакка чиққанида, чол турқи совуқ бир кимса билан гаплашиб турарди. Кимсанинг кўзлари бежо эди. Бурни қизарганига қараганда, ичиб олган. Сенъорита дарров фикридан қайтди, аммо қўлидаги егулик ва ароққа кўзи тушганиданми, чол яшнаб кетиб, деди:

— Бу одам сизнинг халоскорингиз. У тамбурда жанжал қилмаганида, аҳволингиз чатоқ бўларди. Танишинг, исми Ёғочоёқ. Фалати исм эканми?

— Йўқ, — хўмрайди Сенъорита.
— Мен унга айтдимки... — рус тилида сўзлади чол, аммо тилни ўзгартиргани Сенъоритани юмшатмади.
— Сиз билан купенгизда гаплашиб олсан бўладими?
— деди Сенъорита fazabinи ютиб.

Купенинг эшиги шигиллаб ёпилиб, Ёғочоёқ ва уларни боғлаб турган ҳаво қатламига металл парда тутилди.

— Бу ерда бир боланинг тақдирни кафтимизда, — Сенъорита панжасини очди. — Нима қилиб қўйдингиз? У турган-битгани фаламис эканини, наҳотки, кўрмаяпсиз?

— Шундоқ демайсизми? — керилди чол. — Ёғочоёқ

рус тилини билмайди, шубча уйғотгунча йўлакда ҳам сўрашингиз мумкин эди.

- Бола ҳақида вақиллагансиз!
- Мен унга бошқа нарсани назарда тутиб гапирдим.
- Нимани?
- Шунчаки сумкани яширишга тўғри келди, дедим.
- Ростданми?
- Ростдан.
- Ичасизми? — ароқ идишини тутди Сенъорита.
- Ёғочоёқни ҳам чақиришим керак. Тағин уни бетайин деб ўйламанг, ўқитувчи экан.
- Ўқитувчи? Шу-я?
- Нега ажабланасиз, мен уни мадраса мударриси демадим чофи.

Чолнинг купесида учаласи ўтиришди. Бошқалар кечки овқат ейишга вагон-ресторанг кетишган эди. Сенъорита рус ароғидан икки туркка яримлатиб қуиди. Турк ароғини ёқтирумаслиги важидан Истанбулга албатта тўрт-беш шиша русларницидан олиб келарди. Тугагач, шаҳардаги шароб дўконларини кезиб чиқарди ва ўзига ёққанини топмасдан қўймасди. Турли юртларда ишлаб чиқарилган ароқ, виноларни Истанбулдан топиш мумкин эди. Хусусан, Болгария ва Россиядан Сенъоританинг таъбидаги ароқлар келтирилиши айни муддао бўлган эди. Табиатан дангаса, тушкун кайфиятли аёл ҳеч қаерда, ҳеч қайси ишда эринмас, ваҳимага тушмасди. Ўзини овутиш учун турли тадбирлар ўйлаб топган бўлиб, шулардан бири ароқ ичиб, сигарет чекиш эди. Бундай сунъий фаолликнинг мукофоти нима бўларди? Алалоқибат, аёллик латофатидан, баҳтли турмушидан айирилди, касаллик ҳам орттириб олди. Ҳозир биқуни санчаётган эса-да, эркаклар билан баб-баравар қадаҳ кўтарди. Бу худди дўзах эшигини очиш учун ўз қўли билан калитни олган билан баравар эди. Калит тирқишишга, қадаҳ оғизга тутилади ва ҳаммаси тугайди...

— Мен тамбурда бир шаллақи хотин билан сүкишаётганимда, — деди Ёғочоёқ, — бу хөнимни құтқарыб қолганим хаёлимга ҳам келмаганди. Қайтиб келгунча, жомадонингиз купедан ғойиб бўлганини назоратчилар нега суриштиришмади?

Сеньорита чолга қаради.

— Арзимас латта-путта учун тўполон қилиб юришга назоратчиларнинг асаби етмайди, — деди чол. — Бир рейсга етар, ўн рейсга. Бунақада вагон уларнинг тобутига айланади-ку.

— Тушунарли, — деди Ёғочоёқ газак учун “Кока кола” симириб, — лекин Россияга арзимас латта-путта олиб кетилмайди.

— Гиёхванд модда ёки олтин деб ўйладяпсанми? — мазах қилди чол. Бироқ сирни очиб қўйишдан қўрқаётган одамнинг восвос гапига ўхшади бу. Ёғочоёқ аввалгидан ўн чандон ортиқ шубҳаланиб, мийифида заҳарли кулиб қўйди.

— Қайдам, қария, — деди ў, — Арzon поездлар нотинч бўлади. Бунинг устига ким кўп? Чет эллик савдогарлар. Уларнинг орасида шундай каслар борки, поездда полициясиз ёки қуролсиз юришга қўрқади киши. Мисол учун, шу вагоннинг ўзида қанча юқ, қанча бетайин одам бор, ёлғиз Ҳудога аён.

— Бу гапларни қаёқдан олдинг? Шу ёшга кириб, поезднинг бу қадар хавфли эканини билмаган эканман.

— Узр, ўзингизнинг касбингиз нима? — юқоридан назар солди Ёғочоёқ.

— Қамоқхонада ишлаганман, — кўкрак керди чол.

— Мен эса чиндан ўқитувчи эдим, — деди кадикўйлик ўғри Сеньоритага қараб олиб.

— Ўқитувчига ўхшамас экансиз, — Сеньорита вагон деворига ҳорғин суюнди. — Авваламбор, сиздан шубҳаланиш керак.

— Менданми? — Ёғочоёқ ўзини ҳайрон қолгандек

кўрсатди. — Ташқи кўриниш ҳамиша ҳам одамнинг ким экани ҳақида гапирмайди. Агар эскироқ кийимим, олинмаган соқолим ва эрталабдан ширакайфлигим сизда нохуш таассурот қолдирган бўлса, айборман. Одам кўзгуга қараб ўз ёмонлигини кўролмаганидек бошқалар ҳам кимгадир қараб унинг ёмон эканини... — Ёфочоёқ уф тортиб, бош чайқади. — Ие, мен ўзимни ёмон демоқчиманми? Гапимдан чалкашиб кетганимни қаранг! Чексам бўладими?

— Ҳамроҳларимнинг қариндошлари нозик одамлар, — эътиroz билдирид чол.

Дарвоқе, купедаги чолнинг ҳамроҳлари ҳалиги озарбайжонлик хотин билан ҳижобли қиз эмас, балки ёш йигитлар эди. Улар кечки овқатни еб, зикр этилган хотин ва ҳижобдор билан қайтишаётуб, купега бош суқиши. Буларнинг ароқ ичиб ўтирганларини кўрган йигитларнинг қариндошлари қош чимиришди. Жомадонга яширилган боланинг Сенъорита томонидан ҳикоя қилинган таржимаи ҳолига зўрга ишонишган эди, ишончнинг урвоғи ҳам қолмади.

— Истанбулда бўларим-бўлди, маъзур тутасизлар, — деди Ёфочоёқ кетишига чоғланиб. — Ўйлайманки, бу охирги ичишим. Арзирумда оилам кутиб турибди.

Ёфочоёқ оқсоқланиб чиқиб кетаётган эди, ганжалик хотин Сенъоритадан турк тилида:

— Боланинг аҳволи яхшими? — деб сўради.

— Яхши, — қуруққина жавоб қайтарди савдогар. Сўнгра гумонсираётганини фаҳмлаб, жилмайди-да, рус тилида сўзлади: — Мен ўзи шунақаман, эркаклар билан ҳам ичиб кетавераман. Чапани бўлганим учун ҳам болани қутқаришни ўз бўйнимга олдим. Чапани бўлганим учун ҳам вокзалдаги текширувлардан жомадонда ўтказишни уddyаладим.

— Қанақа бола? — купега аланглади Ёфочоёқ. — Болангиз борми? Шу ерда, поездда?

— Құшни вагондаги хотиннинг фарзандини айтаяпмиз,
— Сенъорита инқилаб оёққа турмоқчи бүлдию үтирди.
— Құзларингиз бунча ёнмаса-я? Испингиз менга энди
тағсир қиласыпты. Ростдан Ёғочоёқми?

— Бундан чиқди, үғлингиз эмас.

— Ы тавба, үғилми, қизми, сизга нима қизиги бор?

— Құшни вагонда... — Ёғочоёқ ишора қилиб,
Сенъоритага совуқ син солди. — ...күрдим. Сиздек
келишган хотин ва жимитдеккина үғил болача. Яхшилаб
күролмадим. Сизми ё бошқа... Үғилми ё қиз.

— Қайси вагондасиз үзи?

— Олдингисида, — деди Ёғочоёқ яна бир марта ишора
қилиб.

— Тұғри айтасиз, боя үша вагонга ҳам сайд қилиб
келғандык. Бошқа саволингиз йүқми?

— Йүқ, — ғалати илжайди Ёғочоёқ. — Мемондорчилік
учун раҳмат.

Улар Ёғочоёқдан қутулиб, тор купени тұлдириб
үтиришди. Сенъорита поезд Қарсга етгач, Қарс-Тбилиси-
Боку поездига чиқиш учун ёрдам керак бўлса, кимлар
бош тортмаслигини сўради.

— Йүқ, опа, — деди ганжалик хотин, — сиз билан Қарс
вокзалида эмас, шу ерда хайрлашиб қўя қолишига қарор
қилдим. Бизнинг үз ҳаётимиз, үз оиласиз бор. Жон-
жон деб ёрдам берган бўлардик, лекин... Жомадонга
бода яширганингизни айтмаганимизнинг үзиёқ... Шуни
яхшилик ўрнида қабул қилинг, илтимос.

— У купедан чиқиб кетсин, — қовоқ солди йигитчалардан
бири. — Қайтиб безовта қилмасин!

— Ҳа, бунақа хавфли ишга аралашмаймиз, — деди
иккинчи йигитча.

— Майли, — қўлларини тиззасига қўйди Сенъорита.

— Нима ҳам дердим. Фақат шуни унутмангларки, мен
бода ўғриси эмасман... — Бирдан чолга ўгирилди. — Сиз-
чи, отахон?

— Мен эса ўфри бўлганман, — деди чол совуқ оҳангда, — ёрдам бераман. Қарсда бир танишим бор, ушанга айтиб кўрамиз. Эпласа, болани Грузияга ўтказиб беради.

11

Жаҳонгир ярим кечаси уйғонди. Поезднинг Истанбулдан йўлга чиққанига йигирма соат бўлган эди. Туркияни бир ярим суткада кесиб ўтиши керак бўлган поезд зулмат қўйнида ўзининг содиқу событ изидан кўхна Қарс сари илгариламоқда эди. Мазкур шаҳар ва Арманистон сарҳадлари ўртасидаги масофа олис эмасди. Баъзан Қарслик болалар темирийўл ёқасида мол боқиб, чегарагача бориб қолишарди. Бироқ Қарс-Боку поезди арман ерларидан эмас, хиёл шимолга бурилиб, грузин тоғларию водийларидан ўтиб, йўлни бир неча юз чақиримга узайтириб, сўнгра Боку томон энарди. Аслида бу рейснинг тўлиқ номи Қарс-Тбилиси-Боку деб аталиши ҳам шундан эди. Тоғлар ошса, дарёлар ошса, кичик мусофирининг димоfiga ватан ҳиди урилса, ажаб эмас. Кўнгли сезди, уни уйига олиб кетишимоқда. “Отангга борасан, отанг сени кутаяпти” деб бот-бот такрорлашди-ку. Йўқолган боланин катталар нима қилиши мумкин? Уйига олиб боради-да. Уйида онаси кутмоқда. Онаси нега олис ўлкаларга ташлаб кетди? Ёлғиз ўзи қайтиб кетолмайди, деб ўйладими? Возз кечдими шундай асал боладан? Нега? Қайси айби учун?.. Мана, Жаҳонгир кетаяпти! Уч ёшида деярли ҳеч кимсиз дунёни кезиб, ота-онасини ахтариб бормоқда. Эҳтимол, дадаси афсус чекиб, аяси билан ярашар, улар яна бир оила бўлиб яшар?..

Жаҳонгир кўзини очди.

— Бола уйғонди, — деди купедаги хотин.

Сенъорита беҳол ётгани боис асабий уф тортди. Жаҳонгир ватанга яқинлашган сайин тетиклашаётгандек кайфи чоф эди, бундан савдогар жинча бўлса ҳам енгиллик

туйди. Найзанхонимнинг ҳамласидан сўнг ваннаҳонадан юрак олдириб қўйганини Сенъорита ҳам, Шафақ ҳам қаёқдан билсин? Улар болани касалга чиқаришди, кўркувдан иситмалаб қолгани ҳужжат эди гўё.

— Чой ичсанми? — идишни пайпаслаб топди Сенъорита.

Телефонга кўзи тушган Жаҳонгир мультфильмни эслади.

— Мультик, — деб илтижо қилди у.

Сенъорита мультфильм қўйиб бериб, чўзилди. Шудамда у болани манзилга эсон-омон етказищдан кўра ўз жони ҳақида ўйлаб кўрди. “Туркияга қайтиб келмайман, — деди ичида. — Даволанаман... Болакайни Абдулинга топширсам... Кейин янги уйимни битказаман-да, ўлгунимча маза қилиб яшайман...”

Бу пайтда мультфильмдаги паҳлавон йигит жодугарга шунаقا дўқ-пўписа урдики, Найзанхонимдан ҳам худди шу йигит каби қўрқаслик мумкинлигига Жаҳонгирнинг ақли етиб, завқланди. “Дунёда паҳлавонлар кўп! Ва улар ҳеч кимдан қўрқишмайди!”

Поезд ўз вагонларига турфа тақдирларни ортиб, янада шошилди. Қанийди доим яхшилик ғалаба қозонса. Таассуфки, ёвузлик шу поездда, шу вагонда кўланкадек эргашиб келмоқда эди. Арзиумга етганларида маккор Ёғочоёқ чиндан ҳам ўзгарди. Соқоли қиртишлаб олинган, янги кўйлак-шим, пойабзал кийган, ҳатто қўлига назокат ила ҳасса ҳам тутган эди. Бахтга қарши у Сенъоританинг вагони йўлагида лаблари қимтилиб ташқарини томоша қилиб туради. Қарс вилоятининг пастак тоғига, яккам-дуккам уйларига, қадди тик теракларига ўйчан тикилаяпти, деган хаёлга бораиди киши. Бу пайтда айрим йўловчилар тараддуд кўра бошлишган, Қарсга бир қадам қолган эди.

Ёғочоёқ Сенъоританинг купесига ўғринча қараб қўйди. Ичкирида Жаҳонгир ҳожатга боришни истаб типирчилар экан, хотинлардан қайси бири у билан чиқиши бир зум талаш бўлди.

— Рангингиз анча синиқибди, Сенъорита, — деди купедош хотинларнинг абжири. — Мен олиб бораман дедимми, мен! Биз келгунча дори ичиб, пича ўраниб ётинг, ҳадемай Қарс!

— Эҳтиёт бўлинг, назоратчиларга сир бой берманг уқдингизми? — деди Сенъорита. — Маррага етганда ийқилишни ёмон кўраман.

— Минг марта уқдим, ёд бўлиб кетди, — кулди хотин — Марра Москвами? Ҳали узок, опа.

Купе эшиги шифиллаб очилганида, Ёфочоёқ астага ўгирилди. Кўз кўзга тушди: бу ўша бола эди!

Жаҳонгир эса Мустафобейникида учратган бадкор кимсани танимай, илдамлаб юрди. “Қарсга бола учун кетаётгандим, жуфт бўлди”, деди бола ўғриси мамнун ҳолда

— Назоратчиларни кўрмадингизми? — деб сўради хотин

— Йўқ, — деди Ёфочоёқ севинчини зўрға яшириб.

Ниҳоят, поезд Қарс вокзалига кириб келди. Осмон очиқ эди, аммо Арманистон томондаги уфқда оқибулутлар кўзга ташланарди. Айтишларича, шаҳар ўз тарихи мобайнида бир неча марта қўлдан қўлга ўтиб охир-оқибат Туркия тасарруфида қолган экан. Руслар жангиз ташлаб кетган шаҳар марказидаги ҳув анави пурвиқор бино ўз умри мобайнида гоҳ масжид, гоҳ черков бўлавериб, ҳисобдан ҳам адашиб кетганмиш. Дарҳақиқат, бу ерга кимлар келиб, кимлар кетмаган. Лойқа суви шарақлаб оқаётган сой, эски шифер ва тунука билан қопланган чордоқ деворлари, худди Самарқанддаги Чўпонотани эслатиб юборадиган қўнғир тоғ, қоядаги қалъя харобасида ҳилпираётган улкан қизил байроқ ва байроқдаги оқ тусли ой — барчаси йўловчиларни узок кутгандек эди. Ҳарҳолда Сенъоритага шундай туюлди. Туркияни у Грузия орқали ҳам, Украина йўлидан ҳам тарк этиб кўрган, илло бунчалик чарчамаган эди. Уч марта поезд алмашилари лозим: Истанбул-Анқара-Қарс, Қарс-Тбилиси-Боку, Боку-Москва. Бундан чиқди

учдан бири босиб ўтилди, лекин энди ҳар бир қадам Сенъорита учун азоб бўлиб қолди.

— Отахон, — деди у чолга, — қанча берсам, чегарадан ўтказиб қўясим? Айтиб қўяй, сизсиз ҳам бечорани отасига етказиш қўлимдан келади.

— Гуноҳнинг халтаси тўлган, — деб жавоб берди чол Жаҳонгирнинг бошини силаб. — Унинг жавдираган кўзлари учун қўлимдан келган яхшиликни қиласман. Пул сарфланса, танишим учун сарфланади, менга эмас.

— Худо хайрингизни берсин.

— Ташвишланманг, ҳаммаси яхши бўлади, — деб чол сариқ ва зангори ранглар билан йўл-йўл бўялган бинони кўрсатди. — Мен анави уйнинг нариги ёнидаги ошхонада бўласман. Телефон рақамингизни ёзиб беринг, қўнгироқлашамиз.

Одатда ҳувиллаб ётадиган Қарс вокзалида одам ва сумкалар бижгиб кетди. Чол айтган уч қаватли бино айвонида ёйилган кир кўзга ташланар, одам яшайдиган туаржой биносига ўхшар эди.

— Юкларингизни ўзим ташиттираман, — ҳамроҳ аёл Сенъоританинг ёнида тўхтади. — Жаҳонгир биланbekat ўриндиғида ўтира қолинг.

— Хўп, — деди Сенъорита. — Кейин сизга яна бир илтимос бор.

— Хўш?

— Кўшни купедаги турк чол бино ёнидаги ошхонада мени кутмоқчи. Таниши билан гаплашиб кўринг. Ишонса бўладиган одамлигини сезсангиз, менга юборасиз. Таниши Жаҳонгирни чегарадан ўтказиб берармиш. Балки уларники яхшироқ вариант бўлиб чиқар, а?

— Ишонмаяпман. Ўзимиз эплаймиз, Сенъорита.

Айни шу лаҳзада одамлар орасидан кузатаётган Ёғочоёқни пайқагаи Сенъорита деди:

— Болани олиб кетинг, кўздан пана жойда бирортаси қараб ўтирсин. Бўлсангиз-чи!

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Ёфочоёқ ҳассасини ўйнатиб яқинлашди.

— Жуда ҳам чарчаганга ўхшайсиз, — деди у. — Қаранг ёмғир ҳиди келаяпти. Ичамизми?

— Оқ булутдан ёмғир ёғмайды, — Сенъорита лабига сигарета қистирди. — Қолаверса, ёмғир ҳиди учун ичаман, демаганман шекилли? — У сигаретини фижимлаб ташлади. — Ҳаммангни жин урсин!

— Болани Қарсгача олиб келдингиз, — ёнига ўтириди Ёфочоёқ. — Бу ҳам бир ғалаба. Балки ғалаба учун ичарсиз!

— Қанақа бола? — ялт этиб қаради Сенъорита.

• Жаҳонгир ўзини чала таниш хотиннинг қўлида кўриб, Самарқандга етдим деганимда, яна қаёққадир олиб кетишмоқчи, деб ўйлади ва чинқириб йиглаб юборди. У жиққа ёшга тўла кўзларини Сенъоритага тикди, лабидан бир зумда қон қочиб, юлқинди. “Аяжон!... Аямга бояман!” дея жон ҳолатда Сенъоритани кўрсатиб ўзини ҳар томонга отаверди. Уни етаклаган савдогар хотин Ёфочоёқнинг бадкирдор кимса эканини фаҳмлаб. Жаҳонгирни кўтариб олди-да, вагон ортида кўздан ўқолди. Ёфочоёқ уларнинг изидан қувиш ниятидан иироқ эди.

— Полиция чақираман, — деди қуруққина қилиб. — Етиб келдингиз, Сенъорита... Ҳа, дарвоқе, лақабингизни тескари ўқиса, форс ва тожик тилида “атир йўқ” дегани маънони англатар экан. — Бола ўғриси қулочини ёйди.

— Атир эмас, бола йўқ!

— Бола менга ҳеч ким эмас. Мен савоб учун...

Сенъоританинг телефони жиринглаб, гапи чала қолди. Чол танишини дарҳол учратгани ажабланарли ҳол эди. У Тбилиси поезди жўнагунча таниши йўлини топиши хусусида гапираётган эди, Сенъорита гапни кесиб, рус тилида деди:

— Нималар деяпсиз, чўлоқ ҳозир қаршимда ўтириб, полиция чақиришини пеш қилаяпти. Унга ўхшаш

жирканч нусха бўлсангиз, ошкора тан олиб қўя қолинг! Болани шундоқ ташлаб кетаман. Лекин Яратганинг қаҳрига учрайсиз!

— Э-э, Ёфочоёқми? Менинг зифирча ҳам алоқам йўқ унга! Алданг, хушомад қилинг, чалғитинг! Сўнг икки юз доллар билан болани олиб келинг. Ёфочоёқ Қарс вокзалида қолади, сиз — икковингиз купеда бўласиз! Ишонсангиз-чи менга!

— Қандай ишонаман?

— Жаҳонгирнинг суратини кўрдим, — деди чол, — газетага чиқибди.

— Туғилган куни билан табриклишибдими? — пичинг қилди Сенъорита.

— Нималар деяпсиз? Мурожаат учун телефон рақами ҳам берилган, яъни полиция қидираяпти! Қалтис вазиятда жинниманми бўйнимга тош боғлаб?

— Бола ва пулни олиб бораман, кейин-чи? Тош боғламас экансиз, нима қилмоқчисиз?

— Айтдим-ку, бола ва сиз купеда бўласиз, Ёфочоёқ эса вокзалда қолади. — Чол қаттиқ йўталгач, деди:

— Газета улар қўйган қопқони экани аниқ. Ҳозир бирорта рақамдан қўнғироқ қилиб, бола ҳақида баъзи маълумотларни билиб оламан, аммо қопқон эканини кўнглим сезаяпти.

— Майли, қўнғироқ қилинг. Сизга ўз отамга ишонгандек ишондим, отахон.

— Болани Туркиядан чиқариб юборишга сўз бердимми, бажараман!

Ёфочоёқ рус тилини билмагани учун телефон сұхбатидан тоқатсизланди. Фитна уюстирилаётганини сезиб, ҳассасини асфальтга урди:

— Етар!

— Биласизми; мен кимларни ёмон кўраман? — деди Сенъорита унга.

— Биламан, жуда яхши биламан! — ҳовуридан тушмади

Ёғочоёқ. — Нұноқларча қылган ишиңгизнинг мисини чиқарадиганларни ёмон күрасиз. Мияси бор одам ҳам шунақа хавфли ишга овсарларча құл урадими?

— Сиз оқсоқни чалфитиб туринг, мен болани унинг күзидан пана жойга олиб кетаман, — деди чол. — Қарс-Тбилиси-Боку поездига қандай чиқилади, неchanчи купе... сал кейинроқ үзим айтаман.

— Хой, агар алдасанғиз, — телефонга бақирди Сенъорита, — ернинг остидан бұлса ҳам топаман!

— Телефонни үчириң! — Ёғочоёқ телефонга ҳамла қылган эди, Сенъорита қизил тұгмачани босди-да, чол билан алоқані узды.

— Аёлларга шарт құядиган, агар шартини бажармаса, пасткашлиқка бемалол құл урадиганларни ёмон күраман, — деб Сенъорита чұлоққа бармоғи ила пұпса қылди. — Менинг ишим нұноқлик деб сизга ким айтди? Бу мардлик, тушундингизми?

— Албатта, тушунмадим... — Ёғочоёқ хиёл олдинга әнгашди. Шунда Сенъорита унинг ёқасидан тутди.

— Болани үз уйига олиб кетаяпман! — деди газабини босолмай. — Кимсан? Нега ишимга бурнингни суқаяпсан, тұнғиз?!

— Үқитувчи эканимни неchanчи марта әслатишим керак? — деб Ёғочоёқ аёлнинг құлини силтаб ташлади.

— Аввал үзингга бок, ургочи қобон!

— Қанча сүрайсан? — бұш келмади Сенъорита.

— Болани берасан.

— Нима?

— У бола сенинг ҳам, менинг ҳам ватандошим әмас, лекин оёғимиз остидаги ер Турция, мен эса шу юрт фарзандиман. — Ёғочоёқ сұл томонига ишора қылган эди, Сенъорита олисдаги тарихий бино устида ҳилпираётган қизил байроқни күрди. Ёғочоёқ масхараомуз тұнғиллади:

— Фуқаролик бурчим! Уни ҳеч қағон унұтmasлигим керак! Сенъорита иккиланиб қолди: чол ва Ёғочоёқ —

иккаласининг тили бирми? Жаҳонгирни тортиб олишгач, нима қилишади? Полицияга топширадиларми? У ҳолда нега ҳозироқ полиция чақиришмаяпти? Ҳувана, жандармерия ҳодими қўлини орқасига қўлиб, гоз турибди. Ё бефарзанд оиласаларга пуллайдиларми?

Шунда Сенъорита Ёғочоёқни Гулчехранинг ўлимига сабаб бўлган кимсалардан бири, деб ўйлади. Бироқ чол ҳақида бундай хаёлга бориши мушкул эди. Наҳотки, чол Сенъоританинг ҳеч кимга айтмаган режасидан бир кун аввал боҳабар бўлиб, қўшни купега йигирма беш долларлик чипта сотиб олган бўлса?

— Ҳайронман, болани нима қиласан? — сўради Сенъорита тамаддихонага кўз ташлаб қўяркан.

— Бир гапни эзишни ёқтирумайман; — янада қаҳрли тусга кирди Ёғочоёқ.

— У ҳолда ошхонада бафуржа гаплашсак. Поезд жўнашига ҳали вақт бор. Икки сиҳ кабоб билан анор виноси устида...

— Анор ароғи, — тузатиш киритди Ёғочоёқ.

— ...анор ароғи устида келишиб оламиз.

— Келишиб? Нимани?

— Мен қора иш қилаётган бўлсам, сен қоп-қора ишни аллақачон қилиб бўлгансан. Ё янгиш гапирдимми? Фақат бир нарсага ҳайронман. Қандай қилиб изимдан тушишни уddaладинг?

— Ялмоғиз! Мен тұхмат қилганларни ёқтирумайман!

— Бўлмаса, қотил эмаслигингни исботлаб бер!

— Кўрдингми, — деди Ёғочоёқ, — сен ҳамма нарсани биласан, ҳатто ўртада одам ўлиб кетганини ҳам! Қаёқдан биласан? Чунки мен эмас, сенсан ўша қотил! Бечора болакайни ўғирлаб кетиш учун йўлингда фов бўлган тирик жон борки, қуригаяпсан! Фақат мени қуритолмайсан!

Иккови тамаддихонага кирганида, узоқдан пойлаётган чол вокзал саҳнига қайтиб, Жаҳонгирни ахтариб топди. У савдогар хотинга Сенъорита-Ёғочоёқ можаросини

билганича тушунтириди. Бир гул атрофида асалари ҳам, құнғиз ҳам айланишаётган, оқибати эса не бүлишини Яратгандан бошқа ҳеч ким билмайдиган муҳмал дам эди.

— Йүқ, сизга ишонолмайман, — бosh чайқади савдогар хотин Жаҳонгирни қучоқлад. — Сенъоританинг ўзи келсин, гаплашасиз.

— Менга ишонишиңгиз шарт әмас, — деди чол, — болани беришиңгизни ҳам талаб қилмайман. Такрорлайман: бола ва Сенъорита хавф остида. Поездга болани сиз билан бирга чиқариб юборсак, Ёғочоёқ ғафлатда қолади. Умрида бола ўғирламаган аёллар доим шунақа довдирашади-да! Унутмангки, агар икки-уч аёл тил бириктирса, поезд орқали бола ўғирлаб кетиш хамирдан қыл суурғандек осон.

Шундан сұнг чол Сенъоритага яна құнғироқ қилдыра, Ёғочоёқни тамаддихонада чалғитиши тайинлади. Бироқ кечқурунгача Ёғочоёқ билан бирга ўтириши айтишгагина осон эди. Сенъоританинг ҳам құлидағы Ёғочоёқни айблаш учун ҳақиқатта яқын гумонлар боры эди, аммо бу гумонлардан Ёғочоёқнинг бир туки ҳам қылттықтың да этмади. У Гулчехранинг ўлимида айбдор әмаслигини, Жаҳонгирнинг онасидан ўч олиш нияти йүқлигини бот-бот такрорлади.

— У ҳолда сизга саккиз юз доллар пора беришга түғрик келади, — деди Сенъорита сизлашга ўтиб. Худди таслим жасаңыз, бұлаётгандек күринарди.

— Пулингни олмайман!

— Оласиз! Сиз фуқаролик бурчи учун бир лиралик ҳам ҳаракат қилаётганингиз йүқ! Ахир, башарангиз ҳеч қағандағы эгасини сотмайди!

— Шунақами?

— Шунақа.

— Үнда әшит, авлиё! Бир умр виждон азобидан қовурилиш учун саккиз юз камлик қиласы, — мақсадға күчди Ёғочоёқ. — Беш минг доллар! Етмаганига юкларинг ҳам бұлаверади!

— Бегона бола учун шунча тўлайди, деб ўйлаяпсизми?

— Бегона бола экан, зарилми уни чегарадан ўтказишга уриниб? Бундан ёлғиз битта хулоса туғилади: болани сотиш учун олиб кетаяпсан. Россияда уч ёшли ўғил боланинг нархи қанча? Ўн минг доллар бўлса керак? Ўн бешми?

— Майли, — деди Сенъорита бирпас ўйга толиб, қадаҳ қўтараркан. — Лекин кечадан бери ҳолим йўқ, касалман, роса забтига оляяпти... Ичинг! Нима, заҳар солди, деб қўрқаяпсизми? Айниқса, бу ернинг лимонади хуштаъм экан. Бундай лимонадни заҳар қўшиб иссанг ҳам арзийди.

— Менга нима дахли бор?

— Лимонаднингми?

— Касаллигинги айтаяпман, — деди Ёфочоёқ.

— Нега дахли бўлмас экан? Икки соат шифокор назоратида, осма укол олиб ётишим керак. Пулни шифохонадан чиққач, бераман. Қарсга зўрға етиб келдим.

— Ўҳ! Бу фоя ҳозиргина туғилди. Хонимнинг қандай келганини кўрмадикми?

Сенъорита ўрнидан туриб, деди:

— Фалсафа сўқигунча ортимдан юринг, уколимни олиб, сўнг юкларимнинг ёнига борамиз. Бусиз бўлмайди... Бусиз... полиция чақиришингизга ҳам розиман. Икки соатда поезд ҳам кетиб қолмайди.

Улар тамаддихонадан чиқиб, автомобиль бекати сари юришди. Ёфочоёқ бир ўқ билан икки қуённи урганига ишонмоқда эди: пулни ҳам қўлга киритади, болани ҳам.

Такси тўхтатиб, Қарс шифохонасига жўнашди.

— Алдашга уриниш — қамоқ, — ўнинчи марта огоҳлантирди Ёфочоёқ ҳомуза тортиб.

Сенъорита миқ этмади. Кўп ўтмай такси шифохона кўчасига бурилди.

— Бу ёққамас, — деди Сенъорита, — ибодат қилиб, кейин шифохонага кираман.

— Ибодатга бало борми? — эътиroz билдириди Ёғочоёқ.

— Қаерга боришиларингизни аввал аниқлаб олмабсизда, — деди таксичи. — Шифохона, масжид... Иккови икки ёқда бўлса. Хўш, қаерга борадиган бўлдик?

— Масжидга ҳайда, — буюрди Сенъорита. — Илтимос, бошқа савол берма.

— Хўп, хоним.

— Асли қаерликсан? — тусмоллаб сўзлади Сенъорита.

— Негадир қарсликка ўхшамаяпсан.

— Қорақуртданман, — деб пешойнадан қаради таксичи. —

Ўзингиз чет элликка ўхшайсиз. Армани эмас, рус ҳам эмас.

— Савол бермасликка шартлашдикми?

— Хўп, савол бермадим, деб ҳисоблайман, — мўйловини силади таксичи.

Машина масжидга бурилганида, Ёғочоёқнинг боши эгилиб, гавдаси бир томонга оғди. Сенъорита унинг ҳассасини қўлига маҳкамроқ ушлатиб, шивирлади:

— Уйқу дори учинчи марта коримга яради. Омон бўл, Ёғочоёқ. — Сўнгра таксичидан сўради: — Қорақурт қаерда? Қишлоқми у?

— Ҳа, ажойиб қишлоқ. Бу ердан анча узоқ.

— Сенга юз доллар бераман. Бу жанобни Қорақуртгача олиб бор.

Таксичи машинани шошиб тўхтатиб, Ёғочоёқقا тикилди.

— Нима бўлди унга?

— Ухлаб қолди, — деди Сенъорита. — Хўш, пулни оласанми? Ҳозиргина унинг “Ҳали Қорақуртгача боришинг керак” деганини эшиитмадингми? Шунчаки бориб-келганингда ҳам бензинингга куймайсан. Ахир, юз доллар-а! Бунинг устига она қишлоғинг экан. Тасодифлар сенга хизмат қилаётганига хурсанд бўлмайсанми?

Сенъорита вокзалга қайтганида, ранги анча-мунчашиниққан эди.

— Жаҳонгир қани? — атрофга аланглади у. Аксига олиб телефонининг қуввати үтириб қолғанди. — Кимда телефон бор?

— Телефон нима керак? Чол билан дугонанғиз әргаштириб кетди уни, — деб ойнаванд бинони күрсатиши. — Кириң, ичкарида сизни кутишаяпты.

Сенъорита бино ичига ҳаллослаб кирганида, чол ёлғиз үзи қаҳва ҳұпладамоқда эди. Бир-бири билан маңноли күз уриштириши. Чол мамнун эди. Аразлаган ошиқ каби ёлғондакам қовоқ уйиб, телефонни үйнатди, сұнг нигоҳи билан бурчакни күрсатди. Одамлар ортида, яшил стулда Жаҳонгир күринди. Бола анча хафа бўлишига қарамай қўлидаги шириналкни иштиёқ билан яламоқда эди. Савдогар хотин бошини силаб, ундан кўз узмай үтиради.

Кўп үтмай Қарс-Тбилиси-Боку поездига йўловчиларни чиқариш бошланди. Орадан ҳеч қанча вақт үтмай эса Сенъорита ва Жаҳонгир вагон йўлагида ташқарини томоша қилишмоқда эди. Чол енгил таъзим қилиб, ҳаворанг бино тагидаги йўлакдан илдам юриб, кўздан йўқолди.

— Бу... Самайқанд эмасми? — Сенъоритага термулди болакай.

— Йўқ, Туркияning охирги шаҳри. Поезд қанча тез юрса, уйингга шунча яқинлашамиз.

— Аям уйдами?

— Уйда... Онангни үйляяпсанми?

— Соғиндим... — бош силкиди бола.

Жаҳонгирни чегарадан үтказиш учун савдогар хотинлардан олти чоғлиси иштирок этадиган бўлди. Ҳужжат текширишаётганида, улар болани қўлдан-қўлга олиб, текширувчиларни чалғитишлари лозим эди.

Поезд жойидан жилганида, режани янада пухталаштириши. “Аёл бўла туриб, бир бегуноҳ болани қутқаролмасак, аёллик шаънимиз бир пул эмасми?” — дейишиди.

— Ҳаммасига чидайсан, хұпми? — тайинлади Сенъорита Жаҳонгирга. — Аввал ёнимда үтирасан, кейин сени аnavи холанг күтариб олади, ундан сұнг аnavиси. Ёмон амакилар пайқамаслиги учун этаги тагига ҳам яширади, сумка ичига ҳам, юқори полкага ҳам чиқаради. Ухлас деса күзингни шартта юміб ухлайсан, тур деса турасан. Гапларимни тұлиқ тушундинг-а? Ұшандагина уйнингга етиб борласан.

— Тушундим, — деди Жаҳонгир.

— Ҳечам уч ёшли болага үхшамайды, — деди хотинлардан бири.

— Бошида күрганингизда эди, бунақа йиғлоқи, инжиқ бола онасиз бир күн ҳам яшолмаса керак, деб ташхис құярдингиз, — ўрнига чүзилди Сенъорита.

— Ташхис деганингизга шифохона әсимга тушди. Касалингизни Қарсда күрсатдингизми?

— Дори ичиб, қимирламай ётсам, Оренбурггача етиб бораман.

Бироқ Сенъорита оёқ-құлини хотиржам узатса бұладиган ишга құл урмаган эди. У филдек жуссаси билан поезддан сакрашга мажбур бўлишини шу тобда тасаввур ҳам қилмаётганди.

У ёқда, қорақуртлик таксичи Қарс шаҳридан чиқиб, машинасини елдек учирив кетди. Хийла йўл босгача, тезликни пасайтириди. Қорақурт Қарс вилоятидаги катта қишлоқлардан эди. Она қишлоғи томон кетар экан, кўнглига шубҳа оралади. Орқа ўриндиқдаги зот ким? Нега айнан ўз қишлоғига олиб бориши лозим? Хорижлик семиз хотин билан тортишаётган эди, бирдан жимиб қолди ва... кутилмаган буюртма.

— Афандим, туринг, — таксичи ўриндиққа тиззалашиб чиқиб, Ёғочоёқни силтади.

Ўғри-кazzоб кўзини очди. Ҳали қараҳт эди, қаерда, кимнинг машинасида эканини англаёлмади.

— Мўйлов... — хириллади Ёғочоёқ. — Кимсан?

— Таксичиман. Ҳамроҳингиз сизни Қорақуртга олиб

боришни тайинлади, лекин ўз оғзингиздан эшитиб, хотиримни жам қилмоқчи эдим.

— Минг лаънат, ортингга қайт! — Ёғочоёқ ташқарига аланг-жаланг бокди. — Қарс вокзалига ҳайда, мўйловингга ўт тушгур!

Улар вокзалга етиб келишганида, поезддан тутун иси ҳам қолмаган эди. Ёғочоёқ бир оёғини судраб, вокзал ходими ўтирган хона туйнугига тумшуфини сукди.

— Поезд Тбилисига соат нечада етиб боради? — дағдаға аралаш сўради у.

Ходим поезднинг Ахалкалаки ва Тбилиси шоҳбекатларига борадиган вақтини айтиб, эндиғина Озарбайжондаги шоҳбекатлардан оғиз очганди, Ёғочоёқ тишларини фижирлатиб, туйнукдан бош олди. Шубҳасиз, Сенъоритағолиб келган эди. Бирорда зифирча хусумати бўлса, то қасос олмагунча, уйқусида ором бўлмас Ёғочоёқ дарров чамалади: поездга етиб олмоғи учун самолётга ўтириб, Бокуга учиши, Бокудан Ганжа томон қайтиб, шоҳбекатда поездни кутиб олиши, пойтахтга етгунча болани ўғирлаб кетиши мумкин эди. Жаҳонгир ўғирланса, Сенъорита ҳеч кимга арз қиломайди. Нима деб арз қиласди?

— Ҳозирча фақат Қарсдаги бола билан кифояланар эканман-да, — деди у вокзалдан чиқиб.

Осмонни булут-қоплади. Сенъорита ёмғир ёфмаслигини айтган эди, аммо Ёғочоёқ Ниҳат берган манзилга етиб, эшик қоққанида, ёмғир томчилади. Эшикка чиққан кишининг териси устихонига ёпишган, ёноқ суяклари тирсак уриб чиққан, кўзлари йилтираган тирик мурда эди.

— Кимсиз? — ўқрайди у.

— Ёғочоёқман. Истанбулдан Ниҳат юборди.

— Кетинг.

— Қаёққа? Чўнтағимда икки минг доллар...

— Ниҳат айтган бола ўлди, — деди устихон. — Доллар билан тирилтиrolмайсиз. Ўлиги керак бўлса, олиб кетаверинг.

Эшик ёпилди. Боягина иккита бола ва беш минг долларни қўлга киритиб, шунча “бойлик” билан

Истанбулга қандай кетишини ўйлаётган Ёғочоёқ ҳеч вақосиз ҳилвираб қолди. Ёмғир кучайди.

— Ўлдираман, — Ёғочоёқ алам билан кўкка боқди.

— Агар ўша хизматкорнинг боласи қўлимдан қутулиб кетса, кўрган кунларим ҳаром!

Иккинчи кун тонг чоғида у Истанбулнинг Ка-дикўйидаги уйида сигарет тутатиб ўтиради. Олис Қарс шаҳридан шумшайиб қайтиб келди. Хаёлида пишган режаси шу эди: бугун Бокуга учади. Грузия орқали Озарбайжонга кирган поездни энг камида Ганжа шаҳрида кутиб олиб, ёвуз ниятини амалга оширади.

У эшикка юрди, аммо не мақсадда оёқ ростлаганини унудти. Овқатланмоқчи эдими ё эшикни очиши билан Озарбайжонда пайдо бўлиб қолишига ишондими? Авиакассага қўнғироқ қилиши, чипта буюртма бериши даркор эди, шунинг ҳаракатидамиди? Ёинки ичмоқчими, марихуана чекмоқчими, ўлмоқчи эдими?

Қанчалик истамасин, поездни энди қувиб етиш осон эмасди. Поезд Шарққа жўнаган бўлса, Ёғочоёқ автомобилда Фарбга қайтди. “Нима қислам экан? Нима?! Нима?..” тишлари фижирлаб, юзи буришиб, кўзлари қисилиб кетди унинг. — Нега Истанбулга келдим? Ортидан бўридек қуввламайманми! Ношудманми? Йўқ-йўқ, хизматкорнинг боласини барибир қўлга киритаман! Барибир! Қарслик бола ўлди, аммо Жаҳонгир тирик! Мени тақдирнинг ўзи унга бот-бот рўпара қиласяпти. Бу сафар ҳам яна учрашаман. Қочиб қутулолмайди омадли зумраша!..”

Аламини Ниҳатдан олиш учун рақамларини терди. Кечадан бери ишламаётган телефон гудок берди.

— Менга касал болани тавсия қилдингми, ярамас??

— бақирди унга. — Қарсдан икки қўлимни бурнимга тиқиб қайтдим!

— Соппа-соғ эди, — деди Ниҳат. — Аввал сўра нимадан ўлганини...

— Ақл ўргатма, гадой!

— Заҳарланибди.

— Вұ, махлук! Ҳали кинолардагидек кимдир заҳарлабди, дерсан?

— Ёш болада сен билан мендан бوشқа кимнинг қасди бор? — деб Нұхат хұрсинди. — Билмасдан заҳар еб қўйган. Қаровсиз қолган бола эди, бечора Қарсдан қачон кела қолдинг?

— Ҳозир келдим. Гўрингга фишт қалаб ўтирибман.

— Кап-катта одамлар билиб-бilmай заҳар ичиб қўйишганида, ёш болани айблаб нима қиласан?! Уни Аллоҳ раҳмат қilsин.

Ёғочоёқ Қарс вокзалидаги тамаддихонада Сеньорита қандай усталик билан уйқу дори берганини ўйлаб, таъби баттар хира бўлди. Ундан кўра семиз савдогар ҳам, Жаҳонгир ҳам йўлда учрамагани афзал эди, минг марта афзал эди. Оғир уф тортди. Юрак-бағри аламдан куйиб кетаётганди.

— Менга қара, — кўзлари олайди Ёғочоёқнинг, — умрингда бир марта сен ҳам бирор ишни эплаганмисан?

— Боланинг ўлишини қаёқдан билибман?

— Мижғовланма!

— Кеча эплаган ишимни айтайми?

Эшик тақиллади. Ёғочоёқ хайр-маъзурни насия қилиб, телефон тугмачасини босди-да, даҳлизга юрди. Шу тобда Мустафобейникига бориш учун ўрнидан турганини эслади. Ким экан деб кўзчадан қаради. Оқ футболкали, соқоли олинмаган, эгни қисилган бу одам Мустафобейнинг шахсан ўзи эди.

— Кечирасан, — деди чақирилмаган меҳмон диванга чарchoқ билан ўтиаркан, — кеча йўлда айтган гапларингга тушунмадим. Мана, тонг отмасдан Кадиқўйдаман. Гапир, нима бўлди? Бир қарслик бола дейсан, бир чет эллик.

— Нұхат айтган Қарсдаги бола ўлди, — Ёғочоёқ яна сигарет тутатди. — Уни олиб кетишга бораётиб, поездда анави хизматкорнинг боласини кўриб қолдим.

— Қайси хизматкорнинг?

— Сенинг уйингда оқсочлик қилган самарқандлик аёлнинг.

— Бўлиши мумкиймас! Унинг ўғли поездда нима қилиб юрибди? — Мустафобейнинг уйқуси очилди.

— Россиялик савдогар хотинлар олиб кетишашаёт. Истанбулдан Қарсача, Қарсдан Бокуга. Кейин у ёғи Россияга.

— Россиялик савдогар хотинлар? Қанақасига олиб кетишади? Нима, улар бола ўғирлайдиларми? — хушёр тортди Мустафобей. — Балки озарбайжонликлардир? Лайлонинг озарбайжонлик хуштори эпчил чиққанга ўхшайди.

— Йўқ, мен ҳаммаёқни ҳидладим, озарбайжонлик Юсуф хотинчаси билан гум бўлган, — деворни муштлади Ёғочоёқ. — Бола қўлимда эди, шундоқ чангалимда! Қаёқдан ҳам бирга ўтириб алвастининг қўлидан лимонад ичдим-а! Дори қўшилган лимонад суробимни тўғирлаб қўйди! Хаёлимга ҳам келмаганди унинг дори олиб юргани, тайёргарлиги борлиги! Лъянат! Лъянат! Лъянат!

— Асабийлашма! Калаванинг учини топамиз. Лайло ҳалиги кампирнинг ўлимида айбланиб қамалгач, болани озарбайжонлик йигит олиб кетди. Ҳўш, ундан кейин Лайлонинг ҳамشاҳарлари қўлдан қўлга ўтказишиди ва бирдан йўқотиб қўйишиди. Нима сабабдан?

— Россияга гум қилиш учун, — ўгирилди Ёғочоёқ. — Улар кампирнинг ўғлидан қўрқиб, болани Россия орқали Ўзбекистонга олиб кетиш режасини ишлаб чиқишиган. Каллам секин ишласа ҳам, барибир ишлайди.

— У ҳолда анави хизматкор хотинни эҳтиётсизлик туфайли машина босиб кетгани аниқ, — деди Мустафобей.

— Боланинг йўқолишига сабаб ўша ҳалокат. Яъни болани Лайло томондан ҳеч ким билмайдиган жойга яширгани, сўнг хабардор қилишга улгурмагани ипни чувалаشتариб юборган. Агар хизматкор хотинни бола ўғирланган мақсадида ўлдиришганида, бола россияликларнинг қопига тушмасди. Машина босиб кетиш — тасодиф! Хизматкор эса ўлимидан олдин россияликлар билан

болани Туркиядан чиқарып кетиш масаласида яхшилаб келишігандың үхшайды. Мен кече ҳам суриштирдим, болани Лайлонинг яқинлари ҳам ахтаришайты. Бундай олиб қараганда, бола ҳозир ҳақиқатан ҳам әгасиз... Лекин асабийлашсанг арзидиган воқеа экан, Ёғочоёқ! Сал қолибди-я әгасиз болани құлға киритишингга!

— Ўлган хотинни ўтган сафар ҳам хизматкор деб атагандынг, — у ёқдан-бу ёққа юрди Ёғочоёқ. — Лайлор хизматкор эди, ўлган хотин эса савдогар. Бундан хулоса шүки, улар Россияга поездда мол ташийдиган таниш савдогарлар орқали болани Туркиядан чиқарып юборишишмоқчи бўлишганды.

— Туркиядан аллақачон чиқарып бўлишди, — соатига қаради Мустафобей.

— Унга етиб оламан!

— Қанақасига?

— Бугун Бокуга нечта авиарейс бор? Тезроқ чипта олиб, тэзроқ бу ердан даф бўлишимга ёрдамлаш! Нега менга анқайиб қарайсан-а? Болани қўлдан чиқарадиган аҳмоқ йўқ! Менга аванс бериб қўйишишган, аванс!

— Телбасан, Ёғочоёқ! — норози бўлди Мустафобей.

— Ҳа, сен доносан! Мен Озарбайжон худуди бўйлаб ўша поездни ахтариб топгунимча сен Истанбулда муҳим топшириғимни бажарасан!

— Нима иш экан? — тумшайди Мустафобей. — Ишқилиб Ниҳатни уриб ўлдириш эмасми?

— Бугун-эртан менга донорни сўраб қўнғироқ қилишади. Қарсдаги бола ўлиб қолибди, нағбатдагисини овлаш учун Озарбайжонга учиб кетаяпман десам, икки дунёда ҳам ишонищмайди.

— Мен қандай ишонтираман? Буюртмачиларинг билан, ҳаттоки, телефонда ҳам гаплашмаганман.

— Шошмасанг-чи, мен Гулчехра ҳақида гапирмоқчиман. Болани россиялик савдогарга берган экан, уларнинг танишлиги аниқ. Гулчехра ишлаган жойни ахтариб топасан, кейин экан Сеньорита лақабли россиялик семиз хотинни суриштирасан. Болани айнан ўша Сеньорита

олиб кетаяпти. У Россиянинг Татаристонидан эканини, миллати татар эканини биламан, холос. Менга бу семиз алвасти ҳақида тўлиқ маълумот керак. Ҳақиқий исм-фамилияси, Россиядаги манзили, Истанбулдаги квартираси. Тушунарлими, Мустафо?

— Болани ўз қули билан топширадиган қилмоқчимисан?

— Шунга яқинроқ. Аммо Озарбайжонга барибир учаман.

Стол устидаги телефон фириллаб қўзғалди ва мусиқа тараала бошлади.

— Буюртмачилар бўлмасин-да, — деб Ёфочоёқ экранчага кўз ташлади. — Э, Ниҳат экан. Аблаҳ нима демоқчи ўзи?

— Ёфочоёқ, — деди Ниҳат алоқа улангач, — гапимга қулоқ сол. Мен телефонини топиб олган аёл...

— Ўлган савдогар аёл, яъни Гулчеҳра ҳақида гапирайпсанми? Мингирилмай аниқ-тиниқ сўзла!

— Унинг савдогар эканини биларкансан-да? — ҳайрон қолди Ниҳат бурнини тортиб.

— Мени қандайдир овсар билан адаштирма! Бир нималарни аниқлаганга ўхшайсан, имилламай гапир!

— Лаълили бозоридаги цехлардан турли либослар, газламалар олиб, юргига жўнатиши билан шуғулланган.

Ёфочоёқнинг кўзи равшан тортиб, деди:

— Наҳотки, қўлингдан иш келаётган бўлса, Ниҳат?

— Кўп қувонма. Бу маълумотни бирордан эшишиб қолдим, рус дўкондоридан. Афсус, изидан тушолмадим, айғоқчилик қўлимдан келмайди. Мабодо одам топсанг, ўша нусхани кўрсатаман.

— Одам топилди деб ҳисоблайвер, — деб Ёфочоёқ Мустафобейга кўз ташлади ва ўзига-ўзи деди: — Ўлсан арвоҳим ҳам тинч қўймайди болакайни!

— Яна бир марта айтаман, сен телбасан, Ёфочоёқ, — деди Мустафобей.

— Бекор айтибсан, — телефонни диванга улоқтириди бола ўғриси, — ўзинг телбасан! Агар соғ бўлганингда, университетда олган билиминг, шу ёшга кириб, тижорат бобида ортирган тажрибанг билан бунақа хор-зор бўлиб

юрмасдинг! Битта дўконни эплолмадинг! Чунки Ҳасанга суяндинг. Ҳасанга фақат тентаклар суянади!

— Гапир, гапинг ичингда қолмасин. Негаки, эртага сени Озарбайжонда ҳибс қилишади, қамоқда ўлиб кетасан.

— Хонавайрон бўлаётган бей Анқарадан Истанбулимизга кўчиб келдилар-да, қимматбаҳо уйлардан бирини ижарага олди. Бу ҳам етмагандек минг долларга ёш, гўзал жувонни хизматкорликка ёллади. Энди эса ўзи минг долларга зор! Муаллимдан чиққан бей, бейдан чиққан мирқуруқ!

— Агар Лайлони ишга олмаганимда, ўғилчасини икки дунёда ҳам кўрмаган бўлардинг!

— Узингни соғ қилиб кўрсатишга баҳона топгунча ҳозироқ Ниҳатнинг уйига жўна! — деди Ёғочоёқ. — Топшириқ нима эканини тушунтиридим, бей.

— Бажараман, — деди Мустафобей кўзини лўқ қилиб. — Иккита шартим бор. Биринчиси, мана шу йил охиригача эллик минг доллар ишлашим керак. Иккинчиси, университетда ўқиганимни, ўқитувчилигимни қайтиб юзимга солма.

— Қўрқма, ўзимни ўқитувчи деб таништириб юрибман, сенинг хотираларинг мен билан яшаяпти. Пулга келсак, эллик мингдан ортиқ ишлашинг мумкин. Нишонимда болалар кўп.

Бу вақтда Туркия-Грузия чегарасидан ўтишни эплаган Сенъорита сардорлигидаги савдогарлар эртасига Грузия-Озарбайжон чегарасини ҳам эсон-омон ортда қолдиришибди ва поезд бағрини шоду хуррамлика, қадаҳлар жарангига тўлдириб, Каспий бўйига шошилдилар. Қарслик чол ва унинг таниши ўргатганидек улар мусофир болакайни қўлдан қўлга ўтказиш усули ила божхона ходимларию жамики назоратчиларничув туширишибди. Зафар қозонган жиноятчи хотинларни озарбайжонларнинг шукуҳли пойтахти — Боку кутмоқда эди. Бироқ қанчалик сир сақлашга уринишмасин, Жаҳонгирнинг таржимаи ҳоли бошқа вагондаги хотинларга ҳам тарқалиб бўлган эди.

Ожизаларга теккан касал: хурсандчиликда эҳтиёткорликни унудишиди, ғалаба оғизлардаги түгүнларни ечиб юборади, фийбатли воқеаномалар урчиди.

— Ким айтди? — Сенъорита жингалаксоч нұғой хотинга дүк урди.

— Вой-вой, мени сотқин деб ўйлаяпсизми? — бидирлади жингалаксоч. — Кимдан эшитганимни ҳам, болакай яширинча олиб кетилаётганини ҳам ҳеч кимга гулламайман. Назоратчи купеда вино ичганларни топмоқчи бұлғанда миқ этдимми? Ын бир минг долларлик молим хавф остида қолса ҳам оғиз очмадим-ку! Айниңса, бола учун жонимни бераман! Ишонасизми, шунақа раҳмим келди, шунақа раҳмим келди... Ухлаяптими? Ўйғоқ-ку! Салом, Жаҳонгир! — Нұғой савдогар болакайни қучоқлаб үпди. Жаҳонгир поездга ва унинг йұловчиларига анча-мунча күніккан әмасми, юзини индамай тутди. — Қаймоқнинг исими? — Боланинг оғзини ҳидлади. — Грузин қаймоғи-ку! Ахалкалакидан олғанмидингиз, Сенъорита?

— Мен сендан савол сұрадым, — Сенъорита қаддини ростлаб, купе деворига бέхол сүянди. — Боланинг эркалатишга чақирганим йүқ.

— Қўйинг шунақа гапларни, Сенъорита! Қаймоқдан биз ҳам едик. Роса боплаб тайёрлашар экан-а? Наҳотки ширинтойни Ўзбекистонга олиб кетаётган бұлсангиз? Узоқ әмасми? Йұлда қийналади, деб ўйламадингизми?

— Йұқол! — янада ҳолсизланди Сенъорита. — Сен аёлсан... Бефаросат булишга ҳаққинг йүқ!

— Уни купемизга олиб борсам майлимі?

— Құлғинга танбур чертаяпманми, гаранг!

Шу он купе эшиги очилиб, яна бир савдогар хотин бош суқди.

— Бұла қолсанг-чи, кутаяпмиз, — деди у дам жингалаксочга, дам Жаҳонгирға қараб. Кейин Сенъоритага ялинди: — Жавоб беринг, Сенъорита, унга ўрганиб қолдик. Олис сафарда биз — аёлларға ҳамиша ҳам шундай болача ҳамроҳ бұлавермайди-да.

— Хўп, сенга ишониб жўнатаман, лекин дарров олиб келинглар, Бокуга яқин қолдик... — Сенъорита Абдулинга қўнғироқ қилди.

Ҳақиқатан ҳам Боку яқин эди. Сенъорита Абдулинга қўнғироқ қилди.

— Вокзалда ўтирибман, икки қўзим рельсларда нигорон, — деди Абдулин.

Қуёш уфқдаги сўнгги рангларини ҳам ўчириб, поездни қоронгилек қўйнида қолдирди. Олис сафари чоғида гоҳ секин, гоҳ шитоб-ла бораётган темир карвон азалий қўшифи “тарақа-туруқ”ни баралла куйламоқда эди.

Поезд одамларга хизмат қилиб чарчамайди, поезд одамларнинг ўзлари темир-терсакка айлантиришмагунча ишлайверади. Мен чарчадим ёки фалон вагонимда қабиҳ ниятли киши ўтирибди, деб эътиroz билдирмайди. У ўз йўлида учраган ҳар қандай тирик жонни ҳеч бир виждан оғриғисиз шартта мажақлаб ўтгани каби Ёғочоёқ ҳам салкам темир маҳлуққа айланиб бўлган эди. Мазкур Қарс-Тбилиси-Боку рейсидағи поездга Ганжада эмас, мамлакат пойтахтига бир бекат қолганида зўрға етди, аниқроғи, Боку аэропортидан келиб, кутиб олди. У вагонга чиққач, оч бўридеқ тимирскаланиб вагонма-вагон тентиради. Ва байни нўғой хотин Жаҳонгирни вагон йўлагида етаклаб кетаётган жойида учратди. Ёғочоёқ оқ кўйлак, бўйни бўшаштирилган бўйинбогда эди. Бундан ташқари гардишли кўзойнак ёрдамида у зиёли чол қиёфасига киришни уddaлаганди.

— Ресторандан яхна чой олиб бераман-да, бир зумда кираман купега, — деди жингалаксоҳ ҳалиги аёлга. — Кутинглар.

Ёнидан ўтишаётганида, Ёғочоёқ вагон ойнасига қапишди. Темирйўл ёқасидаги қишлоқларнинг чироқлари лип-лип этиб ортда қолди, темирйўлни кесиб ўтган чароғон кўча қишлоқ этагига чўзилган жамолини оний лаҳза намоён этди, светофор қўнғироғи жиринги эса охирги вагон сари югурди. Момиқ қўлини

жингалаксоч холага ишониб топширган Жаҳонгир уйқусираган кўзларини мўлтиратиб лапанглаб борар, вагон оҳиста тебранаар эди. Жаҳонгир ишондики, бу хола ёмонлик қилмайди, поезд ҳам энди боғчадаги ўйинчоқ сингари қувноқ.

Қайтишда Ёфоёқ уларни тамбурда тўхтатди.

— Жаҳонгири ҳара апарирсан? — деб сўради озар тилида. Ёфоёқ Озарбайжонга охирги марта 2000 йилда келган, йўллар яхши эсида, хусусан, озарбайжон тилида ҳам, гарчи бузуқ талаффузда бўлса-да, гаплаша оларди.

Нўғой хотин довдираб:

— Сиз уни танийсизми? — деб рус тилида сўзлади.

— Мен рус тилида гаплашишдан нафратланаман, — деди Ёфоёқ дарҳол туркчалаб. — Озарча билмас экансан, майли, турк тилида гаплаша қолайлик. Туркиядан келиш осон бўлмади, ҳаммадан ҳам Сеньорита қийналди.

— Кимсиз? Сизни биринчи марта кўраяпман.

— Бокулик Юсуф оғаман. Биринчи вагонда эдим. Болани Боку вокзалидаги текширувлардан мен ўtkазиб беришимни Сеньорита илтимос қилди... Юр, болажон! — Ёфоёқ Жаҳонгирнинг қўлидан чанглаб, ресторон-вагонга кирди. Нўғой хотин бир зум анграйди-да, анифини сўраш учун савдогар хотинлар ўтирган купега чопди.

Ёфоёқдан қўрқсан Жаҳонгир ҳиқиллаб йиғлай бошлиди. Инсоф-имондан мосуво ўғри уни ресторандан кейинги вагонга етаклаб келиб, олдиндан тайёрлаб қўйган жомадонини очди, сўнг ҳушдан кетказувчи дори сепилган дастрўмолни Жаҳонгирнинг юзига куч билан босди. Шўрлик бола балиқдек типирчилади, сўнг жиққа ёш кўзларини бир олайтириду шилқ этиб йиқилди.

Сеньорита буйракка ёрдами тегиши керак бўлган дорини ичгач, оғир уҳ тортиб, вагон шифтига тикилди. Нималар бўляяпти? Дунё шу поезд каби ўтадикетади, инсондан яхшилик ва ёмонлик отли ном қолади. Номлар тирикларнинг мияларида, тилларида, улар ёзиб қолдирган хатларида яшайди. Кейин-чи?

Бу ном даҳшатли ёки буюк воқеликка айланади. Яшаган кунларнинг ҳисоби берилади, ҳақиқий амал дафтари очилади ва ҳар саҳифасининг очилишидан ҳосил бўлган шамол бундай поездларнинг ўнтасини жойидан жилдиради. Ҳокисор кишиларнинг, хусусан, Шафақнинг амал дафтари саҳифалари капалакнида учириб юборолмаса керак. Дунёга келиб, у кимга ёмонлик қилди? Ё шароб ичдими? Эрига хиёнат қилдими? Бироннинг ҳақини едими? Жаҳонгир Шафақнинг қўлида қолгани яхшироқмиди? Ўша куни иккиланди, шу боис ҳам Шафаққа эрталаб Истанбулдан жўнаб кетишини айтди, айтдию ундан сир тутишни истаб қолди, дори билан ухлатиб қўйди оқсоқ қизни. Шаҳар бедарвоза эмас, Жаҳонгирнинг ҳам ҳимоячилари етиб келишармиди? Бу дунёда ҳаммани ларзага солишни истаб яшаймиз, у ёқда-чи? Икки дунё шармандалигидан ўз паноҳингдан асра, деб онаси бежиз илтижо қилмаган экан-да. Азобдан эмас, айнан шармандаликтан! “Мен ҳам шарманда бўламанми? – деб сўради Сенъорита ўзидан. – Балки шармандаликтан ҳам оғир ҳолнинг олдини олгандирман? Шу норасидани ўз падари қўлига элтиб бериш учун жонимни-ю молимни неча бор хавф-хатарга қўйдим? У ёғига Абдулин олиб кетади, кўз қорачиғингдек асра, дейман, ҳар бир қадамидан боҳабар бўлиш учун қўнфироқ қилиб тураман...”

– Ҳар бир қадамидан боҳабар бўламан, – пиҷирлади Сенъорита.

Бироқ шу ондаёқ ичига фулгула тушди: “Айни дамда хабардорманми? Қўшни вагондаги савдогар хотинларнинг ёрдами тегди, индамасам, ҳаддан ташқари эҳтиётсизликка йўл қўйиб, зарари ҳам тегиши мумкин-ку... Жаҳонгирни бола меҳрига ташналиги учун олиб кетишиди, лекин қалтис дамда... ташналиктин мавриди эмас... мавриди эмас...”

Сенъорита купедошини туртди, уйғонмади. Отарга оралаган бўрининг ҳиди димоғига урилган бўрибосардек у Ёғочоёқни сезди, секинлашаётган поезднинг

қайсиdir вагонида юрган малъунни ҳис этди. “У ҳозир шу вагонда! Қандай қилмасин, поездни қувиб етган!..” Қарс вокзалидаги чол Жаҳонгирнинг суратини чоп этган газета таҳририятига қўнғироқ қилиб, сурат ортида жиноятчиларнинг тузоги борлигига амин бўлганини ҳам бежиз гапирмади. Мусофир гўдакнинг ортидан тушганлар кўп, олғирлар кўп. Улар Россиягача қувиб келишлари мумкин.

— Қаердасанлар? — йўлакка чиқсан Сенъорита гандираклаб кетди. — Купенг қайси бири эди?

Йўлакдагилар ўзи-ўзига гапираётган басавлат хотинга ажабсиниб қарашди. Тамбур эшиги очилиб, шу вагонга шошиб келаётган нўйой хотиннинг шериги кўринди. Унинг ташвишманд юзи Сенъоританинг юрагига иғналарни қадади.

— Ҳамхонам Жаҳонгирни Юсуф оғага бериб юборибди, — деди савдогар хотин. — Сиздан сўрай деб келаяпман.

— Қанақа Юсуф оға? — Сенъорита бостириб борди.

— Келинг, тамбурда гаплашайлик, ҳеч ким эшитмасин.

— Гапни чўзма!

— Анави вагонда... ўзингиз айтган экансиз, Бокудаги текширувлардан ўтказиб беради, деб... Мен ҳам ишонмай, купенгизга чопиб келаётгандим. Юсуф оға дегани йўқ эди-ку, қаердан пайдо бўлиб қолди?

— Ҳеч кимга ҳеч нарса демаганман! Қаёққа олиб кетди?

— Аввал ресторон-вагонга, кейин ундан нариги вагонга.

Иккови ресторон-вагонга шошилишди. Овқатланиб ўтирганлар орасида Жаҳонгир ҳам, нотаниш киши ҳам кўринмасди. Орқадан нўйой хотин келган эди, Сенъорита:

— Болани кимга бердинг? — деб гиппа бўғди.

— У... у сизнинг топшириғингиз эканини айтди.

— Қаёққа кетди? Орқасидан бормадингми? Афти қанақа эди?

— Тўғрига... Эллик ёшларда, шляпали, кўзойнакли...

— Дарҳол қўшимча қилди: — Чулоқ эди! Шу поездда бўлса, топамиз, опа.

— Чүлоқ? — Сенъорита вагон-ресторандагиларни лол қолдириб, шундай тез чопдикى, ҳамроҳлари орқада қолиб кетди.

— Туркми? — ортига қарамасдан сўради.

— Турк! — топишмоқ жавобини топгандек қувонди нўйой хотин.

Улар вагон-ресторандан кейинги вагон тамбурида-ю йўлагида ҳам на чўлоқ кимсани, на болани учратиши. Поезд сигнали чалинди, манзил яқин эди. “У ёғочоёқдан бошқа ҳеч ким эмас!” — кўнглидан ўтказди Сенъорита. Сўнг хотинларга деди:

— Менга қаранглар, ҳозир бола топилса, ўғри бизни сотади, катта тўполон бошланади! Бошқаларга ҳам тайинланглар, назоратчилардан Жаҳонгирни яширишимиз керак! Тушундиларинг-а, яна бир марта бир ёқадан бош чиқарайлик!

Ресторан-вагонга баланд бўйли назоратчи ва милиция ходими кирди. Ўтирганларни саволга тутишган эди, улар савдогар хотинлар қайси вагонга чопиб ўтишганини кўrsатиши.

— Кисқаси, сумка йўқолган, — деди Сенъорита. — Уларни шу баҳона билан chalfitingлар, мен кетдим!

Даставвал Сенъорита охирги вагонгача бормоқчи бўлди. Поезд бекатга етгани йўқ, шундай экан, ўғри бирор купега биқиниб олган.

Шу пайт тамбур эшиги қўрқинчли тарақлаб, филдирак тарақ-туруғи кучайди. Сенъорита ҳарсиллаб чопди. Вагоннинг ташқари эшиги очиқ эди, чироқлар ёруғида темирийўл ёқасидаги оқимтирип дўнгликлар лип-лип этиб ўтмоқда. Шунда зинага қапишиб ўтирган кимса гавдасини хиёл кўтарди-да, ўзини поезддан ташлади. У билан бирга яна нимадир пастга қулади. Иблисга бас келадиган бу одам қаердан бўлса ҳам қалитни топган, сўқир омад қулиб боқиб, поезд секинлашганда ниятини амалга оширган эди.

— Тўхта! — қичқирди Сенъорита, кечиккан бўлса-да, тилига бундан ортиқ сўз келмади. — Эй Худо!..

Сенъорита зинанинг охирги погонасига қадам қўйди, кўзлари мушукнидек ёнди. “Наҳотки, у болакайни ҳам поезддан ташлаб юборди?” Поезд эмас, вақт карвони эди бу. Ҳозир бир қарорга келмаса, барчаси тугайди. Орқадаги вагондан тушган шуъла темирйўл ёқасида ётган икки қорани оний лаҳза ёритиб ўтди. “Бири Ёфочоёқ, иккинчиси Жаҳонгир! Йўқ, қути шекилли. Бутуллак уни қутига жойлаштириб, итқитдимикан?” – ўйлади Сенъорита. Ҳозир ташламаса кечикади.

– Парвардигорим, фақат сенга ишонаман, – деди-ю оёғига куч бериб, қўлларини қўйиб юборди. Ергашунчалар зарб билан урилдики, тиззалари букилиб, юзига тегди, сўнг чирпирак бўлиб айланиб, қумлоқ ариққа гурс этиб тушди. Еру кўк айланишдан тўхтади, қулоқлари чиппа битиб, бир лаҳза гарангсиб ётди. Суяклари синмади, жони ҳам узилмади, у тирик эди.

– Жаҳон!.. – деди қумлоқдан бош кўтариб. Кейин соҳилга чиқаётган тимсоҳдек Ӯрмалади

Омад кўпроқ Сенъоритага кулиб боққан эди. Ноқулай йиқилган Ёфочоёқнинг аҳволи танг бўлиб, жомадонга судралиб етди. Шунда ўғрининг орқасида айиқдек гавда жонланди. Қанчалар абгор бўлишганини Сенъорита ва Ёфочоёқ бир-бирига қараб билиб туришарди.

– Ўлсанг қутулар эканман-да! – деди дарғазаб Сенъорита ва қулоchlакашлаб чаккасига мушт туширди, оёққа туроётган ўғри темирйўл тошлари устига ўтириб қолди. Жон-жаҳди ила хотинга ҳамла қилмоқчи эди, чангакдек ёпишган қўллардан халос бўлмади: пўстакдек ҳилпираб, яна тошга қулади. Сенъорита унинг кўксига гурсиллатиб тепиб йиқитди, охирги вагон ҳам ўтиб, қизил чироқлари вижирлади.

– Ишонмасанг телефон қил, – хириллади Ёфочоёқ.
– Телефон... телефон...

– Болам қани? – Сенъорита филникидек оёқлари билан оғир-оғир тепди, Ёфочоёқ ўлар ҳолатга келиб, ихради.

Жомадоннинг қаттиқ қопламаси синган, аммо оғзи очилмаган, қулфлари соғ эди.

— Истанбулдан қўнфироқ қилишади, кимлигингни аниқладим, — деди Ёфочоёқ қон туфлар экан. — Менмас... сең... сен... бола ўғирлашда айбланасан!.. Қамаласан!.. Асли қаерликсан, нима ишлар билан машғулсан — ҳаммасини аниқладим... Ишонмасанг, Истанбулга қўнфироқ қил... Сен тамомсан!

Сенъорита қўлига илинган тошни отди, ўгри фарёд уриб бошини чангллади.

— Сен Истанбулда қавдо билан шуғуллангансан, болани Гулчехра исмли ўзбек хотиндан олгансан... — деди Ёфочоёқ қонига беланиб. — Майли, болани олиб кетасан... Лекин қаергача?.. Ўйлаб кўраяпсанми шуни?.. Мен бир киши эмасман, саккизтаман, тўққизтаман, ўнтаман... Лаълили бозорими, бошқа бозорми, сенларни топиб, барибири ўлдирамиз... Битта сени эмас, ҳамроҳларингни ҳам!.. Яхшиликча болани бер!

Ёфочоёқ хушсиз Жаҳонгирни жомадонга жойлагач, атрофига ёстиқ ва кийимларни тикиштирган, шу йўсинда лат ейишдан сақламоқчи бўлган эди. Сенъорита жомадондан чиқаргач, Жаҳонгирда ҳаёт асарини тополмай:

— Болагинам, ўлма... Илтимос, ўлма... — дейа ерга авайлаб ётқизди. Қўлчаларини, бўйнини ушлаб кўрди, юрагига қулоқ солди. — Ўлмайсан!.. Ўлишга ҳаққинг йўқ!.. Ўрнингга мен ўлай! Мен!.. Мен!.. — Оғзига ҳаво пуфлаб, кўкрагини уқалай бошлади. — Кўзингни оч!.. Нафас ол!.. Ол дедим!.. — Сенъорита ёш қизлардек ҳўнграб йифлаб юборди. — Тирил!!! Ўлма-а-а!.. Ҳой, ким бор? Ердам беринглар!

Жаҳонгир индамай ётарди. Бошида чирқиллаётган аёлнинг илтижосини эшитмаётган, ҳаётга қайтариш йўлидаги саъй-ҳаракатларини сезмаётган эди. Поезд тобора секинлаб, ахийри фийқиллаб тўхтади.

— Тегинма унга, — деди Ёфочоёқ.

- Калимангни қайтаравер, ит! — бақирди Сенъорита.
- Бола күзини очмаса, сени шу ердаёқ бўғиб ўлдирман!
- Дори ҳидлатганман.
- Сени ажалинг етаклаб келди, билдингми, эй ҳайвон?!
- Унга ҳушидан кетказувчи дори ҳидлатганман!
- такрорлади Ёфочоёқ. — Қара, поезд тұхтади. Ҳозир иккимизни ҳам құлга олишади. Хұп, менга бола керакмас. Мени сотмасанг, мен ҳам сени сотмайман, Сенъорита! Ҳеч нима бўлмагандек поездга чиқиб, үз йўлимизда давом этамиз. Сен ҳам бола ўғирламагансан, мен ҳам!

Шундан сўнг Сенъорита йифидан тұхтаб, дам бола ўғрисига, дам поездга қаради. Чиндан ҳам одамлар күринди. Вужудини қулоққа айлантириб Жаҳонгирнинг кўксини тинглади ва юракчasi заиф уриб турганини эшилди. Ҳозир ҳаммаси ошкор бўлади: БОЛАКАЙ — Туркиядан ҳужжатсиз келтирилаётган инсон, АЁЛ — яхши жиноятчи, ЭРКАК — ёмон жиноятчи.

— Тавbamга таяндим, — деди Ёфочоёқ. — Уларга мени эски танишим, деб айт. Мастиқда гаров ўйнаб, үзини поезддан ташлади, де! Болани эса анави ўт-ўланлар орасига ётқиз. Жомадон синигини кўрсат. Менга ишон, бола ўлмаган. Ҳадемай ҳушига келади.

— Гапирма! Сен ҳам одаммисан?

— Хұп, одам эмасман. Лекин сени қамоқдан қутқарайпман. Ярим соатда вокзалдан қайтиб келиб, болани олиб кетасан. Сумка-сумка молинг ҳам Татаристонга эсон-омон етиб боради... Б... бола ҳам... Хұш, ўйлаб кўрдингми?.. Улар яқин қолиши... Бир қарорга кел!

— Аблаҳ, — кўнгли айниди Сенъоританинг.

— Битта бегона болакай учун қамалиб кетишни истайсанми?! — титради Ёфочоёқ.

Сенъорита уфқни ёритган сон-саноқсиз шаҳар чироқларига, қора осмонга сочилган юлдузларга, негадир үз қўлларига ҳам қаради. Тақдир миллион

йиллар аввал ёзиб қўйилар эмиш, аммо одам боласи ҳаётга келган чоғида азалий қисмат битигини ўзгартириш имкони бериларкан. Шубҳасиз, Сенъорита мазкур ҳикматни эслаган онда икки йўлни кўрди: бири – ростини айтиш, иккинчиси – бола ўғрисининг гапига кириш. Пешонадаги “қўлга тушасан” деган ёзувни ўзгартириши мумкин эди.

Даланинг нариги томонида ит ҳургани эшитилди. Тутун иси темирийўл бўйига ёйилди, яқин-атрофда деҳқонлар қозон қайнатмоқда эди шекилли. Дарҳақиқат, бу охирги дала, охирги имконият.

– Нима бўлди? – ҳаял ўтмай етиб келди милиция ходими.

– Жиннилик қилди, – деди Сенъорита Ёғочоёқни туртиб. – Бу аҳмоқ менинг дўстим бўлади... ҳазиллашди...

– Бизга ўгри дейишди-ку!

– У Туркия, мен Россия фуқаросиман. Биз Истанбулда танишиб қолгандик. Гаров ўйнадик... – деб Сенъорита дала четида қалин ўсган ўтларга илҳақ нигоҳ ташлаб қўйди. – Ростдан поезддан ташлайди, деб ўйламагандим.

– Анави нима? Жомадонми? – йўловчиларга ишонмади вагон назоратчиси ҳам.

– Ҳа, жомадон. Энди кераги йўқ, пачоғи чиқиб бўлди. Кетдик, ҳаммасини вокзалда гаплашиб оламиз.

– Албатта, – деди милиция ходими озар тилида. – Халқаро рейсдаги поезд сизларга бекинмачоқ ўйнайдиган жой эмас.

– Сен билан эмас, ўлим билан бекинмачоқ ўйнадик, – минфирилади Ёғочоёқ турк тилида, аммо гапига ҳеч ким тушунмади.

Эҳтимолни назарда тутган Сенъорита телефонини Жаҳонгирнинг ёнида қолдирган эди. Балки болакай ҳушига келиб йиғласа, деҳқонлар дарҳол милиция чақирмасдан, аввало, телефондаги рақамга қўнғироқ қилишар? “Абдулин” номи ўрнига “Боланинг отаси” деб ёзиб қўйгани ҳам бежиз эмасди.

— Гапимга яхшилаб қулоқ сол! — деди Сеньорита вагонга чиққаң, ҳамроҳининг телефонидан Абдулинга қўнғироқ қиласкан. — Иш пачава! Ҳамма мол мусодара бўлиб, мен қамоқقا тушмаслигим учун зудлик билан битта таксичи топ!

— Нималар деяпсан?

— Поездни “стоп-кран” билан тўхтатишган жой қаер эканини вагондагилардан сўраб, сенга айтаман. Ҳозироқ етиб борасан-да, “2317” рақами битилган устунча яқинидан пачоқ жомадонни топасан! Менга қўнғироқ қил! Ўтлар орасидан телефонимнинг овози эштилади! У ерда уч ёшли болакай беҳуш ётиби. Мен яшириб қўйдим! Эшитаяпсанми? Нима қилсанг ҳам, болакайни таксида олиб кет! Қариндошингникига жойлаштири! Қўрқма, у ўлмайди! Ҳушидан кетказувчи дори берилган! Бир оз лат еган! Мени тушундинг-а? Телефоним боланинг ёнида! Мен ҳалокат ёқасида турибман, Абдулин! Таксичи уч юз доллар сўрайдими, беш юзми, оғзига сиққанини бер! Бу жиноят эмаслигини ҳам тушунтири!

— Вой-вой, бошим...

— Чиндан бу жиноят эмас! Ота-онасининг душманларидан болани қутқариб, Россияга олиб келаётгандим. Истанбулдан Бокугача қувиб келишди, қонхўрлар! Уларни милиция ушлаб, кишанлади. Қўрқма, сенга темирийўл бўйида ҳеч ким ҳужум қилмайди. Фақат воқеа жойини текширишга милиция келгунча қорангни учир!

Уша атрофдаги дехқонлар чайлада кечки овқат тановул қилиб ўтиришарди. Ит ҳадеб вовиллайвергач, мусиқани пасайтиришди. Ораларида ёшроғи ташқарига чиқди. Ҳеч зоф йўқ эди. Поезд жойидан жилиб, тезлигини ошириди.

— “Почта” тўхтабди, — деди йигитча чайлага қайтгач.
— Радионинг овозини кўтаринглар, қўшиқ жоннинг роҳати-да!

Орадан ярим соат ҳам ўтмай ит яна безовта бўлди.

— Ит бугун әшакдек ҳанграяптыми, нима бало? — аччиқланди йигитча.

— Машина келганга үхшайди, — деди акаси. — Мусиқаны сен ҳам роса ҳангратаяпсан-да! Пасайтириң дегандан кейин пасайтири!

Йигитча тұнғиллаган күйи чайладан чиқиб, дала үйлида автомобильга күзи тушди. Одам қораси әгатлар бошидаги ёлғизоёқ издан яқынлашды, лекин үттіз-қирқ қадам қолганда тұхтади ва:

— Асадобод шу ерми? — деб сұради русчалаб.

Бу одам Абдулин эди. Кутылмаган топшириқ таъбини тириқ қылган бұлса ҳам, усталик ила адo этишга киришганди.

— Сиз адашибсиз, — деди йигитча рус тилида бинойидек тил айлантириб, — Боку үйлидан нега бурилдингиз?

— Менга қара, бу ерга саволларингга жавоб бериш учун келганим йүқ. Шу атрофни Асадобод деб аташадими, йүқми, менга шу керак, холос.

— Ҳа.

— Ҳозир поезд тұхтади, шундайми?

— Поезд тұхтади, лекин дарров юриб кетди. Асадобод ҳув анави чироқлар, тушундингизми?

— Одамлар шу ерларни ҳам Асадобод дейишиадими?

— Ҳа, лекин бүм-бүш дала-ю темирийүлда нима қиласиз? Ана, Асадобод қишлоғи! Икки чақирим ҳам чиқмайди.

— Раҳмат, — дея Абдулин ортига қайирилди.

— Арзимайди.

— Ҳа, лекин арзимайди, — пичинг қылди Абдулин.

У киракашга машинани темирийүл бүйига ҳайдашни буюрди. Мусиқасевар йигитча нотаниш кишилар қаёққа жүнашига қарамай чайласига шошилди. Ит яна бир марта ҳавога вовиллаш тарқатиб, күксини ерга бериб ётди. Хұжайин эътибор бермаган одамга гоҳо итлар ҳам эътибор бермайди.

Семофор чирогида рельслар анча наригача ажис шуъла таратиб ялтиради. Шоҳйўлдан келаётган машина гилдираклари гизиллаши, сигналлар, поезд ва кема гудоклари ҳисобга олинмаса, бу макон осуда эди. Шубилан бирга қўрқинчли ҳам. Ҳарҳолда Абдулин уч ёшли бола ўрнига ўзини қўйгач, юраги увишди.

— Қани, овоз бер, — шивирлади Сенъоританинг рақамларини босиб. — Тезроқ топила қол... Тезроқ қуённинг расмини чизай... Шундай пайтда қаердаги томошаларни бошлаб юради-я бу Сенъорита...

Гудок кетди, аммо темирийўл бўйида мусиқа овози эшитилмади.

— Сиз у ёқقا, мен бу ёқقا, — деди Абдулин таксичига.

— Синиқ жомадонни кўрсангиз ёки телефон овозини эшитсангиз, мени чақиринг!

Улар темирийўл тошларини шақир-шуқур қилиб босганча икки томонга шошилишди. Абдулин биринчи учраган устунча рақамига кўз ташлади: “2317”. Демак, бола шу атрофда... Ана, жомадон!

Шу он ер тагидан чиқаётгандек бўғиқ ва заиф мусиқа саси эшитилгандек туюлди. Абдулин рақамларни қайта териб, қабрлардек дўппайган дўнгликлар орасидан ўтди. Ўтзорни кечиб, экинзор сари юрди ва... илкис тўхтаб, оёқ остига қаради. “Ё алҳазар!” деб юборди у. Оёқ остида оқ кўйлакли бир болакай ўтиради, кўзлари кинолардаги қонхўрларни кидек қилт этмай тикилган, бежо, совуқ. Телефонни кўксига шу қадар қаттиқ босганки...

— С... салом... алайкум... — деди Абдулин тиз чўкиб.

Бола индамади. Абдулин ўрта бўйли, озгин, жиддий қиёфали киши эди. Қулт этиб юtingанди, томоғидаги ёнғоқчasi кўтарилиб-тушди. “Ё Оллоҳ! — деди ичида. — Бу ростдан тирик болами ёки арвоҳ? Нега ҳеч нимадан қўрқмай миқ этмай ўтирибди? Кўзи бунча йилтирамаса? Ифлаганми?”

— Телефонни менга бер, — Жаҳонгирнинг қўлидаги матоҳни ушлади. — Ўзбек тилини билмайман. Улар сени русчага тушунади, дейишди. Мен яхши одамман. Сени машинада... “бибип”да олиб кетаман... Кетасанми? Уйга... онангга...

Жаҳонгирнинг лаблари қимирлади.

— Нима? — қулоғини тутди Абдулин.

— Ая... — деди Жаҳонгир эшитилар-эшитилмас.

— Ая? Нима у? Кечирасан, ким у демоқчи эдим.

Онангми?

— Ая... — пиҷирлади Жаҳонгир яна бир марта.

— Ҳа, ая, ая, — бош қимирлатди Абдулин.

— Аям... — деди Жаҳонгир. Шунда Абдулин болакайнинг қалт-қалт титраётганини кўрди.

— Бер менга.

Бола телефонни қўйиб юборди. Сўнг ерга кўксини бериб, бощини Абдулин томон буриб ётди. Қоронғилик қоплаган далада ёлғиз ҳолда уйғонгач, қоронғилик ва ёлғизликдан ёинки шовқин солиб ўтган юқ поездидан қўрқиб эсидан айрилмадимикан, деб Абдулин энгашди ва ёш томаётган кўзларга тикилди. Бу кўзлардаги катталарникидек мунгни, умрбод эсдан чиқмайдиган илоҳий мунгни энди пайқаб, эти жимирлаб кетди. Бола ҳам одамга шунчалик дард, чексиз ғам билан боқадими? Йўл азобларию даҳшатли кимсалардан, она соғинчию ором соғинчидан адойи тамом бўлган эди сарсон гўдак.

— Хой, уни топдингизми? — таксичи сал нарида овоз берди.

— Кетдик! — қичқирди Абдулин ва болани даст кўтариб, таксига қараб чопдӣ.

Ит яна ҳура бошлади. Бу гал деҳқон йигитчанинг акаси ташқарилади. Боку шоҳийўлидан Асадобод даласига буриладиган жойда турган милиция машинасининг томида рангин чироқлар ўчиб-ёнмоқда эди. “Поезд тўхтади, кейин кимлардир келди, энди эса милиция...

Тинчликмикан? Поезд одам босганга ўшайди...” – деди йигит ўзига ўзи.

Поезддан ташлаб юборилган бола ҳақидаги гап-сўз эртасига ҳам, индинига ҳам тарқалмади. Бироқ савдогар хотинлар қанчалик сир сақлашга уринишмасин, ўғирланган бола хусусидаги миш-мишлар озар милицияси қулоғига ўша кечаёқ чалинган эди. Темирйўлга жўнатилган гурӯҳ у ерда ётган синиқ жомадон, ёстиқча ва чойшабларни топгач, хотинлар ҳам, Ёфочоёқ ҳам қайтадан сўроқ қилинди. Боланинг ўлигию тириги йўқ, аммо Ёфочоёқ нега жомадонни ташлади?

– Озроқ ичгандим, нега тушунмайсиз? – деди Ёфочоёқ оппоқ бинт билан боғланган жароҳатини силаб. – Мен ўзи сал тентакроқ, жунунтабиатроқман. Поездда болакай йўқ эди. Бу уйдирма. Яъни бор эди, лекин улар бошқа болалар... Қарсдан чиққан, Тбилисидан чиққан, Ганжадан чиққан... Мен нега бола ўғирлайман? Қаёққа олиб кетаман уни?! Жомадонга ёстиқ, чойшаб солдиму ўзимни отдим. Эрталабгача далада қолсам, қуруқ ерда ётмайман-ку!

– Кимдир “бала” деб чинқирган экан, сизми? – сўрашди нӯғой хотиндан.

– Бир марта қовун туширдим, қайтиб туширмайман. Улиб кетсан ҳам майли!

– Бу нима деганингиз? Айтмоқчисизки, жомадон ичиди бола бор эди, борлигини сир тутасиз, ўлиб кетсангиз ҳам майли.

– Жинниманми? Қанақа бола? Бола бор экан, қани онаси? Қани чиптаси?

– Ёлғон кўрсатма учун қанақа жазо берилишидан боҳабармисиз?

– Аслида йўқ бола учун тухмат қилишга-чи? Унга ҳам жазо бордир? Бир қариндошим юрист эди, қамалди. Уни юристлар қамоғига жўнатишиди. Озарбайжонда ҳам юристлар милиция ходимлари ётадиган қамоқхона...

— Чекиб олганга ўхшайсиз. Сизни наркодиспансерга юборамиз.

Вагон назоратчиси эса уч ёшлардаги ўғил бола борлигини айтишга айтди-ю, фойиб бўлиб қолгани ҳақида гувоҳлик беролмади. Афтидан унга ҳам ортиқча бошоғриқ керак эмасди, қўлини ювиб, қўлтиғига урди.

— Йўқ, менга шундай тувлган, — деди у. — Нариги вагонларда болалар бор эди, тўрт-беш ёш. Ўшалар билан адаштирибман чофи. Биласизми, аёл зоти шундайки, ўзи оила қуриб, бола-чақа орттирмаса ҳам, меҳрини кўнглидан қувиб солмайди. Улар қўшни вагондаги таниш аёлларнинг болаларини эркалаб-ўйнатиб юришганди.

Асосий сўроқ қилинадиган шахс, албатта, Сенъорита эди. Ёғочоёқ билан жангдан сўнг бир неча киши уни вагонга чиқариб қўйгач, Абдулинга қўнғироқ қилди, юз-қўлидаги қонни ювди, кийимини алмаштирди, кейин эса мажолосизланиб йикилди-ю ўқчиб йўталди, қон туфлай бошлади. Поезддан ўзини ташлаганида юзи моматалоқ бўлгани, оёғи қайирилгани, бели майишгани янги дард олдида ҳеч нима эмасди. Карvon Боку вокзалига кирганида ҳушидан кетди. Тўрт киши замбилда зўрға тушириб, “Тез ёрдам” машинасига ортишди.

Бу вақтда Абдулин таксичига икки юз доллар бериб, Боку аэропорти кўчасида машинадаң тушди. Бошқа бир машинани кира қилиб, Наримон туманидаги нуфузли меҳмонхона манзилини айтди. Бироқ у ердан ҳам қўним топмади. Таксичи кўздан йўқолгач, Жаҳонгирни қўшни кўчагача, то олисдан милиция патрули кўрингунча кўтариб борди. Шўрлик бола ҳолдан тойиб, Абдулиннинг қучогида қўлларини осилтириб ётарди. Ёрқин чироқли реклама экранлари ёнидан ўтишаётганида кўзини зўрма-зўраки очар, рекламада қад-қомати келишган қиз акс этганми,

олмами, баклашками, болага фарқи йўқ эди: “Ая... Аяжон...” деб зорланиб, инграницаб, эмраниб қўярди. Ҳақиқатан, гўдаккина шу тобда онасидан бошқа ҳеч кимни ахтармаётган, бошқа ҳеч ким дуч келишини истамаётган эди. “Мен қаердаман? Булар кимлар? Онам қани?” деган саволлар шу кунгача кўнглидан ўн минг марта ўтганди гүё.

Ниҳоят, Абдулин машина тўхтатиб, Наримон тумани четида истиқомат қиласидиган қариндошининг манзилини айтди. Ҳализамон темирйўл вокзалига қайтиб келиши, Истанбул юкларини “Боку-Москва” рейсидағи поездга ўтказишга бош-қош бўлиши лозим эди.

— Ё тавба, ким бу? — ҳайратланишибди Абдулиннинг қариндошлари. — Нима қилди унга?

— Илтимос, бир ҳафта сизларникида турсин, — пешонасини қашиди Абдулин. — Кимлигини, Озарбайжонда нима қилиб юрганини ҳозир тушунтириб беролмайман.

— Озарбайжонлик эмасми?

— Озарбайжонлик эмас.

— Жоним, — деди қариндошининг хотини Сусан кинояомуз эркалаб, — сизни ёш келинлигимдан биламан, пашшага ҳам озор бермайсиз. Келинг, бундан кейин ҳам шундай инсон бўлиб қолинг: болани олинг-да, жўнанг! Хонадонимизга касофат йўлатманг, ўтинаман сиздан!

— Йўқ, ҳафта ўтмасдан уни ҳеч қаерга олиб кетмайман!

— Вой-вой, тўйга келдингизми, гўрга тиққаними? Қирқ ёшга кириб қилчалик ақли йўқ одамни биринчи кўришим?! Бугун тўй бўлган уйни эртага азахонага айлантироқчимисиз?

— Майли, билганларимни айтаман, — қўлини кўтарди Абдулин. — Бир тадбиркор аёл билан бирга бизнес қилишимдан хабарларингиз бор. Бола у билан Истанбулдан келган, поездда, минг азобда, ёлғиз,

ҳужжатсиз! Кимлардир болани қўлга киритиш учун жонларини жабборга бериб елиб-югуриб юришибди. Бу ҳам етмагандек бояқиши ҳали Бокудан Москвагача ҳам кетиши керак. У ёқда отаси кутиб ўтирибди. Тадбиркор шеригим ваъда берган.

— Бўлмаса, ваъдасини ўзи бажарсин!
— Ваъда эмас, қасам!

— Ўғри эмас, қароқчи! — додлади Сусан. — Бит эмас, кана! Менга нима фарқи бор! Милиция чақираман!

— Милиция болани нақ жаллодларнинг қўлига топширади! Чунки улар болани бизга ушлаб берсин, деб кутаяпти!

— Бу эртакка ишонмайман! — хитоб қилди Абдулиннинг қариндоши қўлларини ёйиб.

— Эртак энди бошланаяпти, тоға! Яхшилаб қулоқ солинг! Бокуга бир неча чақирим қолганида, Асадобод даласида миттигина шу қочоқни жиноятчилар қувиб етишган ва жомадонга солиб, поезддан ташлаб юборишган. Танасидаги кўкарған, эзилған жойлар шундан! Қисқаси, уни ушласа, ё ўлдиришади, ё изсиз йўқотиб юборишади. Сизни шу гўдак билан милиция ушласа, нима қилади? Биз ҳеч нарса билмаймиз, Абдулин ташлаб кетганди, дейсиз. — Жин ҳам урмайди! Бола милициядан васийгами, алламбало қимсагами ўтади. Улардан ўша жаллодларга! Наҳотки, бегуноҳ болага раҳмларингиз келмаса?! Бир ҳафта нима деган гап?! Оламан-кетаман!

— Ушлабди-ю ўлдирмабди-ку? — эътиroz билдириди қариндош.

— Унда изсиз йўқотмоқчи-да, — истеҳзоли илжайди Абдулин. — Яхшиям, жиноятчилардан аввал бориб болани бу ёқса олиб қочдим... Хуллас, мен кетдим! Бир ҳафтадан сўнг келаман! Ҳозир боланинг уйдан бир қадам чиқиши менинг қамалишим дегани! Мени ҳам ўйланглар! Аслида халоскор бўламан, деб кўзим учиб тургани йўқ!

Менга деса, Истанбулдаёқ чучвара қилиб ейишсин эди!
Лекин энди кеч! Фиштни қолипдан күчирдим!

Улар Абдулиннинг изидан юз қадам наригача келишди, аммо болакайдан етти кунга воз кечиб бўлган савдогар ўламан саттор, меҳмонга яхшилаб қаранглар, деб туриб олди. Агар боланинг дарагини, ҳаттоки, қўшниларга ҳам чиқармаса, уни ахтариб бир пашша ҳам учиб келмаслигига ишонтирган бўлди.

Юклар Боку-Москва поездига ташиб бўлингач, савдогар хотинлардан бири Абдулинни четга имлаб, қоғоз тутқазди:

— Отасининг Москвадаги манзили.

Абдулин қоғозни очди ва “Москва. Одинцово райони. Дунай кўчаси, 31-завод ётоқхонаси, Ҳамидов Алиасқар” деган ёзувни ўқиди.

— Юклардан кўра бу ҳақда кўпроқ қайфурасиз. Сенъоританинг топшириги шу! — деди савдогар хотин.
— Ҳаммасини аниқ ва тез бажарсин, юклар кўчада қолса ҳам майли, деб қайта-қайта тайинлади.

— Урди Худо, — Абдулиннинг тишлари фижирлади. — Нима ишлар қилиб юрибди-я?!

— Аввал аҳволини сўрасангиз-чи! Бечора икки дунё оралиғида. Яшаб кетиши даргумон эмиш.

Боку-Москва поезди Озарбайжонни тарк этиб, Оренбургга етганида, Сенъорита қўнфироқ қилиб, Жаҳонгирни сўради.

— Сени деб қариндошларимни хавф остига қўйдим,
— ўпкалади Абдулин.

— Уни Москвага олиб бор... Васият... — деди Сенъорита.

— Васият? Нима, ўлмоқчимисан?

— Куним битган кўринади. У яхшими?

— Болами?

— Ҳа... — ҳарсиллаб сўзлади Сенъорита. — Биласанми, Парвардигори олам ўлимим олдидан яхшилик қилиш имконини бериб, менга Жаҳонгирни рўпара қилди... Уни

уйига етказишимиш керак. Майли, ҳозирча отасига... Мен бунда ҳал қилувчи рол ўйнадим... Сездингми, болакайга илоҳий кучлар ёрдам бераяпти... Бизни ундаяпти уни қутқаришимизга... Поезддан жомадонда учиб тушди, тирик қолди... Патрул келмасдан сен етиб бординг... Одамови, писмиқ бандасан... Сен ҳам болани қутқаришга киришиб кетганингни билмай қолдинг... У кичкина фариштача... Нима бўлса ҳам, отасига етказ...

- Ҳозир у ёнимда эмас, — ҳақиқатни айтди Абдулин.
- Бу билан нима демоқчисан? — Сенъоританинг овози кўтарилди. — У қаерда?
- Озарбайжонда, қариндошларимницида қолдирдим.
- Нима учун? Ким сенга бундай қил, деди, Рим?
- Милиция хитланиб қолган, тушунсанг-чи! Кейинги ҳафта олиб кетаман. Қариндошларим ишончли одамлар.
- Кейинги ҳафта Озарбайжондан бола эмас, бошқа бирорни олиб кетасан.
- Қўйсанг-чи, Сенъорита, бошқа кимни ҳам...
- “Груз-икки юз”ни.
- Тавба, бунча алжирайсан?
- Менинг умрим тугади. Сўнгги кунларим...
- Ўлмайсан.
- Сендан сўралмайди... Ҳаммаси тугади. Телефонимни синглимга топшир, иккимизнинг ўртамиздаги пулларни акамга... У ҳозир Туапседа... ёки Варвикада... ўша томонларда ишлаб юрибди. Уйимни синглимга, қурилаётган уйни эса опамга қолдираман. Онам икки дунё шармандалигидан ўз паноҳида асрашни сўрарди. Шу бола учун зора шармандаликдан қутулиб қолсам!.. Онамнинг дуоси ижобат... Нима қилиб бўлса ҳам болани тезроқ етказ... отасига... Гапларимни тушунаяпсанми? Бола... Жаҳонгир шунча сарсон бўлгани ҳам етар...
- Бола! Бола! Бошинга етти ёт бола етди, Сенъорита! Балки савоб иш қилмаётгандирсан? Уни милициядан яшириб, катта хатога йўл қўйган бўлиб чиқсанг-чи?

Шартта элчихонага топширганингда тұғри бұлмасми? Нега унга ёпишиб олдинг? Нега үз қонунларингдан чекиндинг? “Яшаш – үзи учун курашиш” деганингда мінг марта ҳақ әдінг!

— Үзи учун курашиш... — ғудранди Сенъорита. — Одам у дүнёға ишонса-ю үлганидан сұнг мукофот олишини билиб бир иш қылса, шу эмасми үзи учун курашиш? Менинг савобим үзимниги...

Мотор гуриллашига үхаш шовқин кучайди. Абдулин:

— Яхши әшитилмаяпты, алло... алло... — деди.

— Раҳмат сенга, Абдулин. Уни тезроқ отасига топширилген Алвидо...

— Алоқа яхши эмас шекилли... Ҳозир үзим құнғироқ қиласаман.

Бироқ Сенъоритага боғланишнинг иложи бұлмади. Абдулин бизнесдаги шериги билан сұнгги марта гаплашган эди. Орадан икки күн үтиб, Бокудан совук хабар келди. Сенъорита үлди, у энди йүқ. Жигари ва буйраги ишдан чиққан, юраги ҳам заифлашиб қолган экан. Ҳибсга олинган Еғочоёқ эса мамлакатдан чиқариб юборишга ҳукм қилинди. Бола үғриси осон қутулганидан хұрсанд, Жаҳонгирни тутиш учун сарфлаган пулларига куйганидан бағри-дили қон бўлиб Боку аэропорти томон түёғини шиқиллатди. Орадан ҳеч қанча вақт үтмай Истанбулга шошилинч учиб кетди. Юзига Сенъорита солған нақшлар узоқ муддат, чаккасидаги охирги чандиқнинг битишини ҳисобга олганда, уч ярим ойгача кетмади.

Ҳақиқатан Абдулин тақвим ҳисобида кейинги ҳафта Бокуга Жаҳонгирни деб эмас, Сенъоританинг тобутини Татаристонга олиб келиш учун борди. Шурликкина гўдакни боқаётган қариндошлариникига қадам босмади, құнғироқлашмади ҳам. Гүё Сенъоританинг үлимига болакай айбдордек у ҳақда үйлашни ҳам хоҳламасди.

Сенъорита асли Татаристоннинг Ямашурма шаҳарчасидан эди. Тобутни қариндошлари Қозон шаҳрида қарши олишди.

Кейин “Газель” машинасига ортиб, Ямашурмага жұнашди. Томирига формалиндан укол қилинган жасадни ёғоч кутидан чиқаришиб, кафандилар. Шу ерда, эски уйда жанозаси үқилди. Пешинде тобут яна “Газель”га юкланди. Сенъоританинг ота-боболари Ямашурмадан үн беш чақирим наридаги Оққалъя қабристонига дағы этилганди, уни ҳам ұша ёққа күмишга қарор қилишган эди. Ұлылар маконига кузатаётган мотамсаролар ва нега келгани номағлумдек туғулған түрли кишилар күзға ташланарди. Абдулин икки-учтасидан бошқа ҳеч кимни танимади. Анча йилдан бери бундай издиҳомли маъракаларда иштирок этмагани боисми, у ажыб түйғулар қуршовида қолди. Одам тириклигіда аллақаёқларда тентираб юради, үз ҳолича яшайди, пул топади, уйлар қуради, дүстлар орттиради. Бир күн келиб умр паймонаси тұлиб, ҳаётдан күз юмганида эса ёлғиз әмаслигидан ҳайратланади киши. Кечагина улар қаёқда әдилар? Бокудаги шифохонага ақалли бир кишини юборишта шунча одамнинг қурби етмасмиди? Балки бирортаси қонуний бизнес замони келганини тушунтириши мүмкін эди...

— Бола ҳам шундай, — шивирлади Абдулин үзига-үзи. — Жақонгир ҳам шундай... Ҳеч кими йүқдек құрингани билан бу боланинг орқасида ҳам яқинлари, қариндошлари, эл-юрти турибди. Ёши учда бұлса ҳам қирқ ёшли инсондек катта, ҳақиқий инсон, фуқаро. Озарбайжонга құғырчоқни ташлаб келганим йүқ, мен ОДАМни ташлаб келдим, ОДАМни...

Абдулин болани Москвадаги отасига етказишига узилкесил қарор қилди, бироқ бизнес ҳамкорининг үлеми туфайли ишлари күпайиб, яқин кунларда бүш вақти йүқ эди. Юкларни Башқирдистонда ҳам кутишаяпти. Бизнес уммон бұлса, бу уммөндеги ҳар бир балиқ ҳисобдан қолмаслиги керак эди.

Сенъорита айтганидек, телефонни синглисига топширди. Эртасига Абдулинга құнғироқ бұлди. Сенъоританинг күёви прокуратура ходими эди.

— Опамнинг телефонига Туркиядан кимдир фалати “смс” юборибди, — деди сингил. — Қанақадир бола ҳақида. Рақамларни терсам, ўчирилган. Тушунмаяпман, бола билан боғлиқ қанақадир воқеа бўлдими?

Абдулин хабарни телефон орқали ўқишни илтимос қилди. “Смс” рус тилидаги шундай сатрлардан иборат экан: “Яхши етиб бордингизми? Бола соғ-омонми? Сизга шуни маълум қилмоқчиманки, Истанбул вокзалида ҳаммолингиз ҳам, ўзингиз ҳам адашмаган эдингиз, жомадонларни алишириб қўйгандим. Бир вақтлар мен ҳам бола ўғирлаганман, лекин сиздек савобли мақсадда эмас. Менимча, иккимиз ҳам бир вақтда, бир бола сабаб ҳалоскор бўлдик! Шунинг учун чегарадан ўтказиша ёрдам бердим, шунинг учун жомадонни Истанбул ёки Анқарадаёқ сиздан ўғирлаб, болани озодликка чиқариб юбормадим. Тушунаман! Уни қутқариш керак эди! Сиз дунёдаги энг олижаноб аёлсиз!.. Алвидо! Мен бедаво дардга йўлиққанман. Биз энди ҳеч қачон кўришмаймиз! Умримдаги сўнгги хабарни...”

— Давоми йўқми? — сўради Абдулин энсаси қотгандек.

— Йўқ.

— Бу адашган “смс”, — деди Абдулин “Сенъорита” деган сўз қўлланилмаганидан севиниб. — Марҳумларнинг сим-картасини ишлатиш яхшимас, ташлаб юборинг.

— Адашган хабар эканига ишончингиз комилми?

— Ҳа. Бунинг устига мантиқсиз ва чала. Савол берган, аммо жавоб кутиш ўрнига видолашган, қандайдир ақлга сифмайдиган фантастик иқрорларни ёзган.

— Мен органга мурожаат қилсамми, дегандим. Опам Россияга Қарс орқали келаётган эди, тўғрими? Бунда бир гап борга ўхшамаяптими?

— Поездда кимдир Сенъоританинг телефонидан фойдалангандир?

— Бечора опам...

— У қанақадир жиноятга аралашмаслиги аниқ әди. Бизнесни хавфға қўйиб зарил әдими! Күп ичарди, соғлиғига қарамасди. Ўлимидა ўзи ҳам айбдор. Лекин... Албатта, бу тақдирнинг иши.

— Хўп, мен эримга лом-лим демайман. Бўлмаса, опамни экспертиза қилдириб, қайтадан суд-тиббий экспертизасидан ўтказишдан ҳам тоймайди. Сизга ишондим.

— Раҳмат. Экспертизанинг, миш-мишларнинг кераги йўқ, — Абдулин яна бир марта ишонч билан сўзлади.

Шундай қилиб, Абдулин ўзи англамаган ҳолда Жаҳонгирнинг кейинги кечмишларини бўйнига олди. Тез орада салкам бутун дунё бўйлаб ахтариладиган ёш мусоғирни Россия, Украина саргузашлари, оқ ва қора кунлар кутмоқда әди.

I китоб тугади

Адабий-бадиий нашр

Азамат КОРЖОВОВ

МУСОФИР ГҮДАК ҚИСМАТИ

I китоб

Қисса

Мұхарріп: О.Қанаев

Тех.мұхарріп: Ш.Хошимов

Сағидаловчы: Н.Мұхитдинова

Рассом: Д.Эшматов

Босишига берилди 25.04.2016. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 12,75.

Нашр босма табоғи 13,0. Адади 3000 Буюртма № 52
1 завод.

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

Нашриёт лицензияси: AI №270

*«Dizayn-Print» МЧЖ ҮИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй.*